

АЗАМАТ ҚОРЖОБОВ

84(59)

1,



ЕР
ОСТИДАГИ
АВ.ЛИИЁ

**Kitob shu yerda _____ ilgari muddatdan
kechiktirilmaga _____ topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____


--	--

Азамат ҚОРЖОВ СИД.

ард

ЕР ОСТИДАГИ АВЛИЁ

(қисса)



Тошкент – 2014

УЎК: 821.513.133

КБК: 84(5Ў)7

Қоржовов, А.

Ер остидаги авлиё (қисса) / А. Қоржовов. – Тошкент. – Т.: Kamalak-Press, 2014. 224 б.

УЎК: 821.513.133

КБК: 84(5Ў)7

Олис тоғ қишлоқларидан бирида қутилмаган воқеалар рўй беради. Қишлоққа кўчиб келган муаллимнинг гўзал қизини севиб қолган Раҳим олдинда ўзини даҳшатли азоблар кутаётганини билмас эди. "Ер остидаги авлиё ёхуд оқ ва қора изқувар тарихи" деган ном билан оғиздан оғизга кўчган воқелик инсон кўнглининг озодлигига, зеҳн-фаросатнинг куч-қудратига, яхшилик ҳамиша ғалаба қозонишига, аммо бу ғалаба қурбонсиз ҳам бўлмаслигига ишора қилади.

Азамат Қоржововнинг "Ер остидаги авлиё" номли ушбу китоби сизда катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз. Қоронғи уйдаги зим-зиё чоҳда ётган йигитнинг ҳаммага яхшилик соғиниши ва кунларнинг бирида мўъжиза юз бериши сизни янги саргузаштларга ошуфга этади.

Тақризчи: Лукмон БЎРИХОН – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ISBN 978-9943-4371-9-7

© KAMALAK нашриёти. 2014

1. НИКОҲ КЕЧАСИ ВОҶЕАСИДАН СЎНГ

Мўъжазгина идорада Аҳрорни кутиб ўтирардим. Кеч тушиб қолгани учун дам-бадам соатимга қараб-қараб кўяман. Бу ерга киришимдан аввал қўнғироқ қилганимда, беш дақиқада келишини айтганди. Йигирма дақиқа ўтдики, дарак йўқ.

— Чой ичинг, — деб ҳисобчи хотин пиёла узатди.

Шу пайт эшик шарақлаб очилди. Олифтагина кийинган Аҳрор билан баланд бўйли, офтобда қорайган, қийиқ кўз, одми йигит остона ҳатлади.

— Узоқдан меҳмон келиб қолди, — деди танишим.

— Курсдошим Сайдулла.

Биз қўл бериб кўришдик. Пича ўтирган бўлдик.

Аҳрор шу идоранинг хўжайини эди. Бугун янги асар учун қизиқарли воқеа сўзлаб бериш учун ўзи мени таклиф этганди.

— Майли, бошқа вақт бемалол келарман, — дея ўрнимдан турдим.

— Қаёққа шошасиз? — тўхтатди Аҳрор. — Ресторанда овқатланамиз. Кўз кўриб-қулоқ эшитмаган воқеа бор, зўр асар ёзасиз.

Учаламиз идора ёнидаги ресторанинг иккинчи қаватига чиқдик. Аҳрор сўзлаган воқеа куйидагича эди:

Америкада дабдабали никоҳ базми уюштирилибди. Харажатлар келин томондан экан. Икки ёшнинг қариндошларию дўсту дугоналари — жами уч юзта меҳмон ташриф буюрибди. Одатда, оддий америкаликлар саксонга кирган бобо-момосидан тортиб, синфдошу курсдошларигача тўйга чақирмас экан. Ҳамма ҳайрон: никоҳ базми учун юзлаб одамни йиғиш зарилми?

Тўйнинг сири бор экан. Авж палласида куёв ўзига сўз сўрабди.

“Атиги бир неча дақиқа вақтларингизни оламан, — дебди у микрофондан. — Бугун тўйим! Ана, тўрда бахтли келинчак! Уни тарбиялаган ота-онасига, илм берган мактаб ва коллежига, камолга етказган жамиятга ташаккур! Тўй ўзгача ўтказилаётганининг, яъни барча қавму қариндошлару таниш-билишларни чақирганимнинг боиси шуки, янги оила кураётган эканмиз, унутилмас шодиёнамизга кўпроқ одам гувоҳ бўлишини истадим...”

Меҳмонлар чапак чалиб, хуштаквозлик қилиб, ресторанны ларзага келтиришибди. "Сизлардек бир-бирига мос келин-куёв дунёда йўқ!", "Тўйларинг тарихда қолади!", "Нақадар бахтлисизлар!" каби хитоблар янграбди. Келиннинг отаси ҳам, онаси ҳам қувончдан кўзларига ёш олибди. Куёвнинг дўсти Жек рюмкага шароб тўлдириб, яқинлашибди. Жекнинг хотини эса ресторан ўртасидаги столдан уларга ҳавойи ўпич йўллабди.

"Мен ичмайман, дўстим Жек, — деб кулибди куёв. — Чекмайман ҳам. Тўғри, мен каби йигитлар даврамизда камдир, эҳтимол, йўқдир, аммо гап бунда эмас. Аввало, инсон бўлишимиз керак. Шунда умрбод бахтли яшаймиз. Бунинг исботи сифатида ажойиб никоҳ тўйимиз шарафига ҳаммангизга "сюрприз" тайёрлаганман..."

Жек елка қисиб, атрофдагиларга ширакайф ҳолда жилмайибди. Атрофдан "Қани ўша сюрприз? Бизга кўрсат!" деган шодон қийқириқлар эшитилибди, рюмкалар баланд кўтарилибди. Гўё Америка Америка бўлгандан бери бундай хушчақчақ тўйни ҳеч ким кўрмаган экан.

"Совға ҳар бир меҳмон ўтирган стулнинг тагига бекитилган, — дебди куёв. — Марҳамат, ҳар ким ўзига аталганини олсин! Бизнинг ажойиб никоҳ тўйимиздан эсдалик!"

Ёшу қари ўз стули остидан биттадан конверт топишибди. Конвертларни шоша-пиша очишибди.

"Сенга ҳам совға бор, жонгинам, — дебди куёв бахтдан гулгул очилган келинчакка. — Стулнингнинг тагида..."

Келинчак ҳаяжондан энтикиб, конвертини очаркан, ресторанга даҳшатли сукунат чўкибди, ҳатто киприқлар ҳам қилт этмасмиш. Конвертларга бир хил фотосурат солиб қўйилган экан. Қайсидир меҳмонхонадаги ётоқ диванида куёвнинг дўсти Жек ва тўрдаги келинчак... Тўйдан бир ой муқаддам куёв ёллаган хусусий изқуварнинг фотокамераси овлаган лавҳа... Кўнгилга тушган шубҳанинг далили... "Тўйдан аввал ким биландир бирга юрса, нима бўлибди? Муҳими, кейинчалик оила курси, эрига содиқ бўлса бас", дейдиганларни ҳам миқ этиб оғиз очтирмаган ҳақиқат...

"Сезгандим, лекин исботим йўқ эди, — дебди куёв. — Балки "Ҳозирча мен рафиқаси эмасман, "ўйнаб-кулиб" қолишга

ҳақлиман, дер, балки "Тўйгача бошқа йигитга яқинлашмаслик қадим замонларга хос одат, муҳими, вужуд эмас, оила қургандан кейинги кўнгил бирлиги, деб ёлғон маданиятдан сафсата тўқир... Қисқаси, менга ҳозир ҳеч ким гапирмасин! Ресторандан тинчгина чиқаман, уйимга кетаман ва эртадан бошлаб ўзимга муносиб ёр ахтараман!.. Тўйни давом эттиришларингиз мумкин, жаноблар ва хонимлар!.."

Куёв эшик томон мағрур юрибди. Ранги мурданикидек оқарган Жекнинг хотинигина бошини кўтариб, унга ёшли кўзларини тикибди.

"Кечир, — дебди куёв Жекнинг умр йўлдошига, — эринг ва анави келинчакка қўшиб сени ҳам шарманда қилиб қўйдим. Дилингни оғритишни истамагандим!.."

— Қалай? Бўладими? — сўради Аҳрор мендан. — Куёв хиёнатни фош этиш учун тўй кунини, яқинлару таниш-билишларнинг битта жойга тўпланишини сабр билан кутган. Сўкмаган, урмаган, аммо аёвсиз равишда шармандасини чиқарган. Сиз хиёнаткор келинни суратга туширган, шарманда қилиш ғоясини куёвга берган изқуварни бош қаҳрамонликка оласиз.

Сайдулла бош силкиб:

— Зўр воқеа экан, — деди.

— Бўлмайди, — жавоб бердим мен. — Интернетда ўқигансиз, демак, ё бировнинг мақоласи, ё қайсидир асардан парча. Яхшиси, ўзимизнинг ҳаётда кўрган-кечирганларингиздан айта қолинг.

— Шу. Бошқа воқеа йўқ. Сизда борми, Сайдулла?

— Биз бир оддий боғбон бўлсак, — деди курсдоши. — Диплом билан ҳам ишни эплолмадик. Ота касбни қилиб боғ яратдик, мол-қўйни кўпайтирдик.

— Афсус, — дедим кайфиятим тушиб.

Сайдулла қўл силтади:

— Ундан кўра сиз ҳам тўйга боринг, дўстим. Қишлоғимиз тоғ тагида.

— Ў-ў! — қулочини ёйди Аҳрор. — Йўлга ким билан чиқсам, деб тургандим. Таклифингиз айни муддао-да, курсдош!

Шундай қилиб, ҳафта охирида Аҳрорнинг машинасида олис вилоятнинг тоғли туманига жўнадик. Шаҳардаги ишлардан толиққан эдим, саёҳатга жон-жон деб кўндим. Туш чоғи

адирларга етдик. Октябрь қуёши қиздирар, об-ҳаво кузга ўхшамас, феруза осмонда парча булут кўринмасди. Йўлни сўрагандик, бир чўпон Боймоқ қишлоғига тўппа-тўғри кетаётганимизни айтди. Ўттиз-қирқ адир ошиб, қишлоққа етдик. Тепаликларда усти шифер билан ёпилган сариқ уйлар қўққайганди. Яккам-дуккам дарахтлар орасида шиферсиз иморатлар ҳам кўзга ташланарди.

Қишлоққа кириб борарканмиз, қаймоқранг "Каптива"га ёшу қари қизиқсиниб қарай бошлашди.

— Ўҳ, чекка қишлоқлар, — деди Аҳрор. — Ўзга бир олам!..

— Курсдошлар билан роса яйрар экансизлар-да?

— Бошқалар келмаса керак. Сайдулла ўқишдан ҳайдалиб кетган, дипломи йўқ.

— Ажойиб табиат кўйнидаги ажойиб қишлоқ, — дедим ўзимга ўзим. — Қизиқарли сюжет чиқмаслигига ишонмайман. Ҳув анави қирдаги харсангтош одамга ўхшар экан-а?

— Қайси? Ҳа, кўрдим. Қирнинг рўпарасидаги уй Сайдулланики. Тутун чиқишига қараганда, тўйга тайёргарлик авжида.

— Яхна учун гўшт қайнатишаётгандир, — дедим мен.

Сайдулла билан қучоқлашиб кўришдик. Сўйилган новвос гўштларини қассоб ва бир тўда эркак айвондаги дорга илишаётган экан. Аёллар новвосдан олдин сўйилган сигирнинг ичак-чавоқларини, калласини тозалашар, кир иштон кийган болачалардан бири "Опа-а..." деб ариллаб йиғлар, иккинчиси катта нон бўлагини ғажиб, бурнини тинимсиз тортарди.

Чой ичиб, қовурилган гўштлар билан сийланганимиздан сўнг Сайдулланинг қариндошлари билан танишдик. Гап беихтиёр асарга асос бўладиган воқеага бурилгач, қотмадан келган, эллик ёшлардаги қорача мезбон — Сайдулланинг тоғаси бошдан дўпписини олиб, оқ сочларини силади-да, деди:

— Ҳаётда нима кўп, воқеа кўп, шу ҳам муаммоми? Жиян Тошкентга борганида, оғзини ҳам очолмаган, чунки у гапга нўноқ, институтни ҳам эплормади. Бир келган экансизлар, саргузаштларнинг катта отасини биздан эшитасизлар.

— Тоға, — деди Сайдулла, — бир ўтиришда қирқта тухум еган полвонингизнию кечаси тўқайда шарпадан қочган

чавандозингизни чайнамоқчисиз? Ундан детектив чиқадими? Меҳмонга детектив керак. Детектив бировнинг изидан тушиб, охирида қўлга тушириш дегани.

— Узр, детективга тортадиган воқеа бўлиши шартмас, — дедим хижолат бўлиб.

— Э, бизда зўр воқеа бор! Нега ҳеч қайсингнинг каллангга келмаяпти?! — бирдан жонланди тоға. — Ер остидаги авлиё! Оқ ва қора изкувар!

Мезбонлар тўсатдан жимиб қолишди. Афтидан, тоға бирор нотўғри гап айтиб қўйганди.

— Нима қилибди? — қизарди тоға. — Айбми?

— Балога қоласиз, — пичирлади Сайдулла. — Бир мухбир доврўғини эшитиб, газетага чиқараман деб келганида, уйини кўрсатгани учун Ҳусанбой магазинчи ҳалигача қутулломай юрибди-ку! Қўйинг, бошқа воқеа топинг!

— Ўзгартириб ёзасизми? — тоға менга умидвор тикилди.

— Ўзгартираман.

— Ана! Ўзгартиради!

Ярим ҳазил-ярим чин эътирозлардан ғала-ғовур кўтарилди. Биров у, биров бу деди. Кўпчилик тоғага қарши чиқди. Ер остидаги авлиё ҳамда оқ ва қора изкувар тарихи ота-оналарнинг кўнглидаги жароҳати эмиш. Қайта кўзғаш шарт эмас экан.

— Бўпти, ёзмайди, қутилдимми? — деди тоға. — Фақат "сабзи тўғраш"нинг ишлари қолди. Меҳмон билан тоза ҳавода бир айланиб келайлик. Сизлар эртанги ошга сабзиларни бошлаб тўғрашга тараддуд кўриб турунглар... Юринг қани, меҳмон!

— Мен Сайдулла билан тўйининг маслаҳатини қиламан, — деб Аҳрор ғовурли хонада қолди.

Боймоқ қишлоғи тоғ ичкарисига етти чақиримча чўзилган эди. Кимсасиз қўшни қирга чиққанимизда, шамол кучайди. Одам ҳайкалига ўхшаш харсангтош панасига, кунгайга ўтирдик. Сайдулланинг ҳовлисидан кўтарилган тутунни шамол кунботарга ҳайдади. Эрқагу аёл қариндош тиним билмай ҳаракат қилаётгани бу қирдан кафтдагидек кўринарди.

— Қишлоғимизнинг ўртасида Раҳим деган йигитнинг уйи бор, — деб гап бошлади тоға. — У ёқларга ўтсангиз узумзорлардан

Азамат ҚОРЖОВОВ

ташқари олма, ўрик, беҳи боғларини ҳам кўрасиз. Раҳим Жўшқиндан кўчиб келган Туроб тракторчининг яккаю ёлғиз фарзанди. Туроб аканинг аёлини биз Сулувхон келин деймиз, Сайдуллаларга янга бўлади.

Шу Сулувхон келиннинг опаси ҳақида ҳам гапирай. Бир вақтлар қишлоғимизга Сулувхоннинг опаси Улбўсин чеча, қўлоғи чаққонгина келин бўлиб тушган. Йиллар ўтиб у бутун Боймоқни қўлга олди, пошша хотинга айланди. Сулувхон келинни Жўшқиндан кўчиртириб келган ҳам айнан ўша опаси бўлади. Энди-и, Улбўсин эркадан ҳам дадил, оловдан ҳам куйдирги яратилма-да, меҳмон! Эрини бу атрофдагилар Пирмат чўлоқ дейишади. Оёғини синдирган ҳам чеча. Лекин исботланмаган.

Улбўсин чечаларнинг оиласида ўғил туғилмаган, шунинг учун исмини Улбўсин деб қўйишган экан. Барибир ўғил туғилмаган. Хуллас, гапни ўша оиладан шу қишлоққа келиб яшаган опасингил — Улбўсин билан Сулувхондан бежиз бошламаяпман.

Меҳмон, яхшилаб қулоқ солинг! Улбўсин чеча ва Пирмат ака олти қиз топди. Ниҳоят, охирида бир ўғил кўрди. Отини Асрор қўйди. Асрор шу Боймоқ қишлоқнинг энг дарбадари бўлди. Қаерда жанжал чиқса, энанг ўлмагур Асрор бор-да! Неча марта урганман уни! Ҳозир кап-катта эркак. Уриб бўладими ҳўкизни!

Йиллар ўтди. Туроб билан Сулувхон келиннинг ёлғизи Раҳим бир жаҳон, Пирмат ака билан Улбўсин чечанинг ўғли Асрор бир жаҳон бўлиб вояга етди. Улбўсиннинг қанчалик ўткир, шаддодлигига, Пирмат чўлоқнинг олғирлигига қарамай, Туроб билан Сулувхон улардан бойроқ яшашарди. Гап шаддодликда эмас, ақлни ишлатишда, деб шуни айтадилар-да!

Икки бўла — Раҳим ва Асрор, адабий тилда айтганда, холаваччалар бир синфда ўқиди. Раҳимнинг биров билан ёқалашганини, тўйларда ичганини кўрмаганман. Асрорнинг эса ўн беш километр наридаги қишлоқда гижиллашаётганига гувоҳ бўлсам ҳам ҳайрон қолмасдим. Тагин Раҳимни ландовур, ювош, энасининг эркатойи деб тасаввур қилманг, меҳмон. У ҳам ёшлигидан бақувват, ҳақини бермайдиган бола эди. Беш кетганим шуки, кучи етганга тирғалиб, етмаганга кесак отиб юрмасди. Куч — ақлда, дерди боласи тушмагур.

Чекка қишлоққа унча-мунча одам кўчиб келмайди. Туғилиб-ўсган жойини тарк этганлар асосан шаҳарлардан, туман марказларидан, жуда бўлмаса, янги қурилган қишлоқлардан кўним топишади. Буни қарангки, Туроб билан Сулувхондан кейин тўққиз йил ўтиб, қишлоққа Эркин муаллим деган киши келди. У ҳеч кимнинг қариндоши эмасди. Шунчаки баҳаво, хушманзара масканни, мол-ҳол кўпайтириш учун кенг жойларни кўнгли тусаган бўлса керак. Қолаверса, тоғ мактабига муаллим етишмаслигини, дарслар мўллигини, ойлик кўплигини билган. Эркин — ювош ва содда, шоиртабиат инсон. Хотини Кенжагул хушсурат, хушбичим аёл бўлиб, эридан-да содда кўринар, аммо хийла пишиқ, мол-ҳолга ўч, гапдонгина эди.

Ер ости авлиёси воқеаси Эркин муаллим кўчиб келган йилдан бошланган. Негаки, муаллимнинг тўнғичининг исми Шабнам бўлиб... Очигини айтайми? Шу ёшга кириб, Шабнамдек гўзал қизни учратмаганман. Нақ фаришта дейсиз! Сутга чайилгандек оппоқ қизнинг узун қора сочлари тоғ шамолида нафис ҳилпирайди. Шунақа одоблики, овози шундай ширалики... Энг ҳайратланарлиси, шахло кўзларига тикилиб, йигитлар эс-хушларидан айриларди.

Қиз келиб, қишлоқда тинчлик йўқолди. Нафақат Боймоқнинг, балки қўшни қишлоқларнинг йигитчалари ҳам Шабнамни таллашиб, қонга белангунча муштлашардилар. Асрор жинни ҳам даъвогар бўлиб чиқди. Бироқ... Шабнам йигитни ўзи танлади. У — Туроб билан Сулувхоннинг ёлғизи Раҳим эди.

Шундан сўнг Шабнамни Раҳим ҳимоя қилиб юрди. Холаваччаси Асрорнинг ҳам попугини пасайтириб қўйди. Опасингиллар — Улбўсин билан Сулувхон ёшларнинг ишқ-муҳаббати туфайли қаттиқ жанжаллашиб қолишди. "Шабнамни барибир мен келин қиламан, — деди Улбўсин синглисига. — Сенларни ўзларингнинг Жўшқинларингга кўчиртириб юбораман! Агар Шабнамни келин қилмасам, ичган сувим ҳаром!"

Ҳа, ана шундай гаплар айтилди. Зўравонлик даври ўтган, фарзандлар улғайишган, Улбўсиннинг қўлидан нима ҳам келарди. Асрор туман марказидаги мелисахонага жойлашди. Жиноятчиларни аёвсиз фош этгани учун халқнинг орасида

"Қора изқувар" лақаби билан танилди. Раҳим Самарқандга ўқишга ўтди, Шабнам билан унаштирилди, тўйни учинчи курсга белгилашди. Унаштирув маросимида Улбўсин чеча келмади. "Синглимдан воз кечдим, Эркин муаллимни ҳам, синглимни ҳам қишлоқдан қуритаман", деб уруш эълон қилди. Бир томондан тўй, иккинчи тарафдан охири кўринмайдиган жанжаллар фасли яқинлашиб келарди. Қуда бўлаётган икки хонадон осмонига қора булут тўпланди.

Афсуски, Раҳим ва Шабнамнинг тўйи бўлмади. Раҳим бош мия саратони касалига учради. Бечорани кўрсатмаган жойлари қолмади. Ота-онада бошқа на ўғил, на қиз... Хуллас, аянчли воқеа!

Тошкентта жўнадилар. У ёқда Раҳим бир йил даволанди. Нур деганлари бўларкан. Мияни рентгенга ҳам кўп туширишаркан. Ишонасизми, қора сочли барно йигитдан эт ва суяк қолди. Дори-дармонлару тиббий ускуналар таъсирида сочлари оппоқ оқариб кетди. Кейинчалик тарихга "Оқ изқувар" номи билан кирадиган йигитнинг ташқи кўриниши ҳам оқ тусли эди. Раҳимни ҳар сафар йигирма кун даволаб, ўн кун дам беришаркан. Бир гал ўн кунлик танаффусда қишлоққа келди. Раҳимни машинадан суяб туширганмиз. Ота-онаси тугул, мен ҳам йиғлаганман. Шундай алпқомат йигит тириклай қувраб қолиши ҳам мумкин экан, астаффурулло...

"Раҳим "рак" бўлибди, врачлар ўлади, деб уйига жавоб бериб юборишибди" деган миш-миш чиққанида, Улбўлсин чеча бутун куч-қудратини фотиҳани бузишга, мелиса ходими бўлса-да, тўпорилиги, уришқоқлиги, ёвузлиги қолмаган Асрорни Шабнамга уйлантиришга ҳаракат қилди. Бир жанжалда синглисига: "Ўғлингни мен касал қилибманми? Шабнам бегонага кетмасин, деяпман!" дея ўшқирган. Ёвуз хола ҳали хияни тириклигидаёқ кўзига тупроқ торгган эди.

Асрор ҳам виждонини еди. Раҳимнинг унаштирилган севгилисига, ҳатто қиз бир кор-ҳол содир этмасдан тезроқ ниятига етишишга киришди. Улбўсин чеча Шабнамнинг ота-онасини тез авради, "Шу қишлоққа томир отасиз, қудангиз мен эканман, мушугингизни биров пишт демайди" ва ҳоказо алламбало доғулича гаплар айтди, алдади, ялинди, корсонларни тўлдириб, патир, қанд-курс билан совчиликка қатнади, тиллани

ҳам аямади. Ниҳоят, Шабнамнинг дод-войига қараб ўтирмадилар. Унинг ота-онаси Боймоққа келиб, ўзларини анча ўнглаб олишганди. Мактабда ҳам, қишлоқда ҳам Эркин муаллимнинг иззат-ҳурмати ошган эди. Шабнамнинг ука-сингиллари ҳам тоғ ҳавосида ўсди, улғайди, оила боғ ва мол-ҳолнинг орқасидан фаровон ҳаёт кечирди.

Шабнамни Асрорга унаштиришган кундан бошлаб, никоҳ тўйга тайёргарлик кўрила бошланди. Ўша пайтларда Шабнам ҳам касалга ўхшаб қолди. Қиз болага ҳамиша қийин. Нима қилсин? Бечора қиз кўп йиғлади. Уйда ота-онаси, кўчада Улбўсин чеча тинч қўймади шўрликни. Раҳимнинг ўлими муқаррарлигини қишлоқ шифокорлари ҳам гапиришарди. Уни яна бир марта муолажа қилишса, шу билан тамом: ҳар сафар муолажа олгач, соғлиги тобора орқага кетаётган йигит кейинги ўн кунлик танаффусга етиб бормади. Навбат сўнггисига... Навбат сўнггисига...

Дарҳақиқат, охириги чоралардан сўнг Раҳим буткул ҳолдан тояди. Туроб тракторчи шифокорнинг ҳузурига киради. "Ўғлингизни сақлаб қололмаймиз, — дейди шифокор. — Шу йигирма кунлик муолажа даврида вафот этади. Саноқли куни қолган. Хоҳласангиз, уйга олиб кетинг. Ҳар ҳолда уйда..."

Туроб тракторчи шифокорнинг хонасидан бир аҳволда чиқади. Бир неча ойдан бери юрагини безиллатаётган совуқ гапни эшитган эди. Ожиз банданинг қўлидан нима ҳам келарди?

Қишлоқда Асрор ва Шабнамнинг тўйи бўлаётганди. Туроб тўй куни ўғлини уйига олиб боришга журъат этолмай яна бир кун кутади. Ўғлининг аҳволи янада оғирлашади. Эртасига такси чақиришади. Ота-бола орқа ўриндиққа ўтиришади. Аниқроғи, тилдан қолган бир бурда тирик мурдани бағри хун падар ўз оғушига олади. Такси метро бекати ёнида, светофорда тўхтаганида Раҳим алланечук умид-ла кўзини очади. Кейинчалик отасининг айтишича, Раҳим худди навшадил спирти ҳидлатилган бемор каби сесканиб тушган, беихтиёр метронинг кириш йўлагига, яъни ер остига элтувчи зинага қараган. Назарида, ер остидан фақат Раҳим эшитадиган аллақандай овоз келган.

"Ота, — деб гудранади у тилини зўрға айлантириб, — ер остига... бир марта тушай... Метрони кўрай..."

Туроб ичида қон йиглаб, ўглини метрога туширади. Раҳим вагонда бир неча бекат сайр қилишни истайди. Ота бу истакни ҳам бажо келтиради.

Ўша куни бир одам бошқа бекатда поезд кутиб турган экан. Тутқаноқ касали борлиги, руҳий касаллар шифохонасида тез-тез даволаниб чиқиши кўни-кўшнисига маълум экан. Кўп вақтини қоронғи ертўлаларда, ғорларда, кўприклар остида, туннелларда ўтказаркан. Аммо йилда бир-икки марта касал ахтараркан. Бемор дуч келса, унга ташланиб, вужудидаги касалликни сўриб оларканда, бемор ҳам, ўзи ҳам ҳаловат топаркан.

Шу одам шаҳарга келгач, метрони кўнгли тусайди. Тасодифни қарангки, айнан Раҳим ва отаси ўтирган вагон унинг бурни тагида тўхтайдди. Эшиклар очилади, киши вагонга киради, Раҳимнинг рўпарасига ўтиради. Бирдан томирлари бўртиб, бадани титраб, қора тер босади, инграйдди, тўлғонади, кўзларини чирт юмади. Атрофдагилар уни гиёҳванд гумон қилиб, нарироқ сурилишади. Шунда киши кўзини ярқ этиб очади-ю, Раҳимга кўзи тушади. Поезд навбатдаги бекатда тўхтаган, эшиклар очилган эди. "Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади!" деган овоз жаранг сочган он Раҳимга ташланади. Кўз очиб-юмгунча беморни вагондан судраб чиқади. Эшиклар ёпилади, поезд жойидан жилади. Ранг-қути ўчган Туроб тракторчи ўзини ойнаванд эшикка урганча ичкарида қолаверади. Ҳалиги киши Раҳим билан бирга рельсга сакрайди. Сўнг иккиси поезднинг ортида кета бошлашади. Телбага қоронғи жой керак эди. Орқасидан қувган милиция ходими: "Яқинлашсанг, йигитни сўйиб ташлайман!" деб бақиради.

Махсус гуруҳ чақирилади. Тиш-тирноғигача қуролланган йигитлар метро туннелининг икки томонидан тушадилар. Ҳар бир сония ғанимат эди. Гаровга олинган беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жиноятчини ҳам имкон қадар тириклай қўлга олиш топшириғи берилган эди уларга. Жиноятчи ҳеч қаёққа қочолмаслиги ҳам тайин эди. Туннелдан уч юз қадамлар ичкарилашгач, рельслар ўртасида бир одам чўзилиб ётганини кўришади. Иккинчиси эса ҳарбийларнинг устига бостириб келаверади. Юришлари ўктам, важоҳатли, қандайдир ғайритабиий эди.

Худди маст гиёҳвандни эслатарди. "Тўхта! Қўлингни кўтар!" дейишади аскарлар унга, лекин яқинлашиб келувчи тўхтамайди. Огоҳлангиришни писанд қилмаётган манқуртга автоматларнинг ўлим ёғдирувчи қора оғизлари қаратилганди. Уларга юролмайдиган, гапиролмайдиган оқ сочли касал йигит — жабрланувчи, эллик ёшлардаги қаримсиқ эркак — жиноятчи экани айтилганди. Қарасалар, яқинлашиб келаётган шахс оқ сочли, ёш йигит.

"Мен қуролсизман! — дейди оқ сочли йигит хириллаб. — Ҳозир қаердалигимни тушунолмаёпман! Қандай айб иш қилиб кўйдим? Илтимос, аввал тушунтиринглар!"

"Ўғирланган касал оқ сочли, гапиролмайдиган, юролмайдиган йигит эдими ўзи? — рациядан ишонқирамай сўрайди ҳарбий. — Бу ерда бутунлай бошқа ҳолатга дуч келдик..."

Юқорида турган полковник қалт-қалт титраётган Туроб тракторчини чақириб, пастдаги воқеани сўзлайди ва ишонқирамай: "Ўғлингиз ростдан ҳам юролмасмиди, гапиролмасмиди?" — дейди.

"Ўғлим неча кундан бери тўшакда ётганди, дўхтирлар ўлади деб уйга жавоб беришганди, метрога суяб туширганман, — дейди Туроб йиғлаб. — Аскарлар янглишаётгандир..."

"Ким бўлишидан қатъи назар, тириклай ушланглар!" — рациядан буюради бошлиқ.

Махсус гуруҳ йигитлари Раҳимни ташқарига чиқаришгач, Туроб кўзларига ишонмайди. Ўғли ўз оёғида турарди, ҳатто чанқагани учун сув сўрайди ва ярим литрни қултиллади ичиб кўяди.

Тергов-суриштирувларда Раҳимнинг чиндан оғир хасталикка чалингани, мўъжиза туфайли соғая бошлагани аниқланади. Шифокорлар муолажалар сўнгги дақиқаларда кор қилганини, бемор ўлим ёқасидан қайтганини айтишади. Шифохонада манаман деган профессорлар бир ҳафта текширадилар. Бош миядаги саратон сўрилиб кетгани аниқлангач, уйига жавоб беришади. Беморларни ғайриоддий соғайтиришни даъво қилган телбаваш кимса эса руҳий хаста экани маълум бўлиб, қамоққа эмас, руҳий касаллар шифохонасига жўнатилади, палатасининг эшиклари қулфланади, назорат кучайтирилади.

Бироқ Раҳим бутунлай ўзгариб, бошқа йигитга айланиб қолади. У юксак мақсадларни унутади. Гоҳида кечалари алаҳлаб чиқади. Биласизми, уни нима қийнаган?

Сайдулланинг тоғаси шу жойда тин олди.

— Айтаверинг, — дедим мен, — ер остидаги авлиё воқеаси бир оз афсонавийлигини ҳисобга олмасак, қизиқ воқеа экан.

— Шарпалар кўп безовта қилган, — тоға овозини пасайтирди. — Оғир хасталикдан соғайиши ҳам, шарпалар ҳам афсона эмас, меҳмон. Раҳим бирор жиноят содир бўлган жойни кўрса, жиноятчиларнинг шарпаларини кўзи илғаган, товушини эшитган. Унинг кўрсатмаларига қараб иш тутилса, жиноятни очиш енгиллашган. Гўёки, жиноятчиларнинг излари фақат нарса-буюмларда эмас, ҳавода ҳам қоладигандек. Илм-фанга ҳозирча номаълум-ку-я, лекин бизнинг товушларимиз, изларимиз ҳавода маълум вақт сақланишига менинг ҳам ишонгим келади.

— Мен ишонолмайман, узр. Одамнинг аураси ҳақида эшитганман. Аура — одамни ўраб турган нур қатлами. Кимнингдир зарарланган қўлини кесишга тўғри келган экан. Кейин аура қатламини аниқловчи ускунада текширишса, тирсакдан пастки қисм кесилганига қарамай, билак, кафт, панжалар ўрни йўқолмаганмиш. Ускуна уларнинг ҳавода сақланиб қолган шакл-шамойилини акс эттирган. Бу қўлнинг йўқолмагани аура қатлами натижаси бўлган. Жиноят содир бўлган жойга бориб, бир ҳафта аввалги воқеаларни кўра олиш, товушларини эшитиш... ҳақиқатга тўғри келмайди.

— Балки Раҳимдаги ўзгариш илоҳий куч-қудратдир? Раҳим ҳар доим ҳам кучини кўрсатолмаган. Шунинг учун Раҳим ҳеч қайси мелисага керак эмасди. Терговчилар мелиса ходимларидан "Бу далилни қаердан олдинглар?" деб сўраса, "Боймоқ қишлоғидаги Раҳим атмосферада қолган одам излари ва ҳавога магнит лентасидаги каби ёзилиб қолган товушлар орқали хулоса қиляпти", дейишолмайди-ку! Бундай хусусияти ҳар доим ҳам уйғонса экан! Қачон жини кўзиса, бирор ишнинг исини искаб қоларди. Бўлмаса, этикдўзлигини қилиб юраверарди.

Кулгим қистади.

— Уни исковуч овчаркаларга ёки фолбин хотинларга ўхшатиб тасвирляяпсиз, — дедим. — Тўғриси айтими? Ҳикоянгиз бирор асарнинг бошланиши. Унинг давоми учун ҳам сюжет керак.

— Мен нима деяпман?! Албатта, бу бошланиши-да! Давомини эшитсангиз йиғлаб юборасиз!

— Эшитайлик-чи!

— Шабнамни оқ ҳам, қора ҳам тополмади.

— Бу нима деганингиз?

— Раҳим онкологиядан тирик қайтгач, кўп ўтмай Шабнам йўқолди. Оқ изқувар ҳам, қора изқувар ҳам уни бор иқтидорларини ишга солиб ахтарди. Фойдаси бўлмади.

Шу пайт пастликдан "А-ҳа-ҳей-й!" деган овоз эшитилди. Тоға ўрнидан туриб:

— Нима дейсан, ўв Шароп?! — деди томирлари бўртиб.

— Сизларни Сайдулла акам чақираяпти! — қичқирди бола.

— Нимага-а?

— Воқеаларни бошқа пайти айтиб беради, деб жаҳли чиқаяпти!

Тўй ўтиб олсин экан!

— Ярим соатда тушамиз!

— Уста келди! Одамлар сизга қараб ўтиришибди!

— Шунақа демайсанми!..

Биз қирдан тушдик.

— Шабнамнинг йўқолишига нима сабаб? — сўрадим йўлда.

— Ҳеч ким анигини билмади, — деди тоға. Кейин нариги қирдаги симтўр билан ўралган, сарғайган ўт-ўлан қоплаган, яккам-дуккам мрамартош кўзга ташланадиган қабристонга имо қилди. — У ерда Раҳимнинг ҳам, Шабнамнинг ҳам мозори йўқ. Бемозор кетиш ҳам ёмон.

— Раҳимга ҳам нимадир бўлганми?

— Узун тарих, меҳмон!

Сайдулла бир тўда болани қишлоқ оралаб кўрпача йиғишга юбораётган экан, бизни кўриб:

— Тоға, қизиқсиз-а?! — деди. — Ҳовлини айлантиради десам, меҳмонни қаёққа олиб кетиб қолдингиз? Сардорни тезроқ кестирайлик. Қўлидан ушлаб турасиз.

Тоға ичкарига кирди, мен Аҳрор билан ҳовлида қолдим.

— Бу тоғам ўзидан қўшиб гапиради, — деди Сайдулла ёнимизга келиб. — Ҳар гал ҳикоясида Асрорни ёмонлаб, Шабнамни бегуноҳ, Раҳимни бечора қилиб кўрсатади. Аслида ундай эмас. Ҳар бир инсонни тушуниб, ҳар жиҳатдан ўлчаб, баҳо бериш керак.

— Ҳақиқат бошқачами? — Тўй эгасининг гапларидан ҳайрон бўлдим.

— Ҳа, — бош қимирлатди Сайдулла. — Ўғлимнинг тўйини яхшилаб ўтказиб олай, уларнинг сирли тарихини ўзим гапириб бераман. Мендан эшитганингизни сир тутиш шарти билан!

— Хўп, — дедим. — Ҳозирча битта савол: Шабнам изсиз йўқолган экан, уни биров ўлдирганми ёки ҳеч ким тополмайдиган жойларда юрибдими? Ўртада талаш бўлган қизнинг тақдирига қизиқиб қолдим.

— Тоғам ҳам яхшилаб гапиролмаганга ўхшайди. Яна бир кун қоласизлар, "хизмат оши"да бемалол гаплашамиз. Аҳрор, нима дедингиз?

— Эртага, тўйдан кейин гапириб бера қолинг, — деди Аҳрор. — "Офис"да ишлар кўп, уч кунга қололмаймиз.

— Хўп, эртага, ҳаммаси эртага, — деб Сайдулла хотин-халаж томон шошилди.

Тоғ қишлоғидаги тўй мезбонларнинг тинка-мадорини қуритадиган ташвишларга бой эди. Уларга қўшимча юк бўлмаслик учун сирли тарихни ортиқ сўраб-суриштирмадим.

Шундай бўлса-да, ўша куни ва эртасига эрталаб ундан-бундан кўплаб воқеаларни эшитиб, бир ипга тиздим. Ер остидаги авлиё ёхуд оқ ва қора изқувар тарихи Эркин муаллимнинг тоғ қишлоғига кўчиб келишидан бошланиши ҳам айни ҳақиқат. Ким қора, ким оқ, ким ҳақ, ким ноҳақлиги эса қиссани ўқиш мобайнида маълум бўлиб бораверади. Ҳа, бу воқеа қандай бошланиб, қай тариқа яқунланади, мунгли муҳаббат қиссасини секин варақлайлик. Сайдулла ўғлига қилаётган суннат тўйга яна қайтамиз. Чунки эртанги тўйда ҳаммани, жумладан, мени ҳам унутилмас воқеа кутаётган эди.

2. ШАБНАМНИНГ КЕЛИШИ

Илгари замонда мактабда ўн йил ўқиларди. Раҳим тўққизинчи синфни битириб, ёзги таътилга чиққан кезлари кўп вақтини ўзларининг боғида ўтказарди. "Ўғлим, сен ишлашинг шартмас, дарсингни қил, боққа ёрдамчи ташлайман", дерди отаси. Бўш вақт топгач, Раҳим жинси шим, оқ кроссовка, суратли футболка, айвони узун кепка кийиб, боққа борарди-да, мардикорларга ёрдамлашарди. Уззукун уйда ўтириш, онасининг атрофида ўралашиш унга ёқмасди. Кўпинча уйига Улбўсин холаси келарди-да, шанғиллайвериб, Раҳимнинг бошини оғритиб юборарди. Айниқса, ҳар куз дадаси мардикор чақириб, уй сиртини сарғиш лой билан суватиши холасига ёқмасди.

Ўшанда сентябрь эди, Раҳимларникида сувоқчилар ишлаётганди.

— Устага шунча пул сарфлаб зарил экан-да?! — деди Улбўсин.
— Раҳим суваса бўлади-ку! Ана, бизникига борсин, Асрор эшакда сойдан сариқ тупроқ ташиб, ўзи лой қилиб, ўзи сувайди. Одам меҳнатдан ўлмаган.

— Дадаси кўпроқ дарс қилсин, дейди-да, опа, — ўғлига ён босди Сулувхон. — Ўзлари ҳам мактабда яхши ўқиган, шароити туфайли институтга боролмаган.

— Дарс қилиб, олим бўлармиди? Боймоқдан профессор чиқмаган. Чиқмайди ҳам. Мактабга муаллим етишмай ётибди-ю!

— Дадасидан эшитдим, эрта баҳорда бир муаллим оиласи билан кўчиб келаркан.


— Муаллим кўчиб келармишми? — Улбўсин чой хўплашдан тўхтаб, синглисига олайиб қаради. — Қаерга?

— Юқори қишлоқда бульдозер текислаган жойга.

— У ерни мактабга беради, дейишаётувди-ку!

— Мактабнинг муаллимига бераркан. Яхши муаллимлиги учун ҳам катталар шунча жон куйдираётгандир-да.

— Бегонага бало борми бизнинг қишлоқда?! — пиёлани тақ этиб хонтахтага кўйди Улбўсин. — Келгинди деган ном остида яшайдими бир умр?



— Унақа деманг, опа, — синиқ кулимсиради Сулувхон. — Бизнинг ҳам орқамиздан "келгинди" дейишар экан-да?

— Мен борман, Сулув! Қани, бирови айтиб кўрсин-чи! Муаллим кимнинг қариндоши экан?

— Абдуманноп директор малака ошириш институтида танишиб қолибди. Ўзи асли Ургутдан бўлиб, уч-тўрт ёшлигида ота-онаси билан Самарқанд яқинидаги маҳаллага кўчиб келганмиш. Шоиртабиат одам экан. Абдуманноп директорга "Маҳалламиздаги қассоблару савдогар билан чиқишолмаяпман. Ота қишлоғимга кетай десам, у ёқда ўн сотихдан кўп ер беришмас экан, яхшиси, ўқитувчи етишмайдиган чекка қишлоққа бориб, кенг жойда яшаб, қишлоқ болаларини ўқитаман", дебди.

— Ерга ўч муаллимга ўхшайди, — деди Улбўсин. — Юқори қишлоқдаги жой қанчалигини биласанми? Майдоннинг ўзи нақ йигирма беш сотих. Агар атрофдаги қирни ўраб олса, бир гектар. Тавба, одамлар аввал шаҳарга интиларди, энди ер учун чекка жойларга кўчиб келадиган бўлишди.

Раҳим мазкур суҳбатни эшитгани учун келгуси йил эрта баҳорда Боймоқнинг юқорисида қурилаётган тўрт хонали пахса уйни кўриб, ҳайрон қолмади.

Ёз ҳам кирди.

— Бугун-эртан янги муаллим кўчиб келаркан, — деди Асрор Боймоқ марказидаги отасининг этикдўзлик устахонасида Раҳимга. — Бизга тарихдан дарс берармиш. Менга қолса, жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлганда яхши эди. Самарқандда каратэни биладиган муаллимлар кўп экан.

— Каратэдан кураш яхши, — оёғини чалиштирди Раҳим. — Каратэ машқларини билиш бошқа, жангда қўллаш бошқа. Айтмоқчиманки, душманингиз жайдаричасига тармашса, унча-мунчага каратэни ишлатолмайсиз.

— Бўланг тўғри айтади, — мойдан қорайган қўлига бехосдан бигиз санчиб олган Пирмат чўлоқ бармоғини сўрди. — Каратэни ўрганиб, бировларни ураман дегунингча кўп йиллар керак. Кураш билан икки-уч йил шуғуллан, бўлди, рақибман деганни отиб урасан. Тўғрим, Раҳим? Бизнинг Асрорлар шаҳар кўрмаган, анқов-да! Брюс Лининг киносини томоша қилиб, каратэ осон деб ўйлайди.

— Армиядан қайтиб, мелисага ишга кирмоқчиман, шунга айтгандим...

— Ҳа-ҳа-ҳа-а... — кулди Пирмат чўлоқ. — Сендан мелиса чиқадими? Оббо, ўғлим-ей! Бунинг устига битта-ю биттасан. Опанглар узалиб кетса, уйда сен қоласан. Ё мана шу устахонамни ишлатасан, ё Раҳимнинг отасига ўхшаб, сердаромад боғ, мол-қўй қиласан-да, ўзингга тўқ яшайсан. Нима дединг, Раҳимбой? Туроб божа қишлоққа битта "Беларусь", тўртта қўй, битта сигир билан келган. Атиги бир дона ҳам кўчати йўқ эди қўлида. Ҳозир яшашини қара! Раҳим, видеомагнитофонларинг борми?

— Бор, — деди Раҳим.

— Отанг сенга "Лада" олиб бераман, дебди, оқидан. Ростми?

— Йўқ, ўқишга борасан, деган. Машинага пул йўқ.

— Божа пишиқ, — туфлига бигиз санчди Пирмат чўлоқ. — Жами еттита божа бўлсак, энг бойи шу — Раҳимнинг отаси.

— Сиз ҳам Туроб поччадай бўлинг-да, — деди Асрор.

— Э, ақл ўргатма! Бир урайми? — Пирмат чўлоқ ўғлига ёлғондакам ўдағайлагач, давом этди: — Туроб божа ичмайди, чекмайди, нукул рўзгорим, дейди. Ўтган йили божалар бир йиғилдик, тоғни бошимизга кўтариб ўтирдик, ўнталаб ичдик. Кўрдиларинг-ку! Туроб божа бир томчи ҳам олмади. Принципли!.. — У очик эшикка эгилиб қаради. — Ие, муаллим кўчиб келаяпти, шекилли.

Раҳим ва Асрор ҳам кўчага кўз ташладилар. Муюлишдан чиққан "ЗИЛ" қишлоқнинг юқори томонига кучаниб ўрлади. Бортида мебеллар, кўрпа-тўшаклар тоғдек уюлганди.

Шу пайт устахона олдига мотоцикл тўхтади. Кенг оқ кўйлак, қора шимдаги Шукур муаллим (у мактабда меҳнат ва машина бошқаришдан дарс берарди) Пирмат чўлоққа салом бергач:

— Асрор! — деди бошини юк машина томон ирғаб. — Юр, юқорига бориб келамиз! Янги ўқитувчи кўчиб келди. Кўч-кўронини туширишда ёрдамлашсанг, ўзингга яхши. Кечирасиз-да энди, Пирмат ака, Асрорни бир ишлатмасам бўлмайди!

Асрор чўткалаётган пойабзални ташлаб, чопиб чиқди-да, мотоциклнинг орқасига ўтирди.

— Сенга номига ҳам иш буюрмайди-я булар, — деди Пирмат чўлоқ нос отиб. — Бизнинг ўғил ўзимизга ўхшаган. Ким қаёққа етакласа, кетаверади. Ўз фойдасини билмайди. — У туфлига елим сурди. — Шу кетишда менга ўхшаб этикдўз бўлади.

— Айтса, мен ҳам борардим, — деб ўрnidан турди Раҳим. — Бир-икки марта ҳақ-хуқуқ талаб қилганим учунми, муаллимлар ўйлаб гапиришади. Лекин ҳақ-хуқуқни билиш — бировларга ёрдамлашмайди, дегани эмас-ку.

Раҳим лимонад ичиш учун Хусан магазинчининг дўконига юрди. Қишлоқ фуқаролар йиғини идораси олдида бир одам папка қўлтиқлаб, кимнидир кутмоқда эди.

— Эй Раҳим, гугуртинг борми? — деди у.

— Бор, — дея Раҳим чўнтагидан гугурт чиқариб, кўча ўртасида кутди.

Ҳалиги киши келиб, сигаретасини тутатар экан:

— Ёшим сендан анча катта, ука, — деди. — Гугуртни олиб бориб берай ҳам демайсан-а?

— Гугурт берганим учун раҳматми бу? — қўлини чўнтагига солди Раҳим. — Нега сиз доим шунақа фикрлайсиз-а?

— Бўпти, раҳмат, раҳмат, — дея киши дарров ундан узоқлашди.

Раҳим ўша куни эшитдики, Эркин муаллимнинг уч қиз, икки ўғли бор экан. Директор унга бир ярим ставка дарс олиб берибди. Юқори синфга раҳбарлик ҳам қиласиз, дебди.

Бир куни Боймоқ йигитлари сойда чўмилаётганида, қизлардан гап чиқди. Асрор кум устига чўзилиб, қора баданини офтобга тоблаётиб, бошини кўтарди.

— Жўралар, — деди кўзларида чўғ йилтираб, — Эркин муаллим кўчиб келган куни юкларини туширишга боргандим. Бир пайт рўмол билан ўралган портретнинг бир чети очилиб қолди. Бундоқ қарасам, биз тенги шунақа гўзал қизни кўрдимки, юрагим жизиллаб, хушимдан кетишимга сал қолди. Шукур акадан секин сўрадим. Суратдаги фаришта Эркин муаллимнинг катта қизи экан.

— Нега портретга солиб қўйибди? Ўлганмикан? — сўради манқа овозли Беги чўтир деган йигит.

— Ўйлаб гапир! — жеркиди Асрор. — У шаҳарда ёлғиз

яшайдиган холасиникида тураркан. Эҳ, ота-онаси билан қишлоғимизга келмабди-да, дедим ўзимга-ўзим. Меҳмонга бўлса ҳам келади-ку ҳали...

Йигитлар пиқ-пиқ кулишди.

— Исми нима экан, бўла? — қора кўзойнагини пешанасига кўндирди Раҳим.

— Шабнам, — деди Асрор.

— Шабнам? Қизиқ исм! — кўзойнагини туширди Раҳим. — Негадир менинг ҳам юрагим жизиллади, ўлай агар.

— Менинг ҳам, — ҳиринглади ёнидаги Беги чўтир. — Асрордан олдин ўзим илинтириб кетаман шаҳарлик ойимчани!

— Сен ҳеч одам бўлмадинг-да! — Асрор шу заҳотиёқ Бегига ташланди. Иккови қияликдан думалаб, сой соҳилига тушишди. Сўнгра оёққа қалқиб, ёввойи мушуклардек бир-бирига ташланишди.

— Нега Раҳимга индамаяпсан, Асрор? — деди Беги. — У ҳам гапирди-ку! Қариндошчилик-да, а? Икки бўлага битта қизми, дейман! Майли, нима ҳам дердик!

Ярим ҳазил, ярим чин олиша бошладилар. Ниҳоят, Асрор рақибини сой лабига отиб урди, кумуш томчилар сачради.

— Бу муҳаббатимнинг кучи! — ҳайқирди Асрор мушт қилинган қўлини баланд кўтариб. — Яшасин севги!

Йигитлар икки тентакнинг қилиқларини томоша қилишганидек қотиб-қотиб кулишди. Раҳим эринибгина чапак чаларкан, деди:

— Оббо, бўла-ей! Битта жонсиз расм жигардан уриб қўйибди-ку!

— Ҳар бир инсон умрида бир марта бўлса ҳам кимнидир севади, — ҳансираганча қумга етиб келди Асрор. — Ҳозирча жигардан ургани йўғ-у, аммо севиб қолишим аниқ.

— Севгига ишонмайман, — гапни кесди Раҳим. — Сизга ҳам шуни маслаҳат бераман. Ортиқча ҳис-туйғу яшашга халақит беради.

— Йўқ, — деди Асрор, — бу сафар севгилимни алмаштирмайман. Ундай жонона қизни қайтиб ҳеч қаердан тополмайман. Бизнинг оилани менсимаса, олиб қочиб кетаман.

Бир неча ҳафтадан сўнг Туроб тракторчи боққа мардикор ташлади.

— Мен бозорга емга кетаман, — деди у Раҳимга. — Ҳозир емнинг арзон пайти. Уч тонна босиб қўйсақ, қишда таналарни емлаймиз.

— Боққа борайми? — юз-кўзи яшнади Раҳимнинг.

— Ҳа. Яшиқларни санаб чиқ, бирортаси йўқолмасин. Кейин тушликни ҳам кечиктирмасдан элтиб бер, хўпми?

Раҳим инглиз тили дарсликларини йиғиштириб, кулоғига магнитофон кулоқчинини тақди-да, мусиқа жўрлигида боққа йўл олди. Кўпинча олмазорда ҳам, узумзорда ҳам қишлоқнинг шўх хотинлари ишлашарди. Гарчи Раҳимнинг отаси аслида бу қишлоқдан бўлмаса-да, хотинларнинг ҳаммаси янга ҳисобланарди. Озода кийинадиган, боодоб Раҳим билан ҳазиллашиш янгаларга ҳам ёқарди. Бугун улар эртапишар олмаларни териб, қурт еганларини алоҳида ажратиш учун жалб этилганди.

— Вой, Раҳимбойвачча келди! — ўртага уйилган олмаларни саралаётган хотинлар шарақлаб кулишди.

— Отасининг даврида бойвачча бўлади-да! — деди сариқ рўмолли Оқгул деган хотин. — Мен ҳам бир вақтлар отамнинг эрка қизи эдим!

Раҳимнинг тилига ўткир ҳазил келди. Ҳозир айтади-ю кулги ҳавони титратади.

— Оқгул янга, отангизнинг эрка қизи бўлгансиз, лекин...

Раҳим тўсатдан ажиб мўъжизага дуч келгандек таққа тўхтади. Хотинлар қаторида ўтирган нотаниш қиз бошини кўтариб, унга қизиқсиниш-ла тикилмоқда эди. Сутга чайилгандек оқ юзини офтоб урмаган, қора қошлари сеҳрли камонларга айланганча қайрилган, жодуваш кўзлари бутун борлиқни оҳанрабодек тортган, ол лаблари эса гунча мисоли қимтилган, чап ёноғида билинар-билинемас нуқта хол ҳам бор.

Қиз кўлидаги олмаларни нариги уюмга қўяркан, жон олар нигоҳини яна Раҳимга қалади ва сезилар-сезилмас жилмайиб қўйди.

— Ҳа, нима демоқчисиз, қайним? — шанғиллади Оқгул. — Тилингизни ютиб юбордингизми?

— Отангизнинг эрка қизи бўлсангиз... бўлибсиз-да, — гулдиреди Раҳим. — Яшиқларни олиб келай...

Хотинлар қий-чув қилиб, яна алламбало ҳазиллар айтишди, бироқ энди Раҳимнинг кулоғига уларнинг гапи кирмади. Нотаниш

соҳибжамол уятчанлик-ла кулимсираб, олмаларни саралай бошлади. Раҳим унга қарамасликка тиришарди. Ким бўлди экан? Қайси бирининг шундай гўзал қариндоши бор эдики, Раҳим шу чоққача билмаган, кўрмаган, эшитмаган. Қишлоққа келган нотаниш соҳибжамол ҳақида жўралар дарров гапириши керак-ку! Ҳа, бундай қизнинг ортидан камида қирқта йигит юради, ишқ ўтида ёнади, талашади. Қиз талашув жангларига катталар ҳам кўшилишади: "Жиянийга фотиҳалатиб кўймоқчиман", "Мен укамга кўзлаб кўювдим", "Вой, ўзим келин қиламан..."

Раҳим куппа-кундузи, бир тўда ҳазилкаш хотинлар шоҳидлигида гўзалнинг сеҳрига тилсимланиб қолганини сездирмаслик учун қарамасликка минг уринса-да, бўлмади. Иккинчи марта кўз кўзга тушди. Қизнинг найза-найза киприклари Раҳимга таъзим қилди.

Воҳ, у одам зотидан эмас, мисоли бир фаришта эди. Раҳимнинг юраги гуп-гуп уриб, қулоқлари гувиллади, ўзини ғалати ҳис этди. Ва туйқус ич-ичидан қувончли ҳайқириқ отилиб, бўғзида тўхтади. Култ этиб ютинди шўрлик Раҳим...

— Қора нуқтали олмаларни анавиларга кўшайми? — сўради қиз ёнидаги хотиндан. Талаффузидан шаҳарлик экани билинди.

Аёллар жимиб, ғотаници қизга ҳурмат ва эҳтиром ила боқдилар.

— Йўқ, бунақалари қуртлаганга кирмайди, — меҳр билан сўзладилар унга, — анави ёққа ташлайверинг, Шабнам.

Раҳим ялт этиб қаради. "Шабнам?! Наҳотки, Асрор айтган Шабнам шу бўлса? У бизнинг боғда ишляаптими? Шаҳарда, холаси билан яшайди деганди, ота-онасиникига келибди-да..."

— Қайним, — деди Оқгул Раҳимга, — меҳмон қиз тоғ қишлоғидаги боғлар қанақа бўларкан, деб қизиқди. Бир томоша қилдирай, десам, бекор ўтиришни истамай бизга ёрдамлашяпти. Тушликни дадил қилинг! Шаҳарликнинг олдида одамни уялтирманг.

— Унақа деманг, опа, мен ҳозир кетаман, — дув қизарди Шабнам.

— Ош... Ош пишираяпти аям... — деди Раҳим.

— Янги кўшнининг шаҳардан келган қизини кўриб ўтай деб

борсам, қишлоғимизга маҳлиё бўлиб уйининг олдида туристларга ўхшаб турган экан, — деди Оқгул атрофдагиларга. — "Жаннатмакон қишлоғимизга хуш келибсиз, Шабнамой", дедим. "Мен ҳам шаҳардан кўчиб келсаммикан?" деганди, "Ота-онангиз танлаган шундай жойда яшамасангиз, ёшлик увол", дедим. Қишлоғимиз номи нега Боймоқ эканини ҳам тушунтирдим. Оёғини қийшиқ босадиганларнинг лақаби боймоқ. Лекин бизга умуман алоқаси йўқ. Катта энам "Боймоқ" аслида "Бойи Моҳ" дегани, деб кўп айтарди. Осмонга тўлин ой чиққанда, қишлоғимиз таърифга тил ожиз даражада ўзгаради. Бундай маконда яшашни худойим ҳар кимга ҳам насиб эттирмайди.

— Сизни Самарқандда холаси билан яшайди, дейишганди, у кишининг фарзандлари йўқми? — сўради бир хотин Шабнамдан.

— Холам билан поччам бефарзанд эди, — Шабнам ширали овозда сўйлади. — Икки йил аввал поччам вафот этиб, холам ёлғизланиб қолди. Қон босими тез-тез ошади. Кеча санаторияга кетди, мен бу ёққа келдим.

— Боққа олма теришга кетаётганимни айтсам, келишга қизиқди, — деди Оқгул. — Тоғлар орасидаги серсоя боғ худди эртақлардаги шаҳзодаларнинг боғига ўхшайди, деб роса ҳайратланди.

— Раҳимбой ўнинчи "А" синфнинг ўқувчиси, холос, — деди хотинлардан бири. — Ҳечам шаҳзода эмас!

Кулги кўтарилди. Раҳим қутилардан яна ташиш учун нари кетди. Асрор менга фалончи қиз ёқиб қолди, писмадончи қиз тушимга кирди, деса, Раҳим: "Нега шу вақтгача ҳеч кимни севмадим? Ишқ-муҳаббат нима ўзи?" деб ўйларди. Айниқса, "Усиз яшолмайман" қабилидаги гаплар Раҳимга шунчаки қизиқ устида айтилган алжираш бўлиб туюларди. Гоҳида севишганлар ота-оналарнинг қаршилигига учраб, бошқа-бошқа турмуш қурадилар, қани бир-бирисиз яшолмаганлари? Эр, рўзғор, бола-чақа ташвиши билан умр кечириб юришибди-ку. Тўйларда шундай ясан-тусан қилишадики, шундай шох отиб ўйнашадики, ҳеч ким уларни севгани билан турмуш қуролмай армонда яшаяпти, демайди. Раҳимнинг тушунишича, ёшликдаги севги унутилади, ошиқлар ўз оилалари билан андармон бўлишади. Ҳар замонда ёшликдаги

ширин дамларни бир эслаб қўйишади. Ўтмишни эслаб, хўрсиниш ҳар инсонга хос-да. У — муҳаббат эмас, хотиранинг ўзини ўзи тафтиш қилиши. Сўнган муҳаббат ҳужжатлари хотира архивидан топилиши, ҳали-ҳамон уни севар экан дегани ҳам эмас. Севган одам севгисиз яшолмайди, бир кун ҳам. Зеро, севги унутилмаган туйғу. Унутилдими, у севги эмас.

Раҳим ҳар гал аёлларнинг даврасига яқинлашаётганида вужудини ҳаяжон аралаш ёқимли қувонч эгаллаб олаётганини ҳис этарди. Ҳатто, ёғоч қутилар томон бораётганида ҳам Шабнамнинг шу оламда, шу мамлакатда, шу боғда борлигидан беҳад шодлик, шукроналик, масрурликни туйди. Шабнам уйига кетиб қолса-чи? Йўқ-йўқ, шу заҳотиёқ боғнинг, ишчиларнинг, ҳосилнинг бир тийинлик қизиғи қолмайди. Шаҳарга жўнаса-чи? Бу — ноҳақлик! Бу — одамни пичоқсиз сўйиш! Шу қадар шафқатсизлик қилар экан, нега тақдир учраштиради у билан?

Раҳим яшиқлар панасига ўтириб, қувончдан энтикканча кўкка боқди.

— Мен севиб қолдимми? Наҳотки, бир кўришда... — Тупроқни ғижимлади у. — Меники! Меники!.. Биз келажакда бирга бўлмас эканмиз, нега тақдир уни бизнинг чорбоққа келтирди? Нима, Боймоқда бошқа боғ йўқми?.. Эҳ, нега ўша куни Шукур муаллимнинг мотоциклига мен ўтирмадим? Асрорга "Сиз отангизнинг этикдўзлик ишларига ёрдамлашинг, бўла, буюртмаси кўп экан, бир ўзи улгуролмайди" десам бўларди-ку...

Шабнам ўрнидан турди.

— Қайним, меҳмонни кузатиб қўйинг! — деди Оқтул. — Кўчада итлар кўп, тагин меҳмонни тишлаб олмасин.

— Йўқ, ўзим кетоламан, — шошилди қиз. — Ҳаммангиз билан танишганимдан хурсандман. Хайр, опажонлар!

— Боринг, қайним! Нега анқаясиз? Ит қопса, сиз жавоб берасиз! — деди бошқа бир аёл.

Икковига хотинлар маъноли қарадилар. Раҳим умри бино бўлиб бундай хижолат чекмаганди. Тилига калима келмай Шабнамнинг изидан тушди. Орқадан аёлларнинг "Раҳим ўзгариб қолганини сездиларингми?" деб кулишгани кулоққа чалинди.

— Ўнинчи синфга ўтдингизми? — деди қиз сал нарига боришгач.

— Ўнинчи... Ҳа, ўнинчи... — Раҳим очиқ-ойдин довдиради. Кесакка қоқилиб кетгани етмагандек олма шохин юзини тирнаб юбораёзди. — Ўнинчи "А" синф... Сиз-чи?

— Сиздан бир синф кичикман.

Раҳим қадамини секинлатган эди, қиз тезлашди.

— Ишингиз кўп экан, майли, бораверинг, — деди у.

— Йўғ-е... Кузатиб қўяман...

Боғдан чиқиб, чанг кўча четидаги чим босган ариқ бўйидан юрдилар. Раҳим сармаст ҳолда унга эргашиб борарди. Қанийди йўллар узайса, охири кўринмаса. Қиз эса кузатиб қўйиш шарт эмаслигини кўча ўртасида яна эслатди. Бироқ узумзордан тошган сув кўчани босганини кўргач, бошқа йўлни истади:

— Қандай ўтаман?

— Оролчиларга сакраймиз, — деди Раҳим.

Иккови шапалоқдек куруқ ерларга оёқ учида ҳатлаб-ҳатлаб илгариланди. Кўшни боғдаги йигитлар нотаниш соҳибжамолга оғизлари очилиб, қараб туришарди.

— Вой, қўлингизни беринг, йиқиламан ҳозир... — ширингина нола қилди Шабнам сув ўртасида.

Раҳим унинг оппоқ, момиқ қўлидан тутди.

Ўша кунини ошиқу бенаво йигит тонггача бедор ётди. Кўз олдидан Шабнам нари кетмай, момиқ қўл тафти ҳам юрагини жиз-жиз кўйдириндан тўхтамади. Дунёда ишқ мўъжизаси яратилганини, у инсонини бутунлай ўзгартириб, жодулаб қўйиши, бедаво дардга ухшаб ҳеч тинчлик бермаслигини Раҳим энди англади.

— Фақат меники бўлади, фақат меники... — шивирлади телбаларча. — Агар унга бошқа эга чиқса, чидолмайман... Ёлғиз фарзандман... Дадам ҳам, аям ҳам дардимга қулоқ солади. Мактабни битиргандан фотиҳалатиб қўйишса, армиядан келганимдан тўйимиз...

Хурсандлигидан йиғламоқни хоҳларди. "Эй тилсимли ҳаёт! — хитоб қилди хаёлан. — Мен бир оддий йигит бўлсам! Нима каромат кўрсатган эдимки, бунчалик қимматбаҳо совғани ҳады этдинг? Минг марта шукр! Уни узоқдан кўришга ҳам зорман. Агар хотиним бўлиб қолса-чи? Мен билан битта уйда яшайдими?. Йўқ, бундай бахтдан тентак бўлиб қоламан. Ҳақиқатан севги одамни эс-хушидан айирар экан. Севгисиз яшаш мумкин эмаслиги рост. Севгисиз яшаш — умрни зое ўт-казиш..."

Ёнида Шабнамнинг ухлаб ётганини тасаввур қилиб, оҳиста ўтирилди. Лаблари қувраб кетди ҳаяжондан. Майли, у ҳозирча хотини бўлмаса-да, бир ажойиб қонун чиқиб, доим бирга яшашга маҳкум этилса, шунчаки ошиқ-маъшуқлар сифатида ҳалол-пок бўлиб, тирноқ учини ҳам теккизмаса...

— Шабнам, сени севаман, — деди Раҳим. — Исмингин айтиш ҳам юракни ўртаб юборади-я! Шабнам... Шабнам... Шабнам...

3. ҚИЗ ТАЛАШГАН ҚАРИНДОШЛАР

Августнинг бошида Шабнамнинг холаси вафот этди. Соҳибжамолнинг ишқида куйиб-ёнаётган Раҳимнинг миясида: "Энди Шабнам қаерда яшайди?" деган ўй ярқ этди. Чуқур энтикиб, онаси томон бурилди.

— Ая, у киши нимадан ўлибди?

— Худди танийдигандек сўрайсан-а? — ҳайрон бўлди онаси.

Раҳим ўлим хабаридан ачинмади, уни фақат ва фақат Шабнам қизиқтирарди. Шу билан бирга, ўзини марҳумага ачингандек кўрсатишни хоҳларди. Бу хоҳишини тиёлмай:

— Бечора. Икки йил бурун эри вафот этган бўлса. Энди ўзи... Ҳаёт шу-да... — деди онасини янада ҳайрон қолдириб.

— Эри қазо қилганини қаердан биласан?

— Ҳозир ҳамма Эркин муаллим, у кишининг оиласи, қариндош-уруғлари ҳақида гапираяпти, одамларга мавзу топилди.

Раҳимнинг онаси Сулувхон тузуккина чевар эди. Янги ўқув йилига бир ҳафта қолганида, Улбўсин холасининг қизи Камола тўйга кўйлак тиктиришга келиб, турмуш қуришдан гап чиққанида, деди:

— Сулувхон хола, Эркин муаллимнинг Шабнам деган қизи бизнинг мактабда ўқирмиш. Шаҳарлик қиз бўлгани учунми, чиройли бўлганиданми, бутун Боймоқ йигитлари унга ошиқ.

— Болалари тушмагур-ей...

— Нимасини айтасиз, Асрорнинг хонасидан Шабнамнинг расмини топиб олдим. Энам "Ўғлим севишадиган ёшга етди. Уйланадиган вақти келса, хоҳлаган қизини олиб бераман. Эркин муаллимлар ким? Министрнинг қизи бўлмайдими?!" деди. Асрор

ҳам уялмай: Тўппа-тўғри айтасиз! Уйлансам, Эркин муаллимнинг қизига уйланаман” деса бўладими? Ёқамни ушлаб қолибман. Асрор уят-пуятни билмайди, хола.

— Аёллар тунов куни тўйда “Жа чиройли қизи бормиш”, дегандай бўлувди, ўшамикан? — жиддий тортди Сулувхон.

— Шаҳардаги холасиникида яшаган. Холаси яқиндан оламдан ўтганди.

— Ҳа, худди ўша. Асрордан бир ёш кичик. Бўпти-да, хола.

Сулувхон беихтиёр Раҳимга қаради. Раҳим уйдан чиқди. У ўйлаб олиши керак эди. Ҳам холасининг ўғли, ҳам синфдош дўсти бўлмиш Асрорни ҳурмат қилади, аммо Шабнам масаласида Камола янглишаяпти. Қиз Асрорни танламайди, чунки... чунки шундай бўлиши керак. Раҳим холаваччасини яхши билади: у сира Шабнамга муносиб эмас. Сўкиниши, чекиши, ичиши, қизларни доим камситиши. Келажакда ундан хотинини урадиган, хиёнат қиладиган тўпори эр етишиб чиқади. Наҳотки, буни ҳеч ким пайқамаяпти? Ё аҳли дунёга фарқи йўқми? Балки шундайдир, лекин Шабнам адашмаслиги керак.

— Йўқ, — Раҳим дарахт тагига ўтирди. — Нималар деяпман? Асрор туғишган холамнинг ўғли-ку! Мен худбин эмасман... худбин эмасман. Шабнамнинг ўзи иккимиздан биримизни танласин! Севги изҳор қилмайман. Кутаман. Қачон у Асрорни рад этса, ҳаракатимни бошлайман.

Шу кундан бошлаб Раҳим ишқ дардини ичига ютиб яшади.

— Раҳимжон, Эркин муаллимнинг қизи ота-онасиникига кўчиб келганмиши? — деб сўради онаизор бир куни.

— Ҳа, ўтган куни Камола холам айтаётувди-ку.

— Яхши қизмикан ишқилиб?

— Билмасам. Менинг нима ишим бор, ая?!

— Вой, сўрадим-қўйдим-да, — деди онаси. — Улар ҳақида ҳамма нарсани билгич эдинг-ку?

Кўп ўтмай янги ўқув йилига кўнғироқ чалинди. Бўёқ иси анқиётган икки қаватли мактаб йўлаклари янги кийимдаги ўқувчиларнинг шовқин-суронига тўлди. Хаял ўтмай дарс бошланди. Кун иссиқлиги туфайли айрим хоналарнинг эшиклари очиқ эди. Раҳим йўлак охиридаги физика хонасида

9-"А" синф ўқувчилари ўтирганини, Шабнам атиги бир неча қадам нарида, девор орқасида эканини ўйлар, шу тобда ўқитувчи янги қизни бирор иш билан дарсдан чиқарса-ю, йўлакдан ўтиб қолишини орзу қиларди.

Не тонгки, шу пайт Раҳимнинг хаёлидаги воқеа юз берди: оқ фартук, кўк кўйлакдаги, кумуш лента таққан Шабнам йўлакдан ўтди. Ва ўтаётиб, беихтиёр очиқ эшикка қаради. Биринчи партада ўтирган Раҳимнинг кўзига кўзи тушди. Қиз енгил ҳуркиб, жодуваш нигоҳини олиб қочди. Раҳимнинг назарида, ҳурлиқо уни кўрган онда ҳақиқатан ҳам ҳаяжон ва ҳузурбахш энтикишдан титраб кетди. Боғдаги учрашувдан бери ўртаётган соғинч ҳам сезилди гўё. Қиз айнан Раҳимни кўриш ёки унга кўриниш бериш учун муаллимига алланимани баҳона қилиб дарсдан чиққанга ўхшарди. Ҳа, қиз сезилар-сезилмас жилмайиб ҳам кўйди. Раҳим буни илғади, илғамаслиги мумкин эмасди. Раҳимга кўзи тушган заҳоти ковоқ солиши ҳақиқатдан йироқ эди-да.

— Ў-ў-ў, — деди Беги чўтир.

— Яйловда юрган дамларингни унут, ўртоқ Кулматов, — танбеҳ берди ўқитувчи. — Мактаб аллақачон бошланди... Эшикни ёп, Раҳим!

Бугун ажойиб кун эди. Уларнинг нигоҳлари ярим дақиқада икки марта тўқнашди. Раҳим эшикни ёпаётиб, Шабнамнинг ортидан тикилди. Шабнам синфдош қизга дуч келиб, унга гапириш асносида бурилди. Назарида, атайин бурилишдан бошқа ҳодиса эмасди. Раҳим эшик тутқичини ушлаганча турарди. Шабнамнинг кўзлари бахтдан қисилиб, лаблари чиройли кулимсиради. Оппоқ юзидаги нуқта хол ҳам боғдагидан ўн чандон гўзал эди.

Ҳаёт ўзгарди. Энди Раҳим ҳаётни таниёлмай қолди. Шунчалар масрур дамлар эдики, қизни ўйлаган сайин юраги потирлаб урганча бўғзига тиқиларди. Кувончдан ҳовлига югуриб чиқиб рақсга тушишга, ҳайқиришга, "Шабнам, сени севаман!" деб қичқиришга — юз хил тентакликка ҳам тайёр эди у.

Шунга қарамай, Шабнам билан гаплашиб олишга эмас, ниҳоясиз хаёллар суришга интиларди. Китобларда ўқиган эдики, Мажнун Лайлининг, Фарҳод Шириннинг, Тоҳир Зухранинг

ишқида ёнган, аммо муҳаббатни пинҳон тутишмаган: дил изҳорлари, мактублар, суҳбатлар. Агар ўртада Асрор бўлмаганида ҳам Раҳим пинҳоний ишқни танлаган бўлиши хусусида ўйлаб қолди. Шабнам билан кечалари сой бўйида қўл ушлашиб юришни, овлоқдаги тут тагида бўса олишни эмас, ҳеч қандай тамасиз севишни, ота-онаси совчиликка бориб, бошларини бириктириб қўймагунча қўлидан ҳам ушламасликни истарди. Шунда ҳаммаси қонуний, ҳаммаси кўнгилдагидек бўларди. Қўлидан тутишни ҳам тасаввур этолмаган ошиқ йигитга севгилисини хотинликка бериб, янгаларнинг "Ёр-ёр"и остида иккисини чимилдиққа кузатиб қўйишса, шу эмасми беқиёс бахт? "Ишқий номалар битиб, кечалари уй атрофида ўғридек кезиб, тўйлардан қайтишда изидан қароқчиндек тушиб, боз устига, қиз болани қишлоқда гап-сўз қилиб, нима зарил..." Раҳим шундай фикрларди. Севганини олиб қочиш, унга зўравонлик йўли билан эришиш, ҳар бир қадамини санаш... Йўқ, Раҳим, дунёда ўзиники каби пок ишқнинг мавжудлигига, бу туйғунинг чексиз яшашига ишонарди. Севгисига қанчалик эътиқод қилса, висолга ҳам шунчалик ишончи комил эди. Шундай экан, у ҳамма гап Шабнамда, деб ўйларди. Бошқаларга рўйхушлик бермаса, Раҳимнинг совчиларига розилигини айтса, бас. Яна қандай муаммо бўлиши мумкин?

Бироқ ҳаётда не-не воқеалар юз бермаган. Баъзи қизлар кўз қарашлари ила умид уйғотади, кейин эса бошқага турмушга чиқмоқчи эканини айтишади. Гоҳида Раҳим висол онлари етиб келишига ишонмасликка ўхшаш туйғуни туярди. Ёлғиз фарзанд бўлгани сабабли ота-онаси уни тезроқ уйлантириб, оила сафини кенгайтириш ташвишида яшаётганларини ҳам кўриб-билиб юрарди. Келинга атаб ҳозирдан матолар олинаётгани-ю четдаги икки хонани келин-куёв учун тузаб қўйишаётгани-чи? Агар Раҳим ва Шабнам мактабни тамомлаган бўлганларида, эҳтимол, шу йилнинг ўзидаёқ Эркин муаллимникига совчиси борарди ва бир ойга қолмай никоҳ тўйининг тантанаси тоғни жунбушга келтирарди.

Кўнгилдаги ишқни батамом яшириб бўлмас экан. Нафақат онаси, ҳатто Асрор ҳам сизди. Қишлоқда дид-ла кийинадиган, адабий тилда сўзлашадиган, ўзини сипо тутадиган, кино, қўшиқ,

ҳаёт хусусида китоблардагидек фикрлайдиган икки инсон бор эди: бири Раҳим, иккинчиси Шабнам. Иккиси ҳам шу вақтгача ҳеч ким билан севишмаган, дунёқараши, оиласи, феъл-атвори, бўй-басти бир-бирига мос ёшлардан эди. Бири барно бўлса, иккинчиси ҳурлиқо. Асрор ўзини Раҳимдан олиб қочадиган, асабийлашадиган бўлиб қолди. Раҳим шаҳарлик қизга бефарқ эмаслигини билиш қийин эмасди. Шундай гўзал қиз келади-ю, Раҳимнинг юраги жиз этмайдами? У бир оғиз севги изҳор қилса, Шабнам кўнадигандек эди. Бундан ташқари Раҳим Самарқанддаги университетта ўқишга кирмоқчи. Ота-онаси бўрдоқиларни сотиб, шаҳардан уй олиб бермоқчи. Олма боғ ва узумзордан тушган даромадларни ҳам неча йилдирки, машина ёки уй учун йиғишаётганини Асрор биларди. Кейинчалик Раҳим шаҳарда ишлаб қолади. Миш-мишларга кўра, Шабнамнинг холаси ўз уйини Эркин муаллимнинг оиласига, аниқроғи, Шабнамга мерос қолдирган. Албатта, Шабнам ҳам мактабни битиргач, Самарқандга ўқишга жўнайди. Ҳар ҳафта ё ҳар ойда қишлоққа бирга қайтишади. Шаҳарда ўқийдиганлар олис Боймоқ қишлоғида мўътабар саналиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Иккиси ҳам аълочи, китобсевар. Иккиси ҳам шаҳарда ўқийдиган талабага айланади. Асрор ким? Умрида битта китобни охиригача ўқиганми? Отасининг пиёнисталиги, онасининг уришқоқлиги, опаларининг ҳам онадан қолишмаслиги, эл чўчийдиган хонадон экани, етишмовчилик, кўни-кўшнию қариндошлардан қарз сўрашлари, бирда қайтаришлари, бирда қайтармасликлари...

— Унга хат ёздим, ўқиб кўринг, бўла, — деди октябрь охирларида Асрор букланган қоғозни узатиб.

— Нима бу? — қоғозни олмади Раҳим.

— Шабнамга севги номаси. Нима, мумкин эмасми? Нега норози қарайсиз одамга?

— Норози қараганим йўқ. Ҳайронман, мен... мен нега бировнинг шахсий хатини ўқишим керак?

— Мен унга уйланмоқчиман, — тишлари гижирлади Асрорнинг. — Расмини ҳам берган. Мана! — У Шабнамнинг чизик тушган, рангсиз суратини кўрсатди. — Ўтган куни эшитдингизми, йўқми, нариги қишлоқлик Асад келган экан, гаплашиб кўйдим у билан.

— Шабнамнинг олдига, мактабга келибдимми?

— Йўқ, уйига. Тоғаваччаларини эргаштириб борибди-да, китоб баҳонасида учрашувга чақирибди. Шабнам чиқмабди, лекин барибир Асаднинг қилиғи газабимни кўзғади. Яна бир марта қадамини босса, бурнини ерга ишқайман лаънатининг.

— Бундай юрганингиздан Шабнамнинг хабари борми?

— Йўқ-да! Ёқтириб қолганимни, мактабни битирсак, унга уйланишимни билиши керак. Хатни бекорга ёздимми! Агар тақдиримда шу қиз битилмаганида, Эркин муаллим чекка қишлоғимизга кўчиб келармиди, Шабнамнинг холаси ўлармиди, Шабнам бизнинг мактабда ўқирмиди, мен уни танирмидим...

Раҳим ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Устимдан кулаяпсизми, бўла? — қошлари чимирилди Асрорнинг.

— Тақдирга бунчалик ишонмасдингиз-ку, — елкасига қоқди Раҳим.

— Нега энди?

— Узр, узр, сизни яхши билмас эканман. Майли, омадингизни берсин. Лекин... Шабнам сиз ўйлаган қиз эмас.

— Нима демоқчисиз? — Асрорнинг кўзида хавотир кўринди.

— У ҳали ёш. Бу — биринчидан. Иккинчидан, тоққа эрга тегаман, деб келмаган. Ҳали Самарқандга ўқишга кетади.

— Осмондаги ой эмас-ку! Менинг нима кам? Отам бой эмаслиги учунми, қоралигим сабабми? Э-э, аввало соғлик бўлсин, бўла! Йигитнинг моли кўчада! Мен уни бахтли қиламан! Шундай бахтли қиламанки...

— Йўқ, — нафсонияти кўзиди Раҳимнинг, — у ҳақда менга бошқа гапирманг. Тағин кўнглингизга олманг, қиз боланинг эгаси кимлиги вақт-соати келса маълум бўлади. Ҳозирча жим юрган яхши. Сизга бунга аввал ҳам айтганман.

Одатда Асрор бундай ҳолатларда суҳбатдошининг ёқасидан олгувчи эди. Таассуфки, қаршисидаги бегона эмас, Сулувхон холасининг ёлғизи, ўз холаваччаси — Раҳимжон. Иккисининг ўртасида бир неча йилдан буён ҳурматдан ҳам кўра ҳайиқишга ўхшаш муносабат пайдо бўлганди. Бир синфда ўқишса-да, ҳеч қачон сен-менга боришмаса-да, қалин дўст ҳам эмасдилар. Синф йигитлари икки гуруҳга бўлиниб кетишганди: Асрор бирида, Раҳим иккинчисида. Синфдошлар унча-мунчага гижиллашишмас,

байрамларни алоҳида нишонлашмас, аммо ички гуруҳ ўртасидаги чегаралар айрим ҳолларда яққол сезилиб қоларди. Хусусан, Асрор ва ўртоқлари уйларида қочиб чиқиб, бошқа қишлоқлардаги тўйларга жўнашар, бегона йигитлар билан муштлашишар (ёки апоқ-чапоқ бўлиб, зиёфатхўрлик қилишар), уйларига ярим кечаси қайтишар, қишлоқдаги енгилтабиат қизларни учрашувларга чақиришар, бир ой бири, иккинчи ой бошқаси севиб юрар, узун қиш кечаларида бирортасининг уйига тўпланиб, нарда ўйнашар, нос ва сигарет чекар эдилар. Раҳимнинг атрофидаги йигитлар андишали бўлиб, қизларнинг дўсти эди. Улар байрамларда қизларга гул ва откриткалар совға қилишни, мактаблараро мусобақалар ўтказишни ташкил қилишарди. Шанбаликларда ҳам фаол иштирок этишарди. Синф аҳли байрам кунлари бирор кимникида ўтириш уюштиришса, Раҳим ва ўртоқлари қатнашсагина қизлар ташриф буюришарди. Акс ҳолда ичиб олган Асрор ва унинг гуруҳидегилар чироқни ўчириб, синфдош қизларга тегажоғлик қилишдан, вальсга тушишга мажбурлашдан, уйга кузатиб қўйиш чоғида ҳам хафа қилишдан ҳечам тортинишмасди. Шундай воқеалар сабаб бир неча йилдан бери аразлашиб юрган йигит-қизлар ҳам йўқ эмасди синфда.

Октябрь охирида Асрор ишқий номалардан бир нечтасини Шабнамга йўллади. Қиз хатларни ўқишни истамади. Раҳим эшитдики, холаваччаси мактабдан қайтаётган қизнинг йўлини ҳам тўсибди. Шабнам унга шундай гаплар гапирибдики, Асрорнинг нафаси ичига тушиб қолибди.

Мактабни битирган йили Раҳим ўқишга ўтди. Туроб тракторчи сутранг "Лада" олди. Ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритган кун Раҳим дўконга машинасида келди. Дўкон олдида Беги чўтирни учратиб қолди. У:

— Бу ёққа юр, Раҳим, магазиннинг орқасида болалар билан ўтирибмиз, — деди. — "Нўл олти"ни қачон ювасан?

— Э, бўлажоним, — кучоқлади дўкон орқасида маст Асрор, — бугун менинг юрак-бағрим қон, шунга ичдим. Бундан кейин ичсам, нон урсин!

— Қасамни йиғиштиринг, — деди Раҳим. — Юринг, уйингизга кузатиб қўяман. Бунақа юрганингизни холам кўрса...

— Мен тамом бўлганман, шу юришда ўлиб кетаман, — кўксига муштлади Асрор. — Ҳеч ким одам ўрнида кўрмайди... Қизлар ҳам... Чунки отам этикдўз, онам жанжалкаш... Мен алкаш... Хўп денг, бўла! Сизда ҳамма нарса бор: пул, машина, обрў, билим! Мен эса... ўзимни ўлдирсам қутуламанми бунақа ҳаётдан?

— Маст бўп қолибсиз.

— Шабнам менга тегмоқчи эмас, — Раҳимни қаттиқроқ қучоқлади Асрор. — Эшитдим... Эркин муаллим ҳам, хотини ҳам бизнинг оила ҳақида... мен тўғримда яхши фикрда эмас экан... Сиз совчи юбормайсиз, келишдикми? Шабнамни барибир ўзимники қиламан.

Раҳим бирдан уни бағридан узди.

— Асрор, шу гаплар нима керак? — деди алам билан.

— Қўйинг, ўзингизни писмиқликка олманг, бўла. Иккита-учтасидан эшитдим. Шабнам доим сизни суриштираркан. Уни севмайсиз, бўла! Эгаси менман! Ё йигитликни унутиб, қиз деган жойда ўз бўлангиздан кечасизми?

— Бас! — деди Раҳим силтаб. — Мастман деб оғзига келган гапларни гапираверадими одам?!

— Ҳой, ана улар! — қичқирди Беги. — Мактабдан қайтишаяпти!

Асрор ва Беги чўтир дўкон олдида турган қишлоқ эркак-аёлларидан ҳам тап тортмай, куппа-кундузи кўча ўртасига гандираклаб чиқишди. Тарихда бундай бемаънилик юз бермаганди. Раҳим холаваччасини муқаррар шармандаликдан қутқариш учун қўлидан тортқилади. Маст йигитнинг тўхтатиш учун одоб билан тортқилашнинг нафи тегмади. Кўчада ўнинчи синф қизлари, шу жумладан, Шабнам ҳам гул-гул очилиб келмоқда эди. Раҳим ширакайф синфдошлари билан ичмаган эса-да, уятдан ер ёрилса, кириб кетгудек хижолат чекди. Наилож. Шартта машинасига ўтириб, кетиб қололмасди ҳам.

— Шабнам! — деди Асрор. — Сени деб ичдим, кўраяпсанми? Бугун бутун қишлоқ олдида айтаман! Сен фақат меникисан! Сенга уйланмасам, ўзимни ўлдираман!

Шабнам даҳшат тўла нигоҳини Асрорга эмас, Раҳимга қадади. Раҳим сочидан тирноғи қадар музлаб, холаваччасига ташланди ва машинаси томон судради. Шунда ҳаёт иккинчи бир шармандали саҳнани намоиш этди: юз қадамча наридаги

пойабзал устахонасидан икки киши лапанглаганча қувлашиб чикди. Қочаётган мўйловдор қассоб, қуваётган маст эса Пирмат чўлоқ эди.

— Берган пулингни... — сўкинди Пирмат чўлоқ ва кўлидаги калишни улоқтирди.

Пойабзал ҳаволаб келиб, қассобнинг бошига тегди. Ҳазабланган қассоб изига қайтиб, ёшинг улуғ демай Пирмат чўлоққа мушт солди. Жанг бошланди. Отаси устахонада, боласи дўкон орқасида маст бўлган чоғ қисмат режиссёри икки фожиани бир сахнага жамлаган эди. Асрор шу заҳотиёқ ишқ-муҳаббатни унутиб, отасига ёрдамга шошилди. Шошилмаса ҳам бўлмасди. Пирмат чўлоқнинг қонга беланган юзини ҳамма кўрди. Қизлар ҳам кўрққанларидан юрак ҳовучлаб қотиб туришарди. Ур-йиқит, бақир-чақир кўпган тўдага Раҳим ҳам ўзини урди. Муштлашаётганларни ажратиб қўймаса бўлмасди. Ўттиз-қирқ чоғли эркагу бола-чақа тўпланди.

Орага тушиш ҳам осон эмас. Раҳим кўйлагининг йиртилган енгини бекитиб, машинасига ўтирганида, ўнинчи синф қизлари ғойиб бўлган эди. Эртасига Раҳим Шабнамни учратди, холаваччаси учун узр сўради. Ростини айтганда, суюклисини соғиниб кетганди. Узр сўраш баҳонасида қиз билан гаплашаётгани бошқаларга сир бўлса-да, ўз юрагига сир эмасди.

— Ҳечқиси йўқ, — жилмайди қиз. — Қишлоғимиз йигитларининг феъл-атворларини тушуниб қолдим. Ўқишингиз яхшими?

— Ҳа, — бош силкиди Раҳим.

— Мен ҳам СамДУга тайёрланапман, биология факультетига.

— Шундайми?

— Биология ўқитувчиси бўлмоқчиман.

— Мен тарихда ўқийман.

— Биламан. Факультетларингиз хизматинда жойлашган. Биофак ҳам.

— Тўғри. Фиштли бино.

— Чиройли-я?

— Ҳа.

— Бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми? — жиддий тортди Шабнам.

– Йўқ, нега энди... – хавотирланди Раҳим.

– Асрорга ачинаман.

– Нима?

– Улбўсин холангизга ҳам, Пирмат поччангизга ҳам.

– Нега?

– Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, Раҳим ака, – қизнинг кўзлари янада маъноли боқди.

Раҳим негадир елка қисди.

– Асрорга эсли-хушли қиз турмушга чиқмайди, – деди ўшанда Шабнам. – Мени бутун қишлоқ олдида, дугоналарим олдида уятга қолдиргани учун жаҳл қилмаяпман. Йигитларнинг феъл-атворларини тушуниб қолдим, дедим-ку. Гап нимада? Инсонийликда. Инсон аввало инсон бўлсин, бошқаси кейин.

Раҳим уҳ тортди, лекин дарров жилмайди.

– Мен борай... Хўп, хайр, Шаб... Шабнам...

– Хафа бўлдингиз-а? – деди қиз.

– Йўқ, – тўхтади Раҳим. – Сиз хафа бўлмаган бўлсангиз, бас.

– Шартаки қиз деб ўйламанг.

– Сиз шартакимисиз? Унақа ўйлаганим йўқ.

– Масалан, сизларнинг оилангизни... Нафақат сизларни, бошқа кўплаб оилаларни танийман бу қишлоқда... Тўғриси, чекка бир қишлоқда шундай олижаноб одамлар борлигини умуман кутмагандим. Ҳаддан ташқари очиқкўнгилсиз. Худди яқин қариндошларингиздекмиз. Ҳаммангизга раҳмат! Менга, бизнинг оилага бўлган ҳурматингиз учун!

– Шунга ҳам раҳмат айтасизми?

– Аям сизнинг аянгизни қаттиқ ҳурмат қилади. Уйда роса мақтайди. Сизни ҳам, ота-онангизни ҳам. Кечаги воқеадан хижолат чекаётганингизни яхши тушунаман. Айбингиз йўқ. Сизга фақат раҳмат айтиш керак.

Раҳим алланечук энтикиб қўйди.

– Биз ҳам, сизлар ҳам Боймоққа четдан кўчиб келганмиз, – давом этди Шабнам. – Аям шу жиҳат учун мақтамайди, гап бунда эмас. Қолаверса, сизларни мақтаб, холангизга таққослаб, у кишини ёмонламайди ҳам. Мен ёмонликдан кўрқаман.

Раҳим узоқ суҳбатлашишдан ўзини тийди. Аммо Шабнамдан олислаш айтишгагина осон эди.

— Хайр, Шабнам... Кўнглингизга олмаганингиздан хурсандман.

— Хайр, Раҳим ака. Ҳаётдаги фақат яхши воқеаларни эслаб юришга ҳаракат қиламан.

Ўша ҳафта ошиқ йигит Оллоҳга беадад шукроналар айтиб, Самарқандга қанот боғлаб учди. Эҳ, унинг Шабнамга айтадиган қанчадан-қанча гаплари бор эди-я! Гарчи қиз анча-мунча рўйхушлик кўрсатган бўлса-да, Раҳим ўртадаги чегарани бузиб ўтолмади. Негаки, Асрор номли девор гўдайтиб турарди. Раҳим холаваччасини йўлдан олиб ташлашга жазм этолмасди. "Бу тақдир ҳукми ила ўз-ўзидан юз беради, Шабнам барибир меники", деб ўйларди. Ҳозирча ота-онаси биринчи курс талабаси бўлмиш ўн етти ёшли ўғилларини уйлантиришни хаёлларига ҳам келтиришмаётганини Раҳим яхши тушунарди. Бу ёқда Асрор Шабнамнинг ишқида ўт-оташ бўлиб ёниб, ўзини ўлдиришни пўписа қилаётганида, Раҳим на онасига, на Шабнамга дардини айта оларди. Айни дамда ҳеч ким тушунмаса ҳам, Шабнам англаб-ҳис этишига Раҳим юракдан амин эди. Уришқоқ ва ичувчи Асрор тезроқ ўзига бошқа қиз топиб, Улбўсин холаси данғиллатиб тўй қилишини хоҳларди. Шундан кейин ҳам барибир Раҳимга осон эмасди. Қутилиб бўлармиди бу қариндошларидан. Балки фақатгина Асрор билан эмас, Камола каби бошқа холаваччалари билан ҳам орага совуқчилик тушар? Унда келин-куёв, ота-оналар, ҳатто келгуси авлодлари ҳам кўп йиллар ҳаловат билмай яшайдилар. Раҳим университетда ишга қолишни, Шабнам ҳам шаҳарда яшашни хоҳлашини кўп ўйларди. Бироқ Раҳим ота-онасининг ёлғиз фарзанди. Ота-онани ташлаб шаҳарга қандай кетади?

Баҳорда Асрорга туман мудофаа бўлимидан чақирув қогози келди. Унинг ҳарбий хизматга жўнаши тезда ҳақиқатга айланди. Қишлоқда ота-бола дўкон олдидаги қонли муштлашув билангина эмас, ундан ташқари бир неча тўйларда ҳам шармандали қилмишлари билан ёмонотлиқ бўлгандилар. Ҳамма улардан безиллаб қолганди. Ота-бола ишлари юришмаётганидан, бадавлат эмаслигидан куйиб ичишларини мастликда, ҳар бири ўз даврасида гапирарди. Кейин ота ўғлининг нобоп чиққанини баҳона қиларди, ўғли эса отасини айбларди. Отасининг айтишича, ўғил ота-онани боқиши, эришолмаган орзуларига

етказиши керак эмиш. Асрорнинг фикрига кўра эса, ҳар қандай ота ўғлини таъминлаши шарт. Битта ўғилни уйлантиролмас, ўқитолмас, оёққа туришга кўмаклашолмас экан, нега дунёга келтирди?

Раҳим Улбўсин холасининг оиласидаги бундай муаммоларга бир ичи ачишса, бир ҳадиксирарди. Назарида, пароканда оила қандайдир фалокатга тайёргарлик кўраётгандек эди. Бир куни ёмон портлаш бўлади. Раҳимларнинг оиласига ҳам касри урадиган даҳшатли фалокат юз бермаса гўрга эди.

Шундай қилиб, Асрорнинг армияга отланиши Раҳимни беихтиёр севинтириб юборди.

— Қишлоқдаги қариндошим, — деди у ҳамхонасига ўша хабарни эшитган куни, — яқинда армияга кетаяпти. Биз эса...

— Биз эса бирйўла офицер бўлиб чиқамиз! — гапни оғзидан олди курсдоши. — Университетда ҳарбийга ўқитиб, лейтенант унвони беришлари жуда яхши-да! Ўқишни битирсам, тарихчи бўлмоқчи эмасман. Милицияда ишлайман. Математика факультетини битирган қариндошимиз ҳозир майор. Районда милиция бошлигининг ўнг кўли. Ўқитувчи бўлиб нима керак, дўстим!

— Йўқ, мен ўқитувчи бўлмоқчиман, — курсдошининг фикрига қўшилмади Раҳим. — Мактабда ишлайманми, университетда қоламанми, буни вақт кўрсатади.

— Биласизми, мен ҳам аслида ўқитувчиликни ёмон кўрмайман, ота касб, савобли иш, — деди курсдоши. — Лекин ашаддий жиноятчилар билан шуғулланадиган, доим қуролланиб юрадиган жиноят қидирув бўлими ходими бўлишни хоҳлайман. Болаликдан орзум шу!

— Нега севган соҳангизга милиция ходимлари тайёрланадиган даргоҳ орқали боришни ўйламадингиз?

— Бу тақдир, дўстим, — деди курсдоши. — Масалан, сиз келажакда тарихдан дарс бераман, фалон қизга уйланаман, фалон нафар фарзандим бўлади, деб айта оласизми? Албатта, йўқ. Келажакни ҳеч ким олдиндан юз фоиз кафолати билан кўролмайди. Менинг орзум изқуварлик эди. Самарқандга келиб, университетнинг тарих факультетига ўқишга кириб қолдим. Келажакда севган соҳамда ишлашга имкони бор. Шунга хурсандман. Нима дедингиз?

– Изкувар бўламан денг, – кулди Раҳим. – Мендан ҳеч қачон изкувар чиқмайди. Одамларни тергаш, сўраб-суриштириш, жиноятчининг изидан тушиш у ёқда турсин, бир қиздан "Мени севасанми?" деб сўролмаёпман.

– Нега сўраёлмайсиз? Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ-ку!

– Э, ўртада холамнинг ўғли бор-да. У ўша қизга уйланаман деб юрибди. Холаваччам билан бирга катта бўлганмиз, бир синфда ўқиганмиз. Қиз мени ёқтиришига ишонаман. Қачонки, холаваччам у қиздан воз кечса...

– Ғалати ошиқ экансиз-ку!

– Лекин бу сир бўлиб қолсин, жўра! Холаваччам ҳеч қачон эшитмаслиги керак бўлган сирни айтдим.

– Раҳим, жиддий гап, у сизнинг севишингизни биладими? – қағъий оҳангда сўради курсдоши.

– Қизми?

– Холангизнинг ўғли.

– "Билади" дейишга далилим етмайди, у сезади. Қизнинг менда кўнгли борлигини ҳам.

– Демак, бохабар. Сиз нимадан кўрқаяпсиз? Худбинликданми? Ким худбин ўзи? Холангизнинг ўғли эмасми? Ахир, қиз сизни ёқтиришидан у яхшигина хабардор. Сиз ҳам қизни севасиз, буни ҳам билади. Ўртада ўзи ортиқча эканини тушуниб, мардлик қилиши керак.

– Билмадим... – елка қисди Раҳим.

– Ўрнингизда холаваччангиз бўлганида, аллақачон отига қамчи босарди.

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Икки карра икки неча? – истехзоли кулимсиради курсдоши.

– Ҳақиқат очиқ кўриниб турибди-ку.

Шундан сўнг Раҳим янада иккиланиб қолди.

Кейинги ҳафта Асрорни ҳарбий хизматга кузатиш учун қишлоққа бормаса бўлмасди. Чоршанба куни Боймоққа жўнаб кетди. Ҳаётда нима воқеа рўй берса, негадир ҳаммаси Шабнам билан боғлиқдек туюларди Раҳимга. Мана, Асрор кетаяпти, Шабнам эса аттестат олгач, шаҳарга келади. Насиб этса, у ҳам талабаликка эришади. Бир шаҳарда, бир университетда

ўқишади. Иккаласининг ҳам ота-оналари бир қишлоқда яшашади, ўзаро ҳурматлари чексиз. Муҳими, икки қалб ишқ дарёсидан сув ичмоқчи. Буни қандай ҳам яшириш мумкин.

Олис Боймоқ қишлоғидаги қирда тўй эгаси Сайдулланинг тоғаси сўзлаб берган "Ер остидаги авлиё ёхуд оқ ва қора изқувар тарихи" шундай бошланган эди. Шабнам холаваччалардан ўзига маъқулроғини, яъни Раҳимни танлагани, тўй куёвтуранинг учинчи курсдалигида ўтказилиши режалаштирилгани баён қилинганди. Ҳақиқатда эса ким ўлади, ким нариги дунёдан қайтади, икки ошиқдан қайси бири алалоқибат Шабнамнинг васлига эришади, уларнинг яна қандай ғайритабиий сирлари чувалашган, қизиғи, мазкур муҳаббат тарихида қайси бири оқ, қайси бири қора экани — барчаси бошқача эди. Сайдулланинг тоғаси ер остидаги авлиё воқеасини ўз қарашлари ила бўяб тасвирлаганди. Бўлмаган воқеалар замиридаги чин далиллардан бўлган воқеалар ичидаги ёлғон далиллар заифроқдир.

— Раҳим ўқишдан келибди, — деди Камола ҳовлига мўралаб.
— Ана, профессорга ўхшаб... — Бирпасдан сўнг Раҳим яқинлашгач, хитоб қилди: — Кел, Раҳим, сени кутиб турувдик!

Улбўсини холасининг остонасини ҳатлаган Раҳимдан хушбўй атир иси анқиди. Меҳнатдан қавармаган қўллари пахта мисоли юмшоқ эди. Эғнидаги кийимларнинг қимматбаҳолигигаю қоматига ярашганлигига қариндошлари одатдагидек маҳлиё бўлиб қолишди.

— Устудент кепти-да, — дея Улбўсини холаси қовоқ очмай кўришди. — Отасининг даврида қайси устудент олифта бўп юрмаган!.. Пуф, атиринг курсин! Нима бало, атирга чўмилганмисан?

— Э-э, бурнинг духини тушунармиди, молнинг тагидан бери келмасанг! — беўхшов кулди Пирмат чўлоқ. — Маладес, Раҳим! Мен аввалдан айтаман, сен — Раҳимбой шаҳарга тортадиган боласан. Бизнинг Асрор, мана, армияга кетаяпти. У армиядан одам бўлиб келади.

Асрорнинг отаси билан кўришган Раҳимнинг димоғига ароқнинг қўланса ҳиди урилди. Раҳим бу хонадонда шу кеч

дастурхонга ароқ беармон тортилишини, ичкиликбозлик авжига чиқишини биларди. Чунки Пирмат чўлоқ хонадонида қуйидагича удум ҳукмрон эди: чақалоқ туғилса — ичилади, суннат тўй қилинса — ичилади, Янги йил кечаси — ичилади, қиз узатиш чоғида, ҳечқурмаса, қозон панасида ё тандирхонада ичилади. Ҳарбий хизматга кузатиш ёинки солдат тўйида-ку айтмаса ҳам бўлади: бўккунча ичадилар.

Раҳим кир палосларга, қорайган деворларга, гижимланган пардаларга кўз югуртираркан, ис босган уйда Шабнамнинг келинчак либосида хизматда юришини тасаввурига сигдиролмади. "Шабнам феъл-атвор, шарт-шароит жиҳати у ёқда турсин, ўзи айтганидек, инсонийлик томондан ҳам бу оилага келин бўлмайди", деган хаёл кўнглидан ўтди. Ана, холасининг катта қизлари ҳам бирин-кетин қўл бериб сўрашди. Нигоҳларида самимийлик йўқ. Раҳим уларга нима ёмонлик қилди экан?

Салтанат холаваччаси дарров соатига ёпишди:

— Вой, Раҳим, шу соатингни менга бер, — кўзларини олакула қилди. — Пулинг кўп-ку, шаҳардан бошқа оласан! Менинг Сардорим "Сўнгги кўнғироқ"қа соат олиб берасан, деб йиғлайди-ёв! Ҳозирги болаларни нима жин урган!

— Аввало, боладан эмас, онадан айбни топиш керак-да, — жилмайди Раҳим, кейин гапни ҳазил-хузулга маҳкамроқ чирмаб, соатини сақлаб қолди.

Нариги кенг хонага синфдош йигитлар тўпланган эди. Сигарет тутуни буруқсиган меҳмонхонага Раҳим кирган чоғ қий-чув кўтарилди:

— Вў-ў, студент келди!

— Қани, "штрафной" қуйинглар унга!

Раҳим синфдошлари билан ҳам, Асрорнинг отаси билан ҳам ичмади. Эртага ҳарбийга жўнаётган Асрор анча-мунча отиб қўйган, оғзи қулоғида, аммо ичини нимадир эзаётгани сезилаётган аламзада эди.

— Бунча сипо бўлиб бораяпсан-а? — қорайган тишини кўрсатиб ҳиринглади Беги чўтир Раҳимга. — Янгиликни эшитдингми?

— Нима янгилик? Армиями? — Раҳим холаваччасига имо қилди.

— Ҳе, йўқ, армия нима деган гап! Асрор жўрамиз унаштирилапти!

— Яхши ҳазил... — юраги шиф этди Раҳимнинг.

– Шабнам ноз қилиб юрганди, мана сенга деб Асрор чатоқ чиқди. Ўқишдалигингда қизни кундирди. Зўр усул билан!

– Ҳазилингни қара-ю! – Раҳим қизариб кетганини ҳис этди.

– Ҳазилмас. Энди Шабнамни Асрорга бермасалар, иш расво, жўра! Бу ёғини ўзинг тушунавер. Йигитчиликда нималар бўлмайди...

– Беги, – деди Раҳим, – туғилганингдан бери иғвогарсан, шу гаплар зарилми сенга, а?

– Бу иғво эмас, ўнг кўлимни нонга кўйиб қасам ичяапман! – кўзлари қонталаш Бегининг оғзидан сўлакайи оқди. – Маст эмасман! Шабнам энди Асрор жўраники! Хотиннинг ҳам энг олдисини топиб кетаяпти-да армияга!

– Ҳой Беги! – қичқирди кимдир. – Гапинг рост бўлса, Асрор армиядан қайтгунча ота бўларкан-да, а?! Ваҳ-ҳаҳ-ҳа-а...

Ораларидаги энг ахлоқсизлари гуноҳкор вужудларини силкита-силкита кулишди. Раҳим булар бировнинг пок қизининг шаънига маст ҳолда жирканч сўзларни қалаштираётганидан ғазабланди. Асрор ҳам Беги чўтирнинг гапларидан ҳузурланиб ўтирарди. Нима бўлди унга? Шабнамни севадими ё уни булғаш учун ортидан юрганмиди? Унда Раҳим худбинликдан кўрқмасдан, шартта қизни тортиб олгани тўғри экан-да? Курсдоши тўғри айтади, бу ерда худбин – Асрор!

Раҳим тарафдор илинжида даврага кўз ташлади. Бепарда гаплари учун Беги чўтирдан ижирғанаётган уч-тўрт синфдошни топди, холос. Лекин энди Раҳимга тарафдорнинг кераги йўқ эди. Бўшаган идишларни ташиш баҳонасида меҳмонхонадан чиқди. Холалари ҳам аскар кузатиш маросимига ташриф буюришган экан, улар билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашиб, вақт ўтказди. Ҳар ҳолда, Улбўсиндан бошқа холалари Раҳимни яхши кўришарди. Шу даврада ҳам Асрорнинг келгусида Шабнамга уйланиши ҳақида сўз очилди. Ҳартугул, Беги чўтирнинг совуқ хабари айтилмади. Раҳим ҳовлига чиқиб қутилди.

Пайшанба куни эрталаб Асрор ҳарбий хизматга йўл олди. Уни шаҳар вокзалига амакиси билан Раҳим кузатиб кўйиши керак эди. Кечаги гап-сўзлар тун бўйи миясини эговлаган Раҳим Самарқандга бугун бормаслигини айтди.

— Уйда бир-икки кун дам олмоқчиман, — баҳона тўқиди у.
— Бирйўла ўқишингга ҳам борардинг, — қошлари чимирилди Улбўсин холасининг. — Бўлангни кузатиб қўймасанг, шаҳарда нима қилиб юрибсан?

— Узр, хола, ишларим... — чайналди Раҳим. Шу кечаёқ у Шабнам билан очикчасига гаплашиб олмоқчи эди.

— Сенинг қанақа ишинг бор экан қишлоқда?! — шанғиллади холаси. — Айт, ўзим қилиб қўяман ишингни! Меҳр-оқибат йўғ-а! Бўла деган "Ҳайданг, ўзим сизларни поездга чиқариб қўяман!" демайдами? Шаҳарда ўқисанг! Йўлларни биздан беш баравар яхши билсанг!

— Бора қол, ўғлим, — деди Сулувхон зўр-базўр.

Улар урушга жўнаб кетишаётгандек қовоқларини солган ҳолда автобусга ўтирдилар. Деярли гаплашмадилар. Аввал туман мудофаа бўлимига боришди. У ерда бўлажак аскарлар учун автобус тайёр эди. Раҳим борган сайин енгил торта бошлади.

— Кеча Шабнам ҳақида ёмон гап-сўз бўлди, — деди у Асрорни четга бошлаб. — Йигитчиликка тўғри келмайди, бўла.

— Нега? — қирилган бошини силади Асрор.

— Яхшиликка олиб бормайди. Беги одам эмас. Нега сиз...

— Битта қиз учун мени ёмон кўриб юрасиз-а, Раҳим бўла? Тўғриси айтинг, шундайми? Дунёдаги қизлар ҳаммамизга етади. Ҳеч ким хотинсиз қолиб кетмайди. Сиз ўқияпсиз, курсдош-пурсдошлардан топарсиз...

— Мен сиздан бошқа гап кутгандим.

— Нима? Айнан нима? — Асрорнинг кўзлари ғазабдан қисилди. — Армияга кетаяпман. Бир ярим йилда қайтаман. Орқамдан иш қилмасликка сўз берасизми? Ўшанда сизга қойил қоламан, бўла!

— Бўлди, бу мавзуда гаплашмайман. Сизни тушундим.

Асрорнинг амакиси уларнинг ёнига келди. Чақирилувчилар ўтирган автобус ортидан шаҳар вокзалигача боришди. Кейин поездга ўтказишди. Шу билан Асрор мамлакатнинг нариги четига жўнади-кетди.

Шанба кунигача соат санаган Раҳим дарслари тугаган заҳоти яна қишлоқ сари учди. Кун ботмасдан етиб борди. Асрор иккисининг ўртасидаги музокаралар якун топмаган эса-да, энди Шабнам билан гаплашиб олмасликдан ўзга иложи йўқлигини тушунганди.

Шу ҳафта яна келишини кутмаган онаси чой дамлашга чиқаётиб, бир лаҳза ҳайратланди. Сўнг:

– Раҳим, вой айланайин... – деб юборди.

– Уйда ким бор? – Раҳим бегона калишга қаради.

– Эркин муаллимнинг аёли келибди, – шивирлади Сулувхон.

– Тинчликми, ая?

– Асрорни кузатиш куни жўраларинг Шабнамни бутун қишлоққа гап қилибди. Ҳайла, қиз шўрликнинг онаси ичкарида йиғлаб ўтирибди. Улбўсин опам ҳам, Асрор ҳам куйдирди мени.

Раҳимнинг кўксини муз қиличи тилиб ўтди. "Наҳотки, рост бўлса?" деган ўй оний лаҳза Шабнамдек ҳурлиқонинг сиймосини зулматга буркади, аммо кўнгил чироғи бир ўчиб-ёнди, холос.

– Улар алдаган, – деди аччиқ ютиниб. – Бўлиши мумкин эмас, ахир!

– Сен ҳам хабардорсан, тўғрими?

– Ёлғонмикан, йўқми? – пешанаси тиришди Раҳимнинг.

– Ёлғон, – бирдан бўшашди онаси ва шивирлаб сўзлай бошлади: – Нима, чин деб ўйлабмидинг? Йигитлар қиз боланинг устидан бўҳтон қилишибди-я! Тавба, эркак ҳам шунақа бўладими? Ким қўйибди уларга бировнинг қизига туҳмат қилишни! Бегимқулни... лақаби "чўтир"миди, кўрадиганини кўради. Опам билан Асрорга бало бормиди? Уф-эй...

Раҳим хонасига кириб, тахмонга суянди-да, лабларини қимтиди, муштлири тугилди, кўкраги аламли нафасдан бир кўтарилиб тушди. Бировнинг тақдири билан бошқаларнинг бундай ўйнашишида ўзининг халоскорлик ролига зарурат ортиб кетган эди. Олижаноб ҳамқишлоқ ака сифатида бўлса ҳам майли, у Шабнамни севарди, ҳажрида ўлиб қолай деб зўрға юрарди. Халоскорлик эса Шабнамга севги изҳор қилиш, кўнгилларни боғлаш ёки ҳақиқататан ҳам совчи юбориб, унаштириб қўйилиш эди. Қани, шундан сўнг кимдир туҳмат қилиб кўрсин-чи! Раҳимнинг йўлида холаваччасидан бўлак тўсиқ йўқ эди. Шабнам қишлоққа келганданоқ Асрор унга ўз ҳолича эга чиқди. Раҳим бошида холаваччасининг устидан кулгандек бўлди. Кейин қараса, Шабнам дунёдаги энг соҳибжамол, энг ёқимтой, энг ақлли қиз экан. Юрагини занжирлаб қўёлмади. Шу қиз биринчи

муҳаббатига айланди. Асрордек олғир йигитнинг тузоғига тушмагани, хушомадларига учмай ақл билан қадам ташлаши ишқ оловига чаноқ-чаноқ мой сепди. Муҳаббат қизнинг одоби ва ҳаёси билан мустаҳкамландики, Раҳим уни йўқотса, қайтиб шундайин хилқатни учратмаслигига амин бўлди, амин бўлгани сайин кучлироқ севди. Холасининг ўгли, боз устига синфдоши Асрор Шабнамга уйланса, ҳаммаси тамом эди. Тўйига қайси юрак, қайси юз билан боради? Қандай яшайди бу қишлоқда? Бундан ортиқ хўрлик борми?

Айни дамда Шабнамнинг онаси уларникида эди.

— Раҳимжон, бу ёққа қара, — деди Сулувхон мулойим товушда.

Раҳим нариги хонага кирди. Кўзлари қизарган Кенжагул яшил кўрпачада ўтирарди. Раҳим остона ҳатлаган маҳал ўрнидан туриб, иккала кўлини узатди. Кўришганларидан сўнг Раҳим хонтахта этагига чўкиб, бош эгди.

— Сиз ҳам бормидингиз ўша даврада? — сўради муаллимнинг хотини ҳазин товушда.

— Ҳа, — бошини кўтарди Раҳим.

— Бегимқулдан бошқа яна кимлар гапирди?

— Ҳеч ким... Фақат ўша... — яна бош эгди Раҳим.

— Асрор нима деди?

— Ҳеч нарса, — баттар ўнғайсиз ҳолга тушди Раҳим.

— Сен-чи, болам? — гапга қўшилди Сулувхон. — Тухматга индамай қараб ўтиравердингми? Кўйинглар, демадингми?

— Айтдим... — уҳ тортди Раҳим. — Армияга кузатаётиб, Асрор бўланинг ўзига ҳам айтдим.

— Нима деди? — қайғули боқди Кенжагул.

Раҳим бир муддат жим қолди.

— Беги тухмат қилганини Асрор биледи, албатта... — деди тараддуланиб. — Қизингиз ҳақида... Шабнам ҳақида... хуллас, Асрор ҳеч нима дегани йўқ... Бегининг гапи мастликда айтилган...

— Мастликда бўлса, нега Улбўсин опа бизникига келади? — Кенжагулнинг овози баландлашди. — Қизингизни берсангиз ҳам берасиз, бермасангиз ҳам берасиз, деб иғвонинг тувагига сув қуйди. Энди биз ҳам шу қишлоқнинг фуқаросимиз, айланайлар. Уйимга келган одамни итдай талаш одатим йўқ менинг.

Мактабда ўқийдиган қизимга совчиликка келгани етмагандек Шабнам билан Асрор бирга юрармиш, деган гапни айтиши нимаси?! Менинг дардимни қиз боққан тушунади! У киши кетгандан кейин у ёқ-бу ёқдан суриштираман, шундай ёмон гаплар тарқалибдики, шундай сассиқ гаплар тарқалибдики... — Шабнамнинг онаси рўмолининг учи билан кўзини артди. — Худой деган одам бунақа бўлмайди-да! Қайтар замон! Мен-ку қарғамайман, лекин тақдирнинг ўзи бир касофатга йўлиқтирмасдан қўймайди-ку уларни! Беги деганингиз йигит эмас, энг паст гийбатчи хотин экан!

— Раҳим бундай гап бўлишини билмай борган-да холасиникига, — Сулувхон ўғлини оқлади. — Тўсатдан айтилса, анграиниб қолган.

— Эртага қизимнинг рўзғор қилиши бор, — куюнди Кенжагул. — Бу опангиздан кўрқиб қолдим, Сулувхон опа! Келган совчини ҳам айнитиб, қизим бечоранинг бахтини қора қилмаса эди!

— Биз биламиз, элга ҳам маълум Шабнамнинг яхши қиз эканлиги, — юпатди Сулувхон. — Опам билан яхшилаб гаплашиб кўяман, Кенжагул! Бу ёғидан энди ташвиш қилманг. Яхши қизга яхши қайнона топилади, ёмоннинг қайнонаси тилла бўлса ҳам куни ҳаловатли ўтмайди.

— Опангиздан мен ҳам, қизим ҳам осонликча қутулмаймиз-ов, — йиғламсиради Кенжагул.

— Насиб қилса, Шабнамой ўқишга ўтади, шаҳарда яшайди, чекка қишлоқдаги иғво чивиннинг гингиллашичалик ҳам бўлмайди. Ўзи у шаҳарда катта бўлган бўлса! Қишлоққа нега келди? То ўқишга ўтгунча ота-онаси билан вақтинча яшаб туришга-да! Яқинда кетади қизингиз. Ҳаммасидан қутуласизлар.

— Ишқилиб, ўғлингизга ўхшаб ўқишга ўтиб кетсин-да, — деди Кенжагул. — Холаси ўлгандан кейин ёлғиз ўзи "дом"да турмасин, деб бағримга опкелгандим. Бу ерларда ёмонлар учрашини туш қурибмизми! Шаҳарда бировга тик қарамаган қизим ўзи ёмон кўрадиган йигит билан севишиб юрарканми? Раҳматли опамнинг тарбиясини олган, ахир! Тавба қилдим, тавбалар қилдим, баъзи бировларнинг уйи атрофида кечаси йигитлар айланишармиш, хуштак чалганда қизлари ота-онасининг кўзини

шамғалат қилиб учрашувларга чиқармиш, ярим кечагача ўтиришларда юрармиш, чироқларни ўчириб қўйиб, вальсларга тушармиш деб эшитамиз. Менинг қизим сўроқсиз остона ҳатлаб чиқмаган, чиқмайди ҳам.

— Тўғри.

— Мана, ўғлингиздан сўранг, — Кенжагул Раҳимга бош бурди, — аёллар эшитмагандир, лекин шу ёшлар хабардор. Қачон кўргансиз ё эшитгансиз Шабнамнинг севишганини, Раҳимжон? Ё шу қишлоқдаги бирор ўтиришга бориб, вальс тушганми? А?

— Йўқ, — деб жавоб берди Раҳим ва негадир димоғи чоғ бўлиб, кулгиси қистади.

— Ана! — жўшди Кенжагул Сулувхонга кўзлари ёниб боқаркан. — Опангизга айтинг, илтимос, Сулувхон опа! Мен гапирсам уришиб, жанжаллашиб қоламан. Қизимни гап қилган бетинг тескари бўлгур Беги деган ўша чўтирни нима қилишни ўзим биламан. Улбўсин опанинг обрўси бор, бир ифвогар итга эргашмасин. Қизимни ўқитаман! Ўқиганга бераман! Дадаси бу ғалваларни эшитгани йўқ, мактабидан бери келмайди. Агар хабар топса, тўғри ё мелисага, ё прокурорга боради. Феълини билсангиз керак, опа?

— Эшитганман, "честный" одам, — тасдиқлади Сулувхон.

Эркин муаллимнинг алам ўтида қоврилаётган хотини кетгач, Туроб тракторчи ишдан қайтди.

— Хўш, студент, уч кун ўтмай яна нима шамол учирди? — сўради ўғлидан.

— Ўз уйи! Нима, келмасинми? — деди Сулувхон.

— Ҳой, кампиршо, тинчликми? Нега зарда қиладилар?

— Болам шундай узоқ Самарқанддан келганини кўриб, қувониш ўрнига пичинг қилмай қўя қолинг.

— Ким пичинг қилди? Ўйлаб гапир, Сулувхон!

— Ўйлаб гапираяпман!

Раҳим ота-онасига ҳайрон бўлиб тикилди. Улар бунчалик совуқ гаплашмасдилар.

— Шаҳарга кўниколмаяпти, — гапни кулгига бурди Туроб тракторчи қўлини сочиққа артаркан. — Қишлоққа бизни деб келган бўлса майли, қувонамиз-да! Аммо битта-яримтаси мактаб

даврида жигардан урган бўлса, ўшанга келганмикан, деб шубҳаланяпман. Бўлиши мумкин, а, Раҳимбой, нима дединг?

— Ҳа, уйлантириб қўйиш керак, — бақрайди Сулувхон. — Раҳим шаҳарда қийналсин, келин қишлоқда, хўпми?! Икковининг икки ёқда яшашини кўриб мен ҳам азобланай! Шуларни хоҳдаяпсизми?

— Ўғлим, эртага ҳамма жийдаларни кесиб ташла, — отаси Раҳимга кўз қисди. — Бундан кейин аянг қаердаги жийданинг тагидан ўтсам экан, деб бир боши қотсин.

Раҳим уйланиш масаласи жиддий кўтарилишини хоҳлади. Айрим йигитлар ўзларини курашмаган қилиб кўрсатиб, катталарнинг саъй-ҳаракати таъсирида уйланишдан ҳузурланишарди. Бу туйғу Раҳимга ҳам бегона эмасди. Аммо Шабнамнинг васлига етиш айтишгагина осон эди. Тарихда порохли бочка ҳақида ҳикмат бор. Улбўсин холаси, умуман, Асрорлар хонадони шундай бочка эди. Асрор ҳарбий хизматга кетгач, Раҳим у севадиган қизга совчи юбориши қариндошлар ўртасида ҳалокатли урушни келтириб чиқарарди. Раҳим ёлғиз бир йўлни кўрди: Шабнам билан яширинча гаплашиб қўйиши лозим. Шабнам кутсин! Модомики, Асрорни севиш у ёқда турсин, нафратланар экан, иғво тегирмонини юргизгани рад этади, этаверади, аччиқ-тизиқ гаплардан гапиради. Балки кейинчалик Асрорнинг кўнгли совиб, бошқа қизга уйланиш ташвишига тушар?

Шанба кечасида Раҳим кўчадаги харсангтош устида узоқ ўтирди. Асрор зўравон, Беги чўтир иғвогар, Раҳим эса писмиққа айланадими?

Йўқ, у Эркин муаллимникига кечаси бориб. Шабнам билан холи жойда гаплашишга журъат этолмади. Кундуз-ку имконсиз. Учрашув уюштиролмаган одам тасодифга суянади. Раҳим тақдирнинг ўзи бир куни йўл беришини кутишга қарор қилиб шаҳарга қайтди.

Яна ўз фикрининг ҳақлигига ишонди. Ҳозир Бегининг иғвоси борасида тафтиш кетмоқда. Албатта, Шабнамнинг кечаси сандироқлаб юрмаслиги ҳам онаси томонидан қаттиқ назоратда. Бундай пайтда Раҳимнинг майдонга от суриши от-поти билан жарликка қулаб тушишига олиб келиши ҳеч гап эмасди.

Ҳадемай мактабда сўнгги кўнғироқ чалинди. Раҳим яқин кунларда Шабнам университетга ҳужжат топширишга келишидан сархуш эди. Жазирама шаҳарда Раҳимдан бахтли одам топилмасди. У дам музқаймоқ ялаб хаёл суради, дам курс-дошларига фаввора сувини сепеди, дам кўзгу қаршисида узоқ туриб, бўй-бастига, кўйлак-шимига, сочига назар солади. Тақдирида Шабнам ёзилганига шак-шубҳа қилмайди. Даҳшатли фожиалар фасли яқинлашаётганини, ҳаёти бутунлай ўзгариб кетадиган дамлар эшик-деразадан бостириб киришини тушларида ҳам кўрмасди.

Ва ниҳоят, шаҳарга Шабнам келди. Холасидан мерос қолган уйда яшаб, имтиҳонга тайёрлана бошлади. Раҳим уни "тасодифан" учратиш учун биология факультети жойлашган кўҳна бино олдида узоқ турди. Ниҳоят, учинчи куни қизил холли бежирим оқ либосдаги Шабнам рўпарасидан чиқди. Енг ўрнидаги парпарлари кифтида капалак мисоли қанот қоқишга шайланган, сочини турмаклар, икки чаккасига икки гажак туширган, тубсиз уммон соҳилларига қора тортилган, гунча лабларга ол рангли қиров тушган эди.

– Салом, Раҳим ака, яхшимисиз? – ҳол сўрашди қиз ширин жилмайиб.

Раҳимнинг вужуди ишқ ҳовуридан жизғанақ бўлди.

– Э, Шабнам, сиз-ку! Қалайсиз?

– Яхши, раҳмат. Ҳужжат топширдим. Имтиҳонга тайёрланаяпман.

– Ҳм, зўр-ку, – Раҳим бу дамлар ҳеч қачон тугамаслигини ўйлади ва суҳбатга тезроқ якун яшашга мажбурлигидан ичида яниб қўйди.

– Биофакда нима қилиб юрибсиз? – Шабнам дугонасига "кутиб туринг" дегандек имо қилди.

– Ўзим... ишим бор эди... – тутилди Раҳим.

– У ҳолда ишдан қолдирмай. Шанба куни қишлоққа кетасизми?

– Ҳа, душанба куни қайтаман. Сиз-чи?

– Йўқ. Агар кетсангиз, аямга айтинг, конспект дафтарларимдан бири қолиб кетибди. Тўқсон олти варақ. Кўк. Химиядан. Хонамдаги шкафни қарасин.

Шабнам сумкачасини эгнига ташлаб дугонасига эргашди. Ҳаёт

туҳфа этаётган бахтга нега қўл чўзмаяпти? Холаваччаси Асрор қаёқдан пайдо бўлди ўзи? Устахонада ўтирган куни Шукур муаллим ҳашарга — Эркин муаллимнинг юқларини туширишга баайни уни чақириб кетгани учунми? "Шабнамни мен биринчи кўрдим, мен биринчи севги изҳор қилдим" деган одам устунликка эгами? Қизнинг кўнгли-чи? Ота-оналар-чи?

Раҳим қариндошининг ҳаққи-ҳурмати важдан Шабнамга севги изҳор қилолмаётганини яна ва яна тан олди. Асрор қандай феъллигидан қатъи назар инсон эканини, жигари эканини, унда ҳам юрак, орзу-ҳавас борлигини ўйлади. Курсдоши айтганидек, Раҳимнинг ўрнида Асрор бўлганида, юз-хотир қилмасдан отига қамчи босармиди? "Йўқ", дерди Раҳимнинг ички овози. Асрорнинг бунга ҳадди сиғмасди. У мудом кўксига уриб: "Мен эркакман! Қаерда, қанақа иш бўлса, эркакчасига ҳал қиламан!" дегувчи эди. Мардликка даъво қилган йигит, наҳотки, ўз холасининг ўғли севадиган қизга кўра-била туриб уйланса? Раҳимнинг кўзига қандай қарарди ўшанда? Шу бўлармиди бир марднинг каромати?

— Йўқ, мен кутишим керак... кутишим керак... — деди Раҳим ўзига ўзи. — Нега Шабнамнинг йўлини пойладим? Уни севишимни ҳеч кимга, Шабнамнинг ўзига ҳам сездирмаслигим шарт. Асрор бошқа қизга уйлангач, мен худди ота-онамнинг раъйини қайтаролмагандек Шабнамга "кўнаман". Ҳа, ўшандан кейин ҳам кўплаб совуқчиликларга чидашим керак бўлади. Улбўсин холам ва Асрор билан ярашиб кетишим шусиз ҳам осон кечмайди.

Шанба куниниёқ Раҳим Эркин муаллимникига қадам ранжида қилди. Севганининг ҳовлисига кириб бораркан, ичида шод эди. Сиртида эса мажбуран келгандек тутди ўзини.

Муаллим чорпояда оёқларини осилтириб ўтирган экан. Раҳим билан куюқ сўрашди. Кенжагул ошхонадан шошиб чиқди. Шабнамни университетда учратганини айтаётиб, Раҳим анордек қйзарди. Бурунги такаббурлигидан асар ҳам қолмаган эди.

— Ўтиринг, чой-пой кўяй, — деди Кенжагул, — конспект қочмас, топиб бераман.

— Йўқ, раҳмат, — қўлини кўксига қўйди Раҳим, — бошқа пайт, бемалол.

— Бир келиб қолибсан, ўтир, — манзират қилди Эркин муаллим. Кейин бош чайқади: — Оббо, қизим-ей, конспектини унутиб қўйибдими? Ҳа, майли, майли...

Раҳим унинг кўзида қандайдир хавотирни сизди. Тажрибали ўқитувчи Раҳимнинг кўзига қараб ичидагини ўқиган бўлса ажабмас. Шу тобда Раҳим муаллимни хотиржам этиш ўрнига кўнглига "Раҳимни куёв қилсаммикан?" деган ўй солишни хоҳлаб қолди. Хоҳишни жиловлашнинг асло иложи йўқ эди.

— Ишлар кўп, Эркин ака, — деди Раҳим. — Уйда ота-онам, шаҳарда домлаларим "қол" дейди. Сиз шаҳардан кўчиб келиб, бизга дарс бердингиз. Мен эса шаҳарда, университетда қолмоқчиман. Бунинг учун жуда кўп ўқиб-изланишим, тўғри юришим, фақат олға ҳаракат қилишим керак. Сиздан кўп нарсани ўргандим, тузукроқ раҳмат ҳам айтолмадим.

— Раҳимжон, ўқишга ўтганинг учун сенга раҳмат айтишим керак, — елкасига қоқди муаллим. — Қанийди ҳамма йигитлар сендек тушунган, ақли расо, интилувчан бўлса.

Агар одамлар бўлмаганида, Раҳим юқори қишлоқдан қуйи қишлоққача рақсга тушиб, кўшиқ куйлаб келарди. Афсуски, у қувончини пинҳон тутишга маҳкум этилганди. Айниқса, Беги чўтирга ўхшаганлардан бирортаси кўриб қолса борми, ўздан қўшиб-чатиб Асрорга мактуб йўлламоғи мумкин эди.

Эртасига пешинда Кенжагул кичикроқ тугун билан келди.

— Конспект ҳам, ул-бул егулик ҳам солдим, — узрхоҳ кулимсиради у, — бериб кўярсиз, Раҳимжон. Қизим ҳам жуда қайсар-да. Имтиҳон топширмагунимча келмайман, деб туриб олди. Дадаси ҳар доим ҳам хабарлашолмайди. Университетда кўриб қолсангиз, қараб юринг-а? Қизимга тутинган акадексиз. Ота-онангиздек бамаъни инсонлар йўқ, айланай.

Душанба куни Раҳим омонатни топшириш учун абитуриентлар орасидан севгилисини ошкора ахтарди. Холасидан қолган уйда учта абитуриент қиз билан яшаётган Шабнам ташаккур билдирар экан, Раҳимнинг кўнглидан ўтган гапни айтмади. "Раҳим ака, уйга юринг" дейиларди одатда. Бироқ кўп ўтмай тақдир шамоли Раҳимни Шабнамга мерос қолган уйга учириб борди. Августда Раҳим кутган оламшумул воқеа юз бермади — Шабнам имтиҳондан йиқилди. Келажак Раҳим ҳисоблагандек эмасди.

Зоро, ҳаёт математикага ўхшаш ҳисоб-китобга қараб иш тутмасди, аксинча, одамларнинг ҳисоб-китобини тез-тез масхара қиларди.

Ҳа, Шабнам қишлоққа мағлуб бўлиб қайтди. Уйни ижарага қўйишга қарор қилдилар.

— Раҳимжон, — деди Кенжагул августнинг охирида Туроб тракторчининг боғига келиб, — ўзингизга ўхшаган тартибли, боадаб йигитлар бўлса, уч-тўрттаси билан бирга шаҳардаги уйимизда турсангиз. Сиздан ижара ҳақи олмаймиз. Хонадошларингиз берган пулни ҳар ойда менга топшириб кетаверасиз.

Раҳим дарҳол рози бўлди. Омад юз ўгирмаётганига ҳамон ишонарди. Лекин ҳарбий қисмдан жўнатилаётган хатларда Асрор ота-онасига шартлар қўяётганини эшитган Раҳим эндиликда Шабнамнинг шаҳардаги уйида яшашидан суюнолмади. "Шабнамни жонимдан ортиқ севаман, — очиқ-ошкор ёзарди соғинч исканжасидаги Асрор. — Усиз менга ҳаёт қоронғи. Армиядан қайтган куним уйлантирингизлар, демаяпман. Тўйга анча пул керак. Пулни ўзим ишлаб топаман. Мен ўзгардим, энажон, отажон! Ҳеч бўлмаса, ўша қизга "нон синдириб" қўйингизлар! Бундан бошқа ўтинчим йўқ..."

Шабнам университет талабаси бўлолмаганидан Асрорнинг боши кўкка етгани ҳам хатларидан сезиларди. "Ҳаёт бизга имконият берибди. — ёзарди у. — Хатим етиб борганидан кейин Эркин муаллим билан Кенжагул янгани кўндиролмасаларингиз, мендан кечиш билан баравар иш қилган бўласизлар. Шабнамга келаётган совчиларнинг ҳам оёғи узилмаётгандир? Одамларда меҳр-оқибат йўқ. "Асрор уни севади, бировнинг муҳаббатини поймол қилмайлик", демайди бирортаси. Ҳатто, Раҳим бўламдан ҳам кўрқаман. Ундан ҳам шу қилиқ чиқади. Шабнамга айнан Раҳим бўлам уйланса, мен қайси юз билан қишлоққа қайтаман? Қандай яшайман? Отам ўз вақтида пул топмади, яхши яшолмадик. Майли, барини унутдим. Севган қизимни бошқа йигит хотин қилиши, у бошқа йигит билан бир ёстиққа бош қўйиши... Бу мен учун ўлим! Асрорни камбағаллик ўлдирган бўлади! Асрорни ўз ота-онаси ўлдирган бўлади..."

У хатларини шафқатсизларча ёзарди. Қишлоқдан олисда

кўнглига қандай туйғу келса, шартта битарди-қўярди-да, замбаракка солиб, ота уйига йўлларди гўё. Гумбурлатиб юборарди Улбўсин хонадонини бу ўқлар.

Кунларнинг бирида Улбўсин кўчадан:

— Раҳим келдими? — деб овоз берди ва Туроб тракторчининг уйига айиқ мисоли лапанглаб яқинлашди.

Опасининг авзойи бузуқ эканини кўрган Сулувхоннинг ҳам кайфияти тушди.

— Келинг, опа. Раҳимжон кўчага чиқувди. Тинчликми?

— Вой-бой-ей, оёққинам оғриб кетди-ей, — синглиси билан кўришди Улбўсин. — Кўрпачангни ёз, бирпас ўтирай. Чойингдан ҳам опкел!.. — Оёғини узатиб ўтирар экан, бир пиёла чой хўплади. — Тинчликми, деб мендан сўраяпсанми, Сулув? Қасамхўрлигингни йиғиштир! Менга ўтмайди!

— Тушунтириб гапирсангиз-чи...

— Эркин муаллимникига совчиликка борганимда, нега ифвогарга ишонасиз, деб ҳоли-жонимга қўймагандинг. Мақсадинг бошқа экан-ку! Очиқ айт, Шабнамни мен келин қиламан, йўлдан қочинг, деб! Қочмаган ҳам номард!

— Вой, опа... — рангги докадек оқарди Сулувхоннинг.

— Ўчир! — пиёладаги чойни полга сепди Улбўсин. — Бу қишлоқнинг отин ойиси ҳам менман, раиси ҳам! Ҳаддим сиққани учун сени дўзахдан шундай жаннатга кўчиртириб келдим. Шуми энди: оқибатинг? Раҳим-чи? Қайси ақли билан ўз бўласининг севганини тортиб олаяпти? Бунинг ҳаммаси бир масала. Иккинчисини эшит.

Сулувхон асабий қимирлаб, деди:

— Нега бўласининг севганини тортиб оларкан, опа? Аввал ҳақиқатни билиб...

— Охиригача эшит!

— Қиз кўп! — шошилди Сулувхон. — Ўз синглингизнинг уйига қиз талашиб келишингиз нимаси?

— Қиз кўп эмиш! Кўп бўлса, нега менинг Асроржонимнинг уйланаман деганини айнитиб юрибсанлар ўғлинг икковинг? А? Менга ақл ўргатгунча эшит, иккинчи масала деганим — Шабнам Раҳимга келин ҳисобланади, билдингми?! Икки бўла бир йилда туғилган бўлса ҳам, Раҳим ойликка каттами? Катта! Шундай

экан, Асроржонга акаси қаторими? Хўш, Шабнам ким бўлади унга? Келинми? Нима, якка-ю ягона фарзандингни келинига кўнгил кўядиган қилиб тарбиялаганмисан?

— Опа!..

— Нима опа?

— Яхшиям, бу гапларингизни ҳеч ким эшитмаяпти. Нималар деётганингизни билаяпсизми? Ёлғиз жигарбандимдан нима истайсиз? Гапирган бўлсам, ифвогарнинг паровозига ўт ёқманг, деганман! Раҳимжонга ўзлари айтди шаҳардаги уйимизда тур, деб! Битмаган келинни рашк қилаётган бўлсангиз, тинчгина "рашк қилаяпман" денг-да!

— Эртага Кенжагул "Қизимни ўғлингга бераман, чунки ўғлинг ичмайди, чекмайди, олий маълумотли" деса, нима деб жавоб берасан? Шаҳардаги опасидан мерос қолган уйни ҳам қизимга кўшиб бераман, деса-чи?

— Ё алҳазар, — ёқасини ушлади Сулувхон, — мақсад-муддаонгиз нима ўзи? Мана, икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқ, очик айтинг!

Улбўсиннинг кўзлари қисилди.

— Хўв, — деди у ҳамон баланддан келиб, — уй-жойига қизиқаяпти, деб ўйладингми? Бекорнинг бештасини ебсан! Ўғлим Шабнамни ёқтиришини, унга уйланмоқчи эканини, лекин сенлар қиз билан онасининг кўнглига киши билмас қизиқув солиб кўйганларингни биламан. Шабнамни Асрорга эмас. Раҳимга берамиз, дейишса, сен ҳам, Раҳим ҳам йўқ деёлмайсанлар. Ё нотўғрими? Дастурхоннинг тепасида айт-чи!

— Сиз, опа...

— Йўқ деёлмайсан! — Улбўсин юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. — Йўқ деёлмайсан сен! Ўғлинг ҳам! Мен кетдим. Ҳозиргина муаллимникидан келаяпман. Муаллим ҳам, Кенжагул ҳам мен билан куда бўлмаслигини айтди. Осмон узилиб ерга тушса ҳам куда бўлмасмиш. Нимага? Кимдан қаерим кам?

— Осмон узилиб ерга тушмайди, чунки сиз кўтариб турибсиз, — дея Сулувхон ҳам оёққа қалқди.

— Ўз опангга кесат! Орқасидан қарға! Гўрга тиқ! Гўргинага тиқ сен!

— Хоҳлаган қизни келин қиламан, аммо бировнинг келинини

тортиб олмайман, опа, — куйиниб гапирди Сулувхон. — Ўғлимни ҳам пасткашдан олиб пасткашга солишдан аввал, ҳеч бўлмаса, у ўз жиянингиз эканини ўйланг! Бизнинг авлоддан номард чиққанми? Балки номард чиқар, лекин айнан менинг Раҳимжоним номаъқул емайди! Биз қиз талашмаймиз, опа! Ота-энамизнинг арвоқларини безовта қилиб уришмаймиз ҳам! Эл олдида уят...

— Уятни билсанг, Эркин муаллимникига умуман совчиликка борма! — Улбўсин кўча томонга лапанглаганча юраркан, ортига қайрилди. — Келишдикми?

— Келишдикми? — яна ёқа ушлади Сулувхон. — Вой тавба, ёш боламисиз, опа? Шабнам Асрорга тегмаса, бошқа кимгадир турмушга чиқадими, ахир?

— Ўша кимдир Раҳим эмас, эшитиб қўй шуни!

— Боламда шахсий ғаразингиз борми? Нима ёмонлик қилди холасига?

— Қўй! Фиди-бидингни қайтадан бошлама! — Улбўсин изига қайтди. — Гапингга қараганда, Шабнамни келин қилмоқчисан! Қулоғингга танбур чертиб кетаётганим йўқ. Бир оилавий гаплашиб қўйишим керакка ўхшайди. Қани куёв?

— Куёвингизни ҳам, Раҳимжонни ҳам аралаштирманг. Мен Шабнамни келин қиламан деган эмасман. "Келин қилмайсан" деб шарт қўйишингиз ҳам нотўғри.

— Қарғайман! — бармоғини ўқталди Улбўсин. — Ўзингдан кўр!

Ҳалвираб турган Сулувхон гандираклаб гилосга суяниб қолди. Ранги қув ўчиб:

— Опа, ёлғиз боламни қарғагунча мени қарғанг, — деб изиллаб йиглаб юборди. — Жуда ўлим истаётган бўлсангиз, менинг жанозамни кўринг! Тобутим шу уйнинг эшиккинасидан чиққанини кўрсангиз кўнглингиз жойига тушадими?

— Тентак! — ўшқирди Улбўсин. — Мен Шабнамни қарғайман, деяпман, Шабнамни!

Улбўсин "Э, бор-е" дея кўчага шошилар экан, ярим йўлда тўхтади.

— Кўрқма, қарғашимга кўп бор, — овозини пасайтирди у. — Феълим ўзингга маълум. Аввал обдон шуғулланаман. Қиз билан

ҳам, ота-онаси билан ҳам! Мендек хотиннинг қўлидан иш келмаса, ана ундан кейин... — Эркакчасига бир четга туфлади Улбўсин. — Тинчлик керакми, Сулувхон, аралашма! Аралашма менинг боламнинг умр савдосига!

Раҳим уйга қайтганида, Сулувхоннинг қон босими ошиб, бошига ҳўл сочиқ қўйиб, хонтахта ортида ётарди. Сир бой бермай деди:

— Билмасам, бирдан мазам қочиб қолди. "Энам"ми, деган дорим борийди, ўшандан топиб бер, болам.

Эртасига у Раҳимни ёнига чақирди.

— Ўқишларинг яхшими, Раҳимжон?

— Яхши, ая.

— Бўлажак келинга атаб сарпо йиғиб қўйганимдан хабардорсан-а?

Туроб тракторчи хонага кириб, уф тортди.

— Бошинг сал оғриганга намунча ваҳима? Васият қилаётган кампирга ўшамасанг-чи, Сулувхон!

— Э, қўйинг, дадаси... — пешанаси тиришди Сулувхоннинг.

— Гап келганда, Раҳимга айтмоқчиман, университетда бирор қизни кўз остига олсин, совчиликка бориб, бошини боғлаб қўяйлик. Каттақўрғоннинг Пайшанбасида бир курсдош қиз борлигини айтгани, роса мақтагани.

— Биринчи курс студентга шу гапларни айтаяпсанми? — чордона қуриб ўтирди Туроб тракторчи. — Ҳақиқатан, қон босиминг ёмон ошибди.

— Эй-й, дадаси...

— Эйллама! Раҳимнинг хаёлини ўқишдан чалғитма, деганман сенга! Уй ишларига қийналаётган бўлсанг, опаларингдан бирининг неварасини дастёрликка опкел. Боймоқнинг мактабида ўқиб, келин келгунча сенга қиз бўлиб туради. Пайшанба дейсан! Раҳим ўқийверсин-чи! Балки Жумадан келин чиқар, балки Чоршанбадан? — Туроб тракторчи ўғлига кўз қисди. — Раҳимбой, нима дединг?

Раҳим онасига термилиб қолди. Назарида, тақдир уфқида яшил чироқ милтиллаб ёнган эди. "Йўл очиқ! Онам Шабнамни келин қилиш ташвишига тушиб қолса ажабмас. Улбўсин холамга, Асрорга, холаваччамларга тушунтиради, Шабнам фақат менга рози бўлиши кундай равшан-ку!.."

- Ўғлим, яқинроқ кел, – чақирди Сулувхон эри ташқарилагач.
- Бир гап айтсам хафа бўлмайсан, майлими?
- Ая, нега хафа бўламан...
- Эркин муаллимнинг қизи яхши, одобли, ҳаёли, лекин...
- Қулоғим сизда, аяжон.
- У билан гаплашма. Бошқа қизлар... кўп... Шабнамни келин қилолмайман. Сенга шуни айтмоқчийдим... Хафа бўлиб-нетиб юрма, хўпми, Раҳимжон? Тушунган, ақли боласан-ку!
- Ая, кеча Камола холам кўчада бир-икки чақиб гапирди, индамадим. Улар мен йўқлигимда сиз билан уришишга келдими дейман? Ростини айтинг! Мен ҳам бориб жанжал қиламан! Кирдикорларини Тоғтеракдаги холамларга ҳам айтаман! Улбўсин холамнинг ҳам, Камола холачаларимнинг ҳам кимлигини билиб қўйишсин! Сиз бегона эмассиз, туғишган синглизисиз-ку!
- Қизишма, Раҳимжон, – тирсакларига таяниб, қаддини хиёл кўтарди Сулувхон. – Қўй ўша Шабнамни! Бекорга университетдан келин топишингни айтмаяпман. Топ! Уйлантирамиз! Келин икковингни ўқишни тугатгунларингча боқишга қурбимиз етади, пулдан қийналмайсан.
- Уйланмайман, хотирингизни жам қилинг, ая!
- Шабнамгами?
- Вақт-соати келса, ўқишни тамомлаб, сиз хоҳлаган қизга уйланаман. Фақат ўзингизни уринтирмасангиз бўлди. Улбўсин холам билан ҳам ғижиллашманг, Шабнамни ҳам эсдан чиқаринг.
- Она ёстиққа бош қўйди, ўғил сочиқни янгилади. Иккисининг ҳам кўнглида Шабнамга икки хил меҳр, икки хил муҳаббат яшарди: Раҳим ул қиз ёри бўлишини, Сулувхон эса келин қилишни хоҳларди. Айни дамда иккисининг-да юрагига қўрқув уя қурганди: Раҳим можаролар туфайли онасига бир кор-қол бўлишдан, Сулувхон тилаб олган яккаю яғонасига қарғиш тегишидан ҳадиксирарди. Ҳаёт уларга ўз яқинларининг қўли ила берган зиддият тўфон каби қудратли эди. Она-бола ўз кулбаларига биқиниб, бир-бирининг пинжига суқилиб, хавотирланиб ўтиришарди гўё.
- Кейинги ой Раҳим университет ётоқхонасига кўчиб ўтиб, Шабнамнинг мерос уйини тарк этди. Шу йўл билан Эркин

муаллим хонадонига ҳар ой ижара пулни олиб боришдек энтиктирувчи имкониятдан ўзини маҳрум айлади. Қишлоққа келганида, кўча-кўйда, тўй-ҳашамда Эркин муаллим ва Кенжагул билан куруққина салом-алик қиладиган бўлди. Албатта, оғриқли нуқтаси, бу — Шабнамга рўпара келиш эди. Раҳим заррача сўнмаган ишқ оловида қоврилар экан, афсонавий Мажнуну Фарҳодлардан кам севмаслигига амин эди. Гоҳида Шабнамга уйланиш учун эмас, уни олисдан бир кўришга ҳам ҳеч бир лофсиз жонини беришга рози-ю ризо эди. Э-воҳ, севганига уйланганлар нақадар бахтли! Раҳим эса рўмолининг учидан-да ушлашни хаёлига келтирмай дийдорини, фақатгина дийдорини кўрмоқликка ташна эди. Шунчалар ташна эдики, Самарқанддан қишлоққа келаётиб, автобусдаёқ ишқдан сархуш бўлиб қоларди. Қишлоқ кўчасида сандироқлаётган Раҳимни таниб бўлмасди. Биров университет ҳақида сўрайди, биров ҳаёт ташвишларидан сўзлайди. Агар Шабнам ўтадиган кўча бўлса, Раҳим ҳамқишлоқлари билан жону дилдан суҳбатлашарди. Танишлари "Ўқишга ўтиб одамшавандага айланди" дейишарди у ҳақда.

Ёқтирган кўшиқларини кассетага ёздирганди. Баайни у бир хонандага мухлислик қилмасди. Муҳриддин Холиқовдан битта, "Шаҳзод" гуруҳидан иккита, "Болалар"у "Байрам"дан учта ва ҳоказо кўшиқларни кечаю кундуз хаёлга чўмиб тинглай оларди. Раҳимнинг муҳаббати ўнлаб хонандаларнинг кўшиқларига сочиб юборилганди. Хаёлларга кўпроқ эрк бериш учун куй, оҳанг, шеър қидирарди. Отасининг "Лада"сига магнитофон ўрнатгач, шанба оқшомлари азобга қоришган ширин дамларга йўғрилди. Эркин муаллимнинг уйи орқасидаги кўчадан севимли кўшиқларини баралла жаранглатган кўйи машинасида ошкора ўтолмаса-да, гоҳо Туроб тракторчи ё Сулувхон бирор иш билан ўша томонларга олиб боришни илтимос қиларди. Иш билан келгансан, ким нимани сезади? Машина рулига ўтирган Раҳим алланечук ўзгариб қоларди. Бундай туйғулар силсиласини умри мобайнида кўп кузатган Туроб тракторчи, ўғли кимни ёқтиришини билса-да, сўнмас муҳаббат эканига ишонмасди. Сулувхон ҳам Раҳимнинг Шабнамга севгиси ўткинчи эканига шубҳаланмасди. Ўғлини ҳали шундай қизга уйлантирадики, ҳамма ҳавас қилади, жигарбанди бахтини топади.

Гарчи Раҳим Боймоқдаги аксарият тўйларга иштирок этолмасда, бир-икки ойда бир Шабнамга дуч келишдан қочиб қутулолмасди. Боймоқ тўйлари ўша кезлари кечаси бўларди. Ҳовлидаги бедапояга ёки уй олдидаги қуруқ ерга темир стол-стуллар "П" ёинки "Ш" шаклида тахланарди. Қишлоқдан йиғиб чиқилган дастурхонлар ёзилиб, олма, узум, нон, яхна гўшт ва лимонад билан безатиларди. Йўнилган теракдан ўртага узун устун ўрнатиларди. Қишлоқ монтери устуннинг учидаги "Х" шаклидаги тахталарга чироқ иларди. Оркестрдек бир дунё чолғу асбоблари ила санъаткорлар ташриф буюришгач, аввал "Раз! Раз! Два! Два!" деб микрофонни созлашарди, сўнг кўшиқларни бошлаб юборишарди. Меҳмонлар столларни забт этишгач, давра атрофини футбол майдонини қуршаган томошабинлардек ёш-яланглар эгалларди. Шабнам ҳам кўшни қизлар билан келарди. Раҳим бу вақтда қарама-қарши томонда турарди. Кўз узолмай қоларди соҳибжамолдан. Тўйнинг ярим кечагача давом этишини тиларди ичида. Тўй-ку ярим кечагача чўзиларди, аммо Шабнам тўққиз-ўндаёқ уйига қайтарди. Раҳим ҳам даврандан сирғалиб чиқарди. Энди унга тўй нима керак? У ҳам оёқларини судраб, ўз уйига жўнарди. Тўйда жаранг сочаётган кўшиқлар уйигача эшитиларди. Раҳим тўшакка оғир чўзиларди.

— Шабнам, — пичирларди лаблари.

Гоҳида сабр косаси тўлаётгандек туюлса, гоҳида кўнглидан лип этиб кўрқинчли хаёл ўтарди: "Асрор армияда ўлиб қолса! Шабнам ҳеч қандай тўсиқсиз менга турмушга чиқса!.."

Кейин ўз хаёлидан ўзи чўчиб тушарди. Асрор ўлмасин, соғ-саломат қайтсин, аммо... Раҳим барибир ҳар қандай ҳолатда ҳам холаваччасининг омади чопишини, Шабнамга уйланишини истамасди. Қишлоқ аҳли ҳамон Шабнамнинг ҳусн-малоҳатигаю феъл-атвориға, пишириқларигаю тикиш-бичишиға маҳлиё эди. Эл мақтаган қиз билан оила қурмоқликни қайси йигит орзу қилмаган? Раҳимнинг юрак-бағрини нафақат Шабнам сиймоси, бутун қишлоқ мақтови ҳам куйдирарди.

Ишқ уммони гоҳ сокин, гоҳ тўфонли бўлди. Яна ёз келди. Шабнам университетга, ўша биология факультетига ҳужжат топширди. Бу йил Раҳим уни учратиш учун кўҳна бинога бормади. Шабнамнинг шаҳарда экани уни тушунарсиз тушкунликларда

қолдирди. Ҳафсаласи пир бўлган одамдек карахт юрарди. На шаҳар, на қишлоқ ҳаёти татиди. Эртага Шабнамнинг ортидан университетта Асрор ва Беги чўтир келиб, чақириб бериш учун Раҳимга илтимос қилишса-чи? "Йўқ" деса, Беги дарров қишлоқда оғзига келганини гапиради: "Биз Самарқандга Шабнамни кўришга бордик, Раҳим ўша ерда ўқиб туриб, чақириб бермади номард, чунки унинг ўзи Шабнамга уйланмоқчи эди, иккала кўлини бурнига тикиб қолди-да, ва-ҳа-ҳа-ҳа..."

Билъакс улар Шабнамни чақириш учун Раҳимга учрашмаса-чи?

Ҳар ҳолда, Раҳим кўрққан икки ҳодиса ҳам юз берадиганга ўхшамади. Шабнам иккинчи марта ҳам имтиҳондан ўтолмади. Шундай қилиб, тарих ғилдираги айланиб-айланиб, Асрорнинг ҳарбий хизматдан қайтадиган вақти келди. Раҳим учинчи курсни бошлаган, Шабнам эса учинчи марта талабаликка тайёргарлик кўраётганди. Бу пайтда Шабнамнинг синфдош дугоналарининг ярми турмушга чиққанди. Уни ҳам олис-яқин қишлоқлардан ўн-ўн беш совчи сўради. Пишиқ-пухта Кенжагул бирортасининг дастурхонини очмади. "Қизимиз ўқимоқчи, ўқитмасдан узатмаймиз" деб узрини айтди.

Яна шуни таъкидлаш даркорки, Улбўсин ва Сулувхон ўртасига тушган совуқчилик кўтарилмади, борди-келди ҳам узилди ҳисоб. Қачонки, уларнинг опа-сингиллари Боймоққа меҳмондорчиликка келишсагина Улбўсин ва Сулувхон гина-кудуратларни эсдан чиқаргандек тутишарди ўзларини. Аксинча, Сулувхон ва Кенжагул опа-сингилдек бўлиб қолишди. Четдан қараган одам "Сулувхон билан Кенжагул келажакда қуда-анда бўлади", деб тахмин қиларди. Одамларнинг тусмоллари қайсидир жиҳатдан тўғри чиқди, лекин ҳаётнинг бешафқат зарбалари барчасини ағдар-тўнтар қилиб юборди.

4. ТАҚДИР ҲУКМИ

Қишлоқда "солдат тўй" бўлди. Раҳим ўқишда юрган дамга Асрорнинг қайтиши тўғри келишини илтижо қилганди, ниятига етди. Боймоққа шанба кунги дарслардан сўнг, кечга яқин қайтди.

Асрор билан ёлғиз кўришишни маъқул топганди. Раҳим автобусдан тушган эди, бекат яқинида турган Туроб тракторчи пешвоз чиқди.

— Яхшимсан, ўғлим? — кучоқлади у. — Ўқишлар қалай? Нега шаштинг паст?

— Йўлда бир оз чарчадим.

— Ма, машинанинг калити. Уйга бориб дамингни ол, бўланг билан эртага кўришарсан.

Раҳим машинага ўтирди-да, уйи сари елдирди. Бир пайт бошида оғриқ турди, кўз олди жимирлади. Аксига олиб, ғайриихтиёрий куч газни кўйиб юборишга изн бермади. Йўлни эмас, хаёлий дунёни ўйлай бошлади. Дунё живирлади, кўзига кўринаётган борлиқ сувда акс этаётган манзара эди-ю, кимдир тош отиб, тўлқинлантириб юборганди. Муюлишда бир йигит ва қизга кўзи тушди. Улар машинани кўрмай йўл устида тортишардилар. Йигит аскар либосида, қиз эса кўкимтир адрас кўйлақда эди, ғазабдан юзи қизариб кетганди.

— Шабнам?! — дея тормозни жон-жаҳд ила босди Раҳим.

Машина асфальт ушоқларини гижирлатиб тўхтади, ҳавога чанг кўтарилди. Раҳим ҳарбий формалини таниди: у Асрор эди, анча тўлишибди. Машинадан тушганида эса ҳеч кимни кўрмади. Кўзига рўё кўринганини фаҳмлаган Раҳим қулт этиб ютинди. Бошида оғриқ кучайиб, чўккалаб қолди. Шукур муаллим мотоциклнинг тариллатиб келди-да, ёнгинасида тормозлади. Раҳимнинг қўлтиғидан кўтарар экан:

— Нима бўлди, Раҳим? — деди ҳовлиқиб. — Кўтар гавдангни! Ҳой, рангинг бунча оқариб кетмаса!

— Улар қани? — гўлдиради Раҳим.

— Кимлар? — аланглади Шукур муаллим. — Ҳеч ким йўқ-ку! Кечқурун Раҳим туман марказидаги шифохонада эди.

— Қон босими тушиб кетгани учун боши айланган, — деди шифокор. — Бирдан ҳушдан кетиши шубҳали туюлаяпти. Вилоятга юборсакмикан?

— Ҳушдан кетганим йўқ, ким айтди буни? — эътироз билдирди Раҳим. Сўнг ёлғон ишлатди: — Йўлдан бола чиқиб қолди. Босиб кетдимми деб кўрқдим, бир оз ҳолсизландим.

— Кимнинг боласи эди? — дарғазаб бўлди Туроб тракторчи.

— Танимадим, — елка қисди Раҳим. — Қочиб кетди.

Ота-бола қишлоққа қайтишди. Эрталаб Раҳим Улбўсин холасиникига пиёда йўл олди. Бошида ҳамон ғалати оғриқ бор эди. Кеча кўз ўнгида бутун борлиқ жимирлаб, Асрор ва Шабнамнинг учрашуви, аниқроғи, ғижиллашаётгани акс этганини ўйлаб ўйининг адоғига етолмади. Нима, у рул бошқараётиб туш кўрдими?

— Бас! Йигит бўлсангиз мени тинч қўйинг!..

Раҳим бошини чангаллаб, бир зум тўхтади. У кеча Шабнамнинг овозини эшитган эди, нима учун бугун эслади? Эсанкираб қолгани важданми? Нима бўлаяпти ўзи унга?

Улбўсин холасиникига боришни ҳам, уйига қайтишни ҳам билмай, аросат чорраҳасида ҳолсиз қаққайди. Мудҳиш бир хасталикка чалинаётганини тушунди. Одамлар „эскилик“ деб атайдиган ёки руҳшунослар журналларда бонг ура бошлаган руҳий тўнтарилишлардан бири эди бу.

— Шаҳарга борганимда, поликлиникага кираман, — ўзига таскин берди. — Асабларим чарчаган шекилли. Қоним ҳам камайган бўлса керак. Балки кўп ўйланиш таъсиридир? Ташвишларни унутаман, умидимни узаман... — У бир нуқтага тикилди. — Бекор гап, тасодиф менга ёрдамга келмайди. Иродамни ишга солиб, совуққонроқ бўлсам, ҳаммаси ўтади-кетди. Шабнам Асрорга насиб этса, мен... шунга... ўзимни ҳалитдан тайёрлашим шарт... Кечир мени, Шабнам!.. Кечир, мен — ношудни...

Холасиникига етганида, тунд кайфиятда эди. Асрор ҳовлидаги гуллар олдида тирноғини олаётган экан, бир қарашда танимагандек тикилиб қолди. Кечаги рўёдагидек ҳарбий либосда эди у.

Раҳим ўзини мажбурлаб жилмайди.

— Э, бўлам-ку! — кучоқ очди Асрор. — Тирноқлар ҳам жуда ўсиб кетибди. Шу гуллар устига тирноқ олишни яхши кўраман-да!

— Ассалому алайкум...

— Ҳозиргина хаёлимдан ўтгандингиз! Хизрни йўқласам бўларкан! Қандайсиз, Раҳим бўла? Ўқишда ўқиб, анча ўзгарибсиз!

Холаваччалар бир-бирини галма-гал кўтариб, ҳайқирганча шодланишмаган бўлса-да, ҳар ҳолда маҳкам кучоқлашдилар. Улбўсин ва қизлари Раҳим билан совуққина сўрашди. Пирмат чўлоқ этикдўзлик устахонасига кетган эди.

— Бир дона хат ёзмадингиз-а, бўла? — ўпкалаган бўлди Асрор.

- Ўзингиз-чи? – зўраки кулимсиради Раҳим.
- Умр бўйи ўчакишиб юрмоқчимисиз? Бас-да энди! – хахолади Асрор. – Ҳа, майли. Муҳими, соғлик бўлсин! Ҳўкиз муштдан ўлмаган, йигит ишқдан!
- Ичкарига киринглар, Раҳим, Асрор, – деди Улбўсин.
- Раҳим унамади.
- Нимага? Мазанг йўқми? – Улбўсин ошхона олдида тўхтади.
- Айтгандай, кеча отанг "балниса"га олиб борганмиш.
- Ҳа, шунчаки... – жавоб беришни истамади Раҳим.
- Рангинг ҳам бир қизиқчан, – Улбўсин касалликнинг ҳидини олди. – Тинчликми? Йўлда боши айланибди, дедими?
- Камқонлик экан... – синиқ кулимсиради Раҳим.
- Асрор елкасига қўл ташлади.
- Оббо, бўла-ей, ким у қонингизни ичган? Ё ўқиш қийинми?
- Ҳе, йўқ...
- Бизнинг соч оқара бошлади, қаранг, – Асрор ҳарбийча калта сочини кўқитди. – Ёш бошимизга ўй тушди. Милицияга ишга ўтсам, қолганлари ҳам оқариб кетмаса, деб кўрқаяпман.
- Жиноятчиларни қамоққа тикар экансиз-да? – деди Раҳим ва негадир курсдошини эслади. У ҳам милиция ходими бўлмоқчи эди.
- Ҳа, ҳар қандай жиноятни фош этадиган детективликками, "опер"гами кираман, насиб этса.
- Орзунгизга етинг, бўла.
- Ҳамма орзуларимга етмоқчиман...
- Раҳим шу тобда холасиникидан қандай кетишни ўйларди. Асрор Шабнамга уйланса, бу хонадондан қадами умрбод узилади. Ҳозирдан Улбўсин холаси ҳамда Салтанат, Камола холаваччаларининг голибона қарашлари-чи! "Шабнамга бизнинг Асрор уйланапти, – дейишарди улар гўё. – Бўлажак келинимизга ҳамма ошиқ эди, ҳатто Раҳим ҳам. Самарқандда ўқийдиган студентман, машинам бор, Шабнам фақат менга тегади, деб юрганига қарамай Раҳимнинг қўлидан ҳеч бало келмади..."
- Ҳовлида бир оз гаплашишди.
- Хўп, хайр, Самарқандга кетишим керак, – қўл узатди Раҳим. Ажралишди. Раҳим кўчага етгач, Асрор:
- Сизга раҳмат, бўла, – деди. – Унутмайман лекин!
- Раҳим ортига саволомуз ўгирилди.
- Шабнам учун, – кўз қисди Асрор.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Шу куни Раҳим уйига сиғмади. Кечқурун Самарқанд ҳам торлик қилди. Кечки соат саккизларда талабалар ётоқхонасига қишлоқ фуқаролар йиғинхонаси — "сельсовет"дан онаси сим қоққанида, биринчи қаватдаги қоровулхонага истар-истамас тушди.

— Яхши етиб бордингми, болам? — гўшакнинг нариги томонидан онасининг ҳазин овози эшитилди.

— Ҳа, ая, — Раҳим асабийлашаётганидан пешанасини ишқалади.

— Аҳволинг яхшими?

— Яхши. Қишлоқда нима гаплар?

— Ўзи бугун кетдинг-ку, — ҳайрон бўлди онаси.

— Демак, янгилик йўқ.

Уч ҳафта қишлоққа бормади. Сулувхон яна "сельсовет" қоровулини безовта қилиб, Раҳимнинг ётоқхонасидаги қоровулхонага уланди.

— Кейинги шанба бораман, — деди Раҳим гўшакни қулоғига қаттиқроқ босаркан. — Қишлоқда нима янгиликлар?

— Тинчлик.

Онаси "тинчлик"дан нари ўтмаслигини билган Раҳим очиқ сўрашга мажбур бўлди:

— Асрор совчи юбормадими?

— Кимга?

— Нега тушунмаганга оласиз? Эркин муаллимнинг қизига-да!

— Юборди, — деди Сулувхон. — Шунинг учун қишлоққа келмай юрибсанми, болам?

— Йўқ, ўқишим кўпайган.

— Эртага икковининг тўйи бўлса, биздан кечар экансан-да, а? Қисқа қилиб айтай — уни бермади, Кенжагул ўлсам ҳам бермайман. деди, тушундингми? Сен уларни айнитмадинг, мен айнитмадим, Улбўсин холанг билан Асрор нега ўжарлик қилади, ҳайронман. Сен уйланмасанг, бошқа биров уйланади Шабнамга! Холангни қандай жин уриб бизга бунақа тескари бўлиб қолди, ўйлаб ўйимнинг адоғига етолмаяпман.

Шанба куни Раҳим сумкасини елкасига ташлаб, автобусдан тушди. Сал нарида синфдошлари гўж бўлиб туришар, маст Асрорнинг сўкиниши эшитилар эди. Улар Раҳимга қараб хуштак чалиб, қўлларини силкитишди. Раҳим кураш майдонига чиқмаса бўлмаслигини англади. Қачонгача сукут сақлайди?

— Ичиб олибсиз-ку, бўла, — деди у Асрор билан кўришаркан.
— Армиядан қайтганингизнинг байрами давом этаётганими ё бирор нимадан куйяпсизми?

— Тушунмадим, — қора-қизил тусга кирди Асрор.

Синфдошлар ҳиринглашди.

— Домла бўп қоптилар-у, — деди Беги чўтир.

— Жўралар, кулгили гап айтмадим, — янада жиддий тортди Раҳим.

— Чақаяпсизми? — деди Асрор алам билан. — Ниналарингиз бунча ўткир?

— Куппа-кундузи қишлоқ ўртасида мастликда сўкинаётганингиз мен учун, яъни холангизнинг ўғли учун уят, — жавоб берди Раҳим. — "Мен ҳам сизлар билан юзта-юзта оламан", деганимда, сизга душман ҳисобланардим, дўст эмас.

— Балки ҳозир ҳам душмандирсиз? — улфатларига кўз қисди Асрор.

Синфдошлар яна ҳиринг-ҳиринг кулдилар.

— Четроққа чиқайлик, холи гаплашадиган гап бор, — деди Раҳим босиқлик билан. Улар йўл ёқасидаги икки қатор терак ортига ўтишди. — Милицияда ишламоқчисиз, — давом этди Раҳим. — Дўст ачитиб гапиради. Бу нима юриш? Яқинда ҳарбийдан қайтган одамнинг мастлиги...

— Ҳай-ҳай-ҳай! — кўлини кўтарди Асрор. — Панд-насиҳат қилманг, илтимос. Жуда ҳам ошириб юбораяпсиз. Битта синфда ўқиган, бирга катта бўлган йигитлармиз. Ўзингизни бунақа катта олманг, ярашмаяпти, рост.

— Дўстлигимдан гапираяпман! Шабнамга совчи юборганингизни ҳам эшитдим...

— Шунақа демайсизми? Тўғри, унга сиз уйланмоқчисиз! — истехзоли кулди Асрор. — Сиздек қариндош бор экан, биз қуруқ қолаверамиз. Камбағалмиз. Қўлимиз калта. Отамиз этикдўз биз — бечораларнинг.

— Уйлансам аллақачон уйланардим. Айнан сизнинг ҳурматингизга...

— Менга бунақа "ҳурмат"нинг кераги йўқ! — қулочини ёйди Асрор. — Очиқ гапираверинг, биз эркакмиз! Шабнам билан

гаплашиб қўйганмисиз, йўқми? Ҳа, ҳа! Ҳамма иш аллақачон пишган! Биз шунчаки шахматнинг қора доналари. Аста-секин четга чиқиб кетаверамиз.

— Агар гаплашиб қўйганимда эди...

— Гапни олиб қочманг! — деди Асрор — Унга уйланиш, бу — уч-тўрт йил аввалги режангиз эди! Биласизми, кимдан кўрқасиз? Энамдан! Ҳа, Улбўсин холангиздан! Холангизнинг олдида юзингиз шувут бўлмаслик учун қулай пайт пойлашга қарор қилгансиз.

— Чегарадан чиқманг!

— Чегара нима? — кўзларини олайтирди Асрор. — У йўқ нарса! Қишлоқда ҳамманинг оғзига тушадиган ажойиб қиз чиқса, шак-шубҳасиз сизники бўлиши керак! Чунки ҳаммаша олдинги қаторда юришингиз шарт! Шунга ўргангансиз! Исбот сўраяпсизми? Университетингизда шунча вақтдан бери бирорта соҳибжамол учрамадими? Учраган! Менимча, уларни ҳам қўйиб юборишни хоҳламайсиз, Шабнамни ҳам! Ҳаммаси сизга бўлиши керак! Сизга! Сизга!

— Гапларингизни қайтариб олинг, Асрор!

— Қайтармасам-чи?

— У ҳолда... алвидо, — деди Раҳим.

— Нима бало, ер остига кириб кетмоқчимисиз? — ортидан бақирди Асрор. — Тўхтанг, гап чала қолди!.. Ҳа, майли...

Шу тариқа холаваччаларнинг ўртасидаги омонат ришталар ҳам чирт-чирт узилди. Раҳим дарров оловга мой сепмаслик учун Шабнам билан учрашишни то у ўқишга ўтгунча кутишга қарор қилди. Тўрт йиллик муҳаббатини изҳор этади, қизнинг қўлини сўрайди, узоқ кутганининг сабабини айтади.

Ўнинчи синф остонасигача севишганларнинг устидан кулиб, ғам-ташвишсиз яшаб келган йигит йиллар ўтиб, ўз холаваччаси уйланмоқчи бўлган номзоднинг ишқида ёниб, алалоқибат оғиз солиши мана шу тариқа содир этилажак эди. Аммо Раҳим бахтиёрлик-ла уйланишни истарди. Бир ёқда холаваччаси девор муштраб қолса, Улбўсин холаси она бўридек тармашса, унга татимасди тўй-томоша.

Бу вақтда Сулувхоннинг уй юмушларига орқа қўшинининг қизи

ёрдамлашиб юрарди. Каттароқ тадбир бўлса, бошқа ҳамсоя келинлар ҳам ёрдамга чиқишарди. Қиш ўтди. Май ойининг охирида Боймоққа эшон ойим ташриф буюрганида, Раҳим шаҳарда амалиётда эди. Эшон ойим эрининг аждодларига мурид ҳисобланмиш оилаларда ҳар йили икки-уч кун меҳмон бўлиб кетарди. Иккинчи кун кечки зиёфатни Сулувхон олди.

— Хўжайиним аслида Боймоқдан бўлмаса ҳам, умримиз шу ерда ўтаяпти, — деди у ўша куни хотинларга. — Бизнинг ҳам орзу-ҳавасларимиз кўп, ойимни меҳмон қилиб, кўшни аёлларни у кишининг ҳузурларига чақирсам дегандим.

— Майли, майли, жон қизим, — сўзлади эшон ойим. — Гап муридликда ё қавму қариндошликда эмас, муҳими, ният пок, амал ҳалол, сўз иссиқ бўлсин.

Даврада Кенжагул ҳам ўтирганди. Ташқарига чиқишгач, Сулувхон унга деди:

— Қизингиз бир ажойиб салат тайёрлармиш, эртага пешинда биргаликда келингизлар, кечки дастурхонга қарашиб юборди, хўпми?

— Вой, сиз айтасиз, биз йўқ деймизми, албатта борамиз, — кўлини кўксига кўйди Кенжагул. — Шабнам бу йил ўқишга ўтмасам бўлмайди, деб эрта-ю кеч тайёргарлик кўравериб, чарчади, бир оз чигилини ёзсин.

Ўша куни Раҳим аёллар йиғини бўлаётганидан беҳабар тўсатдан келди қишлоққа. Миясидаги оғриқ чекинган, ғалати тушлар кўрмай кўйган, ишқ ва умид олови гур-гур ёнган фараҳбахш дамлар эди. Онаси ҳар ғалгидан минг қатла хурсанд кутиб олди.

— Студент келибди-да, — дея кўшни келинлар ҳам шоду хуррам ҳол сўрашдилар.

— Кун иссиқ бўлди, роса чанқадим, — Раҳим ошхонага кириб, фляга қопқоғини очди-да, кружка ботирди. — Ўзиям уч кружка сув ичсам керак...

"Култ... култ... култ..."

Раҳим сув сипқораётиб, ошхонанинг иккинчи хонасидаги хонтахта ортидаги шарпани пайқади. Янгалардан бири бўлса керак, дея сув ичаётган ҳолда хотиржам бурилди. Бурилди-ю томоғига сув югуриб, ўқчиб юборди.

— Ассалому алайкум, — салат тайёрлаётган Шабнам ўрнидан турди. — Кечирасиз...

— Э, нега... йўғ-е... — чўғдек қизарди Раҳим.

Янгалар ва қўшни қизлар юмуш билан кириб, ошхона ғалаговурга тўлди. Раҳим яна рўёни кўрмаяпманмикан деган ҳадикда ошхонага кўз ташлаганида, Шабнам ликобчаларга салат тақсимлар, теграсидагилар унинг чаққонлигига маҳлиё бўлганча ичкарига салат ташишга тайёр туришар эди.

— Шабнам бизникида!.. — Раҳим хонасига кириб, диванга чўкди. — Бу қандай мўъжиза бўлди? Наҳотки, ҳижрон азоблари ҳам тез кунларда тугаса?

Шабнамнинг онаси — Кенжагул ҳар доимгидан ҳам илиқ сўрашган эди. Раҳим юрагини Шабнамдан совитишга уриниб юрган чоғларида ўзини совуққон тутганларини ўйлаб, уялиб кетди. Бир неча йиллар буруноқ муаммолар шу тахлит жўнгина ҳал бўлиши керак эди, назарида.

Эшон ойим меҳмонга келган кўни-қўшни хотинларнинг саволларига мулойимлик-ла жавоб бераётгани очиқ эшикдан ойнаванд хонага эшитилиб турарди. Ўша дамларда газета-журналларда диний саҳифалар йўқ эди. Айримлар фол, "ис-сиқ-совуқ", судхўрликнинг зарарларини чуқурроқ тушунмасдилар. Эшон ойим бир ҳикоя бошлади. Ошга дам берилган, келин-қизлар бир фурсат бўш қолган эди, ҳаммалари ойнаванд хонага тўпланиб, ичкаридаги ҳикояга қулоқ тутдилар. Раҳим ёндаги хонага ўтмоқчи эди, кўшнининг келини:

— Қайним, — деди шивирлаб, — келинг, манави ерда ўтириб, меҳмонхонага қулоқ солинг, эшон ойим тарихдан гапираяпти. Тушунмаган жойимизни сиздан сўраймиз, тарихчисиз-ку.

Ойнаванд хонада тўпланганлар орасида Шабнам ҳам одоб ила ўтирарди. Қўшни қизлар Раҳимнинг қаторга лип этиб жойлашганини шўхлик ҳисоблаб, пиқ-пиқ кулдилар, Шабнам эса ним жилмайиб, кўзларини олиб қочди.

— Жим, қизлар кулишманглар — муштини дўлайтирди қўшни келин, — ҳикояни эштайлик.

Бир неча сониядан сўнг ҳикоя бошланди:

— Кўп йиллар муқаддам Қорасув деган жойда бир йигит

яшаган экан, — деб сўз очди эшон оймим. — Ўн олтига кирган куни ота-онаси уни элакка жўнатибди. Йигит белбоғига пулни туғиб, эшагини бозор томон йўрттириб кетибди. Қараса, бозорда бирорта ҳам элакфуруш йўқ экан.

"Қаердан элак топсам бўлади?" — сўрабди савдогарлардан.

"Хув анави чол биледи", — дейишибди савдогарлар оқ яқтакли қарияни кўрсатиб.

Чолнинг хузурига борган экан, "Ортимдан юр", деб йигитни эргаштирибди. Юра-юра шаҳар чеккасидаги кўҳна уй эшигида тўхтабдилар. Чол камарига боғланган калитлар шодасидан оқ ранглисини танлаб, эшикни очибди.

"Бунча қоронғи? Ҳеч нарсани кўрмаяпман", — дебди йигит.

"Кўнгилнинг кўзи билан кўр-да, ўғлим", — меҳрибонлик билан жавоб берибди чол.

Улар қоронғи хонада тентираб, қандайдир қопқоқ олдига келишибди. Чол уни ғийқиллатиб очибди.

"Нарвондан туш, — дебди чол. — Пастда элак бор, олиб чиқасан".

"Эшик-деразаси йўқ қоронғи уйингиздаги чуқурнинг ичи бундан ҳам зимистон бўлса, элакни қандай топаман, бобо?" — кўнмабди йигит.

"Ота-онанг сени элакка юборган, унутма, ўғлим, — елкасига қўл ташлабди чол. — Уйингга элак билан боролмасанг, қанақа фарзандсан?"

Йигит нарвондан тушиб, пайпаслаганча элак ахтарибди. Қайси тарафга юрмасин, яланғоч деворлар эмиш. На элак, на бирор жиҳозни топибди. Ҳатто, нарвон ҳам ғойиб бўлибди.

"Бобо, нега нарвонни тортиб олдингиз?" — қичқирибди йигит.

"Бугундан бошлаб сен ер остида яшайсан, — чолнинг овози юқоридан эшитилибди. — Элак керак бўлса, ип, игна, ёғоч, арра ташлайман, ясаб оласан. Қачон элак ясаб бўлсанг, ўшанда чиқасан ёруғ дунёга!"

"Мен элак ясашни билмайман! — дарғазаб бўлибди йигит. — Умримда қўлимга тайёр элакни ҳам ушламаганман! Ҳозирок чиқариб юбормасангиз, ҳолингизга маймунлар йиғлайди!"

"Аввал ўз ҳолингга боқсанг-чи, ўғлим", — деб чол чоҳ оғзидан узоқлашибди.

Қорни очиққанида овқат, чанқаганида сув берибди. Йигит аввалига чолга дўқ-пўписа урибди, деворларга тирноқларини ботириб, қутурган махлуқдек юқорига ўрмалабди, қўланса сўзлар билан сўкинибди, ҳеч фойдаси бўлмабди. Кейин бошини чангаллаб, майнинг хумори тутгандек тебраниб ўтирибди. Ўкириб йиғлабди ҳам. Қани, унинг фарёдини биров эшитса!

Ниҳоят, йигит элак ясай бошлабди. Чол уни ер остидаги зиндондек хужрага банди этган бўлса-да, меҳрибон ва раҳмдил экан. Йигитдан дўқ урмасликни, сўкинмасликни, беҳуда ишларга вақт сарфламасликни сўрабди, шунда ёруғ дунёни кўриши мумкинлигини айтибди. "Қачонки, чоҳга кўнгил кўзи билан қарасанг, у сен ўйлагандек зимистон эмаслигига шоҳид бўласан, ишонмасанг синаб кўр", дебди. Кунларнинг бирида йигит узала тушиб ётиб: "Кел, шу чолдан хафа бўлмай, унинг ўгитларига тўлиқ риоя қилай-чи", дебди ва кўзларини юмибди. Ота-онаси йигитни дунёга келтирган, боққан, кийинтирган экан-у, кўнгилдан сабоқ бермаган экан. Йигит кўнгилни уйга ўхшатибди. Мана, у ичига кирибди. Бироқ уй қоронғи экан. Хаёлан ичкарилабди ва чуқурликка дуч келибди. Нарвондан тушибди ва у ерда ўзини учратибди. "Мен кимман?" деб сўрабди ўзидан. Чоҳ тубидаги ўзи юқорига ишора қилибди.

Шунда йигит кўзларини ярқ этиб очибди. Қараса, чоҳ қопқоғи ўрнида панжара турганмиш. Панжара ҳам эмас, мисоли катта элак. Йигитнинг нигоҳи элақдан ҳам нарини кўрибди. Ё, Раҳмдил Эгам! Уйнинг шифтини ҳам тешиб ўтибди унинг кўзлари! Шифт ҳам элақдан эмиш. Йигит янада узоқларга тикилибди. Биласизларми, тўсатдан у нимани кўриб қолибди?

– Нимани? – деб сўради Кенжагул сабри чиламай.

– Юлдузларни кўрибди, айланай, – давом этди эшон ойим.

– Қоронғи уй ичидаги қопқоқли зиндонда ётган йигит юлдузли осмонни худди баланд тепаликда тургандек аниқ-тиниқ кўрибди. У айни дамда чоҳ тубида бўлса-да, юксакларга кўтарила олибди. "Қандай қилиб?" дерсизлар? Ботиний кўзлари очилган экан-да. Элак эса кўнгилдаги жамики ёмонликларни ўтказмайдиган, дунёга қусурсиз нигоҳ билан қарашни таъминлайдиган ақл элаги экан. Оддий ақл эмас, ўз эгасини танитадиган ақл! Бемаъни

фикрлар, осийларча ҳис-туйғулар кўнгилнинг кенг уйига чиқолмайди, чиқса ҳам хатти-ҳаракат даражасигача етолмайди. Қани, ким айтади, одам гоҳо ёмон ўй-хаёлларга борадими?

— Билмасак, билмасак... — андиша қилишди қишлоқ хотинлари.

— Боради, — деди эшон ойим, — ақл элаги борлар ёмонларини элаб ташлаб, дунёга тиниқ кўз билан боқади. Оқибатда ёмон хаёллар қатқалоққа айланиб, емирилиб, йўқолиб кетади. Ўғрилиқ, бузуқчилик, хоинлик — ҳаммаси шундан, яъниким элакнинг йўқлигидан, элакнинг йиртиқлигидан. Ҳеч замонда бирор гуноҳ иш ўз-ўзидан содир бўлмаган. У аввало инсоннинг кўнглига тушади. Шу заҳотиёқ кўнгилни тозаласак, қутуламиз. Аксинча бўлса-чи? У кўпая бошлайди, семиради, каттакон махлуққа айланади ва одамнинг танасини бошқаради. Мана, кўча-кўйда эшитамиз. Фалончи гулдек хотинини, бола-чақасини ташлаб, қаердандир енгилтак хотин топиб, кетиб қолганмиш, писмадончи пул ўғирлаганмиш ва ҳоказо. Одам бирдан хиёнатчи, бирдан ўғри бўлиб қолмайди. Кўнглига тушган ёмон ўйни йўқ қилиш ўрнига қайта-қайта ўйлайверади, ўйлайверади, кейин янада ёқимли тарзда тасаввур қилишга ўтади. Ундан нарисси эса ҳаракат. Ўша ўй-хаёлини ҳаётга ҳаракат шаклида олиб чиқади. Айтмоқчи бўлганим шуки, мияни тоза тутиш керак. "Бирор ножўя ишни ичимда ўйлаб юрсам, ким билиб ўтирибди, ахир менга ўша иш ёқади-да, ҳақиқий ҳаётда уни қилмаяпман-ку" демангиз зинҳор. Ёмон хаёл вақтида ҳайдаб солинмадими, у бир-икки ойда, узоғи билан беш-олти йилда вужудни буткул эгаллайди. Кўнгилнинг ҳам, ақлнинг ҳам деворларию эшик-деразаси — ҳаммаси миядан. Мияси кучли ишлайдиган, аммо ўзи ёвуз бўлган қандай шахслар ўтмаган дейсиз тарихда! Уларнинг кўнгли тоза бўлмаган, тушундиларингизми?

Хотинлар бир овозда маъқуллашди.

— Йигит ота-онасининг олдига борибдими ишқилиб? — деди Сулувхон.

— Борибди, — хайрихоҳлик билан сўзлади эшон ойим. — Энди бу ёғини эшитингизлар. Бир вақт ҳалиги чол йигитни чақирибди. Йигит юлдузларни томоша қилаётган жойида кўзини очса, ҳамон зим-зиё чоҳ тубида ётганмиш. "Элак ясаб бўлибсан-ку, болам, нарвонни туширдим, чиқа қол", дебди чол. Йигит

чуқурликдан чиқибди. Чол унга йўл берибди. Йигит эшикни топибди-да, ўзини кўчада, яъни ёруғ дунёда кўрибди. Кўчалар, одамлар бошқача эмиш. Ҳаммаёқ обод, фаровон, йўловчилар хушмуомала, хушчақчақ, озода кийимда. Йигит Қорасувга келибди. Ота-онаси уйда йўқ эмиш. Қўшнилардан сўраса, бундан йигирма йил аввал у элакка жўнаб кетган куни уйга ёлғиз эшак қайтиб келганини айтишибди. Бағри куюк ота-она йигитни ахтариб, шаҳарга отланган экан. Ҳозиргача улардан дарак йўқмиш. Йигит ота-онасининг ҳажрида яна шаҳарга қайтибди. Юзлаб одамлардан сўрабди, минглаб далилларни тўплабди, афсуски, ота-онасини тополмабди. Улар қаерда бўлиши мумкин? Шунда йигит кўнгил уйини эслабди.

"Яна нега келдинг?" — сўрабди чол.

"Ота-онамни йўқотиб қўйдим, — жавоб берибди йигит. — Кўнгил тубида ётганимда, улар мени ахтариб шаҳарга келишган экан, шу-шу ҳеч ким қайтиб кўрмабди. Балки улар ҳам кўнгил тубидадир?"

"Дийдорини кўришни шунчалик хоҳлайсанми?" — дебди чол.

"Қанчалик соғинганимни билсангиз эди", — йиғламсирабди йигит.

"Майли, — дебди чол, — у ҳолда ортимдан юр".

Улар қоронғи хонага кирибдилар. Бир пайт қаердандир эшак ҳанграши кулоққа чалинибди.

"Ие, бу менинг эшагим-ку!" — севинибди йигит ва овоз келган томонга югурибди. Қоронғи уйнинг нариги томонидаги эшикнинг тирқишларидан ёруғ дунё шуъласи, чанг зарралари таралаётгани кўринибди. Йигит эшикни итарган экан, бозордан чиқиб қолибди. Қараса, ростдан ҳам эшаги пўчоқ кавшаб, уни кутаётганмиш.

"Ҳов йигит, сен элак ахтариб юрганмидинг?" — хитоб қилибди кимдир.

Йигит элакфурушлар растасида савдо авжидалигидан ҳайрон қолибди. Дунё яна аввалгидек шовқин-суронли, чанг-тўзонли, йиртиқ-ямоқли экан. Йигит элак харид қилиб, эшагига ўтирибди-да, Қорасувга йўрттирибди. Қишлоғи ҳам йигирма йил бурунгидек ўша-ўша эмиш. Ота-онаси ҳам уйда ўтирганмиш.

"Ана, ўғлимиз келди, — дебди отаси онасига. — Унни эла, хамирни қор, овқатни пишир! Беш кунлик дунёда маза қилиб овқатланишга нима етсин!"

"Сизга еб-ичиш бўлса, бас! — ҳар кунгидек бобиллабди онаси.

— Ундан кўра тузукроқ пул топишни ўйласангиз-чи! Қўшнилари уй-жойларига, яшашларига қаранг! Менинг эса, ҳатто, қўлимда тилла узугим ҳам йўқ!”

“Ўғлим, нега анграясан? — носини туфлабди отаси. — Яхши есанг, яхши кийинсанг маза-да, нима дединг? Кўнгилдагидек еб-ичмасанг, миянг бинойидек ишлайдими? Йўқ, албатта! Пулни кўп топиш учун миянгни зўр ишлатсанг, эшакнинг ҳам қимматларидан миасан! Эшак бақувват бўлса, бозор ҳам бир қадам...”

Орадан йигирма йил ўтиб, йигит авлиёлар сафига қўшилибди. Бунинг учун у ер устида не-не азоблар чеккани ўзигагина аён экан. Нигоҳлари деворни ҳам тешиб ўтадиган даражада ўткир бўлган, дейишади. Бироқ авлиёлик даражасига етганини ота-онаси кўрмабди.

— Вафот этишибдими? — сўради хотинлардан бири.

— Ҳа, йигит уйига авлиё бўлиб қайтганида, ота-онаси ҳаётдан кўз юмган экан, — деди эшон ойим. — Йигит одамларнинг кўнглини даволашни мақсад қилибди. Қорасувда ўғирликлар камайибди, уруш-жанжаллар тўхтабди, ҳатто касаллар оёққа туришибди. Бу дунёда жуда кўп муаммолар кўнгилнинг кирлигига бориб тақалади. Қорасувлик авлиё кўнгилни тоза қилиш орқали кўп одамга нафӣ теккан экан. Айтмоқчиманки, одам кечаю кундуз кўнгилни озода тутсин. Бу кўнгилга нималар келмайди, дейсиз? Ёмон ўйларни дарров элаб ташланг ва ҳеч қачон эсламанг. Қачонки, одам кўнглини ер ости билан боғлай олса, шунчалик юксакликка кўтарилади.

Аёллар эшон ойимга тасаннолар айтишди. Кимлардир ҳикояга тушунишмагани сезилса-да, меҳмон сузилиб-эзмаланмади. Ойнаванд хонада ўтириб меҳмонхонадаги аёллар базмига қулоқ солаётган ёшлар секин ўринларидан туришаётганди, ичкаридаги гапдон хотинлардан бири:

— Севги деганлари кўнгилнинг иши, деймиз, ишқ-муҳаббат китобларда кўп мақталади, — деб савол ташлади, — лекин севишиб қочиб кетганларни нега ёмон кўрамиз? Шу жойда китоб билан ҳаёт тўғри келмай қолади-да, ойим, сиз нима дейсиз? Кўнгил тоза бўлсин деса, севгини ҳам элакдан ўтказмай, кўмиб ташлаган маъқул экан-да, а?

Хотинлар “Вой, шу ҳам саволми?” деб кулишди.

— Йўқ, айланай, — сўзлашга шошилмади эшон ойим, — севги, бу — кўнгилнинг энг олий туйғуларидан бири. Севги ота-онага, фарзандга, ёрга, ватанга нисбатан бўлади, деган гапларни кўп эшитгансиз. Бу ҳам тўғри. Энди ўйлаб кўринг, ҳикоямда айтилганидек, кўнгилдаги туйғу танани ҳаракатга келтиради. Йигитнинг севгиси қизни хотин қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган кучга айланса, на уятни, на ота-онанинг обрўсини писанд қилса, уни соф севги деб бўладими? У кўпоровчиликдан фарқ қилмай қолади-ку! Кўнгил одами бошқаларнинг кўнгилларини вайрон қилса, буни қандай тушуниш мумкин? Бир жиҳатдан, ошиқлар висолга етишмаса, уларнинг ҳам кўнгиллари вайрон бўлади. Аммо кўнгил кишилари жафо чекишдан кўрқмайди. Улар олий манзиллар кутаётганини шу дунёнинг ўзига тоза нигоҳ билан қараб ҳам англаб олаверадилар. Севгини эр-хотинлик билан ўлчайдиганлар-чи? Кўпинча турмуш қийинчиликларининг олдида севги-муҳаббат ўлганига гувоҳ бўламиз. Севишиб турмуш қурганларнинг ажрашиб кетганлари ҳам учрайди. Нега?

— Қарайдики, севги ўлгурнинг ҳеч авло жойи йўқ, — кулди бир аёл.

— Аслида гап бунда эмас. Ҳақиқий севги-муҳаббат манфаат сўрамайди. Масалан, ватанга муҳаббат. Нега ватанини севган инсон уни СЕВАДИ, холос. Олтин-зари насиб этмаса, севмай қолмайди-ку.

— Тушундик, — дейишди хотинлар.

— Бобокалонларимизнинг китобларида ҳам севгига кўп тўхталишган, — деди эшон ойим. — Чиройли қизни эт билан суяги ўртасидаги ёғи, бошидаги сочи, оғзидаги тиши учун севишларини эски замонларда ҳам исботлаб беришган. Тасаввур қилинг, бир қиз буришган тери ва суякдан иборат, оғзида тиши, бошида сочи йўқ. Хўш, уни йигитлар севиб қоладими?

— Йўғ-а!.. Худо сақласин-а!.. — меҳмонхонада кулги тўлқинланди.

— Кулмангизлар, — деди эшон ойим. — Мен гурунгни қизитиш учун эмас, ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қиляпман. Севгининг асоси тери билан суяк ўртасидаги ёғ, оғзидаги тиш, бошдаги соч бўлмаслиги керак. Ҳаёт ўткинчи. Майли, ёшлар севишсин,

турмуш қуришсин, бир-бирининг ҳусн-жамолига маҳлиё бўлишсин, аммо кўнгилга доғ туширмай мажозий севгини ҳам, илоҳий севгини ҳам бирдек унутмасин. Тагин эшон ойим келиб, нуқул севгидан гапирди, деб Сулувхоннинг кўшнилари ҳайрон қолишмасин. Рухсат берсаларингиз, мавзунини ўзгартирсак...

Сулувхон меҳмонхонадан чиқиб, ойнаванд хонада тизилишиб ўтирган кўшни келинни қизларга, Шабнамгаю юзидан нур ёғилаётган Раҳимга қаради.

— Вой, кулоқ солиб ўтирибсизларми? — шивирлади у. — Ош тагига олиб кетмасин! Чойни ҳам янгилашлар! Тез!

Ойнаванд хонадагилар гурра кўзғалиб, ошхонага жўнадилар. Иккинчи овқат — палов тортилиши лозим эди. Раҳим энди хонасига бекиниб ололмасди. У ташқарида жичча кутгач, ошхонага яна сув баҳонасида кирди.

— Қайним, — деди кўшни келин, — тарихда боягича одам ўтганми?

— Йўқ, — бош чайқади Раҳим, — бу диний ривоятга ўхшаяпти. Фалсафийлик томони шундаки, аслида ким ер ости, ким ер устидан эканини тушуна билиш керак.

— Фалсафангизни кўйинг! Сиз севги учун курашармидингиз?

Қўли қўлига тегмай ишлаётган қизлар қиқир-қиқир кулишди. Шабнам эса миқ этмай ликобчаларни тахларди.

— Севги деса кулади булар, — кўшни келин ёнидаги қизни туртди.

— Курашардим, — деди Раҳим сувсиз кружкани хўплаб.

— Сиз-а? — кўшни келин ҳайратланди. — Қуёш эртага ғарбдан чиқмасин! Фирт худбинсиз-ку, қайним!

Эшон ойимнинг ҳикоялари, кўшни келин бошчилигида ошхонадаги ҳазил-ҳузиллар. Раҳимнинг ҳар доимгидек бу дамларнинг туганмаслигини ич-ичидан илтижо қилиши билан зиёфат ҳам ўтмоқда эди.

Ош тортилгач, дарвоза томонда кимлардир хуштак чалишди. Раҳим аллақандай завқ билан: "Ҳўв! Келаверинглар, ит боғланган!" деди.

Улар Шабнамнинг икки укаси экан.

— Аям билан опачамни чақиринг, — деди каттаси. — Дадам юборди.

Ўғиллари келганини эшитган Кенжагул ҳам ташқарилади.

— Сиз ўтиринг, ҳангома ҳали давом этади, — деди Сулувхон Кенжагулга. — Майли, Шабнам укалари билан бора қолсин, сизни кейинроқ Раҳим кўйиб келади.

Шабнам ва укалари қоронғи кўчага сингиб кетишгач, Сулувхон ва Кенжагул уйга киришди. Эшон ойим опа-сингиллар ўртасидаги меҳр-оқибат хусусида сўзлаётганди. Улбўсин ҳам, шу кўчага келин бўлиб тушган қизи Камола ҳам меҳмондорчиликка келмаганди. Раҳим меҳмонхонанинг очиқ деразалари олдидан ўтаркан, кўнгил ҳикояси бир томон, Улбўсин холаси ва Асрор муаммоси иккинчи томон бўлди. "Кўнглимни тозалашим учун холам билан бўламга бош эгиб боришим керак", деган ўй ўтди хаёлидан.

Шу пайт аллақаердан қичқириқ эшитилгандек туюлди. Раҳим кулоғини динг қилиб кўчага чиқди. Назарида, фарёд Шабнам ва укалариники эди. Ҳақиқатан, Эркин муаллимнинг уйига элтувчи йўлда итлар ҳура бошлади. Раҳим юз қадамча югурган эди, лоп этиб Шабнамнинг кичик укаси учраб қолди.

— Раҳим ака, — деди у ҳансираб, — Мастлар!.. Шабнам опамни кўйиб юбормаяпти!

— Мастлар? — чопди Раҳим. — Кимлар? Танидингми?

— Асрор ака билан Беги ака...

Ҳақиқатан, Асрор Шабнамнинг билагидан тутган кўйи гап уқтирмақда эди. Беги чўтир Шабнамнинг тўнғич укасининг кўлини қайриб: "Тушунган боласан-ку, бир оғиз гаплашади, холос!" деб шанғилларди. Раҳим Беги чўтирнинг ёқасидан силтаб, бир тарсаки туширди. Кейин Асрорнинг устига бостириб борди.

— Асрор, — деди важоҳат билан, — ҳамма нарсанинг чек-чегараси бор! Бу нима қилганингиз?

Шабнам билагини халос этди. Асрор:

— Мен билан видолашган эдингиз, шекилли, — деб бир четга тупурди. — Нега ишимга аралашаяпсиз, тушунмаяпман! Шаҳардаги қизлар етмагандек ўз бўлангизнинг севгилисини...

— Эски гапларни чайнаманг! Шаҳарда ҳеч кимни севмайман! — тишлари ғижирлади Раҳимнинг.

— Фақат Шабнамними? — тебранди Асрор.

— Ҳа, — деди Раҳим. — Уни севаман! Уйланмоқчиман! Энди етиб боргандир?

— Вў-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа-а... — беўхшов кулди Асрор. — Ниҳоят, ҳақиқий башараси очилди Раҳим бўламнинг! — Шундай дея яна Шабнамга чанг солмоқчи эди, Раҳим ёқасидан бўғди.

— Шабнам, укаларингиз билан кетаверинг! Биз ўзаро... — Раҳим гапини тугатолмади: Асрор калла қўйди.

Икки холавачча аёвсиз олиша бошладилар. Уларни ажратиб қўйишганида, қонга беланишганди. Сулувхон ҳаллослаганча ялангоёқ етиб келиб, "Вой болам", деганча Раҳимни кучоқлаб олди.

Эртасига Пирмат чўлоқникида опа-сингил ўртасида жанжал бўлиб ўтди.

— Одам ҳам шунчаликка борадими? — йиғлади Сулувхон. — Ким айтади сизларни ўз жигарларим деб?!

— Биз келин қиламиз деган қизни айнитганларингиз учун ҳали бундан ҳам ёмон бўлади! — деди Камола қизариб-бўзариб.

— Камбағал деб ўз қариндошларини ерга уришни сизларга кўрсатиб қўямиз! Доим тан олмайсиз! Шабнам билан онаси думини ликиллатиб бекорга бормагандир сизларникига, хола?

— Камола!.. — бағри куйиб кетди Сулувхоннинг.

— Э-э, жириллама сен! — қизини жеркиб ташлади Улбўсин. — Ёш бошинг билан аралашма! Боланг йиғляпти! Бор, қара! — Кейин у Сулувхонга қўлларини пахса қилди. — Битта-ю битта боланг бўлса, нима қиласан уруш-жанжалларни?! Шабнамдан бошқа қиз қуриб кетдими? Кимникига совчиликка борсанг, қизини беради. Меникига кўзингдан ёшингни оқизиб келгунча уйингга бор-да, эшон ойимларингни эргаштириб бугуноқ бошқа бировникига совчиликка жўна! Тўй қил! Илойим, Раҳим бахтли бўлсин! Лекин Шабнамни келин қилмайсан! Минг марта айтганман сенга! Раҳимни бошқага уйлантирсанг, шу қўйи сендан ҳам тинчийман, машмашалардан ҳам! Яхшиям, ўзимнинг туғишган синглимсан! Агар бегона бўлганингда, тилка-порангни...

— Эна! — деди Асрор бошини кўтариб. Кўкарган юзи ғалати буришди. — Сулувхон холам тўғри айтаяпти! Мен айбдорман! Мен! — У йўлида учраган челакни даранглатиб тепди. — Туғилганимдаёқ пешанам шўр бўлган! Бирорта орзум ушалганми ўзи? Йўқ! Йўқ! Ушалмайди ҳам! Қачон қарамасин, мен ёмонман! Айбим — орзумга интилганим! Ҳаммасига минг лаънат!.. Раҳим бўламнинг олдига кетдим!

Улбўсин йўлини тўсса ҳам, қарғаса ҳам Асрор олд тугмалари қадалмаган кўйлагини ҳилпиратганча Туроб тракторчиникига югурди. Кўчада учраганлар ортидан ҳайрат-ла қараб қолишди.

— Тўхта, Асрор, яна нимани бошламоқчисан? — изидан келарди Сулувхон.

Бу вақтда Раҳим оғир хаёлларга толиб, каравотда сўлғин ўтирарди. Ҳовлида Асрорнинг овозини эшитгач, эшикка чиқди.

— Раҳим! — маҳкам кучоқлади Асрор. — Кеча маст эдим, қизишиб кетдим! Шабнамга уйланинг!.. — Кўзлари ёшланди унинг. — Уйланинг, розиман, бўла! Барибир менга тегмайди! Чунки ҳеч ким эмасман! Шунчаки адашган банда! Биров ҳавас қўлмайдиган оиланинг нобоп чувриндиси! Энди мен алвидо айтаман!

— Асрор, тинчликми? — Туроб тракторчи ён эшикда кўринди.

— Тинчлик, язна, тинчлик, — гўлдиради Асрор кўчага гандираклаганча югураркан.

У тентакка ўхшаб қолганди. Тўғри Ҳусан магазинчининг дўконига кирди.

— Ароқ беринг, — пештахтага суянди у.

— Асрор, отанг айтдики... — оғиз очди Ҳусан магазинчи.

— Отам йўқ менинг! — фанерли қопламани муштлади Асрор. — Кўчада қолган етимман! Ота-онам бўлганида, юрармидим шунақа!.. — У бир зум тин олгач, деди: — Қўйинг, гапни кўпайтирмайлик. Сўраганимни беринг. Бағри куйганларга сотмасангиз, кимга сотасиз?

Ўша куни Асрорни дўкон атрофида, қишлоқ кинотеатри олдида маст ҳолда кўришди. Иккинчи куни ҳам. Учунчи кун ҳам. Шу-шу ичкиликка муккасидан кетди. Ишга ўтишни хаёлига-да келтирмади. Ёзда Шабнам учинчи марта имтиҳондан йиқилди. Энди қиз йиғламади. Юрагида бир таскин бор эди. Зеро, Раҳим билан Шабнам тўрт йиллик пардани суриб, юрак очиб гаплаша бошлаган эдилар. Ҳар учрашув хотимасида ажралишни истамасдилар. Ҳақиқатан, улар аллақачон бир уйда, бир оила бўлиб яшашлари керакдек эди.

— Келгуси йил ўқишга ўтасиз, кўнглим сезаяпти, — юпатди Раҳим ойдин кечада, ўзларининг боғидаги учрашувда. — Сизга совчи юбораман. Шаҳарда яшаймиз. Мен университетда ишлайман, сиз ўқийсиз. Нима муаммо?

— Раҳим ака... — қиз ширин гап тополмагандек тўхтади. — Аямга айтай, дадам билан маслаҳатлашсин, кейин...

— Сизни тўрт йилдан бери севаман, — Шабнамнинг бошини кўксига босди Раҳим. — Шунча вақт айтолмай юрдим. Менга ҳам осон тутмаслигингиз керак.

— Биламан, — пичирлади Шабнам. — Тўрт йилдирки, қоронғи уйингиздаги зиндонингизда яшадим.

— Элак ясадингизми?

— Туғилганимизданоқ бизнинг кўнглимизда ёмонликни элаб ташлайдиган элак бўлган, Раҳим ака, — деди Шабнам. — Лекин эшон ойим айтган ҳамма гапларга ҳам қўшилмайман.

— Қайси гапига қўшилмайсиз?

— Атрофингизга қаранг-чи.

Раҳим ойдин кечада мудраётган олма дарахтларига, тўлин ой сари сузаётган булутларга, улардан наридаги олис юлдузларга, кейин Шабнамга кўз ташлади.

— Мени кўраяпсизми? — кулимсиради қиз.

— Ҳа, — маҳкамроқ кучди Раҳим.

— Ота-онамдан сўроқсиз кечаси боғда юришим тўғримиқан?

Уларнинг кулгиси ой нурларига чулганган боғни сеҳрли мамлакатга айлантирди. Олма оралаб қувлашишди. Пирпирак енгларию этаклари, муаттар ифорию ширин кулгиси Раҳимни қизнинг ортидан чопишга, аммо дарҳол етиб олмасликка ундарди. Боғнинг энг қуюқ, энг сўлим жойига етдилар. Раҳим унинг қайноқ билагидан тутди. Ошиқ-маъшуқлар кулгисидан япроқлар ҳам енгил рақсга тушди.

— Астароқ гапиринг, Раҳим ака, кўчадан ўтган-кетган эшитиб қолади. — деди Шабнам тўлғониб.

— Эшитса эшитаверсин, бизга барибир, — энтикди ошиқ.

Кейин иккиси ҳам ишқдан сармаст бўлиб, унсиз термулиб қолишди.

— Жиннилик қилманг, — шивирлади Шабнам.

— Кўнгил тубидаги банди бир девона бўлса, менда нима айб? — деди Раҳим.

Кўзлар кўзларга чўкди, юрак юракни қоматга келтирди, лаблар лабларга соя солди. Шундан сўнг илк бўсани кўрмаслик учун ой булутлар панасига бекинди.

5. ТҮЙ ВА АЗА

Сентябрда Раҳим тўртинчи курсда ўқий бошлади. Асрор эса кўп вақтини туман марказидаги вино заводида, бир танишининг ҳузурида ўтказарди. Одамлар "винзаводга ишга ўтганмиш", дейишди. Аслида Асрор унда-бунда тунаб, кечаю кундуз ичиб юрарди, ишининг тайини йўқ эди. Пирмат чўлоқ ҳам кўп йиллар бетиним ароқ ичгани учун тез-тез жигаридан арз қилиб, шифохонада даволанар ё уйида ётиб, укол оларди. Бир куни пешинда кўчадан ўтиб бораётганида, Сулувхон қуюқ ҳол-аҳвол сўрашиб, кўярда-кўямай бир пиёла чойга таклиф этди.

— Яхшими ўзи, Сулув? Бормайсан? — қўлларини орқага қилиб, дарвозадан кирди Пирмат чўлоқ. — Қайнсингиллариму қайнопаларимнинг ичида энг пишиғи сенсан-да!

— Нега, почча?

— Бир ишни ҳал этмоқчисанми дейман?

— Ҳа, келаверинг, жиддий иш.

— Божа қани?

— Ҳув, ана, каравотнинг орқасида ўтирибди.

Туроб тракторчи олма тагидаги стулчадан туриб, божасига пешвоз чиқди. Иккови чорпояга ўтиргач, Сулувхон ошхонага йўрғалаб, қозонни қаялаштириб, товоққа овқат сузди. Хаял ўтмай учалови тамадди қилиб ўтиришарди.

— Бизникида сиз ёқтирадиган анувидан йўқ, — жилмайди Сулувхон. — Оти курсин ўшанинг.

— Изласа топилади-ку-я, — тамшанди Пирмат чўлоқ. — Қўшни қиз дастёринг эди, қани у?

— Мактабга кетди.

— Ҳа-а, Раҳим ўқишда, де. Божа икковинг бошни бошга қўйиб ўтирибсизлар?

— Шундай, шундай, — деди Туроб тракторчи ўнғайсизланиб. У божасини ёқтирмас эди. Пирмат чўлоқ келса, камгап, жиддий, одамови бўлиб қоларди.

— Тўй бошламоқчи эдик, почча, — деди Сулувхон дадилланиб.

— Яхши-да, — эр-хотинга аланг-жаланг боқди Пирмат чўлоқ.

— Еймиз, ичамиз, дангирлатиб ўтказамиз.

— Раҳимжон Эркин муаллимнинг қизига уйланаман, деб оёқ тирагани тираган, — эрига кўз ташлаб қўйди Сулувхон. — Хабарингиз бор, почча, Шабнамни Асрор ҳам яхши кўради. Икки бўла жанжаллашиб, қон босимимни ошириб, ўлдириб қўяёзди мени. Шунга ўзингиз бир аралашинг. Шабнамни тинчгина келин қилай. Раҳимжон иккиси севишган. Қолаверса, Раҳимдан бошқа на ўғлим, на қизим бор. Эртароқ келин туширай.

— Э, бизнинг Асрор қип-қизил тентак-да! — помидор чайнади Пирмат чўлоқ. — Фёгли огир. Олти қиздан кейин битта ўғил деб, мен ҳам, Улбўсин ҳам эркалатиб қўйдик. Мана, оқибати! Сизлар эса якка-ёлғиз болани зўр тарбиялаб қўйдиларингиз.

— Улбўсин опам келиб, Шабнамга совчиликка борсанг, ундай қиламан-бундай қиламан, деб кўрқитиб кетганидан хабарингиз бўлмаса керак. Қарғайман, дейдими-ей! Камола ҳам ҳар гапида "Сиз бойсиз, хола, Шабнамни укамдан тортиб олаяпсиз", деб асабимга тегеди. Асрор менинг ҳам жигарим. Ҳеч замонда ўз опамнинг ўғлига шундай ёмонликни раво кўраманми? Шабнам билан Раҳим бир-бирига кўнгил қўймаганида бошқа гап эди. Болам бечора минг бир андиша билан шунча йил индамай юрди, "Асрор бўламнинг бахтига чанг солмай", деб. Агар Асрор Шабнамга уйланганида, Раҳим дардини бир умр ичига ютарди, чидарди шўрлик.

— У қиз бизнинг Асрорга тегмайди, бу — бир! — қаддини кўтарди Пирмат чўлоқ. — Ҳозир ўғил уйлантиришга, ўқитишга ёки ёғлироқ ишга жойлаштиришга бир тийин пулим йўқ, бу — икки! Устахонамда бир уюм ботинка ётибди. Эгалари ҳар куни сўраб, жонимни ҳиқилдоғимга келтиришади. Қишлоқда битта мен этикдўзман. Боймоқнинг учидан қуйруғигача етти километр. Қани, айчи, қанча одам яшайди? Қўшни қишлоқларда-чи? Бундан кейин ҳам аҳоли ўсади, оёқ кўпаяди, туфли йиртилади. Асрорга айтдим, қанийди ота касбини эгалласа! Ор қилади-да, ярамас! Бир мелиса бўламан дейди, бир спортчи! Э, у спортни эмас, спиртни яхши кўради! Спиртсмен! Эркин муаллимнинг шаҳарда ўсган оппоқойим қизига уйланмоқчи-я! Тавба! Тўғри, сизлар бойсизлар. Раҳим университетда домла бўлмоқчимми? Эркин муаллимнинг қизи ҳам шаҳарга тортадиганлардан. Асрор билан яшолмайди, ажрашиб кетади. Сизлар келин қила қолинглар, мен рози.

Туроб тракторчи енгил уф тортди. Пирмат чўлоқ ва Сулувхон галма-гал, эринмасдан, зерикмасдан кўп гапирди. Овқат еб, боши-охири йўқ мавзуда давом этавердилар.

— Ўлай агар, сизлар нимани гаплашаяпсизлар ўзи? — норози пўнғиллади Туроб тракторчи. — Бу гаплардан нима фойда? Масалага ўтинглар!

— Асабийлашманг, божа, — хўриллатиб чой хўплади Пирмат чўлоқ. — Ҳаммаси жойида. Мен қайнсинглимни жуда яхши тушуниб, ёрдам бермоқчиман.

— Бўлмаса, сиз опамларга ётиғи билан тушунтиринг, мен муаллимникига совчиликка борай, — якунлади Сулувхон.

— Кўрқма, опангни ўзим тинчитаман, — деди Пирмат чўлоқ мардлиги тутган тентакдек, — сенга ҳеч қандай хусумат қилмайди.

Ўша кундан кейин опа-сингил бир кампирнинг таъзиясида рўпара бўлишди. "Юр бу ёққа", бош ирғади Улбўсин. Улар томорқадаги пичан панасига ўтдилар.

— Поччангга мени нималар деб ёмонладинг? — терғади Улбўсин.

— Кўйинг, опа, ёшларнинг бахтига тўғаноқ бўлманг, — деди Сулувхон куюниб.

— Барибир билганингдан қолмайсанми?

— Сиз ҳам бир ўйланг, опа...

— Опа дема мени! Бугуноқ совчиликка бор! Бўлди, орамиз очиқ. Сенга гапиргандан деворга гапирган авло экан.

Улбўсин мотамсаро аёллар тўдасига қўшилди. Сулувхон жаноза қандай ўтганини ҳам билмай гарангсиб турди. Ўша куни Тўтиё, Марғуба, тўнғич опаси Турўнгулнинг қизи Ҳанифа узоқ йўл босиб, уникага меҳмонга келишди. Улар Боймоқда яшовчи жигарлари — Улбўсин ва Сулувхоннинг жанжалидан хуноб бўлиб юришарди. Раҳим яқинда уйланмоқчи эканидан севиндилар. Аммо Улбўсиннинг навбатдаги қайсарликларини эшитиб, Сулувхонникига чақиртиришди. Улбўсин Сулувхонникига қадам босмаслигини маълум қилгач, меҳмонларнинг ўзлари боришди.

— Мен унга таъзияда айтдим, — аламзада Улбўсин кўзларини чақчайтирди. — Ҳеч ким эришолмаган қизга ўғлимни уйлантираман, деб ўлиб бораяпти! Раҳим шаҳарда ўқиса! Топсин

бошқасини! Нега айнан менинг Асроримни куйдирган қизга ёпишади? Сулувда гурур борми? Меҳр-оқибат борми? Эс-хуш борми? Яккаю ягона боласида-чи? Нима бўлган она-болага? Нега улар билан шу ҳақда гаплашмайсизлар-у менга тиш қайраб келасизлар?

— Улар севишган, Улбўсин опа, — жаҳли чиқди Марғубанинг. — Асрор ҳам яхши кўради, лекин қизнинг кўнгли Раҳимда. Боймоқда икки опа-сингил гўшларингизни еб, бизни шарманда қилишни тўхтатингизлар!

— Тўй бўлишини хоҳлайсанми, Марғуба?! — қичқириб берди Улбўсин. — Раҳим билан Шабнамнинг дабдабали тўйи бўлсин, шундайми?

— Ҳа, сизга ўзбекчалаб айтаяпмиз-ку, опа!

— Майли! Сизлар хоҳлаган иш бўлса бўлсин! Кўнглим сезаяпти, тақдирлари кўшилмайди.

— Нима учун?

— Кўнглим сезаяпти, деяпман-ку, — Улбўсиннинг қовоқ-тумшуғи осилиб, кўзларида совуқ шуъла йилтиллади. — Худо бизни ҳам ўкситиб қўямас! Нима, Асроржонимда қалб йўқми? Холасиникидаги ўз севгилисининг тўйига қандай боради? Қандай чидайди? Бунинг устига, Раҳим унинг синфдоши! Ҳамма синфдоши тўйда, менинг болам уйда бўзлаб ётадимми? Қисқаси, ҳамманг биргаликда Асрорни ўлдирмоқчи экансизлар! Тушундим мақсадларингни! Жуда яхши тушундим!

— Нега унақа дейсан, уят эмасми? — касалманд Тўтиё қалт-қалт титраб сўзлади. — Сулув эшитса, сен эмас, у умрбод юзини терс буриб кетади. Битта қизни деб икковинг бизни Боймоққа гап қилиб бўлдиларинг! Яна Асрорнинг душманига чиқаришинг ортиқча! Асрор сенинг ўғлинг, бизнинг жон-жигаримиз! Иккинчи марта унақа алжирама!

— Ичавериб, алкаш бўп қолди! — кўзлари ёшланди Улбўсиннинг. — Севганига уйланолмаганидан!..

— Ичса, — деди Марғуба ҳам тутақиб, — севгидан эмас, иродасизлигидан ичади, опа! Севги одамни ароқхўр қилса, кўчадаги пиёнисталарнинг ҳаммаси ошиқ экан-да? Кўйинг, тўй қилсин шу Сулувхон опам!

– Осмондан пул тушиб, ердан олтин чиқса, – деди Улбўсин,
– Шабнамдан ҳам зўр қизни олиб бераман Асроримга! Ҳе
ўргилдим... Ҳамманг Сулувнинг тарафини оласан!

– Сизга ҳам худо беради, опа, – деди Марғуба.

– Қизларимни узатдим, – кўз ёшларини артди Улбўсин. –
Битта-ю битта ўғлимга келганда, бу ғавғолар! Нонкўр Сулув
Жўшқинда овсинлари билан қайнонасининг касрига ўлиб
кетмаганига раҳмати шу-да, а?! Қаёқдан ҳам Боймоққа
кўчиртириб келдим! Тентак ўзим! Тентак ўзим!

Минг бир ғалвадан кейин, охир-оқибат, Раҳимнинг совчиси
Шабнамнинг эшигини қоқди. Ниҳоят, Кенжагул совчиларнинг
дастурхонини очди.

– Икковининг бошини бириктириб қўяйлик, келин-куёв
Самарқандда яшайди, – деди Марғуба. – Янаги йил
қизингизнинг омади чопиб, ўқишга ўтиб кетса ажабмас.

Сулувхон ва Кенжагулнинг қувончли нигоҳлари тўқнашди.

– Дадаси мактабдан келсин, маслаҳатлашиб кўрай, – деди
Кенжагул иримига. – Раҳимжонни яхши танийман. Куёв қилсам,
шундай йигитни куёв қиламан-да!

– Вой-вой-ей! – гулдек яшнади Сулувхон. – Ўғлимни яхши
танир эканлар! Мени-чи?

Совчилик кулгию бир хушчақчақлик билан ўтди. Кейинги
гал расмий равишда розилик айтилди:

– Майли, қизимизни бердик, – деди Эркин муаллим.

– ...қизимизни бердик, – такрорлади Кенжагул.

Қишлоққа яшин тезлигида хабар тарқалди: "Шабнамни
Раҳимга беришганмиш!" Ва ўша кундан бошлаб жуфтликни
унаштиришга тадориг кўрилди.

– Тўй қачон? – сўрашарди одамлар қудалардан.

– Октябрнинг охирига белгиладик, – деб жавоб беришарди.

Раҳим ва Шабнам туман марказидаги ФХДЁ бўлимига ариза
топширди. Самарқандга тўй олди саёҳатига чиқишди. Университет
хиёбонини, истироҳат боғларини кезиб, тўйдан кейин яшайдиган
масканлари – Шабнамга мерос қолган уйга бордилар.

– Уйингизда ижарада турган кунларим ўзимни бир бошқача
ҳис этардим, – деди Раҳим айвонга чиқиб.

- Кечаю кундуз мени ўйлардингиз-а, Раҳим ака?
- Тушларимда ҳам.
- Расмимни ҳам қўлдан қўймагандирсиз? – ўғирилди Шабнам.
- Суратингиз юрагимда эди. Балки ишонмасдирсиз, ҳақиқий фотосуратингиз ҳозиргача йўқ.
- Наҳотки, бирорта ҳам фотосуратим бўлмаса? – ҳайратланди Шабнам.
- Ҳеч кимдан сўрамаганман ҳам.
- Муҳаббатингизни шунчалик сир тутгансизки... – Шабнам бир лаҳза тўхтади. Пешонасида чизиклар пайдо бўлди. – Асрор ака уйимиздан расмимни ўғирлаб кетган.
- Шабнамнинг Асрор ҳақида гапиришини Раҳим зиғирча хоҳламасди. Шабнамни ундан рашк қилиши борган сайин авж олиб борарди.
- Ўғирлик ҳақида эшитмаганман, – деди Раҳим шаҳар манзарасига термулиб. – Қўлида расмингизни кўргандим. Ўзингиздан олганини айтган.
- У яхши йигит эмас, бадфеъл, ўғри ва ёлғончи. Шунча вақт Асрор акадан кўрқиб яшадим. – Шабнам Раҳимга яқинлашди.
- Энди сиз борсиз, ҳеч кимдан кўрқмайман.
- Асрор армиядан келган куни ҳам, куппа-кундуз, Чори акаларнинг чорбоғи томондаги муюлишда йўлингизни тўсганми?
- Шабнамга хафагазак нигоҳ ташлади Раҳим.
- Йўлимни тўсган? – Шабнам енгил сесканиб тушди. – Дўконга боргандим, изимдан келган, гаплашиб олайлик, деган, холос.
- "Бас, йигит бўлсангиз мени тинч қўйинг" деганмисиз унга?
- Деганман, – кўзлари пирпиради Шабнамнинг, – шуларгача айтганми сизга?
- Йўқ, – пешонасини ишқаб, оҳиста ихради Раҳим.
- Беги деганлари яна тўқиб-бичган. Топдимми?
- Йўқ...
- Қишлоқда нега доим мени иғво қилишади-я?
- Менга ҳеч ким айтмаган, Шабнам, – ранги оқара бошлади Раҳимнинг.
- Қўйинг, эсламайлик, – деди Шабнам.

— Асрор армиядан қайтган ҳафта, шанба куни қишлоққа келганимда, йўлда мазам қочиб қолганини, отам дўхтирга олиб борганидан хабардорсиз-а?

— Хабарим бор, — ҳайрон бўлди Шабнам, — нима демоқчилигингизни тушунмаяпман.

— Шабнам, — дераза рафига суянди Раҳим, — балки ишонмасиз... Мен сизни... Асрорни кўчада кўрдим, гапингизни ҳам эшитдим. Сиз билан Асрор гаплашганига уч кун бўлган. Мен эса ҳозир кўриб тургандек кўрдим... Бу туш ҳам, галлюцинация ҳам эмасди... ўнгимдагидек эди... Кўчада турганларингизни, сиз унга нима деганингизни ҳеч ким менга айтмаган. Қаёқдан биламан?

— Э, Раҳим ака, ғалати гаплар билан кўрқитманг, — Шабнам ичкарига кирди. — Бирор кун келиб, уйни супуриб-сидириб кетаман. Ҳозир қишлоққа қайтайлик, йўл олис.

Раҳим одам бўйи тошойна олдида тўхтаб, ўзига бошдан-оёқ разм солди. "Ўшандан бери ғаройиб ҳол такрорланмади, — деди ичида. — Демак, хавотирланишимга ўрин йўқ. Шабнамга нега айтдим? Ростдан кўрқитиб юбордим чоғи. Археологик қазилмалар ўтказилган жойларга борганимда, қадимий бинолар, хумлар ичида худди магнит лентасидагидек овоз сақланади, уни эшитадиган ускуна ихтиро қилиб, аждодларимизнинг овозларини тинглаш керак, деб кўп ўйлардим. Миямни айнитиб қўйибман. Шу уйда яшаганимда, нега Шабнамнинг рўёсини кўрмадим ёки овозини эшитмадим? Ахир, Шабнам бир неча йил турган уй, ҳар бир қаричида унинг изи, нафаси учрайди..."

Раҳимнинг бошида сезилар-сезилмас оғриқ кўзғалиб, кўз олди жимирлади.

— Хаёл суриб қолдингизми? — Шабнам бўсағадан овоз берди. — Кета қолайлик.

Раҳим унга эргашиб, уйдан чиқаркан, "Модомики, ўшанда ҳушимдан кетиб, туш кўрган эканман, Шабнамнинг учрашувия Асрорга айтган гапи нима учун тўғри чикди?" деган ўй миясини пармалади. Ўзига таскин беришга уринди. Бироқ онгида бошқа воқеа жонланди. Бекат яқинида гижиллашиб қолганида, Асрор: "Шабнам билан гаплашиб қўйганмисиз, йўқми? Ҳа, ҳа! Ҳамма иш аллақачон пишган! Биз шунчаки шахматнинг қора доналари!

Аста-секин четга чиқиб кетаверамиз!" деганди. Бу Асрор ва Шабнамнинг ўртасида яқин муносабат бўлмаганига далил сифатида юрак ҳовурини пасайтирди.

— Шабнам аввалдан меники эди, бундан кейин ҳам менинг ёрим, — пичирлади у.

Бўлажак келин-куёвларни унаштириш Боймоқда "Фотиҳа тўй", "Нон синдириш", "Сочала" деб аталарди. Қариндошлар, қўни-қўшнилар, маҳалла қариялари қизникига ташриф буюришар, қуда томондан ҳам вакиллар келишар, бир қозон ош дамланар эди. Куёв томондан юк машинасида бир сандиқ сарпо, пардоз-андоз ашёлари, унаштириш маросими учун сабзи-пиёздан тортиб, нон, гуруч, ёғгача жўнатиладди. Тушлик вақтида яхши ният билан нон синдирилиб, дастурхонга, бола-чақага турфа конфет сочиларди, фотиҳа қилинарди. Кечқурун келиннинг янгалари куёвга бир корсон пишган гўшт, костюм, оқ кўйлак, қизил бўйинбоғ, дўппи кўтариб меҳмонга келишарди. Куёв ўз дўстлари (одатда синфдошлари) билан зиёфат дастурхони устида уларни кутарди. Ана шодиёнаю мана шодиёна!..

Шанба куни Эркин муаллимнинг уйида шундай тўй бўлаётганди. Раҳим қўшни келинлару қизлар билан кечки дастурхонга тайёргарликдан бўшамасди, лекин синиққан ранги, чарчоқ инган кўзлари уни бўлажак бахтли куёвга ўхшатмасди. Шаҳардан курсдошлари келишгач, ҳовли янада гавжум бўлди. Раҳим ўзини лоҳас ҳис этаётганини сездирмасликка тиришиб, бир дона таблетка ичди-да, ғала-ғовур меҳмонхонага қайтди. Тўсатдан кўз олди қоронғилашди. Меҳмонлар шоҳидлигида ҳушидан кетмаслик учун оёққа қалқди.

— Асрор бўлангиз келмаганини қаранг! — бидиллади қўшни келин остонада. — Хусумат ҳам эви билан-да, қайним! Одам мард бўлиши керак...

Раҳим унга анграйиб қаради. Янгасининг овози олислашди.

— Вой ўлмасам, сизга нима бўлди? — ёқасига туфлади келин.
— Мазангиз йўқми?

— Яхшиман... Нарини турсангиз-чи...

Шу пайт очиқ дарвозада бир тўда ташвишманд одам кўринди. Раҳим уларнинг орасида отасини, Абдуманноп директорни,

Азамат ҚОРЖОВОВ

Йиғлаётган Пирмат язнасини таниди. Кўнгли фавқулодда ғайритабиийлик ила даҳшатли фалокатдан бонг урди: "Асрор ўлган! Шабнамга унаштирилаётганимга чидаёлмай жонига қасд қилган!.."

— Раҳим! — деди Туроб тракторчи қўлини карнай қилиб. — Машинанинг калитини опчиқ! Тез бўл!

Раҳим гандираклаганча ёндаги бўш хонага кирди. Оёқлари жавонгача юриб борди, қўли калитни ахтарди. Раҳим буларни онгли равишда бажармаётган эди: "Нима қилаяпман? Қаердаман?"

— Қайним! Қайним... — хонага ҳовлиққанча кирди кўшни келин. — Асрор бўлангиз аҳмоқлик қип қўйибди... Ўзини поезд тагига ташлабди...

— Тирикми? — сўради Раҳимнинг тош қотган лаблари.

— Отаси йиғлаб юрганига қараганда, Асрор... ўлган-ов, — деди кўшни келин. — Унаштирув куни бу фалокат қаёқдан чиқди-я?!

Раҳим машина калитини топди. Бир қараса, ҳовлида отасига узатаяпти, бир қараса, "Лада" туман марказига элтувчи йўлга эниб бораяпти.

— Ўлмаганмиш, реанимацияда экан, — Раҳимнинг ёнига келди кўшни келин.

— Худо сақлабди, — деди кимдир.

Раҳим атрофдагиларга меровсираганнамо қаради. Қайғу инган ўнлаб кўзлар Раҳимга ташвишманд тикилди. Назарида, Асрор эмас, Раҳимнинг ўзи поезд тагида қолган эди-ю одамлар унинг аҳволига ачинишарди.

— Мен ҳам бораман, — деди Раҳим.

— Аянгиз келсин, ўзи мазангиз йўққа ўхшайди, қайним, — куйинди кўшни келин.

Орадан ярим соат ўтгач, Раҳим туман марказидаги кўҳна жарроҳлик биноси олдида Пирмат язнаси ва отасини ахтариб юрарди. Бир ҳамшира қайси эшикка кириш кераклигини айтган маҳал Туроб тракторчи деразадан Раҳимни кўриб қолди.

— Асрор тирик! Нега келдинг? — шошиб чиқди у. — Уйда меҳмонлар бор-ку!

— Бўламни кўрмасам бўлмайди, дада...

— Ҳей... нима қилди сенга? — сергак тортди ота. — Ранг-рўйинг оқариб кетибди.

Раҳимнинг қўлидан ушламоқчи эди, улгурмади. Шифохона эшигини шарақлатиб очган Раҳим йўлакда изиллаб йиғлаётган Улбўсин холаси ва юпатаётган Камола холаваччасига дуч келди. Сал нарида турган Пирмат чўлоқ ҳам Раҳимга ғазабнок ўқрайди-да, оқсоқланганча бир қадам ташлади.

— Энангни опчиқ ташқарига! — бақирди Пирмат чўлоқ Камолага. — Увиллатманглар бу ерда! Барибир реанимацияга киритмайди!

— А-а-а!.. — Улбўсин холаси Раҳимга қонталаш кўзларини қадади. — Сен единг Асрорни! Сен единг! Мана энди ниятингга етдингми, оғзингдан қонинг келгур?!

Раҳим умри бино бўлиб холаси тугул, бирор инсон зотидан бундай қарғиш эшитмаган эди, вужудини совуқ тер босди.

— Йўқол бу ердан! — қичқирди Камола ҳам. — Энамнинг кўзига кўринма! Қилғилиқни қилиб қўйиб, ўзингни меҳр-оқибатли кўрсатишининг ҳеч кимга кераги йўқ!

— Хола... — Раҳимнинг лаблари титради.

— Бор жўна! — тупук сачратди Камола. — Биз учун энди сен ҳам, Сулувхон холам ҳам йўқ! Яхшиликча кет бу ердан!

Раҳим ёқасини ғижимлади. Йиғламоқчи эди, бўғзидаги нимадир йўл қўймади. Тўсатдан тубсиз чоҳга қулаб туша бошлади. Пирмат язнаси, Улбўсин холаси ва Камола — учаласининг юз-кўзи чоҳ деворларида бўртма услубда акс эттирилганди. Раҳим ҳайрон бўлиб аланглади: "Менга нима бўлаяпти? Қаердаман? Эшон ойим айтган жойга тушиб қолдимми?"

— Илойим, сенинг ҳам бошингга фалокат келсин, — Камола эшитиларли қилиб қарғади. — Бир қиз учун қариндошлардан кечган сендек калондимоғни укамнинг уволи урсин...

— Юр уйга! — Туроб тракторчи Раҳимнинг қўлидан судраб, ташқарига чиқарди-да, машинасига ўтирғизди ва лаблари титради. — Келмаслигинг керак эди, Раҳим... Нега... нега келдинг балнисага?! Улар сени боядан бери тинимсиз қарғаяпти... Асрор тентак, ароқхўр бўлса, сенда нима айб? Айт! Гапирсанг-чи!.. Э, ҳеч кимда меҳр-оқибат йўқ! Ҳамма ўзини ўйлайди! Қаёқдан ҳам кўчиб келдик шу Боймоққа!

— Йиғламанг, дада, — дея Раҳим кўзларини юмди. Шу ондаёқ боши бир ёнга оғиб, гавдаси ўриндиқ тагига сирғалди.

— Кўзингни оч, Раҳим... Раҳимжон... — Туроб тракторчининг овози олислади.

Ҳа, падарнинг ноласи олислаб, Раҳим сукунат кўйнига оҳиста чўкди. Яна қоронғи чоҳни кўрди. Ҳамон пастга йиқилиб тушаяпти. Чоҳнинг на охири, на боши кўринади. Эшон ойимнинг кўнгил уйи ҳақидаги ҳикоясини эслади. Ўзига ўзи деди: "Дунё шунақа экан-да... Мен ҳам ўша йигитга ўхшаб, ер остига равона бўлаяпман... Бунча тез?.. Балки бу ўлимдир?.. Ўлим бўлмаса-чи? Мен ҳам йиллар ўтиб ер остидан авлиё бўлиб чиқаманми?.. У ҳолда Шабнамни қаердан топаман?.. Шабнам!.. Шабнам..."

Кўзини очишга, ёруғ дунёга қайтишга уринди. Қаердадир юраги урди: гурс, гурс, гурс... Худди томирларида-ю юрагида қон ғойиб бўлгандек бўш, пўкак, ҳарсиллоқ эди. Нафас олмоқчи бўлди, ўпкасига ҳаво келмади. Қараса, чоҳда нафас олиш ҳам мажбурият эмас. Фақат англаш керак, англаш, англаш...

— Бу кўнгил дунёси, — деди Раҳимнинг биринчи овози.

— Нима учун бунчалик қоронғи ва азобли? — Раҳимнинг иккинчи овози жаранглади.

— Зулмат ва азобдан кўрқасанми? — деди биринчи овоз. — Кўп йиллар ётиб, кўп ва хўп ўйлайсан ва... ва ўзингни кашф этасан... Аслида сен касал эмассан, ўзингни ўзгартир, шунда дунё ҳам ўзгаради.

— Гуноҳим Шабнамни севганимми? Ахир, ҳеч кимга ёмонлик қилмадим-ку? Асрорни ҳам поезд тагига мен итармадим, унинг ўзи...

— Ер устидагиларга ўхшаб бунча ўзингни оқламасанг...

Раҳим уйқу ичида уйқуга кетди. Кунлар ўтдимиз, ойларми, йилларми, ҳисобни йўқотди. Вақт ўлган эди.

— Раҳимжон... — отаси чақирди.

— Болам... — Бу онаизор овози эди.

Раҳим зил-замбил қовоқларини кўтаришга чиранди. Киприклари қандай титраётганини сизди. Ғалати тийтиллаш қулоғига чалинди. Нима у? Шифохона ускунасидан таралаётган хабарми? Эҳ, унинг вужудини шифохонага кўтариб бориб, ювиб-тараб, оқ либос кийдириб, турли ускуналарни томирларига улаб кўйишибди-да.

— Врачни чақиринг, синглим, ўғлим ўзига келди, — овоз берди Туроб тракторчи.

— Эй худо... — илтижо қилди Сулувхон йиғламсираб. Сўнг у ҳам шошилтирди: — Синглим, тез чақиринг врачни...

Раҳим кўзини ярим очганида, бошида ота-онаси энгашганча мўлт-мўлт қараб туришарди. Раҳим озода, оппоқ хонани, асбоб-ускуналарни кўрди. Туман марказидаги шифохоналарга ўхшамасди. "Мен анча узоқдаман... гавжум шаҳар... сон-саноқсиз одамлар... ер остидаги метро..." — сезгилари ишлаб кетди Раҳимнинг.

— Қаердаман? — сезгиларига ишонмади у.

— Шифохонада, — кўз ёшларини артди Сулувхон.

— Қайси шифохона?

— Тошкентдаги, болажоним.

— Тошкентдаманми? — лабларининг бир чети кулимсиради.

— Кейин тушунтирамиз, — деди Туроб тракторчи. — Сен кўнглингни тинч қилавер, ҳаммаси жойида, ўғлим.

— Кўнглим... Кўнглим...

— Ҳеч нарсани ўйлама, кўрқма, болам, — юпатди она.

— Ростдан Тошкентдаманми? Шунча йўлдан келганимни нега эслаёлмаяпман?

— Узоқ ухладинг, — Туроб тракторчи бечораҳол илжайди. — Медицинада шунақа уйқу бўларкан. Америкада бир йигит ўн йил ухлабди. Газетада ўқидим...

— Мен қанча ухладим?

— Кўп эмас.

— Қанча? — кўзлари йилтиллади Раҳимнинг.

У "Етти-саккиз йил ўликдек ётган бўлсам, Шабнамнинг ҳоли нима кечди?" деб чўчиди. Шаҳарга қачон, қандай келтиришганини эсламоқчи бўлди. Ҳеч қурмаса, йўлдами, шифокорлар ағдар-тўнтар қилиб текшираётгандами кўзини очгандир? Йўқ, у анча йилдан бери дунёдан узилиб, қоронғи уйдаги чоҳ тубида уйқуда ётган каби ҳеч нарсани ёдга ололмади.

— Қанча йил? — лабларини зўрға қимирлатди.

— Бир ҳафта, — кўлини силади Сулувхон. — Бугун шанба. Роппа-роса бир ҳафта ётдинг. Самарқандга ҳам олиб бордик.

Кейин бир врач учраб қолди. Ўзларининг махсус машинасида Тошкентга олиб келди. Сенинг касалингга қизиқди. Шунақа илмий иш қилаётган экан.

— Тўйим... Фотиҳа тўйим-чи?

— Жуда яхши ўтди, ўйланма, — деди Туроб тракторчи. — Катта тўйни... никоҳ тўйни қишга қолдирдик. Бизнинг... аянг билан менинг тўйим ҳам қишда бўлган.

— Асрор бўлам тирикми?

— Тирик, жин ҳам ургани йўқ унга, — Туроб тракторчи аста-аста гапирди. — Станцияга кираверишдаги темирўлнинг ўртасига ўтирган. Поезд яқинлашганида, ётиб олган. Боши тирналиб, елкаси, кўкраклари шилинган. Унинг бахтига тўхташ учун секинлашаётган поезд экан. Кеча шифохонадан чиқибди, ҳозир қишлоқда юрибди.

— Ичиб, — гап қўшди Сулувхон.

Раҳимнинг юрагига гулгула тушди. "Нега кўрқаяпман? — деди ўзига ўзи. — Шабнам менга фотиҳаланиб бўлди-ку, энди Асрор ҳеч нарса қилолмайди... Воз кечганини ўз тили билан айтган ҳам..."

— Уринтириб қўймайлик, дадаси, — Туроб тракторчини огоҳлантирди Сулувхон.

— Менга нима бўлганини айтишдими? — пичирлади Раҳим.

— Касалимни нима дедингиз, ая?

Ота-онаси кўз уриштиришди.

— Яшаб кетаманми ё... ўламанми? — тирсакларига таянмоқчи бўлди, лекин бу имконсиз эди: у бармоғини ҳам қимирлатолмади.

— Ундай дема, болам, — кўзлари ёшланди Сулувхоннинг. — Юзга кирасан...

— Менингит эканманми?

— Менингит-пенингит эмассан...

— Шолманми?

— Худо сақласин, болам...

— Бошимда оғриқ бор...

— "Черепной давления" дейишяпти, холос, — томоқ қирди Туроб тракторчи. — Э, ўтади-кетади.

— Бош миямда қон босимим ошибдими? Дўхтирлар янглишган, — деди Раҳим.

Шифокор кирди. Стулни яқин суриб, ўтирди-да, Раҳимни шошилмасдан текширди.

– Кўзингиз оғрияптими? – сўради у.

– Йўқ, – деди Раҳим.

– Бошингиз-чи?

– Оғриқ бор. Айнан қаерида эканини билолмаяпман.

Шифокор оғриқ нуқтасини аниқлашга уринди.

– Бош миямда қон босимим ошганми? Бу нимадан? – деди Раҳим.

– Сизда калла ичи босими ошган, у бош мия эмас, – жавоб берди шифокор. – Аммо бош миянгизни ҳам қайтадан текшириб кўрамиз. Бош айланиш, кўнгил айниш, кўз олдингиз қоронғилашиш кузатилган экан, Раҳимжон, ҳаммаси қачон бошланган?

– Кузда... Ўтган йили...

– Ундан аввал-чи?

– Йўқ.

– Бирор марта ҳам безовта қилмаганми?

– Бирор марта ҳам.

– Ҳозир гапиришга қийналяпсиз, шундайми?

– Қийналмаяпман... Лекин... Пастга, тубсиз чуқурликка тушиб кетаётгандекман... – Раҳим ҳолсизланиб, кўзларини юмди.

– Кўнглингиз айнимаётгани ростми? – энгашди шифокор.

– Айнимаяпти... Фақат учаётгандекман... Бўшлиқда... Қоронғилиқда... Ҳеч ким йўқ...

Сулувхон "Вой болам, қўрқитма" деб йиғлаб юборди. Шифокор бир имо қилганди, ҳамширалар ота-онани йўлакка чиқаришди. Раҳимга укол қилишди.

Бир қанча вақтдан сўнг шифокор яна саволлар бергач, ўйланиб қолди-да, деди:

– Ҳаммасини ўзингизга очиқ айтай, Раҳимжон. Қандай касалга йўлиққанингизни ҳозирча аниқлай олмадик. Одатда бир дақиқада диагноз қўярдим. Бугун илмий-текшириш институтидаги устозим ҳам келади. Бошингиз ичида босим кўтарилиши кузатилди. Буни бош мия касаллиги ёки қон босими ошиши деб бўлмайди. Ота-онангизга ҳам кўп саволлар бердим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Аввал ҳам ҳушингиздан кетганингиз, кўчадаги муштлашувда бошингизга уришгани, севган қизингизга унинг уч кун аввалги рўёсини кўрганингизни айтганингиз — менда шу маълумотлар бор, холос. Ҳушингизга келганингиз бизнинг ишимизни енгиллаштиради. Худо хоҳласа, соғайиб кетасиз.

— Раҳмат, — деди Раҳим кўзларини зўрға очиб. — Нега қўлоғимни қимирлатолмаяпман?

— Танангиз дармонсизлашиб бораяпти.

— Ҳа... Менга қандайдир номаълум касаллик ёпишди, — кўзларини юмди Раҳим. — Буни олдинроқ билгандим... Ўшанда... кузда...

— Сал нарсага асабийлаша бошлагансиз, тўғрими?

— Йўқ, — деди Раҳим, — учинчиси...

— Ниманинг учинчиси?

Раҳим дарҳол жавоб беролмади.

— Ниманинг, Раҳимжон? — шифокор қулоғини тутди.

— Рўёларни кўрганим ҳақида... севганимга гапирганим...

Шифокор ўрнидан турди ва беморга қувватлантирувчи укол қилишни буюрди.

— Палатага ҳеч кимни қўйманглар, бемор дам олиши керак, — деди у чиқиб кетаётиб ҳамшираларга.

Профессор ҳам келди. Раҳимни соатлаб текширди. Эртасига вужудининг таҳлил олинмаган жойи қолмади. Раҳим тушундики, илм-фанга номаълум касалликка учраган, шифокорлар ожиз.

Ҳар кеч яна чоҳга қулайди. Ҳақиқатан у бўшлиқда муаллақ туради. Кейин на ости, на усти бўлган бўшлиқда учади, учаверади. Шу кетишда ё чоҳ тубига етишга, ё чоҳ оғзидан чиқиб, ёруғ оламга юз тутишга маҳтал бўлади. Ҳозирча ҳеч бир натижага эришолмайди. Чоҳ деворларидан Улбўсин холасининг, Камоланинг, Асрорнинг бўртма суратлари аллазамондан бери ўчиб кетган, қоп-қора девор.

— Мен теран ўйлашим керак, — дейди у. — Ким эдим? Ким бўлмоқчиман? Кўнглимда элак борми? Қайси фикрларимни-ю туйғуларимни элаб ташлаб, қайтиб эсламаслигим керак? Ростдан ҳам Қорасувда авлиё йигит яшаганми? Нега диний ривоят дедим? Тарихчи бўлганим учунми? Вужуддан кўра руҳни устунликка эриштира оламанми?

Кейинги уч ой Раҳим икки марта шифохона алмаштирди. Уни дастлаб калла ичи босими ошишига қарши даволашди. Камқонлик муолажаларини ҳам олди. Кўп ўтмай, қонбосими ўзгара бошлади: дам кўтарилар, дам тушиб кетарди. Бошқа бир шифокор калла ичи босими эмаслигини, бош мияда хасталик борлигини исботламоқчи бўлди, фалажлик ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Янги йил байрами ҳам ўтди. Қиш суст келди. Раҳимнинг фақат тери ва суяги қолган эди. Энди уни ваннага енгил кўтариб боришарди. Кўзгуга қарашга рухсат беришмасди. Раҳим қўлоёқларидан билардики, аллақачон тирик мурдага айланган. Номаълум хасталик тириклай қовжиратиб, жонини аста-секин қуритишга бел боғлаган эди, наздида.

Йигирманчи январь куни Тошкентга Шабнам онаси билан келди. Бўлажак келин хижолат чекмаслиги учун Сулувхон ва Кенжагул палатадан чиқишди. Туроб тракторчи эса бировларнинг қўлида қолган қорамолларни сотиш учун қишлоққа кетганди.

Бир бурда бўлиб ётган Раҳимни кўрган Шабнам енгил сесканиб, бош эгди, бир четда серрайиб турди. У аввалги Раҳимдан урвоқ ҳам тополмаганди. Кейин майитнинг қошидаги бевадек ранги девордек оқариб, хўнг-хўнг йиғлайверди.

— Сизни севаман, — оғзини базўр очди Раҳим. — Вужудимга ачинманг, Шабнам... Кўзларимни юмсам, ўзимни кўнгил уйида кўраяпман. Эсингиздами?.. Учиб чиқаман... Ҳали юлдузларгача учаман...

Шабнам тирик скелетга айланган йигитнинг олд тишлари ҳам тушиб, кемшик бўлиб қолганини, кўзлари косасига ҳаддан ташқари чуқур чўкиб, ғалати йилтираётганини кўрди. Қоғоздек оппоқ тери оралаб кўк томирлар чирмашиб ётарди. Шўрликни мудҳиш хасталик еб-битираётганига шоҳид бўлмоқликка ортиқ чидаёлмай палатадан югуриб чиқиб кетди. Раҳим Шабнам аввалгидан ҳам тўлишганини, хуснига хусн қўшилганини, кенг уйнинг келинчаги бўлиб, айна ўйнаб-куладиган фаслда эканини ўйлаб, дод солиб йиғлашни истади. Шабнам энди бошқага турмушга чиқадими? Аммо Раҳим йиғлашдан ҳам мосуво қилинганди. Ҳавода қолган юракни энтиктирувчи ажиб ҳидни туйди, холос.

Ҳадемай мунгли баҳор ҳам кирди.

6. ҚОРАСУВДАГИ СИРЛИ ЖИНОЯТ

Бошига кўргулик тушган Раҳим пойтахт шифохоналаридан бирида уззукун кўзини юмиб, ўзини қоронғи уйдаги чоҳ тубида ётган ҳолда ҳис этишга зўр бераётганида, эшон ойимнинг ҳикоясида айтилган Қорасув қишлоғида ақл бовар қилмас жиноят содир бўлди. Унинг Раҳимга қандай дахли бор, дерсиз? Энди тарихни эшитинг. Вилоятнинг нариги четидаги тоғлар яқинида жойлашган Қорасув олти минг аҳоли истиқомат қиладиган катта замонавий қишлоқ эди. Ота-онаси элакка жўнатган йигит йигирма йил ўтиб, авлиё бўлиб қайтгани, шунча йил у шаҳардаги қоронғи уйда, қоронғи чоҳда яшагани, кўнглига элак тутиб, ёмон ўй-хаёлларни элагани, ботиний кўзларини очиб, авлиё даражасига эришмагунча озодликка чиқолмагани ҳақидаги ривоят оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Эшон ойим ҳам қорасувлик бир хотиндан эшитганди. Худди шу қишлоқда ҳозирги замонда Сурайё исмли гўзал жувон яшарди. Эри дурадгор бўлиб, асосан янги қурилаётган уйларга пол қоқиш, эшик-дераза ўрнатиш билан шуғулланарди. Ёш оиланинг битта фарзанди бўлиб, исми Маржона эди. Раҳим шифохонада ётмасдан аввал Сурайёларга ва яна тўрт оилага қишлоқ ўртасидаги собиқ совхоздан қолган омборхона худудидан ўн сотихдан ер беришганди. Дурадгор икки хонали уйни биринчилардан бўлиб қуриб-битирди. Ёнига ошхона ва тандирхона қўшди. Баҳорда (Раҳим шифохонада ўлим тўшагида ётган кезлари) янги уйга кўчиб ўтишди. Ўшанда Маржона уч ёшга тўлган, тили бийрон қизалоқ эди.

Кунларнинг бирида дурадгор ишга кетаётиб, Сурайёга тайинлади:

"Аяси, кўраяпсан, уй орқасида қурилиш бўлаяпти, Маржонадан бохабар бўл, ёлғиз ўзи ўйнамасин. Совхоз омборхонасининг хув анави чолдевори томонида ташландиқ ертўла бор экан, худди ғорга ўхшайди, қоп-қоронғи туннелми, нима бало..."

Сурайё тетиккина жувон эди.

"Ўзимдан бир қадам ҳам нари жилдирмайман, дадаси, — бидиллади у. — Ишга кўнглингизни тўқ қилиб кётаверинг".

Тушга яқин Сурайё кир ювиш ниятида ўчоқда сув қайнатди. Қизчаси уй олдидаги мўъжаз чорпояда кўғирчоқ ўйнаб ўтирарди. Бир пайт қараса, кўғирчоғини кучоқлаб ухлаб қолибди. Сурайё унинг устига чойшаб ёпиб, ишида давом этди. Уйдан узоқлашмай куймаланиб юрди. Чамаси, бир соатлар ўтгач, чойшаб қизалоқнинг бошига қадар ёпилганини кўриб сергакланди, ётиши ҳам ғалати эди. "Бунча бурканиб олибсан, асал қизим?" деб чойшабни очди. Очди-ю чинқириб юборди. Не кўз билан кўрсинки, чойшаб остида қизалоғи эмас, кўғирчоқ ётарди. Онанинг кўнглида оний лаҳзада мудҳиш фожиадан дарак берувчи сезгилар яшин каби чақнади: "Боламни ўғирлашди! Куппа-кундузи! Уйим олдида!"

Ҳақиқатан, Маржонанинг уйқудан турганини хиёл нарида кир юваётган онаси сезиши керак эди ёинки қизчанинг ўзи нимадир деб гапирарди, ҳеч бўлмаса, ёнига пилдираб келарди. Қолаверса, айёрлик ила ўз ўрнига кўғирчоқни ётқизиб, устига чойшаб ёпиб, аллақарга бекиниши онанинг ақлига сиғмади. Маржона ювош эди ва зикр этилмиш ҳазил учун ёшлик қиларди. Шу вақтгача энг катта айёрлиги – кўзларини юмиб, ухлаётгандек ётиши. Ота-онаси унинг бошига энгашиб: "Маржона қизимиз ухлаб қолибдими?" дейиши биланок, у "Ва-а!" деб туйқус "уйғониб" кетарди...

Сурайё уйга бош суқиб, қичқирди:

"Маржона-а-а!..."

Тиқ этган садо йўқ. Она ташқарига чопиб чиқди. Аксига олиб, ён кўшнисининг битмаган иморатида ишлаётган усталар ҳам кўринмасди. Орқадаги кўшнининг иморати олдида ҳандақ борлиги эсига тушиб, Сурайё жон ҳолатда уй ортига югурди, яқин эди, йигирма қадамча. Пахсачилардан қолган ҳандақнинг чуқурлиги одам бўйи билан баравар эди. Сузишни эплаёлмайдиган уч ёшли қизалоқ ҳандақ тубидаги тизза бўйи сувда ҳам чўкиб кетиши мумкин.

Уй орқасида ҳам ҳеч зог йўқ эди. Ҳандақнинг лойқа суви жимир этмасдан сокин турарди.

"Уйга кириб, уйқусини давом эттираётган бўлса керак, эшиклар очиқ эди-ку..." – титради Сурайёнинг лаблари.

Изига қайтиб, уйга ўқдек отилиб кираркан, "Ваҳимага ўрин

йўқ, қизим ичкарида" деди ўзини юпатишга уриниб. Бироқ на биринчи хонада, на иккинчисида Маржонани учратди. Тандирхона ва ошхонани қараб чиққач, уй атрофини яна бир айланди. Йўқ! Қизалоқ ер ютгандек ҳеч қаерда кўринмасди.

"Усталарнинг кўзи тушгандир", — деб кўшинининг иморатига ранг-рўйи ўчган ҳолда етиб келди. Фишт терувчилар ичкарида қур бўлиб, чой ичишарди. Улар ҳовлиққанча кирган Сурайёни кўриб ҳайрон бўлдилар.

"Қизим келмадими? Уч ёшлардаги..." — дағ-дағ қалтираб сўради у.

"Йўқ, кўрмадик", — бош чайқашди усталар.

Сурайё "Маржона! Маржона!" деб чақирганча битмаган иморатларни, ҳатто омборхонанинг кўққайган деворларини ҳам кўздан кечирди. Шу пайт омборхонанинг нариги томонидаги кўчада ит ҳурди. Сурайё нураган девор оша бўйнини чўзиб, икки мўлтонига кўзи тушди. Улар халталарини елкага осиб, итларга таёқ силтаб, кўча бошида саланглаб кетиб боришарди.

"Тўхтанглар!" — қичқирди Сурайё.

Оёғидан калиши, бошидан рўмоли учиб югурди. Важоҳатли жувонни кўриб, мўлтониларнинг ҳам ўтакаси ёрилди. Халталарида садақа қилинган нон, қовоқ, эски темир косалар бор эди, холос.

"Бола ўғирлашдан худо асрасин, синглим, — дейишди улар. — Аввал у ёқ-бу ёқни яхшилаб қаранг. Куппа-кундуз, катта қишлоқнинг ўртасида ким бола ўғирлайди? Одам ҳам шунақа ваҳимачи бўладими?!"

Сурайё ўйлаб қолди: "Ростдан, бировнинг ҳовлисига кундуз кириб, чорпояда ухлаётган қизалоқни ким ўғирлайди? Тандирхона оғзида кир ювиб ўтиргандим-ку! Мен пайқамай қолдим дейлик, ҳеч қурмаса, қишлоқ одамларининг бирортаси кўрарди бола кўтариб кетаётган нотаниш эркак ёки аёлни? Қизимнинг уйқуси сергак, дарров уйғониб, бегонани кўриб йиғларди..."

Қизалоғи ўғирланмаганига умид қилган Сурайё уйига қайтиб, шкафларни, парда ортларини текширди. Кейин эса лозимини шимариб, уй орқасидаги сувли ҳандаққа тушиб, ҳар бир қарич ерни пайпаслаб чиқди. Омборхонага девор-дармиён кўшни бўлмиш ҳовлига кирди. Бу уйда эрининг узоқ қариндошларидан бири — ҳурмат-иззатли ўқитувчи яшарди.

"Йиғламанг, келин, неварамиз кўшнилардан бириникига ўйнаб чиққандир", — деди у.

"Уй олдида, шундоққина тандирхона оғзида кир юваётгандим, қандай кўрмай қоламан? — кўз ёшларини тўхтатолмади Сурайё. — Ўғри дарров сезмасин деб, кўғирчоқнинг устига чойшаб ёлиб, худди қизим ухлаётганга ўхшатиб қўйганмикан, деяпман-да. Бўлмаса, ким кўғирчоқни унақа ётқизиб, чойшаб ёпади?"

Ўқитувчи, унинг келинлари, кўшни йигитлар, бола-бақра — ўн беш-йигирма чоғли одам тўпланди. Тўдага усталар ҳам қўшилишди. Кўчадан ўтаётган ўткинчилар ҳам собиқ совхоз омборхонаси худудида қад кўтарган янги уйдаги воқеага текин томошабин бўлиш истагида бурилдилар. Кимлардир йиғлаётган Сурайёни юпатишга уринса, кимлардир теварак-атрофни тинтув қила бошлашди. Қариялар чорпояга тизилиб, "Биздан бола ўғриси чиқмаган. Қизча қаердадир ўйнаб юрган бўлса керак", дейишарди.

"Анави томонда ертўлами, туннелми бор экан, қараб кўришсин, — деди Сурайё йиғлаб. — Эрталаб дадаси айтганди, эҳтиёт бўл, деб... Менгина ўлай... Энди нима қиламан... Ўлиб қоламан-ку... Маржонани топиб беринглар!.. Илтимос..."

Йигитлар собиқ совхоз омборхонасининг нариги четидаги харобага бориб, чолдевор тагидаги чириган темир қопқоқни кўтариб, ташландиқ ертўлага тушишди. Бадбўй, қоронғи ертўла шифтига ўргимчаклар уя қурганди, ичкарироғида эса балчиқ аралаш сув йилтирарди. Бу ерни ҳам синчиклаб текширишди. Қизалоқдан дарак берувчи ҳеч қандай ашёвий далил топилмади.

"Онасининг ёнгинасида, ёп-ёруғ кунда қанақасига йўқолиб қолади? — дўриллади маҳалла раиси. — Атрофда одамлар кўп бўлса! Нима, ҳамманг алаҳсираяпсанми?"

"Сизнингча, уч ёшли қизча қанот чиқариб, учиб кетганми? — жаҳли кўзиётган ўқитувчи раисни жеркиб ташлади. — Ё келин ўз боласини яшириб, халққа томоша қўйяптими? Милиция чақириш керак! Бу ерда бир гап бор!"

Бир неча соатдан сўнг одамлар сирли воқеа олдида ожиз эканликларини тушуниб, қидирувни тўхтатдилар. Ҳамманинг боши қотганди. Уй олдидаги чорпояда ухлаётган қизчани ким, қандай усулда ўғирлаб кетди? Нега атрофда шунча одам бўла туриб, бирорта гувоҳ йўқ? Қизча ўғирландими, ўлдирилдими ё қаердадир ўйнаб юрибдими?

"Менга қаранглар, — деди ўқитувчи. — Охирги чора! Икки

гуруҳга бўлинамиз. Биринчи гуруҳ атрофдаги ҳожатхоналарни қараб чиқади. Иккинчи гуруҳ кўни-қўшнилари уйларини биттама-битта текширади. Мулланинг уйи ҳам қолмасин! Гап шубҳада эмас, натижада! Марҳамат, менинг ҳам уйимни, шкафдаги бўхчамдан тортиб, чордоқдаги эски сандиқларимгача очиб қаранглар! Учга кирган қизча игна эмас-ку, шунча одамнинг қуршовида йўқолиб қолса!"

Кўшни қишлоқда ишлаётган дурадгорни нохуш воқеадан хабардор этишгач, ҳаллослаганча етиб келди. Аввал хотинига бақирди, кейин шахсан ўзи муқаддам ўн марталаб кўздан кечирилган жойлардан қизини ахтара бошлади. Пешин чоғи участка нозири, ҳаял ўтмай туман ички ишлар ходимлари келдилар. Қуёш ғарбга оғиб, қоронғилик таҳдид солиб келарди. Она шўрликнинг бўлари бўлди.

Дастлабки суриштирув ниҳоялагач, милиция ходими: "Бу ҳеч кимнинг ҳазили эмас, қизча ўғирланган", деди. Аммо кўпчилик ишоналмади. Наҳотки, Қорасувда шу қадар пихини ёрган, айни дамда аҳмоқ жиноятчи бўлса?

"Қизча шу яқин-орада, — деди милиция терговчиси. — Атрофдаги изларнинг эгаларини топинглар. Экспертизани, кинологларни жалб этинглар! Ўғри ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Шу бугуноқ ушланади..."

Ўша кўни кечқурун ўн тўрт киши гумондор сифатида ҳибсга олинди, эликдан ортиқ киши сўроққа гутилди. Қамаб қўйилган мўлтонилар, усталар, қўшни йигитлар ҳамда тасодифий ўткинчиларнинг бирортаси жиноятга алоқадор экани исботланмади. Чорпояда ва қўғирчоқда кўпчилигининг бармоқ излари топилди, лекин гумондагилар қидиришда иштирок этаётганида чорпояга чиққанини, қўғирчоқни ушлаганини айтишди. Жиноят чоғида қўлқоп кийилмаган бўлса, демак, ўғри уларнинг орасида эди. Аммо қайси бири? Ва қизчани қаерга яширган?

Эртасига эрталаб милиция ходимларининг янги гуруҳи Қорасувга келди. Улар уйма-уй юриб, йўқолган қизалоқ тўғрисида ёшу қарига саволлар беришар, молхоналару сомонхоналаргача текширардилар. Тушга яқин прокурор ҳам ташриф буюрди. У машинадан туша солиб:

"Қанақасига тополмаяпсиз? — деб терговчининг энсасини қотирди. — Қишлоқнинг ўртаси, куппа-кундузи, атрофда усталар, кўчада болалару катталар! Бунинг устига, онаси ҳам ҳовлида бўлган. Нима, ер остига кириб кетганми ё осмонга учганми? Балки қизча умуман йўқолмагандир?"

"Тўғри, онасининг ўзини ҳам яхшилаб сўроқ қилиш керак, — деди терговчи. — Отасини ҳам! Ҳозир битмаган иморатларнинг сувалган деворлари орасидан тортиб, янги тупроқ юқи учраган жойларни ҳам текширтираяпман. Усталар ёки онаси бехосдан ўлдириб қўйиб, кўмиб қўйган, деган тахмин устунроқ".

"Қилинглари, — прокурор асабийлашди. — Нима деган гап, ахир! Тепадаги эшитган одам борки, органи уқувсизга чиқараяпти. Жўнгина ишни эплаёлмаслик... Нима, шу даражада суст ишлашяптими?"

Бир ҳафта ўтди. Маржонанинг дарағи чиқмади. Уни ким қаёққа гумдон қилди? Туманда шундай воқеа бўлган эдики, бир йигит қотилликни бўйнига олиб, қамалган, кейинчалик айбсиз экани исботланган. Ҳозир кимдир довдираб "Маржонани мен ўғирладим" деса, қаерда эканини ҳам айтиши керак эди. Таассуфки, ҳақиқий жиноятчи ҳам, довдир ҳам юзага чиқмади.

Орадан бир ой ўтди. Сурайё қизчаси йўқолган кундаёқ адойи-тамом бўлган эди. Ўттиз кунда ундан чақчайган кўзлару қуруқ устихон қолди. Ўлганнинг устига тепган қилиб, ўзи ҳам гумондорлар рўйхатида эди.

"Мендан шубҳаланишни бас қилинглари! — деди жонидан тўйиб. — Устларингиздан юқори ташкилотларга ёзаман! Терговга чақирасиз, мендан гумонсирайсиз, қўшнилариمنى ўғри дейсиз, мўлтонию усталарни қамаб қўйиб, дўқлайсиз! Тирноқча фойдаси бўлдими? Ундан кўра қизимни ким, қандай ўғирлаганини, қаёққа яширганини ўйласаларингиз-чи! Бутун мамлакат бўйлаб кечаю кундуз ахтаришни ташкиллаштирсаларингиз-чи! Бизнинг қишлоқдан бўлмаса, бошқа жойдан топилар!.."

"Сиз берган кўрсатма бўйича бола йўқолмаган, деган фараз ҳам йўқ эмас. Ниманидир яшираяпсиз..."

"Агар ўлдириб қўйганимда, — кўзлари қонга тўлди Сурайёнинг, — мана шу қўлларимни чошиб ташлардим! Қанақа инсонсизки, мендан гумонсираяпсиз? Сизнинг ҳам фарзандларингиз бор! Отасиз! Демак, онанинг юрагини чуқурроқ

тушунасиз! Мен ўз жигарпорасини ўлдирган онага ўхшайманми?"

Сурайё ва терговчи ўртасида шундай суҳбат ҳам бўлиб ўтган эди:

"Қизингиз йўқолган куни, то у гоёиб бўлганини сезгунингизча уйингизга кимлар келган?"

"Ҳеч ким. Ўша куни ҳол-аҳвол сўрашиб турадиган кўшнилари ҳам келмаган".

"Кимдир сизга ўзининг ёки қариндошларидан бирининг фарзанди йўқлигини дарду ҳол қилиб, бола асраб олиш ҳақида гапирганми?"

"Йўқ".

"Донор деб эшитгансиз, тўғрими?"

"Боламини ички аъзолари учун ўғирлаган бўлиб чиқишдан худо асрасин! Ҳеч қайси она ўз боласини "қассоб"ларга сотмайди! Сотса, у она эмас, ваҳший махлуқ! Агар донорлик учун ўғирлаган бўлса, қонхўрни шу дунёнинг ўзида дўзах ўтида куйдираман!"

"Қизчангиз ва сиз қатнашган тўйларнинг видеоларини кўриб чиқдик. Сиздан тўртта уй наридаги Турғуной деган аёл қизингизни зимдан кузатиб ўтиргани кадрларда акс этган. Айтинг-чи, бир вақтлар, яъни ўн йил бурун тилла зирак ўмаришда айбланиб, судланган шу аёл болангизни ўғирлаган, деб ўйлашимиз учун бизга бирор далил айта оласизми?"

"Нега Турғуной янгадан шубҳаланаёпсиз? Аввал судлангани учунми? Ўша куни у қишлоқда бўлмаган..."

"Балки уюштиришда кўли бордир? Нима дейсиз?"

"Ниманидир сездиларингизми?"

"Ҳозирча йўқ. У пулдан қийналаётганингизни суриштиргандир?"

"Дуч келганда, шунчаки сўрашишдан нарига ўтмаган".

"Кир юваётганингизда, мўлтонилар садақа сўраб келдимми?"

"Қизим йўқолгунча уйга ҳеч ким келмаганини айтдим-ку".

"Мўлтонилар ўша куни айнан сизнинг уйингизга кирмай ўтганини қандай тушуниш мумкин?"

"Билмасам. Ўзлари терговда нима дейишди?"

"Айтишларича, собиқ совхоз омборхонаси ҳудудида қурилган уйларга одам кўчиб келганини билмаган эканлар. Усталар ишлашмаяпти, деб бурилмай ўтишганмиш. Аммо мулланинг келини уларга янги оила кўчиб келганини айтгани исботланди".

"Мўлтонилар қанақасига ўғирлаган бўлиши мумкин? Орқаларидан етиб олиб, халталарини текширганман".

"Ҳовлига пусиб кириб, қизчангизга дори ҳидлатиб, ҳушидан кетказишган, кейинроқ олиб кетиш учун бирор жойга бекитишгандир. Ҳозирча бунга далилимиз йўқ..."

"Минг лаънат! Шунақа бўлган дейсизми? Вой болажоним-а..."

"Ўзингизни қўлга олинг! Биз тахминларни олға сураяпмиз, холос. Айтинг-чи, қизингиз усталар ишлаётган иморат томонга ёлғиз ўйнаб борганми? Бирор марта бўлса ҳам. Ақалли ўша томонга кетмоқчи бўлганида, кўриб қолгандирсиз?"

"Йўқ, мен ўзимдан узоқлатмасдим".

"Қизингиз уйқудан туриб, уй ёнига ўйнаб чиқармиди? У бола бўлса, қизиққани учун..."

"Буни тасаввур ҳам қилолмайман. Мен чорпоядан ўн беш қадам нарида кир юваётгандим. Қизим уйғониб, албатта, мени чақириши керак эди. Агар ичкарида бўлганимда ҳам, Маржона ўз ҳолича уйдан узоқлаб кетмасди. Минг марта тайинлардим, айтганимни қиларди бечора. У гўдак бўлса-да, чизган чизигимдан чиқмасди".

"Балки қизингиз уйғониб, сизни чақиргандир?"

"Меними? Қанақасига? Қулоғим яхши эшитади".

"Кир юваётиб, бирор ғайритабиий нарсани сезгандирсиз? Яхшилаб эслаб кўринг. Бирор тушунуксиз товуш эшитган бўлсангиз ҳам айтаверинг".

"Қандай ғайритабиий нарса? Шарпами, ғалати товушми? Мен чорпояга орқа ўтирган ҳолда куруқ ерга газета тўшаб, тоғорада кир ювдим. Ҳар гал кирларни дорга илиш учун ўрнимдан турганимда, чорпояга қараб кўярдим. Охирги кирни ювиб, дорга илаётганимда, қизимнинг устига ёпилган чойшаб ўзгариб қолганини пайқаб, чопиб бордим. У тўшакда йўқ эди, тушунаяпсизми, ўрнида йўқ эди... Кўғирчоғи бакрайиб ётарди... Қизимни мен пайқамасимдан аввалроқ ўғирлашган... Кўғирчоққа чалғиганман... Бирдан сезганимда, кўчага чопиб чиқиб, ўғрини кўриб қолармидим... Болагинамни қутқарардим ўша ифлоснинг қўлидан..."

"Йиғламанг, манг, сув ичинг... Хўш, энди бир антиқароқ саволга жавоб берсангиз. Айтишларича, ўша кунни тиззангиз ва кўйлагингизнинг олд қисмида сув ва лой юқини кўришган. Буни қандай изоҳлайсиз?"

"Сув билан лой уй орқасидаги ҳандаққа тушганимда кийимларимга сачраган. Нега антиқа савол деяпсиз? Яна мендан гумонсирашни бошладингизми?"

"Йўқ, яна бир тахминга кўра, бола ўғирланганда, сиз хушсиз бўлгансиз. Сув ва лой кир ювилаётган жойга йиқилганингиздан далолат бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яъни кир юваётиб, хушингиздан кетганингизни, уйқу босганини ёки сизга алланима ғалати туюлганини, масалан, дори пуркагич вишиллаганини, бемаза таъмли чой ичганингизни эслай оласизми?"

"Хушимдан кетганманми? Унақа бўлиши мумкинмас. Одам хушидан кетганини, кир юваётиб ухлаб қолганини билади-ку..."

"Эслай олмаслиги ҳам мумкин. Бу — руҳият билан ҳам боғлиқ".

"Мен ухламадим, хушимдан кетмадим, руҳий касал ҳам эмасман. Кимдир менга дори бериб, сўнг боламини ўғирлаб кетгани ҳақиқатга умуман тўғри келмайди".

"Усталардан бирортаси нимадир сўраб, ҳовлингизга келганми? Бир кун аввал, бир ҳафта аввал, фарқи йўқ. Эрингиз уйда йўқлигида ё борлигида улардан бирортаси сиздан нимадир сўраганини айтсангиз, менинг бир тахминимнинг ҳақиқатга айланишига йўл очиларди".

"Ҳеч бири келмаган. Сўрамаган ҳам".

"Нима учун айнан ўша куни эрингиз сизни хавфдан огоҳлантирган? Бу ҳақда нима дейсиз?"

"Қизимга у киши ҳам куя-куя тамом бўлди. Илтимос, бошқалардан шубҳа қилинг, хўжайинимдан эмас".

"Эрингиз сизга хиёнат қилади, деб ўйлайсизми? Унинг ҳаётида сиздан бошқа яна бир аёл борлигидан шубҳаланганмисиз?"

"Шубҳаланмаганман. У киши ҳаром йўлдан юрмайди. Оиласини шунчалик яхши кўрадики, таърифлашга тилим ожиз".

"Яхши. Яна бир савол. Сиз фолчиларга ҳам борибсиз. Улар қизингиз ҳозир соппа-соғ эканини, қоронғи хонага қамаб қўйишганини, сизни соғинаётганини, ўғри эса аёл киши эканини айтибди. Ўшандан кейин сиз кўйдан кўпроқ шубҳалана бошладингиз?"

"Кимдан шубҳаланишни ҳам билмай қолдим. Ўғри Қорасувдан, ўзимизнинг қишлоқдан. Юз фоиз аминман, бегона одам четдан келиб ўғирлай олмайди. Қўшни қишлоқлик мўлтонилар ҳам".

"Турғунойдан нега шубҳаланмаяпсиз? Фолга ишонар экансиз, нега фолчи Турғунойнинг белгиларини айтса ҳам уни оппоқ санаяпсиз?"

"Фолчи айтган белгилар Турғуной янгага тўлиқ мос эмас. Мен ҳеч кимни оппоқ санамаяпман. Шубҳа-гумоним кўпчиликдан. Лекин фолчига боришиму кимлардан шубҳаланишларимнинг сизга фойдаси тегармикан? Биринчи кунёқ шубҳаланганларимнинг рўйхатини ёздим. Уларнинг айбсиз эканини ҳам кўнглим сезаяпти. Оллоҳ кечирсин мени! Бировга туҳмат қилишдан, касри боламга уришидан кўрқаман".

"Ҳм-м... Бу жинойт жуда ҳам мураккаб чиқиб қолди. Мен ўз тахминларимни исботлайдиган далиллар топилишидан умид қилаяпман. Қизчангизнинг суратини ҳамма жойларга юборганмиз. Шифохоналар ҳам назоратда. Ким қаерда бола асраб олган бўлса, қайси шифохонада беморга бошқа бировдан ички аъзо кўчириб ўтказилган бўлса, текшираяпмиз. Барибир асосий эътибор сизнинг қишлоғингизга қаратилади. Айнан собиқ совхоз омборхонаси ҳудудига ҳам. Айрим ҳамкасбларимнинг айтишича, қизчангиз ҳеч қаерга кетмаган. У эски омборхона ҳудудида..."

"Қанақасига?"

"Мени маъзур тутасиз, у тирик бўлмаслиги мумкин, демоқчи..."

"Йўқ-йўқ! Қизим бирор жойга тиқилиб, нафаси қайтиб ўлган, деманг! Қизим тирик! Тирик! Фолчи айтдики..."

"Мен ҳам тирик топилишини хоҳдайман. Бироқ ҳамма нарсага тайёр туришингиз керак. Фолчиларингизга келсак, агар улар товламачи бўлмаганида эди, милицияда ўтирмасдик. Шартта фолчига борардик-да, ўғри кимлигини сўраб олаверардик".

"Таскин топиш, умидсиз бўлмаслик учун фолчига бордим, — кўз ёшларини артди Сурайё. — Муҳими, у Маржона тирик эканини айтди. Қизим топилиши учун... ҳозир, шу кунларда ўлим тўшагида ётган оппоқ сочли бир йигит ҳаётга қайтиши керак экан. Ўша йигит сабаб боламини ўғирлаган нокасинг

изидан тушарканман. "Фолга борма — фолсиз юрма" дейишади. Мен ҳам фол гуноҳ эканини яхши биламан, лекин қизимнинг қаердалигини билишим уларнинг оғзидан чиққан гаплар орқали менга етказилиши пешонамга битилган бўлса-чи? Балки ўлим тўшагида ётган оппоқ сочли йигит дунёда йўқдир, балки у оппоқ сочли чолдир. Мен... мен умидимни узмайман. Қизимни топиш учун ҳамма йўллардан юраман. Мелиса, прокуратура, фолчилар, азайимхонлар, қавму қариндошларнинг ахтариши, кечаю кундуз ибодат қилишим, садақа беришим... ҳамма-ҳамма чоралар..."

Терговчи мийиғида кулиб, сигарета тутатди.

"Майли, кўнглингиз ўшалардан таскин топса, хоҳлаганингизча бораверинг. Бизга ёрдамнингиз тегиши учун зийрак бўлинг, сизга айрим топшириқларни берамиз, чунки воқеалар марказида муҳим аҳамиятга эга одамсиз. Қизингизни ўғирлаган шахс сизни кузатаётган ёки атрофингиздаги одамлардан бири бўлиши мумкин".

Вақт ўтиб борарди. Йўқолган қизалоқнинг дарағи ҳеч қаердан чиқмади. Юзлаб одамлар жумбоқли жиноят тугунини ечолмадилар. Кўпчилик Маржонанинг тирик топилишидан умидларини узишди. Бу вақтда Тошкентдаги шифохонада ётган Раҳим эрталабларнинг бирида уйқудан оғриқсиз уйғонди.

— Бошим оғримаяпти, — деди у укол қилишга ҳозирланаётган ҳамширага.

— Бугун сизни бошқа шифохонага кўчиришади, — жилмайди ҳамшира. — Бизни унутиб юбормайсизми?

— Учинчи шифохонага кўчар эканман-да?

— Отдек бўлиб кетасиз, ишонаверинг. Сизга янги диагноз кўйилди. Номидан қўрқманг, хўпми?

— Нима касал эканман?

— Ҳозирча сизга айтолмайман. Умид борлиги шундаки, илм-фан ривожланди, бир неча ойда шифо топасиз. Агар ўша касал даҳшатли бўлганида, октябрь ойидан бери бунчалик тетиклашмасдингиз.

— Тетикманми? Ўрнимдан туrolмайман-ку, опа.

Раҳимни аравачага енгил кўтариб ўтказишди. Тирик скелетни кўрганлар ҳушларидан айрилмаслиги учун чойшабни ияғи қадар

ёпиб, бошига қалпоқ кийдиришди. Соч-соқоли оқара бошлаган бемор энди чолга ўхшаб қолганди. Шифохона машинаси шаҳарни кесиб ўтиш қасдида эди чоғи, светофорларда тўхтайтўхтайт, узоқ йўл босди. Раҳим машинанинг оқ шифтига термилиб, жимгина ётарди. Унаштирув тўйи куни ҳушидан кетиб, шу-шу оёққа турмаганига ҳам ярим йилдан ошди. Куз ва қиш ўтди, баҳор келди, ҳадемай ёз ҳам киради. Шабнамнинг тақдири нима кечди экан? Айтишмаяпти. Кеча тушида кўрди. Ўша куни Тошкентдан уйигача йиғлаб борганмиш. Онаси: "Кўй, болам, энди унга куйма! Худонинг раҳми келсин, бошқа чора йўқ!" деганмиш. Шабнамни Тошкентга, Раҳимни кўришга қайтиб жўнатишмайдиган бўлибди. Қизнинг ўзи ҳам аросатда қолибди. "Кўлимдан нима келади? Мени кечиринг, Раҳим ака, ожизман, тақдир зарбаси олдида ожизман..." деб йиғлаганмиш.

— Кунлар исиб кетди-я, опа? — деди ҳамшира Сулувхонга.

Эри Боймоққа тирикчилик важдан кетгани учун ўғлининг қошида қолган онаизор бош қимирлатди, холос. Рўмолчасини гижимлаб, оғзига босганча мунгваш ўтирган Сулувхоннинг ташқи дунё билан иши йўқ эди. Яккаю ягона дилбанди ўлим тўшагида, кунларнинг исиши нима деган гап?

Раҳим кўзларини юмди. Тоғларга учиб чиқишга, ям-яшил қирларда онасини бахтли учратишга уринди. Йўқ, кучи етмади. Кўнгилнинг қоронғи кунжакларида ўтиролмаган йигит туйқус кўкларга учиши имкондан хориж эди. Эшон ойим айтган авлиёликкача ҳали бор, шекилли. Балки авлиё даражасига етолмай ҳаётдан кўз юмар. Аммо жони тош экан. Ўлмаяпти. Шифохона машинаси ҳам сиренасини ёқмай, имиллаб бораётганидан тушундики, ҳеч ким ҳеч қаёққа шошаётгани йўқ. Ота-онаси ҳам тақдирга тан берган бўлса-чи? "Ўғлимизнинг жонини қийнамасдан ола қол", деб Тангрига илтижо қилишганмикан?

Раҳимнинг лаблари ним кулимсиради. "Ота-онам сўнгги лаҳзаларимгача умид қилади, — ўйлади у. — Мен ўзи аввалдан сал бадгумонроқман. Яна худбинман ҳам. Шабнамнинг васлига эришиш учун Асрорни қора тўсиқ деб билиб, қанчалар ёмон кўрдим. Армияда ўлиб қолса эди, деб кўнглимдан ўтказдим. "Келишган, бадавлат, ўқимишли йигитман, оилам ҳам обрўли, Шабнамга фақат мен уйланишга ҳақлиман, бошқалар бизнинг

тенгимиз эмас", деб кибрландим. Ютқаздим. Асрор эмас, мен... мен ўлаяпман. Шабнамга кимдир уйланади, бағрига босади, бир ёстикқа бош кўяди. Улар чимилдикда ишқ шаробидан маст бўлганларида, мен қишлоқ чеккасидаги мозорда кафанимга чирмалиб ётаман, эҳтимол. Кўзларим уларнинг биргалигини кўрмайди, қулоқларим висол онларининг акс-садоларини эшитмайди. Шунисига ҳам шукур. Аммо ўламанмикан ўзи? Нега хаёлимда фақат эшон ойимнинг ҳикояси. Гўёки ўша Қорасувдан чиққан авлиё менман. Бир куни қишлоққа тирик қайтаман. Университетдаги ўқишимни ҳам давом эттираман... Ҳе, йўқ, ўхшамайман, яна алаҳсираяпман. Афсонавий шахслар тарих қатларида қолиб кетган... Нима учун ўзимни бахтсиз ҳис этмаяпман? Кўзларимни юмсам, кунларнинг бирида кўкларга учадигандекман..."

– Ўғлим кулаяпти, – деди Сулувхон.

– Туш кўраётган бўлса керак, – шивирлади ҳамшира.

– Бечора болам-а! Айни ўйнаб-куладиган вақтда шу кўйга тушди. Дард еявериб, чарчади. Касалликларга ҳам бефарқ бўлиб қолди.

– Онкологияга кўчираётганимизни биладими?

– Йўқ, – деди Сулувхон.

"Онкология? Демак, саратонга йўлиқибман-да? – Раҳим ичида сўзлади. – Буниси ҳам аслида йўқ касаллик бўлиб чиқармикан ё галдаги шифохонада ҳаммаси тугармикан? Вужудим қовжираб бораяпти. Саратон эканман, нега манаман деган профессорлар энди аниқлашди? Ё яқинда бўлдиммикан? Йўқ, менинг касаллигим ҳамон номаълум. Аслида галлюцинациядан қутулолмаётганимни касаллигимни аниқлашда аломат сифатида фойдаланишлари керак. Асрор ҳарбийдан қайтиб, Шабнамнинг ортидан муюлишда етиб олганини эшитмагандим, уч кундан кейин ўша жойдан ўтаётганимда, улар кўзимга кўринди. Гўёки, атмосферага муҳрланган учрашув лавҳалари менга қайтадан намоиш этилди, худди кинодек. Ўтмиш биз билан ёнма-ён яшаши ростмикан? Орадан уч кун ўтганди, ахир... Ҳа, кўрганим рост бўлса, галлюцинация ҳам эмас. Мен аллақачон авлиёга айландиммикан? Оғир касалликлар кетма-кет юборилиб, синовдан ўтказилаётганим бежиз эмас..."

Ниҳоят, машина шифохонага етди. Бинога олиб киришаётганида, Раҳим шифохонанинг кимсасиз, осуда ҳовлисига кўзи тушди. Беморлар ёки уларнинг ҳолидан хабар олгани келганларнинг кўринмаслиги ғалати туюлди. Ўликхона каби жим-жит ҳудуд эди.

— Қағ... қағ... — аллақаяқда қарға қағиллади.

— Овозинг ўчсин, — пичирлади Сулувхон боғ томон қараб кўяркан.

Шифокорларнинг текширишларига қараб, Раҳим саратон ўсмаси бош мияда эканини тушунди. "Қаерда ҳам бўлиши мумкин? — деди у. — Бош мия аввал-бошдан гумон остида эди..."

Касалликлари ҳақида Раҳимга аллазамондан бери гапирмай кўйишганди. Ўтган ойлар ичида синфдошлари, курсдошлари, холалари, амакилари Тошкентга бир мартадан келишди. Улбўсин холаси хонадонидангина ҳеч бири қорасини кўрсатмади. Келгувчилардан бири "Кўрқма, "черепной давления" хавfli эмас", деса, бошқаси "Қонни тозалашса, кўрмагандек бўлиб кетасан, Раҳимжон", дея юпатди. Кимдир қон касаллиги, кимдир бош ичида босим кўтарилиши, биров сил касали деган ташхисни эшитганди. Ҳақиқатан, Раҳимга икки-уч, ҳатто ундан-да кўп хасталиклар бирдан ёпишганга ўхшарди.

Кўпинча Раҳим қайсидир идора раҳбарининг фожиали тақдири ҳақидаги миш-мишни эсларди. Юқори лавозимдаги шахс шифохонада даволана бошлайди. Ёлланган ҳамшира амалдорнинг орқа миясидан суюқлик олаётиб, қасддан инфекция туширади. Басавлат бемор кўл-оёғини қимирлатолмайдиган, тили ҳам айланмайдиган бўлиб қолади. Одамларнинг кўз ўнгида кун сайин озиб-тўзиб, ахийри чакчайган кўзи, суяги ва сарғимтил териси қолади унинг. Кунларнинг бирида жони чиқади-кетади. Раҳим ўзини амалдорга таққослар экан, "Мен ҳам у каби ўлсам, қандай фарқим бўлади?" деб ўйларди. Ўша шўрлик кимларгадир зуғум ўтказган, ҳеч бўлмаса, айби — ёғли мансабни эгаллаб тургани. Раҳим-чи? Тўғри, унга суиқасд қилишмади, лекин қарғадилар. Холасининг қарғиши урдими? Нима ёмонлик қилган эди Улбўсин холасига, Камола холаваччасига, Асрорга? Айби Шабнамни севганими? Дарҳол совчи юбориб, қизни улардан тортиб олгани

йўқ-ку. Бир-бирига кўнгил кўйган жуфтлик никоҳдан ўтиши, сўнгра шаҳарда шоду хуррам яшашлари керак эди, холос. Наҳотки, бу ҳалокатга маҳкум этилишга сабаб бўлолса?! Ва севишганларнинг бахтию фаровон турмушидан Пирмат чўлоқ оиласининг ғайирлиги тутиб, ўзларини хўрланган ҳис этарканлар, аслида қарғиш қайтиб, уларни куйдириб юбориши керак эмасмиди?

Раҳим хушёр тортди: "Кўнглим тоза эмас. Нега ҳалигача ёмонликларни эздан чиқаролмаяпман? Худбин ва бадгумонман. Жазойим шуки, Шабнамга Асрор уйланади. Мен тўйида хизмат қиламан. Бунга ўзимда куч топишим керак. Куч — кўнгилнинг озодалигида. Сезаяпманки, севганимнинг тўйида тоза кўнгил билан иштирок этиш даражасига чиқсам, руҳан юксалсам, тирик қоламан. Ҳа, ҳа, ўлмайман. Касалликларимнинг бошида кўнгил кирлиги, кибр ва нафс турибди. Бошқа ҳеч нарса эмас. Улбўсин холамдан, Камоладан, Асрордан... ҳамма-ҳаммасидан кечирим сўрайман... Бир умр душманимга ҳам яхшилик қилиб яшайман... Онамнинг бахтига ўлмасам, бас... Эй художон, кўнглимдаги энг майда ёмон хаёлларгача илоҳий элакда элаб ташлаб, ҳаётга чин инсон бўлиб қайтишимга имкон бер! Севаман... Шабнамни жонимдан ортиқ севаман. Лекин жоним фақат менга эмас, онажонимга, отажонимга ҳам керак... Кибрнию нафсни шу қадар йўқ қилишим керакки, менда ўзимдан бошқа ҳеч нарса қолмасин..."

Палатада яна бир бемор ётарди. Бадавлат инсоннинг ўғли экан. Бўйчан, хушрўй, очиқкўнгил йигит. Йигирма ёшда.

— Исмин Нодир, — деди у эртасига, ҳеч ким йўқлигида. — Паркентданман. Бош мия ўсмаси билан ётибман. Биласизми, дўстим, бош мияни операция қилиб бўлмайди. Нур билан даволашаяпти. Ҳар ойда уч ҳафта даволаниб кетаман, бир ҳафта уйда бўламан. Биз томон жуда баҳаво, курортбоп жойлар. Йигирма кундан кейин иккимизга ҳам ўн кунлик танаффус беришади. Меҳмонга борасизми?

— Биз тўмонлар ҳам табиат... — зўрға сўзлади Раҳим. — Еттинчи бйдирки, шифохонадан... аниқроғи, шифохоналардан чиқолганим йўқ. Елкам койкаларга, бурним дори ҳидларига, кўзларим бқ халатларга ўрганиб кетди.

— Паркентдек гўзал жой йўқ. Борсангиз, дардларни унутасиз.
— Оёққа турсам, майли... — деди Раҳим. — Паркент бу ердан яқин-а?

— Ҳа, қишлоғимизгача бир соат ҳам юрмайсиз. Сизнинг қишлоғингиз эса тўрт юз километр нарида экан.

— Мени роса суриштирибсиз-да?

— Кеча ҳаммасини эшитдим. Навбатма-навбат оғир касалликларга йўлиқаверибсиз. Менимча, бошиданоқ сизда бош мия ўсмаси бўлган, фақат тиббиёт ҳам аниқлаёлмайдиган яширин формада. Мана, энди аниқланди. Хавотир олманг, бугундан бошлаб бошқа касалликлар бўйича эмас, саратон бўйича муолажа қилишади, шифо топасиз. Глюкоза, витамин, аминокислотаю электролитлардан безор бўлган кўринасиз. Муҳими, умидни узмасангиз бўлди.

— Умиднинг охири йўқ, — деди Раҳим. — Аслида у узилмайди... Қиёматга қадар ҳам...

— Ўлимни ўйлаган кезларим, — деди Нодир, — ўлганимдан кейин ҳам яшашда давом этаман-ку, деб ўзимни овутардим.

Раҳим ўйчан йигитга тикилиб:

— Ёруғ дунёда ҳали одамларга кўп керак бўласиз, — деди.

— Раҳмат, — жилмайди Нодир. — Сиз ҳам, албатта кераксиз.

Шу он эшик унсиз очилиб, палатага Сулувхон кирди. Юз-кўзида ҳаяжонга ўхшаш ғалати ўзгариш жилоланиб турарди.

— Раҳимжон болам, сени бир аёл телефонда Қорасувдан сўради, — деб каравот қирғоғига ўтирди. — Эшон ойим айтган Қорасув қишлоғи, ота-онаси элакка юборган йигитнинг қоронғи уйда, ер остида ўтириб, авлиё бўлгани эсингдами?

— Эсимда, — қони юришди Раҳимнинг.

— Ўша қишлоқдан телефон қилди. Уларга сен керак бўп қолганмишсан. Шу балнисанинг рақамлариңи топганларини қара! Кечадан бери телефонда ахтаришаётган экан. "Ўғлимнинг касалхонада ётганини кимдан эшитдингиз?" десам, "Эшон ойимдан", дейди. Нима гаплигини сўрасам, "Бизга ўғлингизнинг ёрдами жуда-жуда керак, опажон" деб бирам ялинади-бирам ялинади, ҳайрон қолиб, сенинг аҳволингни тушунтирсам, ўкириб йиғлаб юборса, де! Унинг тушига сен худди шу балнисада ётган ҳолда кирганмишсан. Сал аввалроқ фолга ҳам тушибсан. Бу нима синаот экан, ҳайронман.

— Ҳозиргина одамларга керакмиз, деб гаплашаётгандик, — деди Нодир. — Дарров исботланди.

— Қанақасига, ахир? — Раҳимнинг таъби тирриқ бўлди. — Менинг нима фойдам тегаркан у кишига?

— Уч ёшли қизчаси куппа-кундуз, уй олдида, онасининг ёнгинасида йўқолиб қолибди, — Сулувхон ўғлига яқинроқ сурилди. — Неча ойдирки, ҳеч қаердан топилмаётганмиш. Мелисалар ҳаммаёқнинг тит-питини чиқарибди. Ўзларининг ҳам изламаган жойлари қолмабди. Айтишича, уни сен топишинг мумкин экан.

— Ўрнимдан ҳам туrolмасам, қандай топаман?

— Мен ҳам шуни айтдим-да, ўғлим. У эса фақат сендан умид қилаяпти. Уйимга келиб, қизим йўқолган жойни кўрса, жиноятчининг изи чиқади, дейди. Ёрдамнинг тегармикан-а?

Раҳим онасига ҳайрон бўлиб қаради.

— Нималар деяпсиз, ая?!

— Тошкентга келамиз, ўзи билан учрашамиз, қизчамизнинг расмини ҳам кўрсатамиз, деб йиғлади бояқиш.

— Мени фолчи деб ўйлаяптими?

— Йўқ.

— Кийим-пийимини ҳидлаб, йўқолган болани топадиган овчарка ҳам эмасман... — Раҳим ёстиққа ҳолсиз ботиб, узоқ вақтдан бери илк марта кулимсиради. — Қизиқ... қизиқ...

— Фолчи ҳам, ҳид билгич ҳам демади, — Раҳимга яшнаб боқди Сулувхон. — Ўғлингиз соғайиб кетади, унинг бир каромати бор, деса, мен ҳам йиғлашимга сал қолди. Келсин, Раҳимжон, сендан нима кетади, бир гаплаш-чи, хўпми?

— Хўп, ая, хўп...

Шу кўйи ғалати телефон кўнғироғи ҳақида сўз очмадилар. Бироқ кечқурун Нодир бир аёл қисматини сўзлаб берди.

— Аслида бизнинг уй Паркент марказида, — деди у. — Дадам ғишт терувчи уста эди. Кейинчалик ишларни юришиб, тадбиркорга айланиб, тоғ этагидаги қишлоқ четида икки қаватли далаҳовли курди. Биз деярли йил бўйи далаҳовлида яшаймиз. Биласизми, атрофнинг гўзаллигидан, ҳавонинг тозаллигидан одам сархуш бўлади. Ҳеч ўлгингиз келмайди.

Бир куни эшигимизни қандайдир аёл тақиллатди. Узун кўйлак

кийган, рўмолини юзи аралаш боғлаган, фақат икки кўзи кўринади, араб киноларидаги хотинларни эслатади. Кўзлари шунчалик мунгли эдики, умрим бино бўлиб кўрмаганман ундай қайғули нигоҳни. Аёл соқов экан. Нима демоқчилигини битта вараққа ёзиб, узатди. Ёзганларини ўқиб, ойимнинг мазаси қочиб қолди. Далаҳовлимизнинг ўрнида ўн йилча аввал ўша аёлнинг оиласи яшаган экан. Эри чорвачилик фермасида ишларкан, икки қизчаси эса мактаб ёшига етмаган норасидалар бўлиб, бири олти, иккинчиси тўрт ёшда экан. Аёлнинг эри ётиб қолгунча ичадиган одам экан. Уйига кайфи тароқ бўлиб келибди. Кўпинча аёллар ичиб олган эрига бола-чақасини ишониб топшириб кетади. Аёл ҳам шундай қилибди ва дўконга жўнабди. Эрининг яна ичгиси келибди. Хотиним келиб қолса, ичаётганим устида қўлга тушмай, деб эшикни ичкаридан тамбалабди. Ертўлада тоза спиртдан ўттиз литрча бор экан. Спиртфуруш ўғри канистрларини уникида сақлар экан. Хуллас, спирт ёниб кетибди. Эри ҳам, қизчалари ҳам, уйи ҳам — ҳеч бири омон қолмабди. Аёл гуриллаб ёнаётган уйга ўзини отибди. Ўшанда бадани куйиб, юзи ҳам кўрқинчли қиёфага кирибди. Менга кўрсатмаган, лекин эшитишимча, ҳаддан ташқари буришган, гадир-будир, аянчли тарзда чўтир эмиш. Лаблари шишиб, қизариб, шалвираб қолганмиш.

У ота-онаси олиб кетса ҳам, уй-жойининг харобаларига қайтиб келавераркан. Қизларининг исмини айтиб, кун бўйи йиғлаб ўтираркан. Дадам ўша ерни сотиб олиб, уй қурган. Аёлни эса ота-онаси йиллар давомида ҳовлидан чиқармаган. Ота-онаси қазо қилиб, у янгалари билан жанжаллашиб қолибди. Ойим дадамга бақирди, нега шунақа жой эканини айтмадингиз, деб. Дадам мистикангни йиғиштир, дея ойимга аччиқланди. Аёлни алдаб-сулдаб кеткизвордик. Эртасига қайтиб келди. Қисқаси, аёл уззукун эшигимиз тагида йиғлаб ўтирадиган бўлди. Тадбиркорлик ишларимиз кўпайиб, уй юмушларига ёрдамчи керак эди. Дадам билан ойим ўзаро келишиб, аёлни ишга олди. Яъни уйимиздаги чекка ҳужрада яшай бошлади. Ҳамма уй юмушларини қилади. Овқатга жуда уста эди. Ҳеч қачон эринмасди. Фалати бир одати бор эди. Жумъа кунлари ҳужра эшигини ичкаридан қулфлаб, соатлаб чиқмасди. Бу одатига дадам ҳам, ойим ҳам индамасди.

Марҳум болаларининг ҳаққига ибодат қилса керак, дейишарди. Бир куни деразадан пойладим. У гиламларни четга суриб, полни кўчирди ва лип этиб пастга тушди.

– Ертўлагами? – сўради Раҳим.

– Хужра тагида ертўла йўқ, – давом этди Нодир. – Чунки хужра уйимизнинг асосий биносида эмас, чеккадаги кўшимча солинган ошхона ва қазноқ билан бир қаторда.

– Аёл пол тагидаги чуқурга тушибди-да?

– Ҳа. Бошқа бир куни хужрасига ўғринча кириб, гиламни кўтардим. Қарасам, полнинг миxlари суғурилган экан. Тахталарни олдим ва нимани кўрдим денг?

– Нимани? – Раҳимнинг боши ғувиллай бошлади.

– Мозорни.

– Мозорни?

– Ҳа.

– Қанақа мозорни?

Нодир каравотидан тушиб, Раҳимнинг ёнига келди.

– Дафнда қатнашганмисиз?

– Йўқ, – деди Раҳим. – Мен маъракаларда унча-мунчага иштирок этмайдиган тантиқ, калондимоғ эдим.

– Худди мозордек қазилган чуқурлик экан. Кўрқиб кетиб, хужрадан чопиб чиқдим. Шу пайт аёл мени кўриб қолди. Кўлимдан маҳкам ушлаб, бошини чайқади. Кўзларидан уқдимқи, у очик мозор ҳақида ота-онамга сотмаслигимни истарди.

– Сиз уни сотдингизми?

– Сотмадим. Аёл қоғозга ёзди, мен ўқидим.

– Нима деб ёзган экан?

Нодир эшик-деразага қараб олгач, деди:

– Қўлидан келганча ўзига ертўла қурибди. Жума кунлари ертўлага тушиб, уйининг тупроғини ҳидлаб, қизалоқларини эслаб, мунгли кўшиқларни хиргойи қиларкан.

– Тили бор экан-да?

– У фожиадан кейин тилдан қолган, ҳеч кимга гапирмайди, гўлдирамайди ҳам. Аммо паст овозда, ҳазин кўшиқларни фақат ёлғиз ҳолларда хиргойи қиларкан.

– Ачинарли ҳикоя...

Раҳим ўйлади: "Аёл ҳам ер остини яхши кўради, буни ўзи билармикан?"

— Айтмоқчиманки... — Нодир хўрсиниб қўйди. — ...онани яратмасин экан. Сизни сўраб телефон қилган қорасувлик аёл ҳам қанчалик куяётганини тушунаяпман. У ҳозирча бахтсиз эмас, чунки қизчаси ўлгани ҳақида маълумотлар йўқ. Балки уни ростдан сиз топиб берарсиз, Раҳим ака?

— Мен қандай топаман? Сиз ҳам шу гапни айтаяпсизми?

Нодир каравотига оғир судралиб бораркан, деди:

— Ўйланг, ака, ўйланг. Аёл бекорга сиздан умидвор бўлмаяпти.

Раҳим кўзларини юмди. Кўнгилнинг қоронғи хоналарида кезди. Унинг туби бўлмиш ўша чуқурлик қани? Англадики, кўнгилга қанчалик теран кириб борса, шунчалик куч-қудратга тўлади ва шунчалик юксалади.

Хаёл кучини ишга солди. Мана у — бўм-бўш, қоп-қоронғи чуқурлик. Шу жойда ўтириб, юлдузларни кўради. Руҳи юксакликларга кўтарилади. Кейин Қорасув томон шошилади...

Ҳаял ўтмай Раҳим чиндан-да ҳавода кўл-оёқсиз, йўқ-йўқ, умуман вужудсиз учаётгандек ҳис этди ўзини. Бироқ ҳавода чирпирак бўлдими ёинки теварак-олам гир-гир айланиб, тўзон кўтарилдими, тушунолмади. Миясига шундай зўр бердики, кўнгил мияга, мияга кўнгилга айланиб, бир бутун вужудга бирикди. "Уддаладим", деб ўйлади Раҳим. Сўнгра қалин тош девор орасидан ҳам сингиб ўтиб, ташқи дунёни кўриш қасдида олға интилди. Раҳимнинг вужуди эмас, балки борлиқнинг ўзи ҳавога, ҳаводан ҳам ҳарир яратилмага айланди-қолди. Йўлидаги барча тўсиқлар рангли туманлар эди, уларни оралаб учарди масрур...

Тўсатдан Раҳим Қорасувга етди-қўйди. Умрида бормаган эди бу қишлоққа. Оддий ўзбек қишлоғи: шиферли уйлар, симёғочлар, тераклар, ўйдим-чуқур кўчалар. Уй бекалари ҳовлидаги тандирдан нон узишяпти, қўйхонада қўйлар маъраяпти, моллар кавшанаяпти, чумчуқлар чирқилляпти...

— Ажойиб, — деди Раҳим.

У кўчаларда тентиради. Ахтараётган манзилига тезроқ етиши керак эди. Ва таққа тўхтади. Раҳимнинг қаршисида бир уй турибди. Уй олдида ёш она кир юваяпти. Чорпояда уч ёшли қизалоқ ухлаб ётибди. Раҳим унга яқинлашди. Қизалоқнинг

бошига қандай фалокат тушганини билишга интилни. Ҳавода кўринмасдан турса, боз устига ўтмиш бўлса, нимадан кўрқадим?

Тўсатдан Раҳимни оғир юк босди. Тошлар орасида қисилиб, мажақланиб кетаётгандек азобланди. Бир қараса, яна ўша зиндон — кўнгил тубидаги қоронғи макон...

Раҳим қандай ухлаганини билмай қолди. Укол қилиш ва дориларни ичириш учун ҳамшира уйғотганида, деразани қоронғилик пардаси қоплаганди. Бир оздан сўнг палатага онаси кирди.

— Қорасувлик опа қачон келаркан? — термулди Раҳим.

— Сен ҳам қизиқаяпсанми, болам? — мунғайибгина курсига чўкди она.

— Шунчаки... ўзим...

— Мен нега хурсандман, Раҳим? Чунки "Бир балоси бўлмаса, шудгорда кўйруқ на қилар?" дейишган. Сен қаёқда-ю, Қорасув қишлоғи қаёқда! Бир мўъжиза бўладики, уларнинг кўнглига сен тушгансан.

— Қайдам, ая... — Раҳим ух тортди ва онасига қарамасдан сўради: — Шабнам мендан кечдимми?

— Нега ундай дейсан? Тошкентга аяси юбормаяпти, холос. Йиғлаб-йиғлаб ҳаммани қон қилибди. Кўрасан, ҳали шундай тўйлар қиламиз, шундай қиламиз...

Онаси гапини давом эттиролмади.

— Ўқишга ҳам тайёрланмаётгандир? — деди Раҳим. — Бу йил университетга киришига ишонгандим.

— Тайёрланмай кўйибди, — бошини ҳам қилди Сулувхон.

— "Келгуси йилда ўқишга ўтишингизни кўнглим сезаяпти", деган гапни бекор айтган эканман. Нима, мен фолчиманми? "Кўнглим сезаяпти" эмиш. Кўнгил аслида бутунлай бошқа нарса.

— Оёқларингни уқалайми? — ўрнидан турди онаси.

Эртасига йўлак охирида жойлашган бўлмадаги муолажалардан кейин шифокор деди:

— Сизда галлюцинация кўп кузатилаяпти, Раҳимжон, оғир ҳаёлларга берилмасликка ҳаракат қилинг.

— Яширманг, яқинда ўламанми?

Шифокор Раҳимнинг бошига энгашди.

— Бунақа гапни йиғиштиринг, дўстим. Яхшиси, сиз...

— Келинг, очиқчасига гаплашайлик, — қайсарлик қилди Раҳим.

— Марҳамат. Лекин...

— Қисқаси, бош миямда ўсимта борлиги аниқланди. Уни операция қилишнинг иложи йўқ. Ўлим вақтини нур билан орқага сураяпсиз, холос. Танам ярим йил аввал қуриб-қовжираб қолган. Олти ой мобайнида "рак" эканимни ҳеч ким ва ҳеч қандай асбоб-ускуна нима учун аниқлаёлмади? Аввал бош билан боғлиқ касаллик, кейин қон хасталиги, ҳатто сил...

— Сизнинг ҳолатингиз бизда кахексия дейилади. Кахексия — организмнинг ҳаддан ташқари кучсизланиши. Одатда, бундай касалликда беморнинг ёғи қуриб, териси суякка ёпишади. Вазн камайиши ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

— Ер остига тушганим сайин юксаламан. Менимча, бу касаллик эмас.

— Раҳимжон, беморда галлюцинация, алаҳсираш, алламбало тушлар кўриш ҳолатлари кузатилади. Кахексияга сабаблар — ошқозондаги хасталик, ўпка сили, саратон касалликлари ва ҳоказолар. Очлик ҳам кахексияга олиб келади. Иккинчи жаҳон уруши даврида концлагерларда сақланган одамларнинг ёки Африкадаги очарчиликка гирифторларнинг фотосуратларини кўрганмисиз?

— Кўрганман. Мен тарих факультетида ўқирдим.

— Ўз-ўзидан маълумки, сиздаги кахексиянинг онаси саратон...

— Бош мия саратони, — деди Раҳим. — Лекин ҳамма муаммо суякдан ташкил топган мана шу қовоқ ичида...

— Қизишманг, Раҳимжон. Фикримча, сиз бошиданоқ саратонга учрагансиз. У қандайдир яширин шаклда бўлган. Нега саратонни ҳеч бир шифокор аниқлаёлмаганини энди аниқлаймиз.

— Аниқлаёлмаганини аниқлаймиз, денг, — Раҳимнинг кўзлари йилтиради.

— Кулаяпсизми?

— Агар кулаётган бўлганимда, нима дердингиз?

— Албатта, галлюцинация эмас. Бу ирода дейилади.

— Менда галлюцинация сал аввалроқ бошланган. Фикримча, ҳеч қачон тугамайди.

Учинчи ҳафта Раҳимда айрим ўзгаришлар сезилди. У энди каравотда ўтирар, онасининг етакловида юра оларди.

Шифокорлар саратонга қарши муолажалар таъсир этаётганини айтишса-да, Раҳим кунларнинг бирида ҳаммаси ўлим билан хотима топишига ишонарди. Сочлари тўкилиб кетган эса-да, ниш урган мўйлари оппоқ эканидан тушундики, у аллақачон чолга айланиб бўлган, Шабнамнинг алвидо айтиш ва орани очиқ қилиш онлари яқин.

Ўша ҳафта Туроб тракторчи қишлоқдан қайтди. Отасининг сўлғин юзига боқиб, Раҳим ўзи учун ҳаёт тугаётгани ҳақида ўйлади. Авваллари эшитардики, бедаво дардга йўлиққан одамнинг ўлиши аниқ бўлгач, умри қанча қолганини бемордан сир тутишаркан, гўёки хаста ҳеч нарсани сезмайдигандек. Аслида эса Раҳим соғ яшаган кезлари ҳам ўлимни ҳеч ёддан чиқармас эди.

— Асрор бўлам нима қиляпти? — сўради Раҳим отасидан.

— Юрибди, — мужмал жавоб берди Туроб тракторчи.

— Армиядан қайтганда, сочларига оқ оралаганини кўргандим.

Ҳозир-чи?

— Кўй уни, ўғлим...

— Менимча, бўламнинг сочлари қорайган.

— Академик таътилинг тугаб, сентябрда ўқишингни бошлайсан, — гапни бурди отаси.

— Асрор уйланмоқчимми?

— Ким билибди, дейсан, — аниқ жавоб беришни истамади падар. — Уларникига бормасам, ўзлари ҳам келмаса.

— Қишлоққа кетсам, уйга чақираман. Мендан ҳалигача хафамикан?

— Э, ўғлим, сендан ҳеч ким хафа эмас.

Отаси ҳаёт ташвишларидан чарчагандек эди. Ўғли неча ойдирки шифохонада, хотини унинг бошида. На турмушнинг, на рўзғорнинг тайини қолди. Ҳойнаҳой, машинани ҳам, боғни ҳам сотиб юборишган бўлса керак. Пул ҳам кўп кетаяпти. Кутилмаган воқеалардан сўнг ота-онасининг қўли ишга борармиди.

— Дада, — деди Раҳим, — мен учун қийналиб кетдингиз... Илтимос, иккалангиз ҳам қишлоққа қайтинг... Бўлди, етар.

Палатага кирган Сулувхон ҳолсизланганча ёқасини гижимлади.

— Мен тушундим, — деди Раҳим. — Бу ердан тирик чиқмайман... Ҳаммаси тугаяпти...

— Эҳ, ўғлим, нималар деяпсан? — Туроб тракторчи бошини асабий қашиди. — Ҳаётинг энди бошланаяпти-ку.

Онаси йиғлай бошлади.

— Шабнам оила қуради... — Раҳим қийналиб сўзлади. — Мен... мен ўламан... Яширишнинг нима кераги бор?! Шунинг унутманг, дада, ая... Ўлим мен учун фожиа эмас. Шабнамдан айрилиш ҳам... Мен кўнгилларингизда яшайман...

— Гапирма, — Туроб тракторчи Раҳимнинг оғзини авайлаб бекитди. — Аягни қийнама, ўғлим...

Раҳим ҳам йиғлади, ота-онаси ҳам. Шифохонадаги маънос кунлар узоқ чўзилиб кетганди. Ўлим ҳам эшик қоқмас, соғлик ҳам қорасини кўрсатмас эди.

Якшанба кунини олис вилоятнинг чекка қишлоғи — Қорасувдан одми кийинган эр-хотин келди. Иккаласи ҳам озиб-тўзиб, ғамдан адо бўлган эди. Шунга қарамай ширмой нонлар, қанд-қурслар кўтариб олишганди.

Палатага кирганларида, Раҳим уларни Нодирнинг қариндошлари деб ўйлади.

— Мен Сурайёман, — синиқ кулимсиради жувон Раҳимнинг каравотига яқинлашиб. — Бу киши хўжайиним бўлади. Сиздан ёрдам сўраб келдик, Раҳимжон. Телефон қилганимизни аянгиз айтдими?

Раҳим ёстиққа суяниб, ёлғиз ётганди.

— Қизчаси йўқолган қорасувлик опа сизмисиз? — хириллоқ товушда сўради у.

— Ҳа, менман. Биз тенгқурмиз, Сурайё деяверинг. Қизимни йўқотиб кўйдим. Куппа-кундузи, уйимнинг олдида... — Аёлнинг овози қалтираб, кўзларига ёш қуйилди. — Ўшандан бери йўқ. Ҳеч қаерда! Кун исиб кетганди. Чорпояга тўшакча солиб, "Ўйнаб ўтир" десам, бир пайт ухлаб қолибди. Мана расми.. — Сурайё ҳаяжондан титраб, шошган кўйи сумкасидан сурат чиқарди. — Уч ёшда. Исми Маржона. Изламаган жойимиз қолмади. Мелисалар ҳам тополмади.

Раҳим Маржонанинг суратини олди-да, нурсиз кўзларини тикди. Анча вақтдан бери ҳеч кимнинг суратини томоша қилмаган эди. Қизча фотостудия стулида ўтирар, қош-кўзлари қоп-қора, беғубор нигоҳли, хуркаккина, мўндалоққина эди. Чап билагидаги кўзмунчоқлари бирам ярашгандики...

– Шуми?

– Шу-шу, Раҳимжон.

– Исми Маржона экан-да?

– Ҳа, Маржона. Йўқолмасидан саккиз кун аввал расмга тушган, – кўз ёшларини артди Сурайё. – Ухласам тушимга кирасиз, фолчига борсам, сизнинг қиёфангизни тасвирлайди, Раҳимжон. Узоқ вақтдан бери касал ётган, сочлари оқариб кетган, кўп ўқиган, кўп ўйлайдиган, юраги тоза йигит, дейди. Хотинларнинг йиғилишида эшон ойим дардимни кимдандир эшитибди. У киши "Тоғдаги Боймоқ қишлоғида бир йигитни танийман, жуда билимли, одобли эди. Ўз-ўзидан йиқилиб, оёққа турмади, ҳозир Тошкентдаги балнисада ётибди, деб кўнглимга яна умидлар солди. Тушларимга кирган, фолларга тушган йигит сизсиз! Бошқа ҳеч ким!

– Касал ётган фақат мен эмас, – деди Раҳим.

– Суратга яна бир қаранг, – ялина бошлади Сурайё. – Аянгиз сизга қандай куяётганини жуда яхши тушунасиз. Мен ҳам боламга куяяпман, адоий тамом бўлаяпман. Ҳамма мени тентакка чиқарди. "Тошкентга борма, касал йигитни безовта қилма, қизчангни у қаёқдан топиб беради", деди. Хўжайинимдан ҳам сўкиш эшитдим. Тўнғиллаб-тўнғиллаб зўрға келди бу ерга.

– Опа... – оҳиста бош чайқади Раҳим. – Сиз мендан бекорга умидвор бўлаяпсиз. Авлиё ҳам эмасман, изкувар ҳам.

– Топа оласиз, бир уриниб кўринг, – кутилмаганда Сурайё полга тиз чўкди-да, Раҳимнинг кўлидан маҳкам ушлади. – Худо ҳаққи, уриниб кўринг, Раҳимжон! Бормаган жойим қолмади. Ялиниб-ёлвораман! Агар сиз ҳам ноумид қайтарсангиз, мен ўламан.

– Сурайё, бунақа келишмаганмиз-ку! – дея эри унинг елкасидан тутди. – Касал одамни қийнама! Боласидан айрилган битта сенми?!

– Йўқ! – нагоҳон жазаваси тутди Сурайёнинг. – Бу одам биледи! Биледи, дадаси! Бир-биримизга ёрдам бермасак, бу ҳаётда нима учун яшаб юрибмиз? Қаердадир нажот борлиги аниқ! – Жувон кўзларини телбаларча олайтирди. – Фолчимас, авлиёмас, изкувармас, лекин Маржонамнинг расмига қараб,

ниманидир сизди. Кўзларига қараб пайқадим. Кийимини ҳам бераман... — Кўлида жажжи қизил кўйлакча пайдо бўлди. — Раҳимжон! Ҳозир булар мени ташқарига чиқариб ташлашади! Гапимни айтишга улгурай! Сиз фол ҳам очмайсиз, изкуварлик ҳам қилмайсиз. Ҳаммасини жуда яхши тушунаман! Аммо дунё биз ўйлаганчалик эмас. Ҳар хил тушлар кўраркансиз, воқеаларни кўз олдингизга жонли ҳолатда келтираркансиз. Катта авлиёлик хислати бу! Шунинг учун ўз-ўзидан касал бўлиб қолгансиз. Манаман деган дўхтирлар ҳам касалингизни аниқлаёлмабди. Тўғрим, Раҳимжон?

Эшик очилиб, Сулувхон кирди ва:

— Вой ўлмасам, нима қилаяпсизлар? — дея ўғлининг ҳимоясига шошилди.

Сурайё унга ҳам ўзини таништириб, оёқларидан кучоқлади.

— Опажон, мен билан телефонда гаплашгансиз! Қизчасини йўқотган қорасувлик Сурайёман! Ўғлингизга тушунтиринг! Қизимни топишимга ёрдам берсин!

Шовқин-суронни эшитган ҳамширалар чошиб келишди, қўшни палатадан ҳам одамлар чиқа бошлашди. Эри Сурайёнинг кўлидан омбурдек қисиб:

— Э-э, чиқ ташқарига! — деб йўлакка судради.

Раҳим зор-зор йиғлаётган Сурайёдан кўз узмас экан, кузда Асрор ва Шабнамнинг учрашувини аниқ-тиниқ кўрганини эслади. Афтидан жувон яна бир мўъжизадан умид қилаётганди. Бироқ ҳозир Раҳим мўъжизани қандай содир этишни билолмаётган ожиз банда эди.

— Тўхтанглар, — хириллади у чўпдек кўлини кўтариб.

Бўсағадагилар қайрилиб қарадилар.

— Нима дейсиз. Раҳимжон? — Сурайё унинг қошида ҳозир у нозир бўлди.

— Қизчангизнинг кўйлакчасини олиб кетинг, — деди Раҳим.

— Суратни эса қолдиришингиз мумкин. Умид билан келган экансиз, кўлимдан келган ишни қиламан. Мабодо ҳеч бир ёрдамим тегмаса, мендан хафа бўлмайсиз.

— Қизим тирикми? — аллақандай ўкинч билан сўради Сурайё.

— Тирик, — жавоб берди Раҳим.

— Ўғлим, ўзинг билмаган нарсага бировни ишонтирма, эртага жавобгарлиги бор, — эътироз билдирди Сулувхон.

Раҳим кўзларини юмиб, янги қурилган лойсувоқ уйни хаёлида гавдалантирди. Она кир ювмоқда, қизалоқ чорпояда ухлаб ётибди. Шу тобда Раҳим қизалоқнинг эмас, теварак-атрофнинг фотосуратлари кўпроқ асқотишини тушунди. У кўнгил тубидаги чиллахонада ўтириб, жамики ёмонликларни элаб, юксакликларга кўтарилгандан кўра ер бағирлаб судралиб, одамларга яхшилик қилишни авло деб билди. Авло деб билган онда ўзига чексиз ишонч уйғонди. Ўлар дунёда сўнгги нафасигача яхшилик қилиб қолишни истади.

— Қизчангиз жуда осон ўғирланган, — деди Раҳим ички овозига кулоқ тутгач. — Бу жумбоқнинг тагида қалтис ҳазил ётибди.

— Ҳазил? — ёқа ушлади Сурайё.

— Фол оча бошладиларми? — деди ҳамширалардан бири.

— Бошқалар бирпасга чиқиб туришсин, — илтимос қилди Раҳим.

Сулувхон Сурайёнинг эридан бошқа ҳаммани чиқариб юборди. Палатада ўзлари қолишгач, Раҳим:

— Қизчангизни аёл киши ўғирлаган, — деди Сурайёга. — У сиз билан ҳазиллашмоқчи бўлган. Сиз тескари ўгирилиб, кир юваётгандингиз. Қуёш олд томонда эди, тўғрими?

— Тўғри, уйимиз офтобга қаратиб қурилган, — Сурайё кўлларини кўксига қўйиб, Раҳимнинг оғзига бутун вужуди билан тикилди. Қонсиз лабларнинг, қуруқшаган тилнинг, тишсиз милкларнинг ҳар бир ҳаракатига зор эди бояқиш.

— Сиз унинг соясини пайқамангиз, соя орқада эди. Қизчангизни даст кўтарди-да, ўрнига қўғирчоқни ётқизиб, чап қўли билан чойшабни ёпди. Кейин уй ёнига шюшилганча ўтди. Атрофга кўз югуртирди, сиз томонга ҳам муралаб қўйди. Қараса, уни ҳеч ким кўрмаяпти. Адашмасам, аёл анча бақувват, кенг қўйлак кийиб, катта рўмол ўрайди. Қизчангизни бағрига босган қўйи рўмолига ўрабми ё кийимига яширибми, кўчагача чиққан. Йиғласа, устамонлик билан юпатган. Узоқдан кўрганлар бўхча кўтариб кетаяпти, деб ўйлашган. Ғалати одатлари, тўпорилиги, ёш боланикига ўхшаш қилиқлари бор. Гоҳида энтак-тентак гаплар гапиради. Қалтис ҳазил бемаза феълидан келиб чиқиб қилинган. Қизингизнинг ўғирланишида ҳеч қандай профессионал ўғрининг қўли йўқ, ўғри омади чопган ҳамқишлоғингиз, яъни ноодатий

феълли ўша хотин. Анча вақтдан бери ёш бола топиш ҳақида ўйлаб юрган. Ё узоқлардаги қариндошига фарзандлик учун элтиб берган, ё пуллаган. Ўзини эса "Сурайё ҳали ёш, яна туғиб олаверади", деб овутган. Сиз уни деярли ҳар куни кўрасиз. Сизни юпатган киши бўлиб, белингиз тўла бола эканини гапи орасида албатта қистириб ўтади. Экспертлар унинг изини топишган, лекин из ўнлаб гувоҳлар орасида чалкашиб кетган. Сабаби оддий — у гувоҳлар орасидаги аёл.

— Ким? Айта қолинг, Раҳимжон! — сабрсизланди Сурайё.

— Билмайман, — деди Раҳим. — Шунини унутмангки, мен фол очаётганим йўқ, иллюзия ҳам кўрсатмаяпман. Бор-йўғи фикрляяпман ва масалага кўнглим орқали ёндашаяпман. Воқеа бутунлай бошқача бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

— Ишқилиб, қизим... барибир тирикми?

— Уни ўлдириш учун ўғирламаган. Мисол учун, кимгадир сотган, ўша одам донорлик мақсадида фойдаланган бўлса, бу қуруқ тахминдан бошқа нарса эмас. Негадир мен қон ҳидини сезмаяпман, телбалик анқияпти ҳар тарафдан.

— Бизникига борсангиз, ўғрининг изини аниқлай оласизми?

— Яна такрорлайман: мен авлиё ҳам, изқувар ҳам эмасман.

— Нималарнидир сўранг, айтаман, сиз шундан фойдаланасиз, — деди Сурайё мўлтираб.

— Хўп... Кир юваётганингизда қаердадир ит вовилладими?

— Итми? Ҳалиги... анча нарида, омборхона харобаси орқасидаги кўчада мўлтониларга вовиллаганди. Мен қизимни ахтариб боргандим. Ит вовиллагани учун мўлтониларни кўриб қолдим.

— Айнан кир юваётганингизда, деб сўрадим. Кейинги ит хуришлари билан чалкаштирманг.

Сурайё пешанасини ишқалади.

— Ҳа, ҳа, эсладим, — деди у. — Нурқул аканинг иморати томонда хурганди.

— Сиз кир юваётган жойдан ўнг томондами, чапдами?

— Ўнгда, — қўлини худди хат ёзаётгандек қимирлатди Сурайё.

— Ўша томонда кўча йўқ, шундайми? — Раҳим ҳамон кўзларини очмай саволга тутарди.

— Совхоз омборхонаси ҳудуди. Қурилиш бўлаётган жой. Кўча йўқ.

— Тележка ёки сув бочкаси бормиди?

— Қўшиннинг қурилишига деб тракторда сув олиб келинганди. Юз қадамлар нарида турганди.

— Филдиракли қизил бочкани кўраяпман...

— Худди ўзи.

— Яхши. Яна бир муҳим саволимга адашмасдан жавоб беринг. Қорасувда ўша куни тўк ўчганмиди?

— Ўчганди.

— Ўғри сиз ўтирган жойнинг чап томонидаги маҳаллада, — деди Раҳим.

— Қанақасига?

— Қизчангизни ўғирлаган хотинни челақлар ёрдамида аниқласа бўлади, — қимирлади Раҳимнинг лаблари. — Кўзингизни юминг ва ўша кунга хаёлан қайтинг. Ҳовлингизни, кўчаларни кўз олдингизда жонлантиринг, ҳаттоки об-ҳавони ҳам ҳис этинг.

Сурайё кўзларини юмди. Эри Нодирнинг каравотида бармоқларини чалиштириб ўтирарди. Сулувхон эса ўғлини жимгина кузатиб, палата эшигида соқчидек турарди. Ўтган кунлар мобайнида бемордан кам азоб чекмаган эди у.

Шифохона бир зум сукунатга чўмди.

— Маржонани ахтариб, ҳар тарафга чопганингизда, қаерда бегона челақларни кўрдингиз? — сўради Раҳим.

— Бегона челақлар дейсизми? — қаловланди Сурайё.

— Ҳа, сувсиз бўш челақлар.

— Эслолмаяпман, — Сурайёнинг пешонаси тиришди.

— Уйингиз орқасида маҳаллага йўл борми, сўқмоққа ўхшаш?

— Уйимиз совхоз омборхонаси ҳудудидаги янги иморат бўлгани учун атрофдаги ҳовлилардаги одамлар исталган томондан кесиб ўтади, сўқмоққа ўхшаш йўлакчалар кўп. Омборхонанинг деворлари қулаб ётибди, янги ҳовлилар девор билан ўралмаган.

— Уйингизнинг атрофини ўша кунги юрган йўлларингиз бўйлаб айланинг, — буюрди Раҳим. — Эслаш орқали ҳар бир нарсани хаёлингизда жонлантиринг. Кўринган ҳар бир майда нарсагача менга айтинг.

— Айтаверайми? — тараддудланди Сурайё.

— Кулоғим сизда.

— Тракторнинг қандайдир кўкимтир темири, дарахт гўласи, ўтган йилдан қолган сариқ ажриқлар... — Сурайё кўзларини чирт юмиб, гипноз ҳолатида гапирарди. — Сигарет қолдиғи. Ҳаво илиқ, майин шамол эсаяпти... уй орқасида эсаяпти... Уй олдида йўқ эди.

— У тутаяптими?

— Нима?

— Сигарет қолдиғи тутаяптими?

— Йўқ.

— Фильтрлими?

— Оқ фильтрли.

— Тишланганми?

— Ҳа, ғажилган.

Раҳимнинг кўкраги кўтарилиб туша бошлади, пешонасида чизиклар тизилди. У кўзини базўр очди.

— Узр, чарчаб қолдим, — деди тўшагига чўккандан чўкиб. — Тахминларимизга яна биттаси қўшилди... Ўғри икки киши... Яъни аёл билан эркак... Менимча, шунақа бўлиши керак...

— Белгиларини айтинг, — Сурайё ҳам кўзини очиб, беморга ўкинч тўла нигоҳини қадади. — Айтоласизми, Раҳимжон?

— Сигарет чекади, фильтрини ғажиш одат унга... Бошқа белгисини айтолмайман. Чарчадим... ғалати чарчоқ...

— Унда дам ола қол, — ўғли сари талпинди Сулувхон. — Булар чиқади. Эртага келар.

Раҳимнинг кўрсатган каромати ниҳоясига етган эди. Сурайё қорасувлик тентакнамо хотинларни бир-бир кўз олдидан ўтказиб, гумон тўрларини кенг ёйди. Эри оз бўлса-да Раҳимга ишонди. Назарида, иш сал-пал олдинга силжиганли. Бироқ ҳаммаси қандайдир фолбин ёки азайимхондан топилган вақтинчалик ҳаловатга ўхшаб кетарди. Ўғри ким? Барчаси шу Раҳимжоннинг айтганидек содир бўлган экан, нега милициянинг ўнлаб тажрибали ходимлари доғда қолишди? Ёки беморга ростдан ҳам илоҳий куч-қудрат юқиб, у жинойат содир бўлган жойни кўрса, тасаввур қилса, юракдан хоҳласа, воқеа қандай рўй берганини экрандагидек кўра оладими?

Эр-хотин Тошкентдаги қариндошлариникида тунаб, эртасига, душанба куни яна шифохонага бош суқди. Раҳим йўқолган қиз ҳақида ҳеч бир янги гап айтолмади. Унга бўш челақлар керак эди, Сурайё эса эслаёлмади.

— Кечиринг. — зўрға сўзлади Раҳим. — Кўп китоб ўқиганман. Кечаги айтганларим китоблардаги воқеалар билан ҳақиқий ҳаётнинг аралашиб... балки "алаҳсираш" дейилар... Шунга ўхшаш нарсадир... Тез орада тилдан қоламан, гапириш тобора қийинлашиб бораяпти... Мен... қизчангизни топиб беришни жуда-жуда хоҳладим...

— Уйимиз атрофини ўз кўзингиз билан кўришингиз керак, — деди Сурайё. — Илойим, соғайиб кетинг. Сизни кутамиз. Ҳар куни ҳаққингизга дуо қиламиз.

Сурайё йиғлади, эри қўлтиғидан тутди. Якшанба воқеасидан бохабар бўлган шифокор газабда эди. У бугун ҳам келган қорасувлик эр-хотинни шифохонадан чиқариб юборгач, Раҳимга деди:

— Илтимос, ука, бундан кейин ўзингизни уринтирманг. Руҳий ва жисмоний имкониятларингизни ҳисобга олишингиз шарт. Ҳар ким ҳар нарсага ундаса, ишонаверманг-да. Мўъжизалар бор нарса, аммо шифохона каравотидан тўрмай юзлаб километр наридаги ўта мураккаб жиноятни айнан сиз очиб беришингиз, ҳарҳолда, хаёлот, холос. Чунки мен сизни яхши биламан. "Қорасувлик ер ости авлиёси" деб аталган ривоятни ҳам эшитдим, онангиздан. Нима демоқчи эканимни тушундингизми?

— Авлиёлик даъво қилаётганим йўқ.

— Буни хаёлга ҳам келтирманг.

— Лекин ўғрининг жиноят усулини, ташқи белгиларини ўз-ўзидан гапира бошладим, худди кўриб тургандек, — деди Раҳим.

— Бу руҳий ҳолатнинг бир тури. Кимдир сизга қаттиқ ишониб, мураккаб муаммони фақат сиз ечишингиз мумкинлигини мияннгизга қуяди, оғзингизга ҳамма тикилади, шунда илҳом жўшиб, калла ишлаб кетади, тил ечилади. Кўпинча гапирган гапи учун жавобгарликни ҳис этмайдиганларда учрайди бу. Ҳаммани қойил қолдиришни хоҳлайдиган енгил-елли ҳазилкашларда, "шизик"ларда ҳам кузатилади.

— Мен ўша... ўша қизалоқни топа оламан, — астойдил хафа бўлди Раҳим.

— Қанийди топганингизда! — шифокор кўлларини халати чўнтагига тикди, юзи янада тундлашди. Умри шифохоналарда ўтаётган офтоб кўрмаган врач ҳақ эканига ишонарди киши.

— Бечораларни ҳайдаб юбормаслигингиз керак эди, — мингирлади Раҳим.

— Бир гапни тушунинг. Ҳузурингизга келган аёл фолбинларга ишониб яшайдиганлардан. Агар сиз детективлик қилибми, мўъжиза кўрсатибми, унинг боласини топа олганингизда эди, нега мен ҳайдаб соларканман? Ёвуз эмасман. Буларнинг бари чўпчак! Беморимнинг аҳволини оғирлаштирадиган васваса! Раҳим, кейинги йигирма кунлик муолажагача сизга ўн кун танаффус бераяпмиз. Пайтдан фойдаланиб қишлоғингизга кетинг, уйни ҳам соғингансиз, тоза ҳавода яйраб келасиз. Ҳеч ким безовта қилишига йўл қўйманг. Ўзингиз учун яшаб, соғлиқнинг ғамини енг.

— Узоқ йўлда чарчаб қолмасмикан? — хавотирланди палатага кирган Туроб тракторчи.

Нодирнинг дадаси Пўлат ака ҳам келди.

— Менинг ўғлимга ҳам ўн кунлик дам берилаяпти, — деди у. — Юринглар Паркентга. Далаҳовлимда меҳмон бўлиб келасизлар. Ўзини анча ўнглагач, кейинги танаффусда қишлоғига борар, а?

Пўлат ака оддий устадан етишиб чиққан тадбиркор экани юз-кўзидан сезиладиган одми инсон эди. Раҳим дадасига "йўқ денг" маъносида кўз қараш қилмоқчи эди, шифокор:

— Раҳим шунча вақт ўз касаллиги бўйича даволанмаган, мана, тез орада ижобий томонга ўзгаради, деган умиддамиз, — деди.

— Ҳозирча биринчи партия даво чоралари қилинди. холос. Ҳақиқатан, узоқ йўлда чарчайди. Шундай меҳмондўст одамлар ўзлари таклиф этишаётган экан, Паркентга бора қолинглар.

Ўша ҳафта Сулувхон қишлоққа қайтди, Раҳим ва дадаси Нодирларникига жўнади.

Раҳим йўқотганларини ичида санади:

- Соғлиқ;
- Университет;
- Никоҳ тўй...

7. ШАБНАМНИНГ ТҮЙИ

Йўлда ҳам, далаҳовлида ҳам Раҳим ўзини тетик тутишга ҳаракат қилди. Кимдир суюса ўн қадамлар юришга қурби етарди. Раҳим ҳам, Нодир ҳам ногиронлар аравачасида ўтириб, тоғ манзарасини томоша қилиб, ёруғ дунёнинг ҳарир шамолидан бошлари айланар даражада ҳузурландилар. Гўё икки йигит ҳам ўладиганлар рўйхатига ошқора киритиб қўйилган, яқинлари билан видолашишга ярим йилча вақт тухфа этилганди.

Раҳим ўпкасини тўлдириб ҳаво ютаркан, Боймоқда кечган кунларини хаёлидан лип-лип ўтказди.

"Ким эдим?" — деб сўради ўзидан.

"Оддий йигит, бошқаларга ўхшаган", — жавоб берди ўзи.

"Ёмон одамми?"

"Йўқ, аммо аросатда эдинг. На яхшисан, на ёмон, на меҳрибонсан, на ёвуз, на ошиқсан, на кесакқалб".

"Шу кунларим менга жазоми?"

"Йўқ, бу — ҳаётингнинг шунчаки давоми".

"Ҳаётим давом этмаса-чи?"

"Хоҳлайсанми шуни?"

"Ота-онам учун хоҳламайман. Менга қолса, тезроқ ўлиб кетганим яхши эди".

"Шабнам учун-чи?"

"Унинг тўйини кўргандан кўра йўқ бўлганим яхши".

"Холаваччанг Асрор Шабнамга уйланса, тўйида бел боғлаб хизмат қилишга тайёр эдинг-ку?"

"Тайёр эмасдим. Кўнглимдаги кирларни ювмоқчи эдим, холос".

"Яқинда тўйи бўлса-ю ўлишга улгурмасанг-чи? Жонингга қасд қиласанми?"

"Ўзимни ўлдириш у ёқда турсин, сўнгги нафасимгача ҳаёт учун курашаман. Мен гуноҳи кабирадан кўрқаман".

"Демак, яхши одамсан..."

"Ўзим ҳақимда кўп ўйладим. "На яхшисан, на ёмонсан..." Бу — менинг аччиқ таърифим. Нега жўшиб яшамадим? Шабнамни шундай севишим керак эдики, оташин ишқим олдида рақиблар ожиз қолишсин. Севгини юракда олов ҳолида эмас, бир заиф

чўгдек асрайдиган йигит ҳақиқатан ҳам на яхши, на ёмон. Тасаввур қил, ватанга нисбатан муҳаббатинг ҳам шундай бўлсачи? Сен ватанингни сеvasан, аммо юрагингдан чиқармайсан, жўшмайсан, унинг учун жонингни бермайсан. Тирик экансан, ватанинг ҳам яшайверадигандек, ҳеч нима қилмасанг ҳам бўлаверади гўё, ҳаммаси ўз-ўзидан амалга ошаверади, у сеники, тамом-вассалом..."

"Бундан чиқди, энди Шабнам учун ўт-олов бўлиб курашмоқчимисан?"

"Йўқ, у биз билан видолашади, чунки уни охириги марта кўрганимда муҳаббати худди бизникидек эканини тушундим..."

Шу пайт юзига оддий рўмолдан ҳижоб тутган соқов хизматкор хотин патнисда компот келтирди-да, стол устига бир-бир кўйди. Раҳим унинг мунгли кўзларига тикилиб қолди. Аёл ҳам буни сезди: кўзлар тўқнашди.

— Сирингизни фақат шу йигитга... дўстимга айтганман, — деди Нодир.

Аёл Нодирга ялт этиб қараганида, кўзларида ғазабга ўхшаш чўғ балқиди.

— Кўрқманг, сирингиз ўртамизда қолади, — тасалли бермоқчи бўлди Раҳим. — Яқинда бу дунёни тарк этаман. Ўйлайманки, сирингиз мен билан гўримга кетади.

Аёлнинг кўзлари хиёл қисилди. Афтидан Раҳимга узоқ умр кўришни тилаб, ёмон ният қилмасликни маслаҳат бермоқчи эди. Афсуски, у тилсиз эди, ёзишга эса қоғоз-қалам йўқ. Одамлардан ҳурккан ёввойи каби қочмоқчи эди, Раҳим:

— Мен ҳар кеч ўзимни ер остида кўраман, — деди. — Қабрда эмас, қоронғи чуқурликда. Бу чуқурлик аслида ер ости эмас, кўнгил тубимикан, деб ўйлайман.

Патнисни чангаллаган аёл тўхтади. Раҳим қийнала-қийнала сўзларди:

— Кўнгил тубига тушган одам, энг аввало, ёмон хаёллардан қутулади. Ҳатто армонлардан ҳам. Кўнгил туби жуда кенг. Вақтинчалик чанг-тўзонли дунёнинг ишларига масхара бўлмаслик керак. Йўқотганларингиз сизни қаердадир кутишяпти, қачонлардир учрашасиз, чунки адолат бор, раҳм бор, саодат бор. Мени тушундингизми, опа?

Кечкурун у Раҳимга хат узатди. Куйидаги сўзлар битилган эди: "Шу уй остидаги тупроқ меники. Унда қизларимнинг иси яшайди. Ер остини кўнгилга ўхшатиб яхши айтдингиз. Мен яқинда кетаман ва ҳеч қачон қайтиб келмайман. Қизларимни кўнглимдаги тупроқлардан излайман, бу ерлардан эмас".

Паркентда кўп турмадилар. Иккинчи кун ҳамма биргаликда (хизматкор хотин ҳам) эсдалик учун суратга тушишгач, Раҳим аъзои бадани қақшаб, қайд қила бошлади. Зудлик билан Тошкентга, шифохонага келтиришди.

— Минус томонга кетаяпти, — деди шифокор Туроб тракторчига.

— Сақлаб қолишнинг иложи борми?

— Муолажа олаверсин-чи, ҳозирча аниқ бир нима деёлмайман. Ўзингиз тушунасиз, саратон енгил касаллик эмас. Бунинг устига у бош мияда.

Раҳим шифокор ва отасининг суҳбатини қандай эшитди, эслаёлмади. Ярим кечаси уйғониб, хира ёритилган бўм-бўш палатага умидсиз кўз ташлади.

"Ўз ҳаётимдан четга чиқолмайман, — ўйлади у. — Нимаики, кўраётган бўлсам, менинг ҳаётим. Ўз кўнглимдан ҳам ташқарига чиқолмайман. Ташқари, бу — кўнгил кўзгуси орқали кўринган мавжудлик. Шабнам нима учун баайни бизнинг қишлоққа кўчиб келди? Қорасувлик аёл нега менга учради? Нодирларнинг далаҳовлисида яшайдиган хизматкор аёл-чи? Булар тасодифларми? Асло! Бу — менинг ҳаётимга киритилган зарурий тимсоллар. Кўрганларимнинг ҳеч бири ортиқча эмас, Тангри таоло менга ортиқча деб ҳисоблайдиган нарсаларни кўрсатмайди. Уларни бир нуқтага жамлаб, ўзаро боғлиқлигини топишим керак, шунда ҳаёт сирлари бир бошидан очилади. Боғлиқ эмас экан, нега улар ҳаётимга киритилди? Мендан нимадир исталмоқда. Инсон ўз умрини фақат томоша учун ўтказмайди. Кўрган-кечирганларидан, учраган одамларидан, эшитган-билганларидан хулоса чиқаради. Шу тариқа нафақат умрнинг маънисига, балки жамики муаммоларга ечим топади..."

Раҳимнинг қуруқшаган тили думи боғланган ҳолсиз илондек бир жойда биланглаб, оғзидан шивирлаш эшитилди:

— Шабнам, қорасувлик йўқолган қиз, Паркентдаги соқов

хизматкор — уларнинг ўртасида боғлиқлик бор. Яқин кунларда, жумбоқларнинг тугунини ечаман... Ҳа, мен калитни топдим. Энди навбат қулфга...

Ҳадемай ёз кирди. Беморлардан учтаси вафот этди, яна бир нечаси уйида, ўлан тўшагида ҳаётдан кўз юмди. Нодирга ҳам жавоб беришди.

— Кузда яна бир келасиз, ҳозирча таҳлиллар яхши натижани кўрсатаёпти, — деди шифокор унга.

Нодир тилсиз-забонсиз Раҳимни кучди.

— Хайр, ака, — деди йиғиси бўғзига тиқилиб, — мени унутманг.

— Бўлди, ўғлим, — дея Нодирнинг отаси елкасига қўлини қўйди. — Худо хоҳласа, иккаланг ҳам соғайиб кетасан. Қаршига бизнес ишлари билан бораман, ўшанда йўлда Боймоққа кириб ўтамиз.

Нодир кетди. Ундан Паркентдаги далаҳовлида туширилган сурат эсдалик қолди. Ўтаётган ҳар бир кун яқинлашаётган ҳалокатни эслатарди. Ҳафталар аввалгидан-да маҳзун ҳафталарга алмашарди. Ота-она Раҳимнинг бошида галма-гал навбатчиликда туриб, мўъжиза юз беришини кутишарди. Бошқа ҳеч қандай чора йўқ эди.

Августнинг ўрталарида қишлоққа кетиш навбати Сулувхонники эди, Раҳимнинг ёнида отаси ўтирарди. Беморнинг инқиллашидан сергак тортиб, каравотига энгашди.

— Нима хоҳлайсан, болам?

Раҳим қўл учларини теккизиб, "уй" маъносини ифода этди. Сўнг ручкани олди-да, қийнала-қийнала ёзди: "Уйга кетаман, илтимос, отажон..."

Туроб тракторчи қоғозни буклаб, палатадан чиқди. Раҳим шунча вақтдан бери бирор марта уйига кетишни сўрамаганди. Орадан кўп ўтмай қайтиб кирган ота:

— Кетамиз, ўғлим, — деди Раҳимнинг кўзларига қараёлмай, — врач жавоб берди. Аянгга айтмадим. Аёлларни биласан-ку, ваҳимакаш бўлишади.

Узоқ йўл юришди. Шифохона машинаси Боймоққа келганида, ёз қуёши ғарбга оғиб, қишлоқ баланд қирларнинг сояларига кўмилганди. Бузоқларини соғинган сигирлар кўча ўртасида кетиб боришар, тушки жазирамадан сўнг қизлар сув ташиш

баҳонасида тўдалашиб, кулишиб туришар, эшак минган қариялар аллақаёқларга шошилишар эди. Шифохона машинасига бутун қишлоқ анграйди. Рақамларига қараб Тошкентдан келаётганини фаҳмлаганлар дарҳол Раҳимнинг қисматидан башорат қилишга киришдилар. Машина Туроб тракторчининг уйига бурилиб, дарвозада тўхтагач, барчаси ойдин бўлди. Миш-миш яшин тезлигида тарқалди: "Дўхтирлар Раҳимга жавоб бериб юборишибди. "Барибир ўлади, уйлариингга опкетганларинг маъкул", деганмиш..."

– Вой, болажоним!.. – Сулувхон уйдан чинқирганча югуриб чиқди. – Дадаси!.. Дадаси, нима бўлди Раҳимжонимга?..

– Нега қичқирасан?! – бақирди Туроб тракторчи. – Раҳим уйни соғинди, ахир! Дўхтири ўн кунга жавоб берди! Тошкентга яна кетади! Ана!.. Машинада...

Раҳимни кўрганлар даҳшатдан қалқиб тушдилар. Сочи-ю, қош-киприги тўкилган, тишлари тушган, чўпдек озгин, қоғоздек оқ беморни икки киши ёнидан суяб, туширди-да, уйгача кўтариб борди. Сулувхон шоша-пиша жой солди. Кейин нариги хонага эрини етаклаб, пичирлади:

– Тўғрисиини айтинг, дадаси, жавоб бериб юборишдимми?

– Бардам бўл, Сулув, – деди Туроб тракторчи овози қалтираб.

– Раҳимжон шу муолажадан наригисигача...

– Нима, наригисигача? – оғзини бекитиб, из-из йиғлади Сулувхон.

– Наригисигача етиб бормас экан.

– Ҳаммаси тугадими? – телбавор зорланди Сулувхон. – Бўлиши мумкинмас! Ўғлим ўлмайди, ўлмайди, кўнглим сезаяпти!

– Ўзингни кўлга ол, Сулув, – дея Туроб тракторчи хотинининг елкаларидан тутди. – Раҳимжон эшитмасин, йиғлаганингни кўрмасин...

– Йўқ!.. – Сулувхон тахмонга бош уриб, оламини зир титратгувчи йиғисини бўғзида зўрға тутди. – Нима гуноҳим бор эдики, вунчалик шафқатсиз жазоланаяпман? Нега ароқ ичиб, бировларнинг гийбатини қилиб, ҳар кимга чоҳ қазиб

юрганларга жин ҳам урмайди-ю менинг болам гулдек сўлади?
— У эрига қонли кўзларини қадади. — Қарғаган-а, дадаси? Бир сафар оғзингиздан чиқиб кетганди. Улбўсин опамлар якка-ю ёлғиз болажонимни қарғаган-а?

— Худога сол, Сулув, уриш қилма!

— Худога солсам, оила-поиласи билан қирилиб кетади, — Сулувхон тиз чўкиб, полни муштлиди. — Мен бечора унинг синглиси, болаларининг холаси бўлсам нима қилай?! Дардимни кимга айтаман?!

Туроб тракторчи шашқатор оқаётган ёшини артиб, эшикка юрди. Бўсағада тўхтаб, ортига ўгирилди.

— Сулув, — деди бегона товушда, — сен худога солмасанг, мен солдим. Улбўсинни ҳам, қизини ҳам, Асрорни ҳам! Охирги илтимосим, Раҳимжоннинг сўнгги кунларини азада ўтказма. У ҳаётни гўзал деб ўйлайди. Ҳаёт Раҳимжон ўйлаганча қолсин.

— Тўхтанг! — бошини кўтарди Сулувхон. — Врач қанча бор деди?

— Бир ҳафтадан кейин яна муолажа бошланиши керак эди. Раҳим шунча вақтдан бери биринчи марта менга илтижоли қараб, "Уйга кетаман", деб қоғозга ёзди. Чидаёлмадим, Сулув! Шафқатсиз ота эмасман. Врачнинг кабинетига кириб, "Ўғлимни уйга бир олиб борай, йўлда яна мазаси қочмайдими?", десам, у: "Майли. Шифохонада қолдиришнинг фойдаси ҳам йўқ. Мени тўғри тушунинг, ўғлингиз кейинги йигирма кунлик-даволаш жараёнида ҳаётдан кўз юмади, ҳеч қанча вақт қолмади, у тугаб бўлди", деди. Мен бир сўз деёлмадим. Палатага қайтдим. Нима ҳам дердим? Дўхтирлар қўлларидан келганини қилди, биз ҳам. Умид йўқлигини бошқаларга айтганларида, касални уйларига олиб кетишган, бир ой яшаганми, икки-уч ойми, ўз уйида, қавму қариндоши даврасида бўлган. Биз ноумид шайтон деб курашдик. Шунча вақт шифохонама-шифохона бирга юрдик...

— Барибир шошилманг, дадаси, Раҳимжонни яна Тошкентга олиб борасиз.

— Сулув...

— Сулув деманг! Хотиним ҳам деманг!

— Эсингни йиғ...

– Раҳимжон ўлса, мен ҳам ўламан! Эртага яна Тошкентга жўнаймиз! Чет элга энг қиммат дориларни буюртма қиласиз! Машинани сотдингиз, боғни сотдингиз, энди уйни ҳам, тракторни ҳам сотасиз! Фойдаси бўлмаса, ўғлимни чет элда даволатамиз. Нима қилсангиз қиласиз, уни сақлаб қоласиз! Тушундингизми?

– Тушундим, лекин бош мия саратонини чет элда қандай даволаса, бизда ҳам шундай даволашади. Сен четда қилинадиган баъзи операцияларга бу балои қазони тенглаштира. Фойдаси йўқ энди! Ўғлим чет элдан тобутда қайтишини хоҳламайман! Кўра-била туриб, унинг жасадини маҳтал қилишга йўл қўёлмайман!

– Тобут? Жасад? – кўзлари қинидан чиқаёзди Сулувхоннинг. – Тирик болам ҳақида "тобут", "жасад" деган сўзларни ишлатманг! Ўнг қулоғингиз билан ҳам, чапи билан ҳам эшитиб кўйинг! У тирик! У ўлмайди! У...

Сулувхон шилқ этиб йиқилди.

Қора йилнинг охирги фасли кирган эди. Бир ёқда қуруқ суякка айланган, тилдан қолган Раҳим ўлим тўшагида, бир ёқда Сулувхоннинг қон босими тушмай, боз-боз ҳушини йўқотади. Кўни-кўшни, Тоғтеракдаги опа-сингиллар остона ҳатлашди. Синфдошлар ҳол сўраб, бошларини ҳам қилган кўйи тизилиб ўтирдилар. Қишлоқдаги эсини таниган одам борки, бир-бир кириб, сўнгги кунларда кўнглини кўтарайлик, деб Раҳимга далда-далда гаплар айтишди, сездирмасдан-билдирмасдан ичларида видолашдилар. Марғуба холаси кинначини чақирса, олисдан келган амакилари муллани чорладилар. Нима амал бўлса, қилдилар.

Эркин муаллимнинг юзи чидамади шекилли, келолмади. Кенжагул ҳам Раҳимнинг кўчасидан ўтмайдиган, Сулувхонни узоқдан кўрса, йўлини буриб кетадиган бўлди. Шабнам қорасини кўрсатмади, Асрор қорасини кўрсатмади, Улбўсин холаси ва оиласидан бирор киши қорасини кўрсатмади. Ҳатто, Раҳимга болалигидан ҳасад қиладиган ахлоқсиз, ичиқора, сурбет Беги чўтир ҳам "Раҳим жўра, ҳали тузалиб кетасан", деб бир оғиз ҳол сўраб кетди.

Эшикка кўз тикиб чарчаган Раҳим кўзларини юмди ва яна тубсиз чоҳга қулади. Бу сафар узоқ қулади. Мувозанатини сақлашга, ерга оёқ қўйишга анча уриниб, ниҳоят эплади. Бу ўша чуқурлик эди, Қорасувдаги авлиё яшаган макон.

"Хайрият", — деди Раҳим.

"Сен ҳақиқий ер остига ҳам бир тушиб кўр, — деди ички овози. — Ҳамиша ҳам хаёл билан мақсадга эришолмайсан".

"Гўргами?" — сўради Раҳим.

"Ертўлага, ҳандаққа, ғорга, туннелга, метрога — бу рўйхат узоқ давом этади. Кучинг бўлса экан, бирор жанозада қатнашиб, тобутни елкага олсанг-да, қабристонга борсанг. Майитни лаҳадга қўйишларидан олдин тушсанг-да, лаҳадга бир ётиб кўрсанг..."

"Гўрков бўлишим керак экан-да? Улар янги қазилган қабрни шунақа ўлчашади".

"Нима савоб иш бўлса, қилишинг лозим. Дунё олифталарни ёқтирмайди. Лойга белан, мойга белан, киборлар устингдан кулишсин, аммо охир-оқибат уларнинг ютқазганини кўрасан. Дунё дунё бўлгандан бери бирорта манман, кибрли, ғўдайма бахт топмаган, ҳаммасининг ҳолига вой! Ўлганидан кейин ҳам аҳли дунёдан қутулолмайди. Тарихчисан-ку! Шўро давридан кейин қанчадан-қанча пурвиқор қабртошлар мозорларни безаб турибди. Хўш, уларнинг остидаги шахслар ким эди? Ҳозирги замон учун ким?"

"Ғийбатга ўтиб кетмайлик, мен кўнглимни озода тутиш орқали саодатга эришмоқчи... эдим".

"Нега ўтган замонда гапираяпсан?"

"Чунки ўлаяпман".

"Ўлганинг йўқ-ку".

"Ҳозирча..."

"Биласанми, сен бошқа ҳодисага интиқсан".

"Айнан нимага?" — Раҳимнинг юраги гурс-гурс урди.

"Шабнамнинг ташриф буюришига".

"Нима қилай, уни ҳамон севаман. Балки саратонни даволаш мумкин дир, бироқ севгини йўқотиб бўлмас экан. У юракдан ўчмайди. Кун келиб, менинг ҳам, Шабнамнинг ҳам

вужудларимиз тупроққа қоришиб кетади. Йиллар, асрлар ўтади. Биз бир-биримизни севганимиз тарихда қолади, яъни севгини йўқотиб бўлмайди”.

“Нега унда кўнглинг ҳамиша қоп-қоронғи?”

“Ўзимни кашф этмаганман. Ишқ-муҳаббат саодатга етакласагина ҳақиқий ишқ-муҳаббат бўлади! Шабнамни севсаму унга озорга етказсам, менинг муҳаббатим муҳаббат эмас. Ватанни севсаму Ватанга хиёнат қилсам, шуми муҳаббат?”

“Шабнам аҳволингни кўриб, турмушга чиқишдан бош тортса, сенинг севгинг синовдан ўтган ҳисобланадими? Шабнамнинг хиёнати эмасми бу?”

“Бундан баттар бўлса ҳам...”

“У ҳолда сенга сабр тилайман...”

Эрталаб Раҳимга қайнатма шўрва сувидан уч-тўрт қошиқ ичиришди. Кейин ювинтириб, покладилар-да, озода либослар кийдирдилар. Уйкуга кетди. Кўзини очиб, бир тўда хотинни кўрди. Улар қандайдир маросим ўтказишаётган эди. Хонада исириқ тутуни сузиб юрар, оқ рўмолли нотаниш аёл ўзбекча шеърини дуоларни хиргойи қилар эди. Раҳим яна Шабнамни ахтарди. Суюклисининг оҳу кўзларини, жон олар қора қошларини-ю чап ёноғидаги бежирим холини тополмади. Маросим аҳли ўзлари билмасдан унга азоб бера бошлади. Раҳим хотинлар даврасида жон беришни истамасди. Кўзларини юмиб, кўнгилингнинг энг узоқ, энг қоронғи бурчакларига қочди, қочаверди, кечагидек шиддатли учди. Тўсатдан шуълага кўзи тушиб, таққа тўхтади.

“Эшик!” – қичқириб юбораёзди у.

Ҳақиқатан, эшик тирқишларидан шуъла таралмоқда эди. Раҳим ҳадик аралаш ҳаяжон ила эшикни аста итарди, элакка кетган йигит каби бозордан эмас, Эркин муаллимнинг уйи олдидан чиқиб қолди. Бу ҳовли шу қадар қадрдон эдики, муқаддам қадами етган чоғлар ундан-да бахтиёр инсон топилмасди дунёда. Ҳайҳот, Эркин муаллимнинг уйи олдида турибди! Кўп ўйлаган эди, юз марталаб орзу қилганди. Шабнамга уйланса, куёв ўз қайнотасиникига борадими? Тўй-маъракаларда

унинг уйи олдидаги боғда хеш-ақраболар билан турадимми? Келинлик либосида ўз отасиникида хизмат қилаётган суюклисига ўғринча-ўғринча қараб қўядими?..

– Шабнам! – чақирди Раҳим.

Жимлик чўкди. Раҳим ҳозиргина аёлларнинг гала-говури эшитилиб турганини эслади. Уйга қараб юрди. Ёзнинг жазирамасидаги салқин хонага кирди. Икки аёл суҳбатлашиб ўтирарди. Раҳим умри бино бўлиб, Эркин муаллимнинг уйи ичига қадам босмаганди. Қараса, ўзи касал бўлиб ётган хонанинг қуйиб қўйгандек нусхаси. Тўрда, ўзининг жойида – Шабнам! Бошида иккита хотин ўтирибди. Раҳим хотинларнинг юзини кўролмай, остонада ҳолсиз тўхтади.

Қуйидаги суҳбатни эшитди:

– Қизим Тошкентга бориб, Раҳимни кўриб келганидан кейин бир ҳафта овқат емади. Кўксини захга бериб, кеча-ю кундуз йиғлади. Гоҳида кечалари "Раҳим ака" деб кўчага югуриб чиқадиган бўлди. Эшон бовага ўқитиб, зўрға одам қилиб олдим. Қизимдан айрилиб қоламан, деб жуда-жуда кўрқдим, опа.

– Ўқишга бормадимми?

– Йўқ, китоб очиб қараш у ёқда турсин, овқат еёлмади. Худо-ё, тавба қилдим, худди Раҳимга ўхшаб озиб кетди. Дадаси ҳам уришди, мен ҳам қаттиқ гапирдим, бўлмади. "Раҳимдан умидини уздириш керак", деб маслаҳат солди Улбўсин опа. "Район"да бир азайимхон эркак бор экан, "иссиқ-совуқ" қиладиган. Улбўсин опанинг ўзи топди. Шундан кейин Шабнам бир оз ўзига келди, опа, лекин ўшандан бери камгап, сўлғин, ўйчан.

– Улбўсин чеча билан Сулувхон туғишган опа-сингил. Нега ўз жиянига бунчалик ёмонлик қилади?

– Улбўсин опани мен ҳам авваллари ёмон дердим. Қизимни ҳам гийбат қилган, деб ичимда нафратланардим. Хато ўйлаган эканман. Улбўсин опа эридан куйгани учун жиззаки экан, холос. Аслида юрагида ўти бор, орият талашадиган аёл. Агар юрагида ўти бўлмаганида, ўз синглиси Сулувхон опани Жўшқиндан Боймоққа кўчиртириб келармиди? У ёқда – Жўшқинда Сулувхон опага қайнопалари кун бермаган. Опа-сингилларидан битта шу

Улбўсин опа енг шимариб, жон куйдирган. Қизим Шабнамни Бегимкул деган жувонмарг қишлоққа гап қилганида, Улбўсин опа совчиликка келганди. "Бировнинг қизи менинг Асрорим билан миш-миш бўлдими, келин қилмасам уят, — деди. — Эртага бошқа хонадонга тушса, "Асрор билан юргансан", деб қачонлардир барибир юзига солади. Биз номард эмасмиз..." Ва хоказо чиройли гаплардан гапирганди.

— Раҳимнинг совчиларига розилик бериб, унаштирдиларингиз-ку?

— Қизим ҳам, Раҳим ҳам бир-бирини яхши кўрарди. Ўзим ҳам ўқиган йигитни куёв қилишни ўйлаб юрардим. Бунинг устига Шабнам Самарқанддаги раҳматли опамникида анча йил яшади, шаҳарга мослашди. Раҳимга узатсак, иккови шаҳарда туради, куёв кейинчалик қизимни ўқитади, деганмиз-да, опажон. Тақдир бундай бўлиб кетишни туш кўрибмизми?! Асрор ҳам ёмон йигит эмасди. Оилавий аҳволлари аввал сал чатоқроқ эди, шунга кўп сиқилиб, папирос чеккан, ароқ ичган-да. Ҳозир ойдай юрибди.

— Йигит ўлмасдан туриб, фотиҳани буздириб, тўғри қилдиларингизмикан?

— Улбўсин опа қўймади. Гапига ишонмай десам, ростдан ҳам Шабнамга хотини ўлганлардан совчи келишни бошлади. Одамларга ҳам ҳайронсан. Қаерда фотиҳаси бузилган қиз ёки бева қолган келинчак бўлса, ажрашган, хотини ўлган эркак борки, ҳадди сиғиб, ўзига сўратаверади. Қизимнинг ёши йигирмадан ўтса ўтгандир, Раҳим "рак" бўлиб, бир йилдан бери ана ўламан-мана ўламан деб ётса ётгандир, нега энди Шабнам "ўтирган" ё "эри ўлган"лар қаторига кираркан? Тушунмайман, ҳеч тушунмайман бу одамларга.

— Асрор ажрашганлардан эмас, хотини ўлганларга ҳам кирмайди, гирт бўйдоқ. Қизингизни Раҳимдан ҳам кучли севган, деб эшитдим. Демак, ҳар томонини ўйлаб, Асрорга берибсиз-да? Ўзи нима деди?

— Шабнамми? Нима дерди, шўрлик? Йиғлади, яна қайтадан ётиб қолди. Улбўсин опа ёз бўйи тинимсиз келиб, қулоғига

қуйди, ҳаётнинг нима эканини тушунтиравериб, кўндирди. Ростдан ҳам қизиқ устида турмушга чиқиб кетмаса, қизимнинг ўзига қийин бўлади-да, опа.

— Ҳа, қиз болага қийин. Ота-онасининг, ука-сингилларининг тақдирини ҳам ўйлаши керак. Боя Улбўсин опа эридан куйган, дедингиз. Пиёниста, этикдўз, камбағаллиги учунми? Аммо энди бойиб кетди-ку. Тилла топган деб эшитдим.

— Тилла топганми, билдирмасдан йиғиб юрганми, у ёғи билан ишим йўқ. Муҳими, қизим яхши яшаса, бас. Лекин рост айтасиз, Пирмат акалар кечагина қанақа эди, ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор. Худо бераман, деса, ҳеч гап эмас экан. Этикдўзликни ташлаб, бўрдоқичилик билан шуғулланаяпти. Асрор эса райондаги мелисахонага ишга ўтди. Қорасув қишлоғини эшитгансиз-а?

— Эшитганман.

— Баҳорда ўша қишлоқда бир жувоннинг уч ёшли қизчаси йўқолган экан. Асрор жиноят қидирув бўлимига ўтиб, ишлаб юрса, Қорасув томоннинг мелисаси бизнинг районга келиб, қизча шу атрофда, деб бир гумондорни айтибди. Асрорнинг ёрдами билан бола ўғрисини ушлашибди. Катталардан мақтов эшитганмиш. Унвони ҳам ошаркан.

— Янги мелиса бўлса ҳам, куёвингиз бало экан. Қизчани оиласига қайтаргани эса катта савоб, Кенжагул. Барака топсин!

— Афсуски, қизчани тирик тополмабди.

— Вой, шўрликкина-ей! Ўлдириб юборганмикан уни?

— Тириги ҳам, ўлиги ҳам йўқ эмиш.

— Қўлга тушган ўғри нима дебди?

— Сувга отиб юбордим, дебди?

— Қорасув каналигами?

— Ҳа.

— Қонхўр-ей! Нима қасди бор экан бегуноҳ болада?

— Тентак-да!

— Ёмонлардан Ўзи сақласин! Улбўсин опа тўйни қачонга деяпти?

Азамат ҚОРЖОВОВ

– Сентябрнинг бошига, пишиқчиликка, дейишди. Бир ой ҳам қолмади. Қизимнинг ҳамма нарсаси тайёр. Куёв томон бир оз камчилигини тўғирласа бўлди.

– Тўйдан кейин Шабнам билан Асрор Самарқандда яшайдиларми?

– Худо хоҳласа. Биласиз, опам шаҳардаги уйни Шабнамга мерос қолдирган. "Шабнам шунча топширса ҳам ўқишга ўтолмади, барибир Самарқандда яшайман, деяпти", десам, Улбўсин опа кўнглимизни кўтарди. Айтишича, Асрор бир йил ишлаб, шаҳарга ишга кетаркан. Қизим ўқийди, куёвим ишлайди, уй бор. Тинчгина яшашсин, ували-жували бўлишсин, деб дуо қилиб ўтирибмиз. Тўнғич қиз, биринчи куёв – одамни суст босаркан. Ҳалитдан ҳаяжондаман. Қандай узатиб оларканман?

– Ҳаммаси яхши бўлади. Улбўсин опада пул кўпайиб, қалинни ҳам кўп бергандир?

– Кўп берди.

– Сулувхонникидан кўпми?

– Ҳа, бир бойлам кўп. Энди-и, бу гапни кўзгамайлик. Шундоқ ҳам бизга осон эмас. Раҳим ҳали ҳаёт.

– Ҳаёт бўлгани билан ҳеч нарсани билмай ўсал ётганмиш. Кўрганлар айтди, Кенжагул.

– Қизимни Тошкентга, Раҳимни кўргани олиб борганимда, йигит бечора адойи тамом бўлган экан. Қуруқ эт ва суяк, бир жуфт кўз қолган. Соч тўкилган, тиш тўкилган. Шунча вақт яшагани ҳам мўъжиза. Нега касал кўришга боролмадим? Юрагим чидамайди. Мана, қизимнинг ҳам мазаси йўқ, ётибди. У ҳам бориб кўролмайди. Энди кўрмайди ҳам. Тезроқ тўйи ўтиб, эрига ўрганиб кетсайди, мен ҳам ғам-аламлардан қутулардим.

– Ўрганайди, нега ўрганмас экан! Касал-пасалга турмушга чиқаётгани йўқ-ку! Лекин ҳақиқатан иккови бир-бирига жа муносиб-да.

– Куёвимга ҳам осонмас. Бўласи унаштирилган қизга уйланаяпти, опа.

– Раҳим соғ эканида, Асрор мардларча кўнган экан. Нима, Асрор қизингизни Раҳимдан тортиб олаяптими?!

– Улбўсин опа ҳам "Шабнам бегонага кетмасин", деб кўп ҳаракат қилди-да, опа.

— Таъзия бўлиб қолса, опа-сингиллари Улбўсин опа қилган тўйга келмайди, Сулувхонникидаги маъракадан чиқмайди. Бу — аниқ. Тавба-ку-я, тўй ҳам, таъзия ҳам битта кунга яқинлашаётганга ўхшайди.

— Раҳим унгача етмас экан.

— "Қирқ"и ўтмагунча бирорта қариндоши тўйга бормайди. Тўйни икки-уч ойга қолдирсангиз бўлмайдими, Кенжагул?

Шу пайт Раҳимнинг кўз олди жимирлаб, вужудига оғриқ кирди.

— Шабнам, — деб иккинчи бор чақирди.

Оғриқ зил-замбил тошга айланиб, кўнгли айниди. Кўзини бир юмиб-очган эди, ўз уйида, касаллик қовжиратган вужуди ичида пайдо бўлиб қолди. Уй тўла хотин унга тикилиб ўтирар, ҳавода ҳамон исиріқ тутуни сузар эди.

— Шабнамни чақирайликми, Раҳимжон? — сўради бири.

Раҳим сўнгги кучини тўплаб, жавоб берди:

— Йу...

Сулувхон жигарбандининг бошида из-из йиғлаб, нола қилди:

— Дадаси қани? Ўғлим гапирди! Тошкентга олиб борамиз! Боламдан умидим бор!..

Сочларига оқ оралаган Туроб тракторчи машина топиб келишга мажбур бўлди. Пешин чоғи Раҳимни "УАЗик"ка тўшалган кўрпа устига ётқизиб, бўйнигача юпқа чойшаб ёпдилар. Ота-онаси ҳамроҳлигида Тошкентга жўнади. Одамлар Раҳимнинг тирик қайтишига ишонмадилар.

Дарҳақиқат, шифокор уларни кўргач, пешонасини ишқади.

— Даволаш менинг бурчим, — деди у. — Минг афсус, бу "сўнгги нафасгача даволаш" деб аталиши мумкин. Ҳаммангизга яхши бўлсин, дегандим.

Сулувхон қаерда кучли профессорни эшитса, остонасида ётиб олди. Иккинчи ҳафтага бориб, ўзи ҳам оёқдан қолди. Бир неча кун терапияда даволангач, тоғтераклик опалари етиб келиб, қишлоққа олиб кетишларини айтишди.

— Эрингга ўғлингнинг касали ҳам етади, — дейишди улар. — Такдирга тан бер.

— Боламнинг дийдорини яна бир марта кўрай, — ёлворди Сулувхон.

Онага Раҳимни кўрсатдилар. Она кетди. Шундай қилиб, ота ва ўғил ёлғиз қолишган кун шаҳарга бир гадойсифат киши келиб, ер остига йўлни, яъни метрони ахтара бошлади.

Бу пайтда Раҳимнинг аҳволи бурунгидан-да оғирлашди. У кўзини очишни истамай, кўнгил дунёсидан чиқиб, нажот ахтаришда давом этарди. "Одам керак!" деган хулосага келди бир куни. Одам, бу – УСТОЗ эди. Ота-онаси элакка юборган қорасувлик йигитнинг устози – оппоқ соқолли чол. Раҳим дунёни кезар экан, дам қабристонларга, дам ташландиқ ер ости қувурларига дуч келиб, умидсиз қайтарди ўз маконига. Айни дамда руҳи вужудини тарк этиб, ўзга ерларда тентирамаётганига ҳам ақли етарди. Руҳ танани тарк этса, вужуд ўлади, хаёл эса тириклик белгиси. Бунинг ҳаммаси хаёл. Бошқа хаёллардан фарқли ўлароқ етмиш хил сезгилари иштирок этар, шоҳиди бўлмаган воқеаларни кўз ўнгида жонлантиришга мадад берарди. Шабнамнинг хаста ётиши, унинг қошида онаси Кенжагул ва бир аёл суҳбат қургани ҳам хаёлот маҳсули эди. Воқелик эса Раҳимнинг хуш-беҳуш ётганида атрофидаги одамларнинг шивирганларида эшитилган маълумотлар, шунингдек, кўриниб турган борлиқ ҳамда ундаги мавжудотларга қараб чиқарган хулосалари жамланмасининг саҳналаштирилгани эди, гўё. Ҳар ҳолда, Раҳим авлиё эмасди. У сеҳргарликни ҳам, танасини тарк этиш илмини ҳам эгалламаганди.

Соч-соқоли ўсган, эски кийимдаги ҳардамхаёл киши шаҳарга кириб, кўчаларда сандироқлаётганида, Раҳим яна хаёл кучи ила шифохонадан чиқди. Фала-ғовур кўча. Оломон орасидаги жулдур кимсага олисдан кўзи тушди. Назарида, кимса жулдурлардан-да жулдур, исқиртлардан-да исқирт эди. У қорасувлик авлиёнинг устози бўлмиш оппоқ соқолли нуроний чолнинг тукига ҳам арзимасди.

"Шу!" – деди Раҳим.

Раҳим қанчалик шитоб-ла юрса, одамлар шунчалик кўпайиб, гала-ғовур кучаярди. Ахийри, адашиб-улоқиб, ҳаммаси чалкаш-чулкаш бўлди. Кўзини очганида, икки ҳамшира гилдиракли кушеткада текширув хонасига олиб кетишаётганди. Отаси ижара

уйдан қайтмаган чоғи, кўринмасди. Текшириш икки соат, чамаси, давом этгач, шифокорларнинг кўзлари ҳар кунгиданда умидсиз боқди.

"Онамнинг дийдорисиз ўлишни истамайман", — деди Раҳим, ammo овозини ҳеч ким эшитмади.

Жулдур кимса хаёлот саройи қопқасини тақиллатмоқда эди. Унинг ўзи Раҳимни топиб келганди: "Раҳим! Ҳой Раҳим! Тур энди! Бунча узоқ ётдинг?"

"Наҳотки, менинг устозим гадой? — ўйлади Раҳим. — Ёки бир замонлар "Ҳеч кимни севмайман, ҳамма нарсам бор, қизларнинг ўзи менга таклиф айтишади" каби хаёлларга чирмалиб, кибрда юрганим учун устозим ўта ғариб қиёфада юборилдими? Шунга муносибман. Дарвоқе, ғариб бўлса нима бўпти? Миямда ҳамон кибр яшаяптими? Нега устоз деб гумон қилаяпман-у, ташқи кўринишидан ирганаяпман?"

Раҳим пешвоз чиқишни хоҳлади, лекин ҳамширалар ғилдиракли кушеткани шиддат-ла судраб, хаёлини тўзғитиб юборди. Палатага сўнгги бор кетаётганини сизди. Сизди эмас, қулоқлари шивир-шивирларни эшитиб, кўзига шу ҳудудда сал аввал суҳбатлашганларнинг шакл-шамойиллари лип-лип кўринди.

Ҳамширалар чиқиб, эшик ёпилгач, Раҳим кимсасиз палатада сузиб юрган шакл-шамойилларни нигоҳлари-ла тўплашга, оғиз қимирлатишларигаю юз-кўзида зухурланган маъноларни англашга, аллақачон ҳавога сингиб кетган говушларни эшитишга жаҳд қилди. Истагани амалга оша бошлади. Бири отаси эди, иккинчиси шифокор.

— ...у хотинимнинг опаси, — деди Раҳимнинг отаси мунгли алфозда. — Ўғлимни қаргагани бир сабаб, фотиҳасини буздириб, қизни ўзлари келин қилаётгани иккинчи сабаб... Шунга қишлоқдаги маъракада бир даврада ўтирган опа-сингил қаттиқ жанжаллашибди. Хотиним алам устида: "Раҳимжонимни қаро ер қилиб, келинимни ўз ўғлингнинг қўйнига солаётганинг ҳисобкитобсиз қолмайди! Сендек опам йўқ! Аёл эмас, жодугарсан!" дебди. Ҳозир хотиним райондаги касалхонада комада ётибди. Асаблари ниҳоятда чарчаган. Унга осон эмас.

— Даво чораларидан сўнг Раҳимнинг миясидаги ўсимта сўрилиб

кетиши керак эди, — сўзлади шифокор. — Афсуски, ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Сизга хушxabар айтиш бизга насиб этмади. Ўғлингиз жуда узоқ борса, уч сутка яшайди. Бола бечорани ортиқ қийнаманг. Тиббиёт кўлидан келган ишни қилди.

— Тушунаман, тушунаман... — отаси рўмолчасини кўзларига босди. Раҳим падари бузрукворининг кўзлари қизариб, жиққа ёшга тўлганини кўрди. Қадди ҳам букчайиб, чолга айланганди.

— Ҳозир олиб кетасизми?

— Йўқ. Бугун қишлоқда ўша қизнинг тўйи.

— Майли, эртагача қолдиринг. Унгача яна бир текшириб кўрамиз. Рентгенга ҳам туширамиз.

— Бугун кечқурун қишлоққа кириб борсак, ўғлим тўйнинг овозини эшитади. Табрикка чиққанлар келин-куёвнинг исмларини тилга олишади. Ўғлим хўрланиб ўлишини истамайман, ака.

Отаси йиғлаб юборди. Раҳимнинг қўллари чойшабни чангаллади, кўм-кўк томирлари бўртиб, жойидан сакраб турмоқчи, "Отажон, йиғламанг!" деб нидо қилмоқчи бўлди. Вужуди шундай зўриқдики, гўё бош мияси ҳам жунбушга келиб, лаънати шишни ситиб чиқарадигандек эди...

Йўқ, беморнинг кўзидан бир томчи ёш думалади, холос. Қолаверса, палатада отаси ҳам, шифокор ҳам йўқ эди. Раҳим шу кўйи ухламади. Ҳаётида бирин-кетин даҳшатли фожиалар юз бераётган эди. Бугун Шабнам ва Асрорнинг тўйи. Улар чимилдиққа киришади. Уч кун ичида Раҳимнинг жанозаси. Отасининг бардоши етадиганга ўхшайди, аммо онасининг ҳоли нима кечади? Раҳим кўзларини юмолмади. Юмилмади ҳам. "Нега? Нима учун?" — минг маргалаб такрорлади ичида. Бир неча марта хабар олишга кирган отаси ҳар сафар кўзларини юмиб қўйса ҳам, қайта очилаверди: "Нега? Нима учун, ота?"

— Эртага қишлоққа қайтамиз, — деди отаси. — Ухлай қол. Ўзингни ҳам, мени ҳам қийнама, болам.

Раҳимнинг бедор кўзлари қонталаш бўлиб қолди. Дунёга тўймай кетаётгани эмас, исён кўтараётган бандани эслатарди. Навбатчи шифокор текширгач, укол қилишни ҳамширага буюрди. Отаси эрталабгача бошида ўтириб чиқди. Раҳим

чойшабни гижимлаган кўйи бир нуқтадан кўз узмай ётарди. Туроб тракторчи буни ўлим аломати деб билди, пичирлаб калима қайтараверди.

— Тезроқ машина топиб келинглар, — деди кимгадир.

Раҳим жойидан туришни, бутун дунёни ларзага солиб: "Шабна-а-а-м!.." дея бор овози билан ўкиришни, ерга бағрини бериб ўксиб-ўксиб йиғлашни истади. Бугун Шабнамсиз бошланган биринчи кун эди. Ҳа, энди у йўқ. Бировнинг хотини! Раҳимнинг келини! Яъни холасининг ўғлига турмуш чиққан қиз...

Вужудидан куч ахтарди. Куч тўплади. Куч сўради. Ҳаммаси айтишгагина осон эди. "Ер остига кетаяпман... — ичида йиғлади у. — Энди кеч... жуда-жуда кеч..."

Машинага ётқизилган он Раҳим яна ўрнидан туришга чиранди. Боши хиёл қимирлаб, бармоқлари титради, холос. Машиналар оқими шаҳардан чиқишга шошиларди. Юраги гуп-гуп уриб, чуқур нафас олди, кўкраги оҳиста кўтарилиб тушиб, хириллади.

"Яна бир оз куч тўплай, ўрнимдан тураман, — ўзини юпатди Раҳим. — Ўлиб қолмайман... Вақт бор... Демак, имкон ҳам бор..."

Раҳим хириллай бошлагач, отаси ҳам талвасага тушиб қолди:

— Ташлаб кетма бизни... Ташлаб кетма, жон болам...

Машина светофорда тўхтади. Ҳайдовчи ҳам хавотирланиб:

— Туроб ақа, йўл узоқ, балки шифоҳонага қайтармиз? — деди.

— Лаби қовжираб, ютинаяпти, — Туроб тракторчи Раҳимнинг қаддини хиёл ростлагач, оғзига сув тутди. — Сув ичирсам-чи?... Ич, болам, ич...

Шунда Раҳимнинг кўзлари йўл четидаги ёнаётган "М" ҳарфига тушди. Хаёли ақл бовар қилмас тезлик билан метро зинасидан пастлаб, чароғон бекатга етди. Бир сониядан сўнг вагонлар уни ер ости салтанати бўйлаб шитобла олиб кетмоқда эди. Бекат аниқ, аммо номаълум томонларга шошилмоқда. Одам кўп. Одам лиқ-лиқ.

"Нега бу ердан?" — сўради ўзидан.

"Ер остини хоҳлаганмидинг? Мана у!"

"Бу... бошқа жой... Мен хилват ғорга ўхшаш жойни кутгандим..."

"Унда нега ҳозиргина метрони хоҳладинг?"

Раҳим кўзларини юмди.

"Ер остида ҳеч қандай ҳикмат йўқ, — жулдур кимсанинг овози эшитилди. — Дунёни англашинг учун ер ости бир восита, холос. Ҳамма гап кўнглингда. Агар эплаганингда, етгинчи қаватда ҳам авлиё бўлишинг мумкин эди. Нега одамлар чиллахоналарда, ғорларда ўтирганларини тушунгандирсан? Уларнинг руҳлари юксалиши учун муҳит керак эди. Наҳотки, сенга метро муҳит бўлолса? У цивилизациянинг бир бўлаги. Ҳеч қандай хилват макон эмас".

Раҳим сувни ичолмай, ўқчиди.

— Сув ичирманг, кетмайди, — деди ҳайдовчи. — Орқага қайтайми?

— Метро-о... — хириллади Раҳим кўзларини очиб.

— Гапирдингми, ўғлим? — отаси Раҳимнинг оғзига қулогини тутди. — Нима, ўғлим? "Метро" дейсанми?

— Метрога тушмоқчиман... бир марта... илтимос... — бир неча сўзни шивирлаб айтишга куч топди.

Раҳим отасига умидвор нигоҳ ташлади. Тўсатдан хириллаши тўхтаб, юзига қон югургандек туюлди. Эшон ойим айтган ҳикоятдаги қорасувлик авлиёга неча ойдирки тақлид қилаётганини ҳамма биларди: ота-онаси ҳам, қариндош-уруғлари ҳам, шама қилган шифокор ҳам. Туроб тракторчининг хаёлидан "Ўғлим ҳамон ер остида мўъжиза юз бериб, соғайиб кетишига ишонади", деган ўй ўтди. У анча йиллар бурун метрога тушганди. Бир тўда маст йигит вагонни тўлдириб, хахолашиб, атрофдагиларни мазах қилганди ўшанда. Раҳим шундайлардан нажот кутаяптими?

— Сақич чайнаётган бепарво хотинларда, гийбатлашаётган қизларда, мудраётган кишиларда... сен ахтараётган ҳеч нарса йўқ, афсуски, йўқ, — деди Туроб тракторчи юрак-бағри эзилиб. — Қанийди авлиё бўла олганингда! Қанийди кутган воқеанг рўй берганида!

Раҳим нигоҳини четга бурди. Кўзларида чексиз ўксиниш зоҳир эди.

— Ҳаммасига минг лаънат! — Туроб тракторчи ўз бошига муштлади. — Нега мен ўғлимни қутқаролмайман? Ҳатто... ҳатто бир илтимосини ҳам бажаролмайман! Нима учун?!

— Ака, ўзингизни босинг, — ҳайдовчи машинани четда

тўхтатди-да, кабинадан тушиб, орқа эшикни очди. — Ўзига кеп қолди, шекилли? Бўлинг, ўглингизни метрога туширамиз. Одамлар қараса қарайверишсин, бизга барибир эмасми! Муҳими, шу укам ер ости мўъжизасини кўрсин! Э, бир кам дунёнинг битта камини тўлдирсак тўлдирибмиз-да!

Раҳим отасига суяниб, бир оёғини судраб бўлса-да, босди. Зинадан тушдилар. Ҳайдовчи кепкасини ечиб, Раҳимга кийдирди, кўзигача бостириб қўйди. Акс ҳолда териси устихонига ёпишган беморнинг юзини кўрган йўловчиларнинг хушлари бошларидан учиши ҳеч гап эмасди.

— Бизни шу ерда кутиб турунг, — деди Туроб тракторчи Ҳайдовчига. — Нариги линиядан қайтамиз.

Туроб тракторчи иккита жетонни метро ходимига узатиб, четдан ўтказиб юборишни сўради.

— Ўғлим билан ўтиш ноқулай.

— Мазаси йўқми? "Тез ёрдам" чақирайликми? — деди метро ходими.

— Ҳозиргина шифохонадан чиқдик, — бош чайқади Туроб тракторчи. — Уйга кетаяпмиз. Метрони кўришни истаяпти, бир марта кўрсатай, илтимос сизлардан.

Эскалатордан пастга, метронинг чароғон ва ҳашамдор бекатига тушаётганида, Раҳим:

— Цивилизация... — деб пичирлади.

— Ҳа, цивилизация, ўғлим, — дея Туроб тракторчи Раҳимни бағрига босди. — Ўз оёғингда турганингни, метрода сайр қилаётганингни, гапирганингни аянг кўрганида, роса қувонарди. Мени ёмон кўрқитдинг... Энди бундай кўрқитма, болам...

— Аям шифохонадами? — шивирлади Раҳим.

— Шифохонада. Буни сенга ким айтди?

Ночор ва ожиз ўғли жилмайишга уринди.

— Сен билан фахрланаман, — Туроб тракторчининг томоғига аччиқ нарса тиқилди. — Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Йўловчилар озгин, рангпар йигитга анграйиб қарадилар. Яхшиямки, Раҳим енги узун оқ кўйлақда эди, бошида Ҳайдовчининг кўкимтир кепкаси.

Туннелнинг қоронғилик чўккан ичкарасида чироқлар кўриниб, шовқин кучайди ва юз-кўзга шамол урилди. Яшил поезд чиқиб келди. Тўхтагач, эшиклари барабар очилди.

— Юр, ўғлим, — Туроб тракторчи Раҳимни суяб, вагонга киргизди.

Ота-бола ўриндиққа чўкдилар. Карнайлар жаранг сочди:

— Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади!..

Поезд жойидан жилди. Раҳим метрода эканига ишонолмасди. Вагонлар ер остида гувиллаб илгарилаётганидан, қачонлардир ер қатлами бўлган ҳудуддан одамлар шамолдек учиб ўтаётганидан ҳайратда эди.

"Умримнинг охирида сўнги илтимосимни бажарган дадамга қандай миннатдорчилик билдирсам экан?" — ўйлади Раҳим.

Кейинги бекатга кириб келдилар. Раҳим бошини зўрға кўтарди. Поезд ғийқиллаганча тўхтади.

"Раҳмат, дада", — деди Раҳим. Аммо овози бўғзида қолди. Гапиришга қанча уринмасин, бўлмади. Ҳозиргина аҳволи яхшилангани ўлимдан олдинги енгиллик каби бир ғалат ходиса эди.

Вагон эшиги шарақлаб очилганида, эшик рўпарасида гадойсифат киши турарди. Соч-чоқоли ўсган, эски сарғимтил кўйлақда, дазмолланмаган қора шимда эди у. Кепкасини Раҳим каби кўзигача бостириб олганди. Буни қарангки, жой қуригандек баайни Раҳим ва Туроб тракторчига юзма-юз ўтирди.

Поезд яна кўзгалди. Қандайдир дард қийнаётган гадойсифат киши бошини кўтармас, бармоқларини гижимлаб, пошнасини тинимсиз тапиллатарди. У ниманидир сабрсизлик ила кутаётган ичи тор кимсани эслатарди. Бироқ ҳеч кимни ва ҳеч нимани кутмаётгани ҳам аён эди.

"Гиёҳвандмикан?" — деб кўйди Туроб тракторчи ичида.

Қараса, Раҳим ҳам бошини кўтармай, яна титрапти. Иккисинингда хатти-ҳаракатлари бир хил эди. Ниҳоят, гадойсифат киши биринчи бўлиб қаради. Қаради-ю кўз узолмай қолди. Туроб тракторчи кўзлари киртайиб, косасига чўккан, қирқ беш-эллик ёшлардаги кимсага ўқрайди. Нега бунча тикилади?

— Мен Абдураҳмонман, — деди кимса шошиб. — Абдураҳмонман... Яхши Абдураҳмон...

— Кимга гапираяписиз? — Туроб тракторчининг таъби баттар тирриқ бўлди.

— Унга... касалга.

— Ўғлим касал эмас, — газабини зўрға жиловлади падар.

— Касал! — дея ўтирган жойида олдинга энгашди кимса.

— Сизга нима?!

— Шу ҳам муомалами? Ўғлингизга раҳмингиз келсин, ҳурматли отаси.

— Менга қаранг, — деди Туроб тракторчи. — Бизни тинч кўйинг, илтимос, жанжаллашмайлик.

— Сизни тинч кўяман, албатта. Менга ўғлингиз керак. У битта-ю битта фарзандингиз, тўғри топдимми?

— Гадойга ўхшайсиз, — Туроб тракторчи чўнтагидан пул чиқарди. — Олинг! Кейинги бекатда тушиб қолинг!

— Мени нотўғри тушундингиз...

— Қандай тушунаман, бу — шахсий ишим! — Шусиз ҳам асаблари таранг тортилиб турган Туроб тракторчи дўқ урди: — Йўқолинг! Қорангизни ҳам кўрмай! Эшитдингизми?!

Пул гадойсифат кишининг оёқлари остида ётарди. Раҳим эса гапиришга қанчалик уринмасин, тили айланмасди. Йўловчилар ҳилвираган қоқсуяк йигитни суяб ўтирган дўппили, қорамағиз эркакнинг пиёнистага ўхшаш кимсага ўдағайлаётганига қараб кўйишди. Ҳеч ким индамади. Тил-забонсиз поезд навбатдаги бекатга ҳаммани шитоб-ла олиб кетарди.

— Ярим яланғоч бўлиб, тоғу тошларга чиқсанг, — минғирлади гадойсифат киши. — Офтобда қорайиб, тош ағдарсанг, юк машинага ортсанг! Сўнгра тўрт оёқлаб чўк тушсанг-да, муздек булоқдан хайвондек сув симирсанг, очафотларча овқатлансанг! Кейин баланд қояга чиқиб, қулочингни кенг ёйсанг, тоғ шамоли кўксингга урилса, меҳнатда қотган метин тананг ҳузурланса, офтобда янада қорайсанг, куч-ғайратингни ўзинг, ўз ироданг билан ичингдан қайнатиб чиқараверсанг! Вужудинг аптекадаги дорилардан эмас, куч-ғайратнинг қайнаб чиқишидан дармон олса...

— Раҳим, — деди отаси, — ҳозирги бекатда тушиб, орқага қайтсак бўладими? Йўл узоқ, шопир ҳам кутаяпти.

Азоблар исканжасида ёнаётган ўғил жавоб беролмади. Бўғзидан "У-у-у..." деган аянчли нидо чиқди, титроқ кучайиб, ҳолсизланди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

– Раҳимжон, – Туроб тракторчининг ранги оқарди, – яхши эдинг-ку...

– Наҳотки, меҳнатда пишган, офтобда тобланган вужудга саратон чангал солса?! – деди гадойсифат киши. – Касалликларнинг доялари нозикойимлик, тушкунлик, зерикиш, Яратувчини унутиб яшаш! Ҳатто, кибр ҳам касаллик чақиради!

– Ўчир овозингни! – ўшқирди Туроб тракторчи унга.

Поезд навбатдаги бекатга етди. Янги йўловчилар чиқишди. Туроб тракторчи ўғлининг қўлтиғидан тутди.

– Йўл беринглар, тушмоқчимиз, – деди атрофдагиларга.

Карнай эълон қилди:

– Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади! Кейинги бекат...

Шу лаҳзада гадойсифат киши ўрнидан сакраб туриб, Туроб тракторчининг елкасига чанг солди-да, бир силтаб полга кулатди. Раҳимни вагондан судраб чиқарган заҳоти эшиклар ёпилди. Фала-говурда нима воқеа юз берганини ҳамма ҳам англаёлмай қолди.

– Ўғлимни опкетди! – Туроб тракторчи ёпиқ эшик ойнасига ўзини урди. – Аблаҳ! Тентак!

Поезд аччиқ сигнал берди-ю туннелга кириб, кўздан йўқолди. Отадан қутулган Абдураҳмон Раҳимнинг билагидан омбурдек қисиб, телбаларча деди:

– Маҳкам ушла, рельсга сакраймиз. Сен – йигитда анча вақтдан бери гапим бор эди. Туннел ичкарисида, хув анави қоронғиликда гаплашамиз...

– Тўхтанглар, ҳой! – Метро ходими улар томон шошилди.

– Яқинлашсанг йигитни сўйиб ташлайман! – дағдаға қилди Абдураҳмон.

Ҳақиқатан, қўлида пичоқ ялтиради. Ходим ортга чекиниб, қичқирганча милиция ходимини чақира бошлади. Абдураҳмон Раҳимни судраб, устунлар панасига ўтди. Милиция ходими чопиб келганида, иккиси ҳам ғойиб бўлганди. Гадойсифат кимса билан касалманд йигит қандай қилиб темир изларга сакраганини ва туннел ичкарисига, поезднинг изидан кетишганини ҳеч ким пайқамай қолганди.

Бақир-чақир кучайди:

– Қаёққа кетишди?

– Ким эди улар?

– Рельсга сакрадимиз?

Милиция ходими бурчакдаги кўприкчадан туннелга қаради ва девор ёқалаб судралганча қочаётган икки шарпани пайқади. Гаровга олган жиноятчининг кўлида энди қирқма милтиққа ўхшаш қурол кўринди. Тажрибали ва ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган ашаддий жиноятчи эди, гўё.

— Ташланг қуролни! — деди милиция ходими. — Аҳмоқлик қилманг!

— Орқамдан келма! — бўкирди жиноятчи. — Айтганимни қилмасанг, манави йигитни ўлдираман! Мен билан ҳазиллашма!.. Санайман! Бир!.. Тезроқ даф бўл!.. Икки!.. Қорангни кўрмай! Икки ярим... Ўв, икки ярим деяпман!..

Милиция ходими чекинди. Тревого кўтарилиб, поездлар ҳаракати тўхтатилди. Тиш-тирноғигача қуролланган мухсус гуруҳ жангчилари етиб келишди. Улар икки бекатдан туннелга тушиб, йўлларни тўсдилар. Жиноятчи ва гаровга олинган йигит туннелнинг муюлишида экани аниқ эди. Туннел чироқлари ёқилди. Жимлик чўккан ҳувиллаган туннелдан салқин ҳаво уфурилар, ёғ ва темир иси анқирди.

Бу пайтда Туроб тракторчи метрополитен хизматчилари хонасида ранги қув ўчган ҳолда турарди. Бошига тушган кўргуликлар етмагандек кутилмаган фожиа буткул гангитиб кўйганди. Қотмадан келган, бургутнигоҳ майор воқеа қандай юз берганини тинглагач, ўрнидан туриб, деди:

— Шу ерда кутинг, ҳеч қаёққа жилманг. — Сўнг бекатга тушди-да, пешвоз чиққан гуруҳ бошлиқларига буюрди: — Қандай қилиб бўлса ҳам бемор йигитни сақлаб қолинглар! Жиноятчи гапга кўнмаса, савдолашманглар! Жойида отиб ташланглар!

Буйруқ берилгач, жангчилар туннелнинг икки томонидан ўрталиққа қоплондек сассиз яқинлашдилар. Биринчи томондаги гуруҳ муюлишга етмасдан тўхтади. Бир-бирларини отиб кўймасликлари учун шу ерда тўхташга келишилган эди.

— Иккинчи гуруҳ, олға! — буйруқ жаранглади.

Иккинчи томондаги гуруҳга жон кирди: пусиниб илгариладилар. Муюлишдан юз қадамча нарида деворга қапишган шарпа кўринди. Снайпер шпаллар ўртасига ётиб, ўқ узишга шайланди. Бошқа бир жангчи:

— Кимсиз? — деб бақирди шарпага. — Нима хоҳлайсиз?

Шарпа қилт этмади, жавоб ҳам бермади. Бетон деворга михлаб

ташланганга ўхшарди. Туннелнинг нариги томонидаги жангчилар ҳам ўзларининг хужумга шайлигини билдириб, хитоб қилдилар:

— Қочишга йўл йўқ!

— Ақлни ишлатинг!

Девордаги шарпа қимирлади. Қўлини силкитиб, аллақандай ишора берди. Кейин темирйўл ўртасига гандираклаганча чиқди. Ҳилвирраган оқ кўйлақда, кепкада, шалвардек қора шимда эди у. Қўлидаги нарса қирқма милтиқми ё узунчоқ қўлбола бомбамми, билиб бўлмасди.

— Биттаси ерда ётибди, — деди снайпер.

— Кўрдим, — жангчи автомат мили устидан мўраллади. — Кўйлаги сарғишми?

— Ҳа.

— Гаровга олинган йигит юролмайди, гапиролмайди, дейишганди. Бу ёғи қизиқ бўлди.

Шу пайт оқ кўйлақли:

— Отманглар, — деди бўғиқ овозда.

— Кимсиз? — сўради жангчи.

— Раҳимман.

— Қуролни ташланг, Раҳим!

Оқ кўйлақли буйруқни тушунмагандек манқурт каби яқинлаша бошлади.

— Қуролни ташланг, йўқса...

— Нималар бўлаяпти?.. Кимсизлар?.. — алланималар деб бўғияиб-хириллади оқ кўйлақли.

— Қуролни ташланг, деяпмиз, Раҳим!

Оқ кўйлақли яна деворга суянди. Жангчиларнинг назарида, у икки томондан қилинадиган хужумга охирги ўқи қолгунча қаршилик кўрсатадиган савдойи эди. Туннелга тушишдан бурун қочиб-қутулолмаслигини билган, албатта. Кимларнидир ўлдириб, ўзи ҳам илма-тешик бўлса, бас.

— Четда ётгани қимир этмаяпти, тузоқ эмас деб умид қиламан, — киприк қоқмай сўзлади снайпер. — Нима қилай?

— Тепадан яна бир аниқлик киритайлик.

Улар бекатдаги бошлиқ билан боғланишди.

— Бу ерда бир гап бор, шекилли, — деди бошлиқ ва Туроб тракторчини ёнига чақиртирди.

- Ўғлингизнинг ўзи юра олармиди?
- Йўқ, — деди Туроб тракторчи. — Кўтариб чиқаришаяптими?
- Гапирмайди, дегандингиз?
- Лабларини зўрға қимирлатади. Мени сўраяптими?
- Армияга борганми?
- Нималар деяпсиз? Тушунтирсангиз-чи!
- Қуролдан фойдаланоладими?
- Қурол? Қанақа қурол?!

Туроб тракторчига ҳеч ким вазиятни изоҳламади. Ходимлардан бири уни метрополитен хизматчилари хонасига қайтарди. Бошлиқ жангчиларга буюрди:

— Ҳеч нарса талаб қилмаётган бўлса, зарарсизлантиринглар! Қон тўкилмасин!

Фуқаро либосидаги ходим (кўйлаги ичидан темир нимча кийганди) кўлларини кўтариб, оқ кўйлаклига яқинлашди.

- Раҳим, сизмисиз?
- Ҳа, менман... менман... — ҳирқироқ овозда жавоб берди оқ кўйлакли.
- Кетдик, сизни отангиз кутаяпти.
- Бошим айланаяпти... мадорим йўқ...
- Жароҳатландингизми?
- Йўқ, бугун шифохонадан чиққанман.
- Анави ётган ким?
- Абдурахмон ака... Илтимос, унга ёрдам керак. Ҳушидан кетди... Раҳимнинг кўлидаги қирқма милтиқ эмас, эски, малламтир чарм ғилоф эди.

— Булар... кўлёмалар, — деди Раҳим. — Манг... Мен қаердаман ўзи? Миям ағдар-тўнтар бўлаяпти.

— Ер остидасиз, — жавоб берди фуқаро кийимдаги ходим.

Қуролланган йигитлар сарғиш кўйлакни жиноятчининг кўлтиғидан ва оёқларидан кўтардилар-да, тапир-тупур жўнаб қолишди. Ходим Раҳимнинг билагидан тутди.

- Ҳаётга қайтдим, шекилли... — Раҳим оқсоқлангача қадам босди.
- У ҳолда, хуш келибсиз, — деди ходим.

Раҳим бошини эгиб, маҳзунона уҳ тортди. Кеча Шабнамнинг тўйи бўлгани бир зум шу ҳолга солди уни. Ҳаммаси ортда қолган эди: касаллик ҳам, Шабнам ҳам.

8. АВЛИЁНИНГ ҚАЙТИШИ

Туроб тракторчи хизматчилар хонасидан ҳаллослаб чиқиб, бекатга тушди. Ўғлини ҳозиргина рўпарадаги зинадан ташқарига чиқаришганини айтишди. Ҳарбий кийимдагилар орасидан ўтгач, Раҳимни кўрди.

— Раҳимми? — деб юборди у. — Ё Оллоҳим!..

Ўғли шишани баланд кўтариб, қултиллади сув ичарди. Шалвираган кийимлари енгил шамолда ҳилпиради.

— Дада! — дея Раҳим зинадан пастлади.

— Тўхта! Нега юраяпсан?! — кўзларидан тирқириб ёш оққан Туроб тракторчи ҳам шошилди. — Сенга мумкинмас... мумкинмас, болам...

Ота-бола кўришиб бўлган ҳам эдики, Раҳимни шифохонага юбориб, терговни ўша ёқда давом эттиришларини маълум қилишди.

— Мен яхшиман, — деди Раҳим шифокорга. — Қорним ачишиб, ёғли овқат егим келаяпти.

Дастлабки текширув тугаб, шифокор таҳлил натижалари қайд этилган қоғозга тикилганча қолди.

— Саратон рекорд даражада сўрилиб бораяпти, — деди ҳаяжонини яширолмади. — Нур билан даволаш сўнгги кунларда ўз таъсирини бериб, бемор яшаб кетгани аввал ҳам кузатилган, лекин бундай ҳол... — Шифокор бошини чайқаб, елка қисди. — Ҳайратдаман! Лолман! Ва албатта, сизларни табриклайман! Кечаги текширувлар билан бугунгисининг ўртасидаги фарқни қаранг! Бу — мўъжиза!

Чеккадаги бўш хона Раҳимга ажратилди. Шифокорлар икки ҳафта мобайнида ўзгаришларни кузатишлари лозим эди. Милиция ходимлари кирганларида, Раҳим гўшлари ҳил-ҳил пишган қайнатма шўрва ичиб, юмшоқ нонни тишсиз милклари ила чайнамоқда эди. Тақир боши тердан ялтираган, эти устихонига ёпишган, кўзлари чақчайган ажабтовур йигитга улар бирпас жим қараб туришди.

— Абдурахмон аканинг аҳволи яхшими? — Раҳим оғзини артди.

— Руҳий касаллар шифохонасига ётқизилди, — деди терговчи.

– Ҳушига келиб, тўполон кўтарди, эс-ҳуши жойидамас. Туннелда ҳам тутқаноғи тутиб йиқилдимми?

– Жимгина йиқилди-ю, қайтиб кўзини очмади.

– Гаплари чала қолгандир?

– Гапирадиганини гапирди. Кейин пичоғини ташлади, қўлидаги ғилофни менга топширди, чўнтақларини ҳам бўшатмоқчи эди, улгурмади.

– У нега айнан сизни танлаганини нима деб изоҳлади?

– Қандайдир овоз, менимча, ички овоз бўлса керак, "Ер остига туш, ўлимга маҳкум йигитни қутқариб қол, у сенинг издошинг", деб кечаю кундуз шивирлайверибди. Юз километр пиёда юрибди. Мени ғорда ҳам, ертўлада ҳам учратолмаслигини кўнгли сезибди. "Авлиёлар халқнинг ичида юради, уларнинг мўъжизалари жуда кўп, мўъжиза кўрсатиш учун сувни тескари оқизиш шарт эмас", деди менга. Гапларига ишониш керак. Ростдан ҳам мени метрода, ер остида учратди.

– Оббо, авлиёликка даъво қилдимми? Ўргимчак ин қурган миясида авлиёликнинг "а" ҳарфи ҳам йўқлиги аниқ. Йирик жиноят содир этганига нафақат гувоҳсиз, балки жабрдийдасиз. Жамоат транспортига хавф солиш, одам ўғирлаш, гаровга олиш...

– Ўлмайд қолганим учун жабрдийдаманми?

– Шу вақтгача ким бўлганини биласизми?

– Уни тентак, дарбадар, пиёниста дейишаркан. Абдурахмон ака ўзининг хаёллари билан яшайди. Бир кулгум ҳам ичмайди. Юрагимдаги гапларни юзимга қараб айтди. Масалан, кўзимни юмиб. кўнгилнинг қоронғи тубига тушардим, ҳамма ёмонликларни элаб ташлаганимдан сўнг олам ёришиб, нимани хоҳласам, ўшани кўрардим. деди. Ёрни, Ватанни, худони шунчаки оддий севиб бўлмаслигини ҳам айтди. Мен худди шундай эдим. Ёрим, Ватаним хаёлимда эди, Худони ўйламаган ҳам эканман. Ер ости бир восита деган тўхтама келганман. Абдурахмон ака эса кўнгил ҳам бир восита эканини тушунтириб, тасаввурларимни тўлдирди.

– Кулоқ солинг! Чўлиев Абдурахмон... – қўлидаги ҳужжатларга қаради терговчи. – Туғилган йили – эллик тўққиз. Муқаддам судланган. Икки марта.

— Нега?

— Ўзини авлиё кўрсатиб, одамларни чув туширгани учун. Аввал ҳам руҳий касаллар шифохонасида даволанган.

— Нима учун?

— Нима учун бўларди, Раҳимжон? Касаллиги учун, албатта.

— Унда қандай қилиб соғайиб қолдим?

— Дўхтирингиз тушунтирди. Шунча вақтдан бери ўтказилган даволаш муолажалари, қолаверса, сўнгги кунда сизнинг жон-жаҳд билан ҳаракатга киришишингиз организм учун зарур моддалар ишлаб чиқарган.

— У киши менинг касалимни чиқариб ташлади. Бировнинг касалини даволамаса, аъзои бадани қақшаб, қора терга тушаркан. Бундай ҳолат умрида учинчи марта такрорланиши экан. Унинг бахтига мен, менинг бахтимга у учраб қолган.

— Диний афсонанинг иси келаяпти.

— Афсона экан, нега рўпарангизда ўтирибман? Менга ҳамма хислатларини мерос қолдириб, ўзи тинчгина ўлмоқчи эди.

— Ҳамма хислатларини мерос қолдириб? Демак, бундан кейин сиздан ҳам эҳтиёт бўлиш керак экан-да? "Издошиман" ҳам дедингиз. Жамоат транспортига ва йўловчиларга ҳужум қиладиган савдойи ўзини ер ости авлиёси деб эълон қилса, одамнинг роса энсаси қотаркан. Шу кунгача денгиз қароқчиларини эшитганман, осмон қароқчиларини эшитганман, ё алҳазар, энди ер ости қароқчисини ҳам пайдо бўлди.

— Лекин мен ҳеч нарса мерос қилиб олмадим.

— Бунга у қандай муносабат билдирди?

— "Табиб сифатида кўплаб одамларга яхшилик қилдим, сен ҳам одамларни даволайсан", деганди, шу заҳоти рад қилдим.

— Сабаб?

— Тарих факультетида ўқиб юрганымда, ўтмишни ўз кўзим билан кўришни кўп ўйлардим. Мендан табиб чиқмайди. Даволасам, кўнгилдаги жароҳатларни даволашим мумкин. Касал бўлмасимдан аввал ўзим гувоҳ бўлмаган воқеани кўра олдим. Холамнинг ўғли Асрор бир қиз билан кўчада гаплашиб турган экан. Аслида улар худди ўша жойда уч кун аввал учрашишган, тушунаяпсизми?

— Айтмоқчисизки, шу хонада кеча гаплашган одамларни бугун кўриш иқтидорига эгасиз?

— Ҳа, — деди Раҳим. — Тез орада ўлишимни отамга дўхтир қандай тушунтирганини ҳам кўрдим, овозларини эшитдим. Кеча қишлоқда тўй эди. Менга фотиҳаланган қиз бошқа йигитга турмушга чиқди. Бу маълумотларни менга ким айтди? Ҳеч ким. Шунинг учун табиблик қилолмайман, жиноятларни очаман.

Ходимлар кўз уриштиришиб, мийиқларида кулиб қўйишди.

— Бизга ишга ўтсангиз бўларкан, — деди ходимлардан бири кулгисини бекитишга уриниб.

— Ҳамиша ҳам кўролмайман-да, — тушунтирди Раҳим. — Бу кўнгилга боғлиқ иш. Мен қаттиқ таъсирланишим керак. Таъсирлантирган одам бошқалардан ҳалол-поклиги билан ажралиб турсин.

— Ўҳ-ҳў, унда қийин экан.

— Сиз ҳам кўзингизни юмиб, астойдил ҳаракат қилиб кўринг, бир кун ўтади, икки кун ўтади, нари борса, ярим йил. Воқеаларни кўра бошлайсиз, овозларини ҳам эшитасиз.

— Мавзуга қайтайлик, бунақа гапларнинг мавриди эмас, — деди терговчи. — Шундай қилиб, Чўлиев сизга чарм гилофдаги чизмаларни кўрсатдим?

— Ер усти аслида ер ости эканини, биз қачонлардир ҳақиқий дунёга, абадий ёруғликка чиқишимизни чизганини айтди.

— Демак, чизмаларни кўрмадингиз?

— Кўрмадим.

— Сиз уни авлиё деб ҳисоблаган экансиз, — деди яна бир ходим, — нимадир сўрамадингизми? Масалан, соғлиқдан бошқа.

— Сўрадим.

— Нима?

— "Нима" эмас, "ким"ни... У Шабнам эди, менинг севгилим... биз унаштирилгандик, тўйимиз яқин эди... "Шабнамни қайтариб бероласизми?" дедим.

— Қайтариб бера олармикан?

— Ҳа.

— Қанақасига?

— У ёғини сўрамадим. Дарров фикримдан қайтдим. Шабнам

энди холамнинг келини. Бошқа бировники бўлганда ҳам, унда ҳаққим қолмаган. Муҳаббат нафсдан узоқ. Кўнгилни озода сақлаш — асосий мақсад.

— Яхши. Қисқа қилганда, Чўлиев ва унга ўхшаганлар ҳар хил "фалсафа"лар тўқишни ёқтиришади. Охир-оқибат ёлғонларига ўзлари ҳам ишониб, руҳан ва жисмонан ўладилар. Сиздан касаллик чекинибди. Бўлмагур хаёлларни калладан чиқариб ташлашни маслаҳат бераман, Раҳим. Келажаги олдинда, ёш йигитсиз.

— Биласизми... — Раҳим жўшиб гапирмоқчи эди, терговчи:

— Сизга соғлиқ тилаймиз, ука, — дея оёққа қалқди. — Ҳали яна келамиз. Овқатни дадил-дадил енг. Бизга кераксиз.

— Ҳамкасб маъносида эмас, — гап қўшди бошқа ходим кулимсираб.

Раҳим ва отаси бир неча кун стоматологияга қатнадилар. Тишлар ҳам тайёр бўлди. Шу орада Раҳимнинг соқол-мўйлови ва сочи ҳам ниш урди. Бироқ улар оппоқ эди.

— Чолбобога айландим, — кўзгуга қаради Раҳим бошини силаб.

— Шукр, сенга эт энди, — ўғлининг елкасига қўл ташлади Туроб тракторчи. — Аянг бугун райондаги телефон станциясидан кўнгироқ қилади. У ҳам оёққа туриб кетгани — худойимнинг бизга раҳми келгани. Сенинг соғайганингни айтишни ўйласам, кўзимга ёш қуйиляпти, Раҳимжон.

Кечқурун шифохона телефони жиринглади. Сулувхонга хушxabар айтиладиган ҳаяжонли фурсат келган эди. Онаизор минг бир ҳадик, минг бир ғам-алам ила жигарбандининг аҳволини сўраган эди, Туроб тракторчи йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлаб:

— Сулув, олдинда ким бор? — деди.

— Ҳанифа... Туронгул опамнинг қизи... Тинчликми, дадаси?

— Тинчлик. Сулув... Раҳим яхши... жуда яхши...

— Бу ёқда кун санаб ўтирибман. Дўхтир узоқ йўлга бўлмайсиз, деб қўймапти. Унга телефон қилган экансиз, бугун оёққа туришимни сизга айтибди, барака топсин...

— Ҳанифа ёнингдами, Сулув?

— Нега уни сўраяпсиз?

— Сен аввал айт!

— Боламга нима қилди, дадаси?! — Бир ҳафтадан бери йиғлайвериб, томоғи битган Сулувхон чинқириб йиғлаёлмади ҳам.

Туроб тракторчи чидаёлмай:

— Суюнчи бер, Сулувхон! — деб йиғлаб юборди. — Раҳим ҳаётга қайтди! Телефонни бераман, гаплаш... ўзи билан гаплаш, Сулув!.. Касали тузалди...

— Ассалому алайкум, аяжон, — гўшакдан Раҳимнинг овози эшитилган он Сулувхон гурс этиб кабина деворига суянди.

— Ра... Ра-ҳим... Сенмисан? — кулоқларига ишонмади онаизор.

— Гапираяпман, юраяпман, овқат ҳам еяпман, ая, — деди Раҳим.

— Болам... Вой болам...

Сулувхон гўшакни бағрига босиб, кабина деворига суянганча сирғалди ва хушидан айрилди. Ҳанифа дод солганча одамларни чақирди.

Кейинги шанба Тошкентдан келган ота-болани қавму қариндош тантана билан қаршилади. Аза кутилаётган хонадонда тўй бўлиб кетди. Эшитган инсон борки, Раҳимни кўргани шошиларди. Йигит шўрлик қучоқлашавериб, ҳолдан тойди. Сулувхон ёнгинасида ўтириб олди-да, ҳеч кимни кўриштирамай қўйди.

— Дастурхоннинг нариги бетида ҳол-аҳвол сўрашсанглар ҳам ҳисобга ўтади, боламини чарчатиб қўйманглар, — дерди у бидиллаб.

Шабнам ва Асрорнинг тўйи ўтиб, Раҳимнинг тирик қайтиши элни бурунгидан-да мутаассир этганди. Ичларида пинҳона видолашилган инсонни ўз кўзлари билан кўришга муштоқ эдилар. Улбўсин холаси хонадонидан эса ҳеч зоғ келмади. Бировлар уларнинг бети чидамади, дейишди, бировлар кибрга йўйишди. Энди бой эмиш, ҳеч кимни писанд қилмасмиш. Ҳатто, ўз опа-сингиллари-ю жиянларини ҳам.

— Раҳимни осмондаги ойга уйлантирамиз, — деди Марғуба холаси. — Ҳаммасига қўл силта, Раҳим! Улбўсин опамни, Асрорни, Шабнамни умуман эслама! Муҳими, соғлиқ-саломатлик! Қолгани секин-аста бўлаверади.

— Асрорнинг тўйи совиган ошдек ўтди, — деди Ҳанифа холаваччаси. — Улбўсин холам ҳам тентак-да! Уч марта ўқишга ўтолмаган бир олифта, саводсиз, таннозни келин қиламан, деб ўлиб бораяпти экан-да! Тўйга жигарларидан ким борди? Ҳеч ким! Ниятига етди шу холам! Асрорнинг синфдошларидан ҳам ярми қадам босмабди. Ким унга қароқчининг ишини қилсин,

дебди? Шабнам унинг учун "Сулувхон холасининг келини" эди, тўғрими? Э, Асрор бўламга садқаи йигитлик кетсин! Бўла ҳам демайман уни!

Кўни-қўшнилар Раҳимнинг ўксинишини кутишарди. Ҳеч курмаса, бошини силкиб қўйса-чи? Ахир, жондан суйгани, унаштирилгани Шабнам энди Асрорнинг хотини. Наҳотки, Раҳим куймаяпти?

Раҳимнинг лаблари жилмайди. Юзида на асабийлашиш, на тушкунлик сезилди. Бошини кўтарганида кўзларида илоҳий шуъла йилт этгандек туюлди. Гарчи озғин, рангпар бўлса-да, юз-кўздан нур таралаётганга ўхшарди. Эркагу аёлнинг эти жимирлаб, айримлар беихтиёр калима қайтаришди.

— Уларга бахт тилайман, — деди Раҳим. — Келинлар, шу бугундан уруш-жанжалларга, гина-кудуратларга, ғийбатларга нуқта қўямиз.

"Раҳим Тошкентдан авлиё бўлиб қайтганмиш" деган миш-миш тарқалди. Оппоқ, озода либосда дарвозага чиққанида, ёшу қари ҳайратланиб қарарди. Ҳарҳолда эндиликда қоқсуяк ҳам эмасди. Уколлару дори-дармонлардан қутулиб, томорқадаги улбул енгилроқ юмушларни бажаришга киришди. Келгуси йил сентябрда университетдаги ўқишини давом эттиришни ҳам ота-онаси билан маслаҳатлашди.

— Машинани, боғни, мол-ҳолларни мен учун сотдингиз, — деди у эрталабки чой маҳал отасига, — ўқишимни давом эттиргунимча сал кам бир йил бор. Мен ҳам ишласам, дегандим, дада. Уйда шунча ўтирганим етар.

— Кўраяпсан, тракторимга ҳамманинг иши тушаяпти, — кўз қисди Туроб тракторчи, — пулдан ҳам йўқ, ўғлим. Яхшилаб тузалиб ол.

— Тузалганман. Шу десангиз, Пирмат язна этикдўзликни ташлаб қўйибди, одамлар районга қатнаб қийналишяпти. Улбўсин холамникига бориб, устахонанинг калитини сўрайман. Этикдўзлик савобли касб.

— Этикдўзлик? — Туроб тракторчи ва Сулувхон кўрқа-писа кўз уриштиришди.

— Нима қилибди, дада, ая? Жон талашиб ётганимда,

кўнглимни шундай тозаладимки, унда мисқолча ҳам кибр-ҳаво қолмади. Яратганга ибодат қиламан, рўза тутаман, халқнинг ҳашарига чиқаман, ўзимдан ортган пулни бева-бечоралару етим-есирлар билан бўлишаман.

— Раҳимжон, ахир сен... — деди Сулувхон ялинганнамо.

— Илтимос, эски ҳаётимга қайтарманг. Мендек ўглингиз борлигидан фақат ва фақат хурсанд бўласиз.

Шу куни Раҳим Улбўсин холасиникига борди. Мезон осмони булутли эди. Муздек намчил шамол кеч кузнинг совуғидан дарак берарди. Раҳимга кўзи тушган усталарнинг арралари ҳам, болғалари ҳам ишдан тўхтади. Пирмат чўлоқ букилмайдиган оёғини узатиб, стулда ялпайиб ўтирган эди, "Нима гап?" дегандек дарвозага ўтирилди. Бошига зар рўмол ўраган, ялтир-юлтур кўйлакдаги Шабнам олдига пешбанд тутиб, ўчоқ бошида куймаланмоқда эди, Раҳимга кўзи тушиб, у ҳам тошдек қотди. Улбўсин холаси эса рўмолини пешонасидан танғиб, ошхонадан чиқди-да:

— Келин! Чой қайнади! — деб қичқирди. — Тезроқ...

Ва у ҳам Раҳимни кўриб, бақа бўлди-қолди.

— Ассалому алайкум, — ҳаммага бирйўла салом берди Раҳим. Кейин Пирмат чўлоққа деди: — Кечирасиз, язна, устахонангизнинг калитини берармикансиз, деб келгандим.

— Ваалайкум... — ўрнидан турди Пирмат чўлоқ. — Аммо... аммо уни нима қиласан?

— Устахона йўқлиги учун одамлар қийналаётганини эшитдим. Этикдўзликни ўрганаман, кўлимдан келади.

— Сен? — Пирмат чўлоқнинг қошлари чимирилди. — Ўзингмисан, Раҳим?

Шабнам келинлик уйига кириб, эшикни тарсиллатиб ёпди.

— Яхшимисан? — Улбўсин холаси тил учида сўрашиб, тандирхонага юрди. — Бериб юборинг, отаси... — Минғиллади йўл-йўлакай. — Бизга керакмас... Беринг, ишлатаверсин...

Орадан бир ҳафта ҳам ўтмай Боймоқ қишлоғидаги этикдўзлик устахонаси ишга тушди. Раҳим пойабзал тикишни, елимлашни, мих қоқишни тез ўрганди. Кунларнинг бирида у устахонадан қайтиб, уйда хўнг-хўнг йиғлаётган жувонга дуч келди.

— Раҳимжон, — дея у тиз чўкди, — мени танидингизми? Қорасувлик Сурайёман! Уч ёшли қизчам йўқолган, эсладингизми? Шу вақтгача на тириги, на ўлиги чиқди. Мана, тузалиб кетибсиз! Ҳаммаси рост эканми? Ишондингизми, Раҳимжон?

— Ўғлим яқинда соғайди, тинч кўйинг, — деди Сулувхон елкасидан тортиб.

— Ялиниб-ёлвораман, — Сурайё Раҳимнинг оёғига ёпишди, — қизчам йўқолган жойга боринг! Ҳеч ким ечолмаган жумбоқнинг тагига сиз етасиз! Ўғриларнинг шарпалари кўзингизга кўринади. Ахир, авлиёсиз-ку, Раҳимжон!

Шунда Раҳимнинг эти жунжикиб, кўз олди касал ётган дамларидагидек қоронғилашди. Бир сонияда кўнгил тубига тушиб, бир сонияда ёруғликни кўрди. Олисдан бир қизалоқнинг "Аяжон!" деган нидоси эшитилди. Билагадаги кўзмунчоқлар шилдирамади. Улар қаердадир сочилиб ётарди.

— Йиғламанг, — деди Раҳим меҳмонни ўрнидан турғазиб, — қизчангизни топишга эртадан киришаман.

— Эртадан? Эртадан-а?.. — Сурайё йиғидан ўзини тўхтатолмасди. — Қизим тирикми? Тирик-а, Раҳимжон?

— Тирик.

— Уни кўраманми? Ўз кўзим билан кўраманми?

— Кўлидаги кўзмунчоқлар узилиб тушган жойни топсам, бас.

— Ана, айтдим-ку, Раҳимжон, сиз ҳамма нарсани биласиз! — Сурайё йўқолган фарзандидан хабар келгандек тентакларча қувонди. — Ростдан ҳам Маржонамнинг кўлида кўзмунчоқ борийди. — Сулувхоннинг бўйнига осилиб, юзидан ўпди. — Қизчам топилса, ўғлингизни бир умр дуо қилиб яшайман! Худойим гаоло сизга Раҳимжонни қайтариб берган экан, биз — бечораларга ёрдами тегишга тўсқин бўлманг-да, опажон!

— Нега тўсқин бўларканман? — деди Сулувхон. — Врач кўп ўйланмасин, уринмасин, деган, шунга хавотирланаяпман. Қизчангизни олти ойдан бери ҳеч ким тополмаган, Раҳимжонимга йўл бўлсин. У авваллари йўқолган одамларни топиб юрган бўлса экан. Битта-ю битта шу боламни аямай, кимни аяйман?!

— Ўғлингизга ишим тушганини айтиб, Тошкентга кўнғироқ қилганимда, қандай қувониб кетгандингиз, эсланг, опа! Сизни фарзанддан айирмади, мени ҳам айирмасин!

Икки аёлнинг мунозараси ҳали-вери тугамас эди.

— Қизчангизнинг чап кўлида кўзмунчоқ борлигини расмда кўргандим, — деди Раҳим. — Узилиб тушганини эса сездим, қулоқларим остида доналарнинг часир-чусур сочилиб тушиши жаранглади. Овозкучайтиргичда бутун залга эшитиладигандек... галати акс-садо берди. Дарров бирор натижага эришишимга ишонманг. Бу — менинг хаёлларим. Илтимосингизни ерда қолдирмай, уриниб кўраман.

— Сизга ишонганим учун келиб юрибман-да, — Сурайё умид дунёсида сўзлашдан чарчамасди. — Тополмасангиз "тополмади" демайман, ҳаммаси тақдирдан эканига имон келтираман. Қизимнинг овозини ҳам эшитдингизми? Ростини айтинг, кўнглим сезаяпти.

— Қизалоқнинг овози эшитилди, лекин...

— Лекинингизни кўйинг, мен адашмаганим, мана, исботини топди. Гапингизни охиригача айтмай кўя қолинг, тагин уйга кўнглимни яримлатиб кетмай. Мелисалар яқинда бир йигитни қамаб кўйишди. Болам топилмаса, ундан нима фойда? Одамлар сиздан яхшилиқ кўрса, бахтли бўласиз, Раҳимжон. Одамлар яхшилиқни унутса ҳам, худо унутмайди.

Сурайё билан келган кишилар дарвозада кутишарди.

— Йўл узоқ, бора қолайлик, — дейишди улар.

— Булар акам билан тоғам, — таништирди Сурайё. — Эрим уйда ўтирибди, бутунлай тушкунликка тушган, ишга ҳам чиқмайди. Қизчамнинг топилишига ҳеч ишонмайди-да. Раҳимжон, у киши билан ҳам бир гаплашасизми?

— Майли.

— Ёлғиз ўзингни узоққа кўйиб бўпман, — Сулувхон ўғлига эътироз билдирди. — Келган одамга нега "хўп" деяверасан? Куракда турадиган илтимос айтса экан!

— Менга ҳеч ким ёмонлик қилмайди, ая, — деди Раҳим. — Жумбоқни ечишимни сезаману ёмонликдан гафлатда қоламанми? Ундан кўра оқ фотиҳа беринг.

— Кимдир чертиб кўрсин-чи! — Сурайёнинг кўзларида хавотир ўйнади. — Қавму қариндошим ўғлингиздан бир қадам нари силжимади. Маржонанинг топилишига ҳамма муштоқ. Излашига халақит берган одам ўғри бўлади ёки шерик.

Раҳим эрталаб устахона эшигига "Бугун ишламайман, узр" деган ёзувни илди. Агар Қорасувда ушланиб қолса, қишлоқ фуқаролар йиғини идорасидаги телефонга сим қоқиши керак эди. Йўлини идорага бурди. Папка қўлтиқлаган киши кўчанинг нариги бетидан сўради:

- Раҳим, гугуртинг борми?
- Бор, — дея Раҳим унинг ёнига бориб, гугурт узатди.
- Ўқишинг нима бўлди, ука?
- Худо хоҳласа, кейинги йил.
- Гугурт учун раҳмат. Чекмайсанми?
- Йўқ. Кимни кутаяпсиз? Балки ёрдимим тегар?
- Раисда ишим бор. Айтгандек, бизнинг Сайдулла жиянни ўқишдан ҳайдаб юборишган, эшитгансан. Қайта тиклаш учун қанча сўрайди, дейсан?
- Ҳеч қанча.
- Қанақасига? Пулсиз ҳал бўладими?
- Китоб ўқисин, излансин, тамом-вассалом. Жуда бўлмаса, бошқа институтга ҳужжат топширсин.
- Ҳе-хе-хе!.. Сендан маънили маслаҳат сўрасам, қаёқдаги гапларни гапирасан-а.

Раҳим бекатга келди. Сарик автобус қияликдаги йўлдан ўкириб чиқди-да, оқиш тутунини пуркаб, қишлоқ бекатиға яқинлашди. Эшиклари шарақлаб очилгач, бир бегона аёл тушли. У эллик ёшларда бўлиб, маҳкам танғилган кўкиш гулли рўмоли устидан оқ рўмол ташлаб олган, эғнида гулдор кўйлак, устидан яшил камзул кийган, оёғида чанг ўтирган қора калиш. Кўзлари алғов-далғов, қарашларида ғазаб чақнарди.

— Асрор мелисанинг уйи қайси томонда? — хотинларга алланечук тажанг ҳолда тикилди.

— Анави эшаклар юрган кўчадан тўғрига ўрлайсиз, томи шиферланаётган уй, — дейишди аёллар.

— Ана, ўзи келаяпти, оқ "Жигули", — Шукур муаллим кўли билан ишора қилди. — Олдидан қийиб чиқиб, тўхтатмасангиз, Боймоқда сарсон бўлганингиз қолади. У бир кетса, икки-уч кунлаб сменада юради.

Аёл ҳай-ҳайлаганча "Жигули"нинг йўлини тўсиб чиқди. Асрор машинадан ғазаб-ла тушди-да:

— Тентак-пентак бўлмаганмисиз? — деб ўдағайлади. — Қочинг йўлдан!

— Ўғлимни тухмат қилиб қаматганинг учун икки ойдан бери изингдан юрибман! — зор қақшади аёл. — Ахийри, қишлоғингга келдим! Боламини уриб-калтаклаб, қоғозга мажбуран қўл қўйдирганингни тан ол! Бу сенга охирги ўтинчим! Агар йўқ десанг...

Раҳим ҳам бошқалар қатори уларнинг можаросига шоҳид эди.

— Органга итдек қатнаб, устимдан мағзавали шикоятлар ёзиб, яна нима ифлослик дардида юрибсиз? — сўкди Асрор. — Сиздақаларнинг кўпини кўрганман! Кўнғиз боласини оппоғим деган экан. Яхшиликча бас қилмасангиз, сизни ҳам тиқиб қўяман. Хизматдаги одамни тинч қўйинг!

— Мен ўғлимни бола ўғирлайдиган тугул, бировнинг бир сўм пулига кўз олайтирадиган қилиб тарбияламаганман! — қушдек чирқиллади аёл. — Боламини қайтариб бер! Қайтармасанг, устингдан ҳам ёзмайман, йўлингдан ҳам чиқмайман... Мен сени... сени қарғайман! Ёмон қарғайман! Жувонмарг бўласан!

Аёл чўккалаб қолди, бошидаги оқ рўмол асфальт четидаги тупроққа қоришди. Виждони оғриган Раҳим уларга яқинлашди. Асрорнинг сочлари қоп-қора эканини кўрди. Гавдаси аввалгидан-да тўлишибди, чайирлашибди. Милиция формаси шундай ярашган эдики, белида дўппайиб турган малла ғилофдаги тўшпонча янада салобат бағишлаганди. Беихтиёр Шабнамни ҳам ўйлади. Шабнам унинг елкасидан келарди. Шабнам оғушига сингиб кетарди. Шабнам ўз паҳлавони билан фахрланса арзир эди. Бироқ...

Раҳим унинг кўзларидаги чексиз бахтсизликни илғаб таққа тўхтади. Асрорнинг ранг-туси бурунгидан анча қорайганди. Чап кўзи аралаш чаккасида чандиқ ҳам бўртиб турарди. Ҳойнаҳой, ўзини поездга ташлаганда орттирган бўлса керак.

Айни дамда Асрорнинг кўзи Раҳимга тушиб, серрайганча қолди.

— Ўзингиздан каттага, бунинг устига, аёл кишига дўқ уришга ҳаққингиз йўқ, — дея Раҳим жабрдийданинг қошига шошилиб, билакларидан тутди. — Туринг, хола. Исмин Раҳим, шу йигитнинг бўласиман. Мен учун бўламни кечиринг. Уни қарғаманг.

— Тухмат қилганини бошлиқларига айтмаса, ўғлимни қамоқдан чиқармайди, — кўз ёшлари дув-дув оқди аёлнинг. — Болам Қорасувга тоғасини тўйга айтишга борган, қизча ўғирлашга эмас, ахир! Ўғирламайди ҳам! Қанақасига бола ўғирлаб, ўлдириб, каналга отиб юборади?! Ўша куни тоғаси устачилик қилаётган экан. Тоғамни кўриб кетай, деб иш жойига ҳам борган. Тухматга қолиб ўтирибди.

— Бу аёлнинг гапи ростми? — деди Раҳим.

— Ростми? — Асрорнинг пешанаси чизиқларга тўлди. — Том кетиб қолса ҳам қийин экан-да!

— Бўла, қалбингизга қулоқ солинг. Мансаб, обрў, пул ўткинчи...

Аёл йиғидан тўхтаб, Раҳимга тикилганча қолди. Оқ сочли, озғин, нурли йигитни умрида учратмаганди. Шундай меҳри ийидики, кўнгли тўлиб-тошдики, рўпарасида Хизр алайҳиссалом тургандек бўлди.

— Раҳим, сен аралашма! — сенсиради Асрор. — Жа ўзингни кўрсатмоқчи бўлсанг, уйингга олиб бориб, чой дамлаб бериб, дардини эшитиб ўтир, тушундингми? Бунақалар уч кун вайсаса ҳам гапи тугамайди. — У шундай деб машинасига ўтирди. — Дунёни тентак босиб кетди! Уларга қолса, ҳамма яхши! Ҳамма авлиё! Ўғирликларни, қотилликларни, зўрлашларни Марсдан тушганлар қилиб кетишяпти! Ҳе, ўргилдим, сенлардан!

Машина вангиллаганча қияликдан тушиб, кўздан йўқолди.

— Оғзингдан қонинг келсин, илойим, — қарғади аёл ер муштлаб. — Кўшганинг билан кўшмозор бўл! — Кейин оғзини бекитиб, Раҳимга узрхоҳ нигоҳ ташлади. — Барибир қарғаб кўйдимми, укажон?

— Кўлимдан келганча ўғлингизнинг қамоқдан чиқишига ёрдам бераман.

— Бўлангизга тушунтирасизми?

— У тушунмайди. Лекин тез кунда хушхабар эшитасиз, деган умиддаман, — деди Раҳим. — Ҳозир эса... уйингизга қайтинг.

Хотинлар келиб, меҳмонни автобусга чиқаришди. Туман марказигача йиғлаб борди шўрлик она. Раҳим бошини кўтармасдан орқада ўтирарди. У Сурайёнинг қизалоғини ким ўғирлаганини ҳозирча билмасди, аёлнинг ўғли бегуноҳлигини кўнгли сезарди, холос. Балки аёлнинг ўғлини оқлаш Раҳимга насиб этар, балки насиб этмас...

Тушга яқин Қорасувга етди. Тошкентдаги шифохонада ётганида бу қишлоққа хаёлан келганди. Ҳақиқатан кўчалар хаёлотигагидек алланечук таниш ва кўнгилга яқин эди. Димоғига тутун иси урилди. Бир четида симёғочлар тизилган ўнқир-чўнқир асфальт кўчадан собиқ совхоз омборхонаси томон — қишлоқ ўртасига юраркан, ҳовлиларда ўйнаб юрган болачақаларга, нон ёпаётган бекаларга, офтобда қўй юнгини титаётган кампирларга, саксон йил яшаб зериккан чолларга кўзи тушди. Кўйлар маъраб, сигирлар мўнгради. Бир ҳовлидан қора ит вовиллаганча чопиб чиқди-ю, Раҳимнинг кўзига қарагач, изига қайтди. Оқ кўйлак, қора костюм-шим, бошида дўппи — озғин нотаниш йигитга қишлоқ аҳли ажабсиниб қарарди. Эҳтимол, юз йил аввал элакка кетиб, авлиё бўлиб қайтган йигитга ҳам шундай анграйишгандир?

Сурайё йўл қараб турган экан. Раҳим собиқ совхоз омборхонаси ҳудудига қадам қўйиб, Сурайёга эмас, йўқолган қизалоқнинг ўтмишдан эшитилаётган бегубор ва юракни ажиб илоҳий сармастликка тўлдирувчи кулгиларига кулоқ тутди. Бу ерда бегуноҳ ва пок қизалоқ яшаган эди. Янги иморатлар қурилгач, ота-онаси биринчилардан бўлиб кўчиб келганди ва ҳаммаёқда — салқин куз ҳавосида ҳам, омборхона чолдеворларида ҳам, эски тут ковакларида ҳам бечора Маржонанинг кулгиси сақланиб қолганди. Раҳим жиноятни энг бахтиёр кунлардан бошлаб тадқиқ этмоқчи эди. Жиноят — қора кун. Ҳар қандай қора кундан аввал эса ёруғ дамлар бўлган.

— Меҳмон, бир пиёла чой ичиб олинг, — ичкарига таклиф этди дурадгор.

— Йўқ, — деди Раҳим, — менга қизчангизнинг кўғирчоғини беринг.

Сурайё уйдан мовий кўзли каттакон кўғирчоқни топиб чиқди.

Раҳим уни супага ётқизгач, устига чойшаб ёпди. Оҳиста силаб, атрофни кузатди. Ўша кунги воқеа қандай содир бўлгани кўз ўнгида жонланиши керак эди. Ота-онанинг бағрини хун қилиб, ёлғиз жигарбандини ўғирлаган ёвуз ниятли ким ўзи? Онасида айб йўқ, отаси ҳам мунгга ботган. Ўғри шу атрофда. У гувоҳлар орасида кезиб юргани учун ҳам изини топиб бўлмаган.

Раҳим атрофдагиларга син солгач, кўзларини юмиб, калаванинг учини ахтарди. Ўғри осмондан учиб келмаган, унинг оёқлари бор. Ўғри моҳир ҳам эмас, тасодиф ёрдам берган.

– Қаерда кир юваётгандингиз? – сўради Сурайёдан.

– Манави ерда, – тандирхона оғзига борди жувон.

– Уйда ҳам, ташқарида ҳам сиз ва қизингиздан бошқа ҳеч ким йўқмиди?

– Йўғийди.

Раҳим кўзларини яна юмди. Кўнгил дунёсига тушиб, минг бир тахмин, минг бир эҳтимолдан ўзи умидли санаётганларини танлади. Ўй-хаёлга фикрлардан ясалган белгилар йўл кўрсатарди. Раҳим нафақат кўнгил кишиси, балки биринчи синфиданоқ китобга ошна бўлган закий ҳам эди.

– Вой, тополармикан? – шивирлади хотинлардан бири.

– Кўғирчоққа қараб фол очармикан-а? – деди иккинчиси.

Одам кўпайди, Раҳим ўйларди. Ўйларига сезгилар қанот эди. Куппа-кундуз. Онаси қизчага терс ўтирилиб кир юваётганди. Ҳеч қандай гувоҳ, ҳеч қандай из қолмаган. Манаман деган терговчилар ярим йил шуғулланишди, иш чиқмади. Ота-онасининг ҳам ахтармаган жойлари қолмади. Энди Раҳим турибди ўша ерда. Наҳотки, кўзларига ўғриларнинг шарпалари кўринмаса? У мўъжизалар содир этадиган авлиёга айланган эди-ку. Ёки ҳаммаси бир тийинга қиммат алаҳсирашларми?

Аллақаерда соат миллари чиқиллади. Бир неча дақиқадан сўнг Раҳим қаддини кўтарди. У ортга тисарила-тисарила уй деворига суянди. Енгил шамол турди. Кўғирчоқнинг сочлари ҳилпиради. Раҳим унинг шиша кўзларига тикилди. Воқеа қандай юз берганини хаёлотда тиклаш айтишгагина осон эди.

– Қизчангиз яшаяпти, – деди Раҳим. – Уни ўзларига фарзанд қилиб олишган.

Сурайё илтижоли боқди:

— Ким?

— У бегона жойга кўчиб борган эр-хотинларнинг кўлида, — деди Раҳим. — Исм-фамилиялари ва манзили аниқ эмас.

— Тахминан қаерда?

— Яқин жойда эмас. Эр-хотин янги кўни-қўшниларга қизингизни ўз фарзандлари деб таништирган.

— Топишнинг иложи борми? — дурадгор Раҳимнинг ёнига келди.

— Ўғрининг изидан бораман...

— Излар йўқолиб кетган-ку?

— Тупроқдаги изларгина йўқолган.

— Ростини айтсам... маълумотларни қаёқдан билаяпсиз? Сизга ишонишим учун далил айтоласизми?

— Қизчангиз ўғирланганини янги "ота-онаси"нинг кўни-қўшилари хаёлларига ҳам келтиришмаяпти, — деди Раҳим. — Эски танишларга қизчани асраб олишганини айтишган. Хужжатларига келсак, ё ҳозирча хужжатсиз, ё сохта муҳрлардан фойдаланишган.

— Бунга ўхшаш гапни терговчи ҳам айтганди, — деди дурадгор.

— ...

— Кўзингизга шарпалар кўринишини хўжайнимга тушунтиринг, — Сурайё умидвор тикилди. — Сиз балнисада ётганингизда ҳам ҳаводаги шарпаларни кўргансиз-ку, тўғрими?

— Менга нима кўринса, бари ўзимники, — жавоб берди Раҳим. — Яъни миямда бор маълумотлар гуллайди, шох чиқаради, ҳар томонга илдиз отади. — У шундай дея ўнг томонга қаради. — Масалан, сув тўлдирилган қизил бочка ҳув анави ерда кўринаяпти. Қизингиз йўқолган куни ўша ерда икки филдиракли темир бочка бормиди?

— Борийди, — дурадгорга жон кирди. — Қўшнининг уйида ишлаётган усталар учун трактор тортиб келганди.

Раҳим қўшнининг томорқасига ўтди. Жиноят содир этилган кунда деворлар қаергача қурилганини, ҳандақларни, симли тўсиқларни — барчасини эринмай сўраб, гўёки кўринмас лабиринт оралаб кетаётгандек юрди.

— Нурқул аканинг ити боғланган жой анави ерми?

— Ҳа, — тасдиқлади Сурайё.

Раҳим кўча ёқасидаги тутларгача борди. Бу жойда бир вақтлар омбор девори қад кўтарганди. Девор ортида ариқ ва кўча. Раҳим пойдевор қолдиқларига, ариққа, кўчага кўз югуртиргач, изига қайтиб, дурадгорнинг уйи орқасига, Сурайё сигарета қолдиғини учратган жойга ҳам борди. Кўҳна маҳалладан сув бочкасига элтувчи ёлғизоёқ йўл сақланиб қолганди. Раҳим сўқмоқдан бир оз юрган эди, ногаҳон рўпарадан келаётган нотаниш хотиннинг шарпасига кўзи тушди. Хотиннинг билакларида бўш челақлар бор эди. Юзи, либослари аниқ-тиниқ эмасди.

— Ниҳоят, ўғри хотинни кўраяпман, — пичирлади Раҳим.

Атрофдагилар олдинга қарадилар: ҳеч зоғ йўқ эди. Раҳим олти ой аввалги воқеани кўра бошлаганини ҳамма тушунди. Ўғри сал аввалроқ Маржона уй олдида ўйнаб ўтирганини кўрганди чоғи, челақларини уй ёнига қўйиб, ҳовлига мўралади. Раҳим ҳам унинг изидан эргашди. Қизча супада ухлаб ётарди. У Раҳим илк марта тасаввур қилгандагидек эмас, Сурайё берган фотосуратдагидек эди.

Кир тоғоранинг дангирлаши эшитилди. Раҳим тоғорага мук тушиб, берилиб кир юваётган Сурайёни таниди. Шунда ўғри супа ёнига пусиб келди-да, чўккалади ва қизчанинг бошини силади. Раҳим ўғрининг ички дунёсига киришга-да уринди: "Сурайё ортига ўгирилиб, мени кўриб қолса, "Бунча ишга берилдингиз-ей, келганимни ҳам пайқамадингиз-а?" дейман".

Кутилмаганда бир нарсани ўйлаб қолди. Маржонанинг ўрнига кўғирчоқни ётқизди. Қизча гингшиди. "Ухла, асалим, ухла", — елкасига оҳиста уриб-уриб қўйди ўғри. Сўнгра уй ёнига шошилди. "Кўрса ҳазил, кўрмаса чин", деди ўзича. Ва яна бир бор ҳовлига мўралади. Сурайё ҳамон кир юварди. Теварак-атрофда ҳеч ким кузатиб турмаганига ҳам ишонч ҳосил қилди.

Ўғрини осиена дард қийнарди. Олисларда бир қариндоши фарзанд асраб олувчилар учун икки-уч ёшлардаги бола кераклигини айтиб, ёрдам сўраган эди. Мукофот пули ҳам кўплигини уқтирганди. Агар бола топилса, қариндоши уни катта пул эвазига сотмоқчи эди. Ўғрининг қариндошларидан бири бола асраб олувчи бўлганида, милициянинг рўйхатига аллақачон

тушарди. Ахир, милиция қорасувликларнинг қайси қариндоши фарзанд асраганидан тортиб, қайси бирига донор керак бўлганигача биттама-битта текширган эди. Йўқолган қизалоқ топилмаган экан, у бутунлай бошқа кемада номаълум манзилларга сузиб кетгани айтиш ҳақиқат.

Бола сўраб келгувчи кимса эркак киши эди. Сигаретани ғажиб, тишлаб чекарди. Чала қолган гапларини айтишга сабри чидамай аёлнинг изидан собиқ совхоз омборхонаси томон келаётганди.

"Сенга керак нарса қўлимда, — деди унга ўғри. — Ҳозир анави уй томондаги тутлар орасига ётқизиб қўяман. Сен машинангда келасан. Ойналарингни, албатта, ёп! Йиғласа, кўчадагилар эшитмаслиги керак!.."

Кимса машинаси сари шошилди. Ўғри хотин учинчи марта ҳовлига мўралаб, Сурайё гафлатда эканини кўргач, Нурқул аканинг уйи орқасидан, собиқ совхоз омбори деворидан қолган пойдевор ёқалаб, кўча томондаги тутларгача келди. Ит ҳуриб, қизча гингшиди.

"Ёт жойингда! Ҳе ўл-э!.." — қарғади аёл итни.

Сўнгра қизчани силаб-сийпалаб, тут тагидаги ўтлар устига ётқизди. Бироқ қизча ётолмай уйғонмоқчидек тўлғонди. Ўғри атрофга аланглаб, Нурқул ака эшагига жабдуқ ўрнида фойдаланадиган эски фуфайкани олиб келди-да, қизчанинг тагига тўшади. Шу ерда биқиниб кута бошладди. Ит яна ҳурди. Итни ҳам, машинаси билан кечикаётган қариндошини ҳам қарғади. Кўчада эркаклар куймаланишар, болалар велосипед гилдирагини ўйнаб юришар эди. Сурайёнинг ён қўшнисиникида усталар ишлашаяпти. Қолаверса, Нурқул аканинг уйидан ҳам кимдир чиқиб қолиши мумкин. Кўриб қолишса ёки Сурайё супада қўғирчоқ ётганини пайқаса, оқибат энди даҳшатли эди.

Ниҳоят, машина келди. Ҳайдовчи худди гилдиракларни текшираётгандек машинасини бир қур айланди. Одамлар унга қаради-ю яна ўзлари билан андармон бўлишди.

"Мен кетдим! Болани опкет тезроқ!" — деди ўғри.

Ҳайдовчи тут орасига чаққон кирди-да, қизалоқни кўтариб чиқди ва орқа ўриндиққа ётқизди. Машина шошилаётганида ўғри

хотин ҳам челақлари сари илдамлади. Қараса, Сурайё ҳали ҳам кир ювиб ўтирибди. Боласидан айрилганидан беҳабар она ортига қараб кўйди. Кўғирчоқни қизи деб ўйлади, индамади. Ўғри уй ёнига етган ҳам эдики, кўшни уйда ишлаётган усталар уни кўриб қолишди. Хотин бирдан йўлини буриб, бочкага яқинлашди.

"Свет ҳам, сув ҳам ўчди, — деди у, — бочкадан сув олсам бўладими?"

Усталар сув йўқлигини айтишди. Аёл дарҳол изига қайтиб, челақларини кўтарди-да, уйига жўнади. Уйда қариндоши кутар, ичкаридан Маржонанинг йиғиси эшитилар эди.

"Ҳаммаёқда изимиз қолди, — деди ўғри хотин. — Ҳозир мен кўшни келин билан бирга атайлаб, яна сувга бораман..."

"Ғишт қолипдан кўчди, — деди шерик. — Нима қилиб бўлса ҳам, изни йўқотайлик!"

"Усталарга "Боя алдабсизлар, бочкада сув бор экан-ку", дейман. Сен ҳам нариги кўчага қайтиб кирасан. Бўрдоқига боқиш учун яхши тана излаб юргандинг. Нурқул аканинг рўпарасидаги ҳовлидан тана сўрайсан. Сотаман, деса, оласан, сотмаса катта кўча! Муҳими, каллангни ишлат, ўзингга пишиқ бўл! Эртага мелисалар гумондорлар рўйхатига иккимизни ҳам, шу атрофда юрганларнинг яна бир қанчасини ҳам қўшади. Қамаб кўйиши, дўқ уриши мумкин. Далил йўқми, сен ҳақсан. Тилингдан илинма!"

Шу тариқа бир доғули хотиннинг ҳийласи ила Маржона ўғирлаб кетилган эди. Раҳим кўз олдида жонланган ярим йил бурунги воқеани сўзларкан, икки кўзи собиқ совхоз омборхонаси ёнидаги маҳалланинг кўк дарвозали уйида эди. Моғор босган шиферларнинг тарнови занглаб-битганди. Томдаги майна жаҳл билан сайраб, кимнидир қарғайди.

— Тошкентда айтган фикрим ўзгармади, — деди Раҳим Сурайёга. — Ўғрининг уйи ўша куни кир юваётганингизда ўтирган жойингизнинг чап томонидаги маҳаллада. Яъни биз ўғрининг уйига жуда яқин турибмиз.

— Қайси уй? — шамол каби учишга тайёр эди она.

Раҳим дарҳол жавоб бермади. Ҳукм чиқариш осон эмасди. Ҳар қандай изқуварнинг ҳам душмани хато. Раҳим кўзларини

юмиб, кўрсаткич бармоғини ҳавога нуқиб, қулт этиб ютинди. У ҳикматли сўз айтишга чоғланаётган кекса донишманлардек асло шошилмасди.

— Қайсилигини билсангиз, айтинг, — дурадгор Раҳимнинг ёнига келди. — Ўғри ўзимизнинг қишлоқдан чиққани рост экан-да?

— Сиз... сиз Гулдона янганинг... Гулдона эскифурушнинг уйини кўрсатмоқчимисиз? — Сурайё ҳам Раҳимга яқинлашди. — Нега Гулдона янганинг уйига қарадингиз?

Ҳақиқатан, Раҳим бўёғи кўчган эски дарвозага тикилди. Деди:

— Шу уй. Аммо овозингизни бир парда ҳам кўтарманг. Бирибир қизингизни бу ердан тополмаймиз.

— Қаердан топамиз? Айтинг! — зорланди Сурайё.

— Далил борми? — дурадгор ўзини зўрға жиловлади. — Бошиданоқ бешта ашаддий гумондорнинг рўйхатига бу опа ҳам кирганди. Далил бўлганда эди, қизимни топиб бермаса, сўйиб ташлардим! Нима ёмонлик қилибманки, менинг боламини... Йўқ, бунга чидаш қийин! Раҳим, илтимос, иложи бўлса, тезлаштиринг. Нима қилайлик?!

— Жанжал билан ҳеч нарсага эришолмайсиз, — деди Раҳим.

— Айтганимга кирмасангиз, саъй-ҳаракатларимни йўққа чиқарасиз.

— Дадаси билан ўзим гаплашаман, сиз ишингизда давом этаверинг. — Сурайё эрининг билагидан маҳкам тутди. — Халақит бермайлик, дадаси, бу киши топади.

Гулдона эскифуруш собиқ совхоз омборхонаси ҳудудига авлиёсифат йигит келиб, изтопарлик қилаётганини бир зумда эшитган эди. Ўтган ойлар мобайнида кимлар келиб-кетмади: участка нозири, жиноят қидирув бўлими йигитлари, прокуратура ходимлари, ҳатто фолбинлар ҳам. Бугун эса озгин касалманд йигит ҳамманинг олдида ер исқаб юрибди. "Дуч келган чўпдан ҳам нажот кутиб, дардини дoston қилаверар экан-да, — ўйлади эскифуруш. — У исковучми, фолбинми, товламачими? Нима каромат кўрсатадики, ишонишмоқда?"

Энсаси қотган хотин қараса, йигит одамларни тўғри уйига бошлаб келаяпти. "Вой, аблаҳ!"

– Тинчликми, Сурайё, нима қилиб юрибсизлар? – пешвоз чиқди у.

– Тинчлик, – кўрс жавоб берди Сурайё.

– Ҳозир биласиз нима эканини, – жеркиб ташлади дурадгор. Раҳим қўшни эшикка бурилди. Бир жувон тирқишдан мўралаётган эди, одам яқинлашаётганини кўриб, эшикни очиб, салом берди.

– Айтолмайсизми, – Раҳим унинг кўзларига қаради, – Маржона йўқолган куни сиз совхоз омборхонаси ҳудудида турган бочкага ким билан боргансиз?

– Менми? – довдиради жувон.

– Қизча ўғирланган куни бўш челақларни кўтариб, сув ахтариб боргансиз, тўғрими? Лекин уйингизда ортиқча сув бўлган. – Раҳим уйнинг ёнидаги қўшимча бинони кўрсатди. – Сув сизларда анави ерда, яъни ошхонанинг биринчи хонасида сақланади. Сурайёнинг уйи орқасида сизнинг ҳам изларингиз топилган. Бунинг устига, гувоҳлар Гулдона опа билан бирга юрганингизни ҳам кўрганлар.

– Ҳа, Гулдона янга билан... боргандим... – ёқасини гижимлади жувон. – Нега сўраяпсиз? Кимсиз? Айбларинг йўқ дейишувди-ку?

– Ўзи ким экан бу оқ сочли авлиё? – Эскифурушнинг қоши чимирилди. – Тергов қилишга ҳуқуқи бормикан, Сурайё? Нега "Тинчликми?" десам, бўзраясан? Сенинг қизинг йўқолган бўлса, биз ҳам ҳаловатдан айрилдик, айланай. Уйинг атрофидан ўтган битта биз эмасдик. Ўттизта одамнинг изи бор, ўттизта! Баҳорда-ку тухматдан қамалиб кетишимизга оз қолди. Ёз бўйи ҳам ҳали милициядан келади, ҳали прокуратурага чақирув қоғози! Бу нима аҳвол? Ўғирлаган йигит ушланибди, сули бўларкан, яна нима керак сизларга?

– Уларга фарзанди керак, – деди Раҳим. Кейин яна жувонга ўгирилди. – Сувга бориш фикри кимдан чиқди?

– Гулдона янга чақирди.

– Нима бўпти шунга? – ёқасига туфлади эскифуруш. – Вой тавба... тавба! Мақсадларинг нима? Бир тентакни олиб келиб, бўҳтон қилишми?

Ғала-ғовур кўтарилди. Раҳим бир нуқтага тикилиб қолди. Сурайё одамларга тинчланишни илтимос қилди. Раҳимга халақит

бермасликка, шовқин-сурон кўтармасликка, бекорчихўжа томошатабларни тўпламасликка келишилганди. Раҳим, айниқса, бағри куюк Сурайёдан илҳомланаётганга ўхшарди.

Гулдона эскифуруш:

— Ҳозироқ мелисага айтиб, ҳақ-ҳуқуқимни талаб қиламан! — деб бақирди. — Шусиз ҳам бўларим бўлган! Қани, қаерда далил бор экан мендан гумонсираш учун?

Шу пайт Раҳимнинг қулоқлари остида Маржонанинг билакчасидан узилиб тушган кўзмунчоқ доналари иккинчи марта жаранглади. Нотаниш амакининг машинасида кўзини очган қизалоқ чинқириб йиғлади ўшанда. Билакчасидаги кўзмунчоқ доначалари машинага тўкилди. Ўзлари узилиб тушдими, қизалоқнинг жажжи бармоқчаларининг иши эдими, ҳеч кимга ноаён. Орасидан биттаси ўриндиқнинг четига думалаб, эшик очилган заҳоти ташқарига отилиб чиқмоқчидек шайланди. Бу кўзмунчоқнинг ярми оқ, ярими қора эди. Одамзод ёмонлик қилаётганини билди. Одамзодни ёмонликдан сақлай, деб қарс иккига ёрилди балки. Машина тўхтаб, эшикни очишган он оппоқ бўлак чиндан-да ўзини ташқарига отди. Филдирақлар изидан ҳосил бўлган чуқурчада икки соатча ётди.

"Уйнинг олдини супуриб ташла, гаранг! — буюрди Гулдона қизига. — Боя тоғанг мол оламан деб келганди, машинаси ҳаммаёқни из қилиб ташлади".

Эскифурушнинг хавотири милициядан эди. Жияни ҳар гал уловини ҳовлига ичкарилатмасди, дарвозани ҳам ўзи ёпмасди. Жиноятчилар гувоҳлардан кўрқишарди-да. Гувоҳлар меҳмон йигитнинг шубҳали хатти-ҳаракатларини айтишса борми, барчаси фожиали яқун топади.

"Маржона йўқолиб қолибди, — деди қизи супураётиб. — Мелисалар излаб юрибди, ая".

"Қайси Маржона?" — талмовсиради эскифуруш.

"Анави ерга кўчиб келган янги оила бор-у, ўшаларнинг қизчаси".

"Кўп бидиллама! Супур тезроқ!"

Супурги синиқ доначани думалата-думалата ариққа туширди. Донача шу ерда икки кун илтижо қилиб ётди. Милиция ходимлари ҳовлига келдилар, лекин экспертларни

чақиришмади. Кўзмунчоқда тил йўқ эди. У: "Мен бу ёқламан! Маржонанинг билагига кўзмунчоқнинг бириман! Қизчани машинада анави опанинг жияни олиб кетди! Уйига эмас, бир одамнинг кулбасига!.." демоқчи эди. Таассуфки, унинг нидосини эшитадиган одам милиция ходимлари орасида йўқ эди.

— Жиянингизнинг манзилени айтинг, — деди Раҳим Гулдона эскифурушга.

— Нима?! Бу билан мени ўғрининг шеригига чиқармоқчимисан?

— Айтинг! — тармашди Сурайё. — Айтмасангиз, сизни шерик демай, ким дейман?

— Вой ўлмасам, шу болага ишониб жинни бўп қолибсан-ку! Ўғри эканимни исботлаб берасан! Бўлмаса, тухмат қилганларинг учун мендан яхшилик кутмайсан, биттанг ҳам!

Раҳим ҳовли девори ёқалаб юрди. Ҳеч бир жиноят изсиз қолмаслигини биларди. Жиноий режалар мияларда туғилиб, ташқарига чиқмасдан бурун унинг аломатлари, ҳеч қурмаса, кўзларда пайдо бўларди. Содир этилган жиноятдан эса сон-саноксиз далиллар сочилиб тушади. Наҳотки, Раҳим уларни кўра олмаса?

— Кўзмунчоғини топсам, бас, дегандингиз, Раҳимжон, — умидвор тикилди Сурайё.

Шу тобда Раҳимнинг қулоғига неча ойдирки кўча ёқасидаги ариқда ётган кўзмунчоқ синиғидан садо келди. Гулдона эскифурушнинг ҳовлисидаги оқава сувда оқиб-улоқиб келиб, тошлар орасида ярим йилдан бери ётарди. Раҳим девор ёқалаб юргач, кўзмунчоқнинг қошида тўхтади. Оҳиста чўк тушиб, қўлига олди-да, пуфлаб тозалагач, офтобга тутди.

— Фарзандингизнинг қўлидаги кўзмунчоқдан узилиб тушган, — дея Раҳим узатган эди. Сурайё қичқириб юборди. Тентакларча севинаётган жувон Гулдона эскифурушнинг таъбини баттар тирриқ қилди.

— Ҳой овсар, — деди чидаёлмай, — шу ёлғончига ишонаяпсанми? Бунақа тошлар қаерларда ётмайди! Бошларинг айланиб қолибди ҳаммангнинг! Фокус кўрсатаяпти-ку бу баччағар! "Фарзандингизнинг қўлидаги кўзмунчоқдан узилиб тушган" эмиш!

— Сизга ачинаман, — деди Раҳим.

— Ачинмай ўл, эшак! — тўполон кўтарди эскифуруш. — Оқарган сочингни битталаб юлиб, қўлингга тутқазаман, ярамас!

Шундан сўнг Раҳим ва тўрт киши бақироқ хотинни ортда қолдириб, эскифурушнинг жияниникига машинада жўнашди. Бу йўллардан ўғрининг улови ярим йил муқаддам ўтган бўлса-да, Раҳимнинг кўз олдида — атмосферада сақланиб қолганди, гўё. Қизалоқ овози эшитилгандек туюлар, кўзларидан оққан ёшлар ҳавода ёмғир томчиси каби учиб, ота-онаси ўтирган машина ойнасига урилгандек бўларди. Сурайё тинимсиз пичирлаб дуо ўқир, эри эса ҳаммаси Раҳимнинг найранги бўлиб чиқишидан кўрқиб, миқ этишни ҳам истамай, бармоқларини синдиргудек қисимларди.

— Одамни ҳам эмас, умидсизлик ўлдиради, — деди Раҳим унга. — Тушкунлик ёрдам бермайди, ака.

Дурадгор ғалати қараб қўйди, аммо индамади. Эскифурушнинг жияниникига етиб келишди. Ширакайф ҳолда сигаретани тутатган жиян — озгин, қирра бурун, қуралай кўз йигит — келгувчиларнинг мақсадини эшитиб:

— Йўқол бу ердан! — деб бақирди ранг-туси қорайиб. — Мияси айниган савдойилар! Милициядан қутулиб, сизларга тутилдимми, ярамас тухматкаш бекорчилар!

Сурайё қизчаси қандай ўғирланганини Раҳимнинг ҳикояси бўйича сўзлаган сайин йигитнинг жини кўзиди. Раҳим қирра буруннинг уйига, машинасига, эғнидаги либосларига сер солди. Ичган коньяги ҳам қайси пулга, қаердан келганини фаҳмлаш қийин эмасди. Ҳовли бурчида ётган арзон ароқларнинг бўш шишалари у бир неча ой аввал ҳам нафсини тиёлмайдиган кимса бўлганидан далолат берарди. Воқеаларнинг давоми жонланди:

"Хотиним сендан миннатдор, жўра", — деди нотаниш кимса ўғирликдан сал ўтиб жиянга. — Қизчанинг ота-онаси ёшми ўзи?"

"Ҳа, ёш. Эри дурадгор, хотини уй бекаси. Келгуси йил бола туғиб олаверади, бу муаммо эмас".

"Худо кечирсин бизни..."

"Энди нима қиласизлар? Кўчиб кетаяпсизларми?"

"Кўчиб бўлдик. Хотиним қизчани дарров кўндириб, ҳақиқий онаси бўлди-қолди. Ўзидан бир қадам ҳам узоқлаштирмапти. Агар қўлга тушсак, хотиним ё ўзини ўлдиради, ё мени. У қизчадан айрилиб, яна ёлғиз қолишга чидаёлмайди".

"Исмини ўзгартирдиларингми, йўқми?"

"Ўзгартирдик. Унинг исми..."

Азамат ҚОРЖОВОВ

Раҳим Маржонанинг янги исми нима эканини билолмади.

— У қаерда? — сўради Раҳим кўзини очиб. — Трагедия тугади. Янги исмини айтсангиз ҳам яхши бўларди.

Уй соҳиби Раҳимнинг ёқасидан бўлган эди, эркаклар ажратиб қолишди.

— Қайси район? — кўз узмади Раҳим.

— Қайси районлигини сенга кўрсатиб кўяман! — ўшқирди қиррабурун муштини дўлайтириб.

Раҳим унинг қизарган қуралай кўзлари қайси томонга аланглаганидан фаҳмлади.

— Биладан, — деди Раҳим, — унинг қаердалигини биладан.

— Аниқ бўлдими? — ялт этиб қаради Сурайё.

— Аниқ бўлди, — жавоб берди Раҳим мамнуният ила.

Улар машинага чиққанларида, Гулдона эскифурушнинг жияни орқаларидан сўкди:

— Томи кетганлар! Ўзларингни мулла-пуллага ўқитиб юборинглар!

Машина бир неча қишлоқдан ўтиб, катта йўлга чиқди. Кунботарга шитоб-ла кета бошлашди. Ҳадемай кеч тушади. Асаблари таранг тортилган дурадгор:

— Раҳим, — деди, — қизимнинг қаерда эканини қандай билдингиз? Яна кўзингизга кўриндимми?

— Кўзингизни юмиб, бирор нарсани тасаввур қилинг, — унга хайрихоҳлик-ла тикилди Раҳим.

— Йўқ! Бу кўнглимга сиғмайди!

— Демак, мени тушунмайсиз.

— Тушунаман-е!.. — кўл силтади дурадгор.

— Сиз бир кишини жуда яхши биласиз. Масалан, у сизни ёмонлаяпти. Юз-кўзи қандай ўзгаришини кўз олдингизга келтира оласизми?

— Майли, майли, — янада асабийлашди дурадгор. — Ҳозир қизимнинг олдига бораяпмизми ишқилиб?

— Ўйлайманки, шундай. Сизнинг вазифангиз — қизингизни аёлдан ҳимоя қилиш!

— Қанақасига? — уф тортди дурадгор. — Илтимос, мени қийнамай тушунтириброқ айта қолинг!

— Кулоқ солинг, биз кириб борганимизда, аёл жон ҳолатда Маржонага ташланади. У қизчани сизга бериб қўймаслик учун ҳар нарсага тайёр. Эркаклар йўлини тўсишга, Сурайё эса Маржонани кўтариб кўчага қочиб чиқишга улгуриши керак. Мен ҳам қўлимдан келгунча ёрдамлашаман. Хоҳласаларингиз, милицияни чақирамиз.

— Олдин қизимни топайлик, — деди Сурайё. — Битта аёл бўлса, нима бўпти у, кучимиз етади. Мелисага айтиб ўтирмайлик. Айтсақ, Раҳимни четлаштириб, тилхат ёздириб, уйига жўнатиб юборади. Яна бир касофат чиқиб, қизимни тополмай қолмайлик.

— Тўғри, — хўмрайди эри, — битта хотинга учта эркакнинг кучи етмайдими! Манзилга бориб, бирор нарса баҳонасида ичкарига кирамиз. Қизим у ерда бўлса, мен аёлни ушлайман, қайноға эрини қайтаради. Қизимни Сурайё кўтариб ташқарига чиқади. Мелисани чақирамиз, у ёғи билан ўзлари шуғулланади.

— Раҳмат, дадаси, — эрининг жонланганидан суюнди Сурайё.

— Хўп, — деди Раҳим. — Манзилдан адашмасак, ичкарида қизингиз борми, йўқми текшириш шартмас, ўзим кўрсатаман.

— Қизимни қайси йўлдан олиб кетишгани ҳозир ҳам кўзингизга шарпа бўлиб кўринаяптими? — дурадгор ҳамон шубҳа исканжасидан қутулолмаётганди.

— Аслида кўзга кўринмас стрелка ҳам, илоҳий шарпалар ҳам менга йўл кўрсатмайди. бу — хаёл кучи. Мулоҳазадан куч оладиган бир ўзгача хаёл. Милиция болангизни топиши мумкин эди. Мен "Нега ҳеч ким тополмади?" деган саволни қўйдим. Сиз ҳам менсиз топишингиз ҳеч қачон амалга ошмайдиган иш эмасди. ака.

— Куруқ хаёл суриш билан ҳеч нарса қилолмадик. Бир оддий дурадгор бўлсам. Ёғочдан эшик-дераза ясайман, пол қоқаман...

— Нимадир қилаяпти, натижа бераяпти, ҳадеб чалғитаверманг бу кишини, — эрини койиди Сурайё.

Жимлик чўкди.

— Ўғрининг кўзига тикилдим, кўзи орқали ички дунёсига тушдим, — Раҳимни маҳзун кайфият чулғаб олди. — Уст-бошини, уй-жойини кузатдим. Эътиборимдан ҳеч нарсани четда қолдирмадим, бир юз элик-бир юз олтмиш кун аввал чоп

этилган район газетасининг пойдеворга илиниб қолган парчасини ҳам кўрдим. Кўнгилнинг кўзлари очилса, девор билан ҳам суҳбатлашса бўлади. Ўша газетага пул ўралган эди. Газета парчаси ўғрининг ҳовлисига бошқа райондан тасодифан келиб қолмаган. Бундан ташқари, одамнинг қўли қачон катта пул кўрганини ўзидан сўрамасдан ҳам билишнинг иложи бор. Қаршингиздаги шахс порахўрми, ўғрими, зинокорми, хуллас, кимлигини оддий одамлар ҳам кўпинча бир қарашдан сезади. Қандай қилиб? Чунки инсонда сезги яшайди, мия ишлайди, кўнгил тухфа этилган унга.

— Касаллик ҳам сизни бир бошқача қилиб қўйди-да, Раҳимжон, — маъқуллади Сурайё. — Ишқилиб, халққа яхшилигингиз тегаётганининг ҳузурини кўринг-да.

Машина бир қишлоққа кириб келди. Марказда дўконлар, клуб биноси, қишлоқ врачлик пункти, почтаҳона қад ростлаганди. Одам сийрак гўшт растаси ёнидан ўтишгач, Раҳим ўнгдаги кўчага бурилишни буюрди.

— Қишлоқ аҳолиси саккиз мингдан ортиқ экан, — чамалади Раҳим. — Шу кўчадан ахтарамиз. Саккиз минг биринчиси сизларнинг қизчангиз бўлиб чиқишидан умидворман.

Кўча охирига юришаркан, Сурайёнинг юраги гуп-гуп ура бошлади.

— Сезаяпсизми? — бошини бурди Раҳим.

— Сезаяпман, — кўксига қўл босиб ўтирарди Сурайё.

— Ўлай агар, мен кўрқаяпман, — дурадгор ҳадикли овозда сўзлади. — Шунга ҳаракат зое чиқмасин, ишқилиб...

— Шу йил кўчиб келган, битта қизчаси бор оилаларни суриштириш керак. — гап қўшди қайноғаси. — Тўғрими, Раҳим?

— Жим! — тўсатдан Раҳим кўзларини юмиб, бошини эгди. — Қизингиз ҳам бизни сезди, йўлга... эшикка қараяпти... Эшик анча эскирган, оддий дарча...

Раҳим ер остида қимирлаётган илоннинг нафас олишини-да эшитаётган жодугардек кўринди ҳаммага. Машина тормозланиб, сукунат чўкди. Дунё ҳам Раҳимдан ҳайратланиб, бир он ҳаракатдан тўхтади.

Жимжитлик. Тилсиз сукунат...

Шу пайт кўча бўйидаги ёнғокдан узилган сарғиш япроқ ҳавода чирпирак айланганча машинанинг ёнгинасига учиб тушаётганида, Раҳим кўл узатиб, енгил тутди. Ҳидлади.

— Кетдик, — деди қизил дарчали ҳовлидан кўз узмай машинадан тушаркан.

Сурайё, унинг эри, тоғаси, ҳайдовчи йигит — Раҳимга эргашдилар.

— Ўзинг қўлла, — илтижо қилди Раҳим. — Маржонанинг изидан келаяпман... — Қизғиш эшикка етмасдан тўхтаб, сал наридаги чиқинди қутисидаги пайпоқчага кўз ташлади. — Пайпоқча ҳам тасдиқлаяпти. Ўзи туққан болага кийдирилмаган у.

— Мен биринчи кирай, — ёш онанинг ранги қув ўчганди. — Кўнглим сезаяпти, Маржона шу уйда, Раҳимжон!

— Унга яқинда қўғирчоқ совға қилишган, — картон қоғозга ишора қилди Раҳим.

Дарчадан ҳовлига мўралади. Қизил жемпер кийган уч-тўрт ёшлардаги қизалоқ супада каттакон қўғирчоқ ўйнаб ўтирарди. Ё касаллиги, ё ичиккани кўринишидан маълум эди. Раҳим ҳаммом эшиги остонасида кир юваётган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги аёлга кўз ташлади. У асранди қизчасини қизганиб, ҳақиқатан бир тентаклик қилиб кўядиган жазавадор хотин эди.

— Ҳовлидаги қизчани танияпсизми?

Сурайё Раҳимни четга суриб, тирқишдан қаради. Қаради-ю "Маржона-а-а!.." деб қичқириб, дарчага ўзини урди. Омонат занжир узилиб, эшикча қарсиллаб очилди. Даставвал кир юваётган аёл нима бўлганини тушунолмади анграйди. Сониялар ичра тушунди: барчаси якунига етмоқда! Бугун боласидан айрилади!

— Йўқ, бермайман... — сакраб турди аёл.

— Маржона! Қизим! — чопиб борарди Сурайё.

— Яқинлашсанг ўлдираман! — уй бекаси ёввойи овозда фиғон кўтариб, Сурайёнинг йўлидан қийиб чиқди. Икки аламзада аёл бир-бирининг сочига баб-баравар чанг солдилар. Маржона кўрққанидан чинқириб йиғлади. Шу заҳоти дурадгор ҳам етиб келиб, қизалоғини даст кўтарганча қайноғасига узатиб, бақирди:

— Маржонани опкетинг! Мелиса чақиринг!

— Сурайёни ажрат! — хитоб қилди тоғаси Маржонани оларкан.

Дурадгор уй бекасига важоҳат-ла ташланган чоғ, Раҳим ўртага тушди.

— Мен топдимми, бу ёғига ҳам айтганимни қилинг, ака! — дурадгорнинг елкасидан тортди у. — Тегинманг бу аёлга! Қизингиз соппа-соғ! Аҳмоқчилик қилиб кўйманг!

Ичкаридан аёлнинг эри отилиб чиқди. Бироқ ҳаммасини тушуниб, бирдан ҳилвираганча бўшашиб, хотинини қутқариш ташвишига тушди.

— Бўлди деяпман, бўлди! — ҳайқирарди у.

Ёввойи мушукдек олишаётган икки аёлни ажратишди. Дурадгор Сурайёни судраб, дарчага шошилди. Маржонани асраб олган шўрлик аёл ерпарчин бўлиб ўтираркан, Раҳимга қонли кўзларини тикди. Раҳим ҳам ундан бир муддат кўз узолмай қолди. Шунчалар ғамбода, шунчалар абгор эдики, Раҳим айна дамда унга ёрдам қўлини чўзолмаслигидан ўкинди.

— Кимсан? — ҳирқироқ овозда сўради сочлари тўзғин, кўзлари олайган, тупроққа беланган хилқат. — Нега буларни бошлаб келдинг, ер юткур? Менда нима ўчинг бор эдики, тилаб олган қизимни, ўрганганимни, ҳаётимни бахш этганимни ота-онасига топиб бердинг?

— Мени аллақачон ер ютган, — жавоб берди Раҳим. — Аммо ўлмадим, опа... Сизга бировларни қон йиғлатмайдиган бахт тилайман... Уни топиш мумкин... Мени кечиринг...

Эри бағри хун хотинини қучиб, бошини силаркан, Раҳимга деди:

— Жўна бу ердан! Ақлинг элникидан устун бўлгани билан ҳаммага бирдек яхшилик қилолмайсан!

Раҳим нимадир демоқчи эди, тили айланмади. У кўчага судралиб чиқди. Машинага ўтириб, кўзларини юмди. Сурайё ва эри Маржонани қучиб, қувончдан қийқирардилар. Шўрлик қизча эса нима воқеа содир бўлганига тушунолмай кўрққанидан йиғларди.

Машина олға отилди. Дурадгор эшикни очиб, Маржонанинг кўлидаги кўғирчоқни кўча ўртасига улоқтирди.

Кўнгил дунёси Раҳимни ўз домига тортиб кетди. Шунда олис уфқдан Шабнамнинг овози келди: "Раҳим, Раҳим, Раҳим... Мени ҳам топинг... Мени ҳам топинг... Сизни умрбод кутаман... Кутаман..."

9. МУНГЛИ ХОТИМА

Ўша куни милицияга кўнғироқ қилиб, Маржонани ўғирлаган, сотган ва сотиб олган шахслар ҳақида хабар берилди. Раҳим Боймоқ қишлоғи фуқаролар йиғини идорасига ҳам сим қоқди. Ота-онаси унинг кўнғироғини кутиб, қоровул билан гаплашиб ўтиришган экан.

— Қизча топилди, ая, — деди Раҳим. — Ҳаммаси жойида.

— Аҳволинг яхшими? Қачон келасан, болам? — онасининг хавотирли овози эшитилди.

— Яхшиман. Эртага бораман, ая...

Олти ойдан сўнг Маржонанинг топилгани хусусидаги хушxabар яшин тезлигида тарқалди. Қариндошлар дарёдек оқиб келаверишди. Кўпчилиги Маржонанинг тирик топилишидан умидини узган эди.

Қизалоқни топган оқ сочли йигит — Раҳимни шу кундан бошлаб "Оқ изқувар", баъзи жойларда "Оқ йигит" деб атаб бошлашди. Унинг ҳаётида яна бир фасл бошланган эди. Биров ўн саккиз йил аввал дом-дараксиз йўқолган отасини топишда кўмак сўраса, бошқаси ўғирланган сигиридан мужда тиланарди. Сурайё тўғри айтган экан: милиция чиндан-да тилхат ёздирди. Уларнинг ишларига аралашиш қонунан тақиқланганди. Қолаверса, жиноятчиларни ахтариш ҳамиша ҳам муваффақиятли кечмаслиги мумкин эди. Яна бир жиҳати, жиноятчилар Раҳимнинг жонига қасд қилмасликларига ҳеч ким кафолат беролмасди. Бурноғи йили мол ўғрилари оддий бир фолбинни ўласи қилиб дўппослаганидан хулоса чиқариб, Раҳимнинг ҳаёти ҳам тез кунларда аянчли якун топишини башорат қилса бўларди. Бироқ Раҳим на жиноятчиларнинг таҳдидларидан, на милицияга ёзган тилхатларидан қўрқарди. У одамлар ўйлаган авлиё ҳам эмасди. Ҳар қандай арзчи ўз бошидан кечирганларини сўзлаган он кўзларига шарпалар кўриниб, қулоқларига садо келмасди. Шоирни илҳом жўштирмаса, шеър битолмаганидек Раҳим ҳам ҳалол-пок инсонларнинг ҳикояларидан муттаассир бўлсагина атмосферага сингиб кетган излар қалқиб чиқарди.

Бир йигит бизнес ҳам таклиф этди. Раҳим бошқа ишларини

ташлаб, умрини сирли жиноятларни очишга, йўқолган одамларни топишга бағишлаши керак эмиш. Хизмат ҳақи олдиндан белгиланармиш. Катта даромад кўрилиб, этикдўзлик қилишга ҳожат қолмасмиш.

— Ҳамиша ҳам кўзимга шарпалар кўринмайди, укажон, — тушунтирди Раҳим. — Жабрдийдадан хизмат ҳақи олишим ҳақида-ку ҳечам ўйламанг. Этикдўзликка келсак, бу — фахримдир. Тарихда бир шоҳ ўз кўнглидаги кибрни ўлдириш учун бозорда бошига молнинг ичак-чавоқлари тўлдирилган саватни кўтариб юрганини эшитганмисиз?

Айримлар бир оғиз маслаҳат сўраш учун остона ҳатларди. Гоҳида оддий жумбоқларни ечолмаганлар ҳам эшик қоқарди. "Эрим хиёнат қилаяпти", дерди туман марказидан келган хотин. "Қандай билдингиз?", "Кечаси уйда бўлади, лекин кундуз одамлар бир аёл билан тез-тез бирга кўришмаяпти экан..." Эри кундуз — ҳафтада олти кун ишхонасидан деярли чиқмайди. "Эрингиз ҳар ҳафта уйингизга бировнинг нимасинидир олиб келадими?", сўрайди Раҳим. "Кўпинча эски электр ҳисоблагични ошхонага қўйиб қўяди. Шанба ёки якшанба эгаси телефон қилса, омонатини топширишга бораман, дейди". Раҳим айтади: "Электр ҳисоблагич бир баҳона. Учрашув вақтини маъшуқаси белгилаб, кўнғироқ қилади. Эрингиз уйдан чиқишга ишончли сабабни уч-тўрт кун аввал электр ҳисоблагич шаклида тайёрлаб қўяди..."

Бироқ бундай ишлар Раҳимни чарчатади. Маржонани ўғирлашда айбдор деб топилган йигит қамоқдан чиққач, онаси Раҳимга бошдан-оёқ сарпо ташлаб кетди. Юзи шувут Асрор эса этикдўзлик устахонаси олдиндан ўтмасликка уринарди. Кўча-кўйда, тўй-маъракада Раҳимни кўрса, ижирғанган каби юзини четга бурарди. Раҳим кўнглида кибр уйғонмаслик ҳаракатида яшаркан, ҳар доим Асрорга салом бериб, очиқ чехралик билан ҳол-аҳвол сўрашарди. Эшитгандики, Асрор айбсиз йигитни қаматишга урингани сабаб ишдан ҳайдалишига бир баҳя қолган. Аммо ўша воқеадан сўнг ишга янада важоҳат, янада қутуриб киришган. Ҳатто, бир неча жиноятларни фош этишни ҳам уддалаган. Халқ уни ярим ҳазил, ярим чин қилиб "Қора изкувар" дерди. Раҳимнинг ташвиш чеккани — Асрор гумондаги шахсни

тавбасига таянтирмагунча қўймасди. Холаваччасининг фаолияти хусусидаги гап-сўзлар қулогига чалинганда, Раҳим оғир ўйларга толарди. Асрор нега бунчалик шафқатсиз? Ўзини муқаррар ҳалокат сари суриб бормаяптими? Нега уйига кам келади? Шабнамни севмай қўйдими? Пирмат язнаси тўсатдан бойиб кетишининг сири нима? Хазина топганми, лотореядан ютганми, бир шўринг қурғурни қон қақшатганми?

Бир куни устахона эшиги очилиб, Шабнам кирганида, Раҳим у ҳеч қачон бахтли бўлмаганини фаҳмлади.

— Қиш яқин, — деди Шабнам, — этигимни тикиб беринг, Раҳим ака.

Қараса, эски этик.

— Сарпомдаги этикни киймайман, — Шабнам хўрсинди.

— Муаммо этикда эмас экан, демак, мен ожизман, — деди Раҳим.

— Эсингиздами, эшон ойим қорасувлик авлиё ҳақида ҳикоят айтган куни биз "терраска"да бирга эшитгандик. Ўшандаёқ кўнглим сезган, сизда авлиёлик хислати бор эди, Раҳим ака. Лекин... ҳар хил оғир касалликлардан кейин авлиё бўлишингизни ўйлаб кўрмагандим. Ўлишингизга ҳам ишонмаганман, Раҳим ака...

— Номаҳрам эркак ва аёл ўтмишни бирга эсламасликларини, сиз бошлаган мавзуда гаплашмасликларини хоҳлайман. Бегона аёлнинг кўнглига ўзимнинг хаёлимни солишга ҳаққим йўқ. Этикдўзлик устахонасида пойабзал ямалади...

— Сизга бегонаманми? — кўзларида ёш филтиллади Шабнамнинг.

Раҳим ишини қўлдан қўймай деди:

— Менинг келинимсиз, Шабнам.

— Келин? Мен-а? — Шабнам заҳарханда кулди. — Қанақа одамсиз, Раҳим ака? Биз Асрор ака билан эр-хотин эмасмиз! Никоҳ ўқилган, тўйимиз ўтган, аммо... менга қўлини ҳам теккизмаган! Теккизолмайди ҳам! Қасам ичишим мумкин...

— Шабнам, бас қилинг! — тикишдан тўхтади Раҳим.

— Бас қилмайман! — тутақди Шабнам. — Оғзимни юмиб яшашга ҳаққим йўқ! Улбўсин опа ерда ҳам, кўкда ҳам мени тинч қўймади.

Касал бўлиб ётиб қолсам ҳам бошимда ўтирди. Бунинг устига, томи кетган одамлар ўлган хотинларининг ўрнига мени сўраб, совчи кетидан совчи жўнатаверишди. Жоним ҳиқилдоғимга келди, Раҳим ака! Самарқандга қочиб ҳам қутулмадим. Кечирасизу, сизни ўлади дейишганди! Бутун қишлоқ, дўхтирлар, оқсоқоллар ҳам айтган! Омон қолишингизга бир фоиз ҳам кафолат йўқлигини гапиришганида кечаю кундуз йиғлайвериб, адо бўлганман. Тошкентга бордим. Тирик скелетга айланганингизни кўриб, даҳшатга тушдим. Ота-онам Асрор аканинг совчиларига розилик беришгач, битта шарт қўйдим...

Шабнам ҳўнираб йиғлаб юборди.

— Йиғламанг, улангизга боринг, — бир нуқтадан кўз узмай сўзлади Раҳим.

— Нега шартимни сўрамаяпсиз, Раҳим ака? — у Раҳимнинг кўлидан маҳкам тутди. — Сўранг, сўранг, деяпман!

— Шабнам, катта хато қилаяпсиз...

— Қанақа инсонсиз?! Шунчалар оёқ остида ётган тупроқ бўлдингизми? Сиздек билимли, иқтидорли, истеъдодли инсонга этикдўзликда бало борми? — Шабнам стол устидаги поёбзалларни итқитиб ташлади. — Шартим шу эдики, сиз ўлсангизгина мен Асрорга хотин бўлмоқчи эдим. Мени Асрорга сўраб келишганида, сизнинг тирик эканингизни айтганман. Барибир ўлади, умид йўқ, дейишган. То сиз тирик экансиз, Асрорнинг хотини бўлмаслигимни уқтирдим. Тўйдан кейин ҳаммасига кўнади, деб ўйлашди. Тўйни бошлаб юборишди улар! Нега дўим дунёдан шафқат кутиб яшайсиз? Асрорга тан маҳрами бўлиб, хотинига айланганимда нима бўларди?

— Бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Сиз Асрорнинг хотинисиз, мен эса...

— Биламан, сиз авлиёсиз. Фаройиб хислатларингиз бор. Лекин унутманг, сиз мени сўвардингиз, мен сизни. Асрорга хиёнат қилмаслик учун мендан севгингизни яшириб, совчи юбормай, кўзларимга ҳам араёлмай юрдингиз. У-чи? Ўлим тўшагида ётганингизда, мени сиздан сурбетларча тортиб олди. Нега шундан кейин ҳам оёқ остида тупроқ бўлаверасиз? Қачон ер юзига чиқасиз? Қачон?

— Мен ҳам бир осий бандаман. — бош чайқади Раҳим. — Асрор армияда ўлиб қолиб, ўртадаги тўсиқ йўқолишини, ота-онам сизга мажбуран уйлантиришини, мен эса гўё мажбуран уйланаётгандек сизга эга бўлишни кўнглимдан ўтказганман, Асрорнинг оиласи қишлоқда ёмонотлиқ эканидан, бизники яхши ном чиқарганидан қувонганман. Юзма-юз келганимда, ҳеч нарса бўлмагандек ҳол-аҳвол сўрашиб, бир товоқдан ош еганман.

— Ўзингизни ерга урманг, сиз ёмон йигит эмасдингиз. Ёмон деб Асрорни айтиш мумкин, анави Беги чўтирни айтиш мумкин. Уларнинг ароқхўрлигини, сўконғичлигини, йўлимни тўсиб, қишлоқ олдида шарманда қилганларини эсланг. Нега уларга жин ҳам урмади-ю сиз бу аҳволга тушдингиз?

— Эртами-кечми, ҳар бир иш учун жавоб берамиз. Бугун бир капалакни ўлдирган банданинг молига эрта-индин қирон келади. Бошқалар жазоланмаётганини қўриб, гуноҳга қўл уришни истайдиганлар бор.

— Асрор хотинга, Улбўсин холангиз келинга ёлчимамай, жазосини олди. Мен кетаман. Бу ҳеч кимга таассуб эмас.

— Жазо берувчи сиз эмассиз, Шабнам. Жазава отидан тушинг. Оилангизни бузсангиз, барибир сизга уйланмайман. Мени ўлди деб ўйланг ва Асрор билан бахтли бўлинг. Бошқа йўл йўқ.

— Бундан чиқди, хиёнатда айблаб нафратланаётган экансизда? Худо ҳаққи, ростини айтинг! Нима бўлгандаям Асрор билан яшамайман. Тириклигимдаёқ эрга тегиб кетди, деб ичингизда маломат қилаяпсизми? Мантиқан олганда, Асрорнинг хотини эмасман-ку, ахир.

— Бир курсдошим бўларди, — дея Раҳим ниҳоят Шабнамнинг кўзларига кўз тикди. — Келажакда тарихдан дарс беришим, фалон қизга уйланиб, фалон нафар фарзандим бўлишини — барчасини олдиндан билмаслигимни айтиб, "Бу — тақдир" деганди. Унинг гаплари эриш туюлган. Университетда яхши ўқирдим, тарих факультетида домла бўлишим кутилаётганди. Бу ёқда сиз Асрорга эмас, менга турмуш чиқишингиз шунчалик аниқ, муқаррар эдики, заррача ҳам шубҳа қилмасдим. Ҳатто, унаштирилдик ҳам. Кейин ўйлаб кўрсам, курсдошим ҳақ экан.

Биз энди бир оила бўлолмаймиз, Шабнам. Ҳаётга қайтганимдан васвасага тушиб, аввалги Раҳимни менинг сиймомда кўришни истаяпсиз. Мен эса сизда на бахтни, на келажакимни кўраяпман.

— Аввалги Шабнам тимсолида бахтни ҳам, келажакни ҳам кўргансиз, тўғрими?

— Буни ҳозиргина айтдим.

— Бундан чиқди, сизда тескари бўлаяпти. Шунга эътибор берсангиз-чи, Раҳим ака!

— Шабнам, сиз ҳозир оилангизга хиёнат қилаётганингизни тушунинг...

Шабнам деворга суяниб, кўзларини юмди. Киприклари илгаригидек узун ва қайрилма эмасди. Юзи ҳам касалманд кишиларникидек заҳил эди.

— Асрор билан ажрашиб, бошим оққан томонга кетаман, — деди титроқ товушда. — Юз йил авлиёлик қилсангиз ҳам изимни тополмайсиз. Шунчаки уволимга қоласиз. Ота-онам сиғдирмайди, сиз жирканасиз! Тамом, бошқа ҳеч қандай чорам йўқ мен бечоранинг.

Раҳим этикка қўл узаттанди, Шабнам тортиб олди. Шартга бурилиб чиқиб кетаётганди, деворга ёпиштирилган фотосуратга кўзи тушди. Бу ўша сурат эди: Раҳим Нодир билан ёнма-ён турибди. Эри ва қизалоқлари ёнғинда ҳалок бўлган ниқобли соқов хизматкор ҳам бир четда. Юзини рўмол билан тўсиб, мунгли нигоҳини қадаганча қотган. Ўз ғам-ташвишларига ғарқ Шабнам кўрдик, қаердадир ўзидан-да бахтсиз аёл яшайди.

— Расм онкселогияда олинганими? — Шабнам орғига қорамқордан сўради.

— Йўқ, мен билан бир палатада ётган Нодир деган йигитнинг Паркентдаги уйларига борганимизда тушганмиз. Тошкентда даволанаётганимда, шифокорлар ҳаво алмаштириб келишни тавсия қилишарди. Меҳмондўст одамлар эди улар. Ўлим тўшагида ётган, кахексияга учраб, эт ва суяги қолган йигитни меҳмон қилишди.

— Дўстингиз ҳозир ҳаётми?

— Ўшандан бери кўрмадим. Кўнглим сезади, у тирик.

— Бу аёл ким?

– У ҳақиқий бахтсизлик таъмини татиган... – Раҳим соқов хизматкорнинг аччиқ қисматини қисқача сўзлаб берган эди, Шабнам суратни силади. Негадир орқа томонини ўтириб, лаб бурди.

– У сизни ҳаётга қайтарган бўлса-чи?

– Мени ҳаётга қайтарган зот у эмас, – жавоб берди Раҳим.

– Сизнингча, хизматкор аёл паркентлик дўстингизнинг уйига яна қайтганми? Қизалоқлари яшаган жойдан умрбод кўнгил узиб кетишига ишонасизми?

– Йўқ.

– Биринчи саволимга йўқ деяпсизми?

– Иккаласига ҳам.

– Исботингиз борми?

– У “Мен яқинда кетаман ва ҳеч қачон қайтиб келмайман, қизларимни кўнглимдаги тупроқлардан излайман” деган. Гапи ёлғон эмасди. Шабнам, сиз ҳам ҳаёт йўлларида учраган одамларнинг қисматидан хулоса чиқариб, тўғри йўл танланг.

Шабнамнинг юзида сохта жилмайиш пайдо бўлди.

– Раҳим ака, – овози ҳам ишончсиз қувноқликка чулганганди, – сиз яқинда авлиё бўлмагансиз, туғма авлиёсиз.

– Сизга ёмонлик қилмаганман, менга ҳам ёмонликни раво кўрманг, Шабнам.

– Тушундим.

– Раҳмат.

Шабнам бир нафас сукут сақлагач, шивирлади:

– Хайр, Раҳим ака.

Устахонада ёлғиз қолган Раҳимнинг қўли ишга бормади. Шифохонада ётганида, “Аллақачон чолга айланганман, Шабнамнинг алвидо айтиш онлари яқин” деб ҳукм чиқарганди. Ҳаёт ўз гурзисини гоҳ оққа, гоҳ қорага бериб синаётганга ўхшарди. Ҳақиқатан, Улбўсин холаси ҳам, Асрор ҳам неча ойдирки ўлим чангалида ётган қариндошга шафқат қилмадилар. Шу тобда Раҳим бир оғиз сўз билан омонат оилани пароканда қилиб юбориши мумкинлигини ўйлаб, гуноҳ қушлари чарх ураётганидан чўчиди. Тақдир йўлларида синов давом этарди, шайтоннинг қопқонлари ҳам бисёр эди. Улбўсин холаси “Эркин муаллим билан Кенжагул осмон узилиб ерга тушса ҳам мен билан қуда бўлмасмиш” деганида балки рост айтгандир, аммо

келгусида қудачилик ришталари уланди. Ҳаётнинг феъли шунақа эди гўё. Раҳимнинг абгор ҳоли-ю Шабнамга бева эркаклардан совчи келиши уларга ҳам отни қамчилашга имкон берганди. Раҳим Шабнамга унаштирилган кезлари Асрорга "Холаваччангнинг тўйига кел, аразласанг уят бўлади", дейишганди. Чарх бир айланиб, Раҳим эмас, Асрор куёв бўлди. Улбўсин холаси Сулувхонни "Агар Шабнамни келин қилсанг, қарғайман", деб қўрқитгани-чи? Модомики, сал ўтмай тап тортмасдан ўз синглисининг бўлажак келинини тортиб олган экан, у қарғиш аслида йўқ нарса деб ҳисоблайди...

Раҳимнинг боши ғовлаб кетди. Улбўсин холаси ва оиласи шу тариқа ўзларини алдаб яшаётган эди. Уларни ботқоқдан қутқариш керак.

— Холамнинг оиласига қандай қилиб бахт улашиш мумкин?
— ўйга толди Раҳим.

Кечқурун совуқ тушди. Раҳим костюмининг олд тугмаларини қадаб, жунжикканча уйига қайтаётган эди, Улбўсин холасини кўриб қолди.

— Раҳим, бу ёққа қара, — холаси кўча четига имлади. — Бугун олдингга Шабнам бордими?

— Ассалому алайкум, хола. Ҳа, у келганди. Этигини ремонт қилишга...

— Этикни қўй! Ўзи сенда бет борми?

— Кечиринг, хола, айбим нима?

— Сенинг олдингга борди-ю уйига аразлаб кетди, чўчқадан тарқаган! Хоҳласам, сочидан судраб келаман, хоҳласам, Асрорга онаси ўпмаган қиз олиб бераман. Лекин йигит бундай бўлмайди-да, Раҳим! Нега келиним билан гаплашасан? Уят эмасми? Ахир, сени ҳамма авлиё деяпти. Авлиё бўлсанг, авлиёлитингни қил. Киши билмас қармоқ ташлаб, турмушини бузишинг катта номардлик.

— Аямнинг опасисиз, менга туғишган холасиз. Агар бегона бўлганингизда ҳам оилангизга ёмонлик қилмасдим.

— Қўй шунақа гапларингни! Биламан, биздан хафасан! Эсингда туг, Раҳим, сендан хотин тортиб олмаганмиз! Шабнамни Асрор ҳам яхши кўрарди. Уйингга бориб, "Бўлачилик хурмаги, Шабнамга сиз уйланинг" деганмиди? Асрор шундай мардлик қилганмиди, йўқми? Ҳа, қилганди. Сен унаштирилдинг.

Афсуски, касал бўлиб қолдинг, сени ўлади, дейишди. Асрор бўлмаганида, Шабнам сени кутишига ишонармидинг? Хотинидан ажраган болали эркаклар аллақачон илиб кетишарди. Шабнам менинг келиним, аянгга ҳам келин. Сенга бир нима бўлса, Шабнам Сулувхоннинг ҳам хизматини қиларди. Сен гапга ишон, менга норизо боқма!

— Уйга эртароқ бормоқчи эдим, хола...

— Майли, кетавер! Бундан кейин келинимдан нари юр, — бармоғи ила пўписа қилди Улбўсин холаси. — Уйланаман десанг, ўзим келин топаман сенга. Шу қишлоқданми, қўшни қишлоқданми, айт. Совчиликкаям ўзим бораман.

Шу пайт оқ "Жигули" ванғиллаб келиб, ғийқиллаб тўхтади. Машинадан тушган фуқаро кийимидаги Асрор онасига ўшқирди:

— Эна! Бу билан нимани валақлашиб турибсиз? Ҳозир Шабнамни кўчага чақириб, юзига битта тарсаки кўйдим. Кетиб қолгани учун эмас, кўп нарсани гапирибди Раҳимга! Ажрашаман! Тупурдим унақа хотинга! Раҳим ким унга? Нега ҳамма бу оқ сочга сиғинади, тушунмайман!

— Шу ростми? — Улбўсин холасининг қошлари чимирилди.

Ниҳоят, Раҳим жилмайди.

— Имконим йўқ нарсаларни сўраяпсиз. Сизга ҳеч нарса деёлмайман.

— Раҳим, бир оёғинг гўрда, бир оёғинг қамоқхонада эканини биласанми? — холаваччасига ўдағайлади Асрор. — Этикдўзлигингни қилиб юравер. Оиламга ҳам, милиция ишига ҳам тумшуғингни тикма! Ўзингча авлиё бўлиб қолдинг-да, а? Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганида, олти ой тўшакда ётиб, тирик қолганига шукр қиларди.

Она-бола Эркин муаллимникига, Раҳим уйига жўнади. Кечки овқатдан сўнг қўшни хотинлар ҳангомага чиқишди. Раҳим ичкари хонада китоб ўқиб ўтирарди. Кулоғига чалинди: Эркин муаллимникида кечқурун жанжал бўлибди. Бу сафар ҳам Улбўсин холаси устун келиб, Шабнамни олиб кетибди...

Раҳим хотинлар суҳбатини тингламаслик учун эшикни ёпиб, каравотга чўзилди. Шифтда хаёлот уммони мавжланди. Шабнам

Раҳим учун яшарди. Лайли-Мажнунлар, Фарҳод-Ширинлар бугунги дунёда ҳам умр кечирмоқда. Фақат эндиликда оддий турмуш бағрига фарқ бўлишган, тўфонлари кўнгилнинг қалин деворлари ортида. Шабнам аввалгидан-да суюкли, аввалгидан-да яқин эканини туйган Раҳим хўрсиниб кўйди.

— У ўз оиласи билан бахтли бўлмаса, менга қийин, — кўзини очди Раҳим.

Эртасига кўчага чиқиб, негадир Улбўсин холасининг ҳовлиси томон қаради. Хазон тутунлари сузиб юрарди. Яккам-дуккам барглари ҳилпираётган ёнғоқлар, қорайган телефон симлари, эгасиз дайдиётган эшаклар, деразасиз сариқ юк автобуси, қағиллаётган қарға — барчаси қуюқлашаётган хосиятсиз воқеаликдан дарак берарди. Раҳим сездики, бугун яна бир жиноят содир бўлади.

— Қандай жиноят? — диққатини тўплашга уринди, кучи етмади. Оддий одамлар сафида яшагани сайин ғайритабний хислатлар ҳам уни тарк этиб бораётганди.

Устахонагача ўй ўйлаб бораркан, жиноят Шабнам билан боғлиқ экани аён бўлди. Бахтсиз келинчакдан таралаётган безовта ва беун тўлқинлар ҳавони маҳзун тебрантирмоқда эди.

"Ўз жонига қасд қилармикан? — хавотирланди Раҳим. — Ё уни кимдир ўлдириб кўярмикан? Балки ҳеч ким ҳеч кимни ўлдирмас. Нега мен аниқлаёлмаяпман? Ва бу безовталиқ қаердан?.."

Ҳусан магазинчининг дўкони эшигида Пирмат чўлоқ гердайиб турган экан, Раҳимга олисдан хитоб қилди:

— Бой бова, бизнинг устахона жойидами?

— Жойида, почча, — бош силкиди Раҳим.

— Баракалла, Раҳимбой! Ишла! Мана мен, этикдўзлик қилиб кам бўлдимми! Ҳе-ҳеҳ-ҳе-е...

Раҳим Пирмат язнасига тикилиб, у қон ҳиди уфурган жиноят орқасидан бойиганини сизди. Кимни ўлдирган? Яқин-атрофда бойлиги таланиб, ўзи гумдон этилган кас ҳақида эшитмаганди, милиция ҳам жим.

Шабнамнинг қисмат китоби Раҳимнинг кўнгил дунёсида жуда секинлик билан варақланаётган эди. Раҳим фожиани олдиндан билолмаслигини тушунса-да, жон-жаҳд ила ҳаракат қиларди.

Тушга яқин Шабнам қайнопаси Камола билан қишлоқ дўхтирхонасига йўл олди. Тарих ўз саҳнасига тоғлар бағридаги қишлоқдан декорация бунёд этиб, навбатдаги трагедиясини намоёиш этмоқчи экани Раҳимга тобора равшан бўла бошлаганди. У чойнакни тўлдириш учун устахонадан чиқди. Шабнамнинг соппа-соғлигидан суюнди.

Камола гўдагини Шабнамга кўтартириб, гердайиб келарди.

— Раҳим, қандайсан? — сўрашди Камола отасига ўхшаб. — Бугун кечга яқин устахонангга кираман, сенда гап бор.

— Хўп, Камола бўла, — Раҳим Шабнамга қарамасликка тиришди.

— Эшитишимча, оилаларни бузаётган эмишсан. Менинг ҳам оиламни бузиб бер, илтимос. Поччанг жонимга тегди.

Шабнам бошини ҳам қилиб борарди, Раҳим сув тўла чойнакни тутганча холаваччасига жим қараб қолди. Шамол кучайиб, Раҳимнинг кайфияти баттар бузилди. Ҳамон кўнгли ғаш эди. Кечга яқин дашт томондаги уфқдан қора булут чиқиб келди, Боймоқни бағрига олган қирлар ҳам кўрқинчли қорайди. Раҳим шом намозини ўқигач, дераза ёнида пича турди. Шу лаҳза шамол аллақаяқдан гўдак йиғисини учириб келди. Қулоғини динг қилган эди, фарёд зумда сўнди.

— Бу кўнгил дунёси орқали келаётган йиғи! Кечиккан йиғи! — енгил сесканди Раҳим. — Жиноят содир бўлган! Бир соатлар аввал!

У кунжакка суюниб, кўзларини чирт юмди, лекин мўъжизавий иқтидор, таассуфки, иш бермади. Раҳим чопонини кийиб, ҳовлига отилди.

— Қаёққа, Раҳимжон? — ҳайронлик-ла сўради онаси.

— Нимадир юз берди, ая, аниқлаёлмаяпман! Ёмон воқеа!

Раҳим дарвоза тагида кўчанинг ҳар икки тарафига аланглади. Асрорнинг оқ "Жигули"си юқори қишлоққа шитоб-ла ўтиб кетди. Рулда Асрор, ёнида онаси, орқада Камола ўтирарди. Камоланинг кўзлари йиғидан шишиб кетганини, олд ўриндиқдагилар газабдан ўзларини қаерга қўйишни билмаётганлари Раҳимга яққол кўринди.

— Раҳимжон, ичкарига кира қол, — онаси қўлидан тортди. — Қўй ўша ташвишларингни, болам! Бизга сен кераксан!

— Шабнамга бир нима бўлган, — деди Раҳим.

— Уйга кир-да, дадангнинг ёнидан жилма, нима бўлганини ўзим аниқлаб келаман, — қатъий буйруқ берди онаси. — Шундоқ ҳам оилавий жанжалларига сени сабабчи қилишяпти.

Кўп ўтмай Сулувхон кўчадан ташвишманд қайтди.

— Ёмон иш бўлибди, дадаси, — эрининг ёнига чўкиб, шивирлади у.

Мудраётгандек кўринган Раҳим кўзини очиб, онасига умидвор термилди.

— Соғмикан?

— Камоланинг ўғилчаси бор-ку, исми Самаджон, ўшанинг мазаси йўқлигини эшитувдим. Уйдаги шароитдан нолиб, Камола дарров энасиникига ҳафта-ўн кунга келибди, бултургидай. Ўғилчасини дарров Шабнамга тутқазиб қўйибди. Бугун дўхтирхонага ҳам кўтартириб борган экан...

— Қисқароқ гапир! — Туроб тракторчи мойдан қорайган қўлини силтади. — Нима бўлибди?

— Шошманг сиз! Қисқа гапирадиган гап эмас! Камола янги битган уйга кириб, опам билан гаплашиб ўтираверибди. Бу пайтда Шабнам келинлик уйда Самаджонни ўйнатаётган экан. Қўшниси Сапура келиб: "Нега шундай совуқда келиннинг деразаси очиқ? Шабнам кун ботганда уй тозалаяптими, десам, чироғи ҳам ўчиқ, ҳайрон бўлдим", дебди. Шу заҳотиёқ эна-бола Шабнамнинг хонасига кириб, чироқни ёқишса, ҳеч ким йўқ экан. Дераза эса очиқ. Ҳаммаёқни ахтарибди. Шабнамни ҳам, Самаджонни ҳам ҳеч қаердан топишолмаётганмиш.

— Қаёқда экан? — Туроб тракторчи тутақди. — Жуда чўздинг-да, Сулув!

— Ҳеч қаердан топишолмаётган экан, деяпман-ку, дадаси! Шабнамни ўлдирамиз, деб тиш қайраб юрибди экан опамлар. Шундоқ ҳам жонларига тегиб кетганмиш. "Самарқанддаги уйи учун келин қилган", дейди анави Оқгул...

— Э, гийбатга ўтма! Бу опанг ўлмади, Боймоқ қутулмади! Нима қиламиз? Индамай қараб ўтираверамизми?

— Қизиқсиз-а, дадаси, биз нега аралашар эканмиз?

— Ая, мен... — оғиз очди Раҳим.

— Сен-ку умуман аралашмайсан, айтиб қўяй, Раҳимжон! — қўлини пахса қилди Сулувхон. — Мени десанг аралашмайсан!

— Бўпти, билганингни қил! — ўрнидан турди Туроб тракторчи.

— Шабнамда эс борми? — қизарди Сулувхон. — Касал болани қаёққа олиб қочади?! Қайнона билан келиннинг лойлари бир жойдан олинган-да! Ўша касофат қизнинг касри урганди Раҳимга. Яхшиям, худо қайтариб берди.

Раҳим миқ этмай хонаси сари юрди. Эшик Раҳимни ямламай ютди. Шу кеча бўрон гувиллади, бир хосиятсиз тун бўлди. Раҳим кўнгил дунёсига тушиб, қишлоқни хаёлан кезишга, Шабнамнинг бошига тушган кулфатни аниқлашга беҳуда уринди. Бўрон кўнгил дунёсини ҳам ағдар-тўнтар қиларди.

"Нималар қилаяпман? — деди Раҳим ўзига-ўзи. — Қачонгача Шабнамга бефарқдек яшайман? У бировнинг хотини, лекин менинг ҳолатим лоқайдлик эмасми? Шабнамни бутун қишлоқ, ҳатто ота-онаси ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйди. Шундай яшайверсак, ҳаммамиз гуноҳга ботамиз-ку!"

Раҳим оёққа қалқди. То Раҳим тирик экан, Шабнам Асрор билан бир ёстиққа бош қўймасликни шарт қилиб қўйган эди. Раҳим-чи? Ким деган одам бўлди? Бор-йўғи бир авлиёми? Йўқ, энди у авлиё ҳам эмас. Файритабий иқтидор танасини тарк эта бошлаганига амин бўлди. Кўзгуга боқди. Вожаб, оппоқ сочлари орасида қора толалар узаниб ётарди. Раҳим кўзларига ишонмай шамни яқинроқ тутди. Сочлари қорайиб, вужуди сезилар-сезилмас эт боғлаганди. Шабнамнинг гапини эслади: "Юз йил авлиёлик қилсангиз ҳам изимни тополмайсиз. Уволимга қоласиз".

— Ўз ҳолимга қайтаяпман, — кўрқиб кетди Раҳим.

Ота-онасини уйғотишга ҳадди сиғмади. Кўчага отилиб чиқди. Оддий одамга айланса, ҳақиқататан ҳам Шабнамни умрбод тополмайдигандек эди. Зулмат салтанати забт этган ўнқир-чўнқир кўчалардан Улбўсин холасиникига шошилди. Холасининг уйида мойчироқ ёниқ, одамларнинг соялари пардаларда ўйнамоқда. Раҳим ҳовлига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай турган эди, ариқ ёқалаб бир шарпа чиқиб келди.

— Кимсан? — дағдағали сўради у.

Раҳим дарҳол таниди: Асрор!

У Раҳимнинг ёқасига чанг солиб, ёруғликка судради.

— Менман, Асрор бўла, — ўзини таништирди Раҳим.

— Уф-ф... — Асрорнинг ичидан аламли олов уфурилди. — Уйимнинг атрофида нима бор сенга, Раҳим? Ҳалиям ўша хомхаёллар билан юрибсанми? — Асрор итариб юборган эди, Раҳим гандираклаб кетди-ю йиқилмади.

Шовқинни эшитиб, уйдан одамлар чиқишди. Уларнинг орасида милиция ходимлари ҳам бор эди.

— Бирор нимани билармикан, Асрор? — сўради ҳамкасби.

— Билсанг айт, Раҳим! Ўйин қилма писмиқланиб! — бақирди Асрор.

Раҳимнинг ҳеч вақодан беҳабарлиги маълум бўлгач, Асрор депсиниб, онасига деди:

— Эна, бунга айтинг, кўзимга кўринмасин! Жаҳл устида бир нима қилиб кўяман! Дайди итга ўхшаб уйимнинг атрофида айланмасин! Ўзича "Ёрдам сўрайди" деб юрибди. Кўлидан балонинг ҳам иши келмайди! Ўргилдим бунақа сеҳргардан!

Улбўсин холаси Раҳимга ҳозироқ қорасини ўчиришни буюрди. Раҳим узоқлашар экан, улар Самарқандга ҳам бориб келишгани, Шабнам билан гўдакни у ёқдаги уйдан ҳам топишолмагани хусусидаги гап-сўзлар қулоғига чалинди.

Эртасига қишлоқда Шабнам воқеаси дув-дув гап бўлди. Ҳамманинг боши қотган эди: Шабнам қайнопасининг касалманд ўғилчасини кўтариб қаёққа яширишган? Мақсади нима ўзи?

Қишлоқ қассоби этигига миҳ қоқтириш учун устахонага кириб, деди:

— Эслайсанми, Раҳим, икки-уч йил аввал устахона олдида Пирмат ака билан роса дўппослашгандим, ўғли Асрор ҳам жанжалга қўшилганди. Жуда чатоқ бу ота-бола. Пирмат ака тиржайиб, Асрор бўзрайиб туриб, тентаклиги тутиб қолади. Биласанми, асли уларнинг оиласидан бирортаси соғ эмас. Менимча, Шабнамни ўлдириб қўйган бўлишса керак. Ўзинг "илоҳий детектив"сан. Аниқла-да бундоқ, Раҳимбой!

— Кўлимдан ҳеч нарса келмаяпти, ака. Сизнингча, нега улар Шабнамни ўлдиришган?

— Касал болага қараёлмаган, бола Шабнамнинг дастидан ўлиб-

пўлиб қолган, кейин улар жаҳл устида Шабнамни уриб ўлдиришган. Шубҳа уйғотмаслик учун иккаласини ҳам бирор ерга кўмиб, биргаликда йўқолди, дейишяпти. Ўзинг ўйла, Шабнам билан икки ёшли болакай ўз-ўзидан қандай ғойиб бўлиб қолади? На гувоҳ бор, на из. Шабнамга нима зарил касал болани олиб қочиб? Ана сенга иш! Бир кириш, ука!

Раҳим бир неча кун ўйлади, кўнгил дунёси ўз эшикларини очмади, Шабнамнинг қисмати мавҳумлигича қолди. Қорасувлик Сурайёнинг қизчасини топишидаги мўъжиза сири, назарида, онаизорнинг Раҳимга ишонч билдириши, ундан ёрдам кутиши эди. Улбўсин холасининг оиласи эса Раҳим билан гаплашиш у ёқда турсин, уйига ҳам яқин йўлатмаётганди.

Асрор туман ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлимида ишлагани учун одамлар Шабнам ва болакайнинг ғойиб бўлиши тез орада ўз ечимини топади, деб ишонишган эди. Асрор ҳар доимгидек бир неча кишини қамоққа олдириди. Бироқ эндиликда жиноятни кимнингдир бўйнига қўйиб, "иш"ни ёпишдан маъни йўқ эди унга. Жияни Самаджон билан хотини Шабнам керак эди, қуруқ ҳисобот эмас.

Ниҳоят, гувоҳлар топилди. Биринчиси — ўша куни Шабнам бағрига боланими, тугунчакними босиб қир ёқалаб дашт томон кетаётганини кўрган бўлса, иккинчиси туман марказидаги дорихона олдида Камоланинг ўғилчасини кўтариб турган аёлга кўзи тушган. Ўртада одам кўп бўлган. Аёл терс ўгирилиб тургани учун юзини кўролмаган. Камолага ўхшаш паст бўйли, озгин экан, Шабнамга заррача ўхшамаган. Самаджон унинг елкасига бош қўйиб, ёшли кўзлари ила атрофга жавдираб қараган. Кейин аёл болани бағрига босган кўйи сариқ таксига ўтирган-да, жўнаб қолган.

Камола кеча-ю кундуз йиғлаб, Асрордан фарзандини топиб беришни сўрарди. "Мелисада ишлайсан, ҳаммаси ўз қўлингдан-ку", деб нолаю фиғон кўтарарди. Вақт ўтган сайин ёш она фарзанди ҳажрида эсдан оғаёзди. Эркин муаллим билан Кенжагул ҳам ер ютгандек йўқолган Шабнамнинг дардида бормаган жойлари қолмади. Қассоб айтган тахмин оғизма-оғиз юриб, секин-аста кўпчиликни ишонтириб қўйди. Эркин муаллим

қудалари устидан милицияга арз қилгач, Улбўсин хонадонида текширув ўтказилди, аммо қотиллик аломатларини топишолмади.

— Бунақа қайнотага тупурдим, қизига ҳам! — деб бўкирди Асрор жанжалларнинг биридан кейин Эркин муаллимнинг орқасидан. — Мен одам ўлдираманми? Органда ишлаб-а?! Ўз хотинимни?... Ҳа-я, Шабнам менинг хотиним эмасди! У анави оқ арвоҳнинг жазмани! Тирик скелетга мактаб пайтидаёқ ошиқ эди! Мен ўзимга бошқасини топдим! Ҳурмат қиладиганини, эр ўрнида кўрадиганини! Агар ҳозир уйланиб олсам, мияси айниган муаллим яна устимдан ёзади!

Эркин муаллим хонадонига мотам чўккан эди.

— Шабнам топилган кундан бошлаб, бу қишлоқда бир кун ҳам яшамаймиз, кўчиб кетамиз, — деди Эркин муаллим хотинига.

Қиш ўтди. Шабнамдан ҳам, Самаджондан ҳам дарак чиқмади. Фақат март ойига келибгина Қашқадарё вилояти чегарасидаги қишлоқларнинг бирида яшовчи аёлнинг ўғилчасининг эғнидаги чопонча Самаджонники экани аниқланди. Чопонча астарига ота томондан бувиси "Самаджон" деган ёзувни кашта қилиб тиккан экан. "Бирознинг чопончасини совға қилибди", деб бир қуда иккинчисини ғийбат қилган. Алалоқибат ўртада кичик чопонча дастидан катта жанжал чиққан. Ўша томонлардаги туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимида ишлайдиган йигитнинг хотини чопонча воқеасини эрига кулиб-кулиб сўзлаб берган. Табиийки, Самаджон йўқолган куни эғнида қандай кийимлар бўлгани ҳақида маълумот тарқатилганди. Аёл бу чопончани самарқандлик қариндошиникига меҳмонга борганида, совға қилишганини айтди. Асрор ва тезкор гуруҳдан икки киши Самарқандга қанот боғлаб учишди. Бироқ қариндош чопончани эски бозордан бир татар хотиндан сотиб олганини айтди. Татар хотинни топишнинг иложи бўлмай қидирув яна боши берк кўчага кириб қолди.

Қиш бўйи Раҳимнинг сочлари анча қорайди, танасига эт иниб, бурунги Раҳимга ўхшай бошлади. Шогирд бола ҳунарини қўлидан олгач, этикдўзлик устахонасига фақат тушгача борарди. Куннинг иккинчи яримида ўқишга тайёрланар, ер остида кутиб ётган

ҳақиқатларни кашф этишни — археолог олим бўлишни кўнглига туккан эди. Бундан ташқари, ким ҳашарга айтса, йўқ демасди. Метрода Абдурахмон табиб айтганидек, тош ағдарувчиларга ҳам кўмаклашди, баланд қояга чиқиб, кўксини баҳор елларига тутиб, кулочини кенг ёйди. У оламини, олам уни ҳис этди.

Рўзгорга ҳам барака кирди. Пирмат чўлоқ божаси Туроб тракторчини "Боймоққа битта "Беларусь", тўртга қўй, битта сигир билан келган ва атиги бир дона ҳам кўчати йўқ эди" деб таърифлаганди. Туроб тракторчи боғ яратиб, кейинчалик ўғлининг хасталиги туфайли бор-будидан айрилган эса-да, эндиликда яна фаровон ҳаёт сари юз бурди. Сигирларининг сағрисига тухум қўйса думалаб тушмайдиган даражада семирди, челақлаб сут берарди улар. Кўчқор-қўйлари ҳам семизликдан зўрға юришарди. Эрта баҳорда янги ер очтириб, олма кўчатлари эктирди. Кўчатлар дарров наф олди, боғ қуюқлашиб, Туроб тракторчи яна элнинг оғзига тушди.

Улбўсин ҳамон синглисиникига қадам босмасди. Қизи Камола ва куёви уришавериб, ахйри ажрашдилар. Кўрпа-тўшак, сандиқ-шкафларни юк машинасида Улбўсинникига тоғдек уюб ташлаб кетишди. Раҳимнинг юраги ачишиб, бир куни ҳол-аҳвол сўраган эди, Камола:

— Илтимос, менга гапирма! — деди. — Сени кўрсам, жиним кўзийди.

— Нега, Камола бўла? — сўради Раҳим.

— Қорасувлик бир аёл сенга ёпишиб олганида, ўзингча боласини топиб бергандинг. Мени ҳам ялинади, деб юрибсан, тўғрими?

— Менда ундай хаёл умуман...

— Билиб қўй, сен ҳеч қандай авлиё эмассан! Шунчаки нимадандир хабаринг бўлгани учун одамларни Қорасувда лақиллатдинг. Агар... — шундай дея Камоланинг газабнок кўзларида беихтиёр ёш ғилтиллади. — ...агар илоҳий куч-қудратинг бўлса, менинг Самаджонимни топиб берардинг! Нега топмаяпсан? Чунки авлиё эмассан! Шабнамдан айирган, тўйимни бузган, деб бизни ёмон кўрасан. Бўлмайдиган ишга ялинтирмоқчисан.

- Авлиё эмаслигим рост.
- Олдимда мўлтирама! Жўна!
- Кўнглим орқали мўъжизага эришганман, Камола бўла, жаҳл қилавермасдан менга ёрдам берсангиз.
- Қанақа ёрдам, тентакмисан?!
- Дардингизни юрагимга етиб борадиган қилиб айтинг, газабланаверманг, самимий бўлинг, шунда кўнглингиз...
- Юрагингга етиб борадиган қилиб? – тутақди Камола. – Сенга жаҳл қилиш ҳам мумкин эмасми ҳали? Вой тавба! Кимсан? А? Кимсан ўзи? Отангинг бойлигига ишониб бизни менсимайдиган бир олифта эдинг! Энди-чи? Яримжон этикдўз!
- Унақа гапларни кўйинг, бўла. Фолчиларга ҳам чопавермай Самаджонни Яратгандан сўранг.
- Ақл ўргатма! Қорасувлик қизчани сен топишинг мумкинлигини ҳам фолчилар айтган! Ўзингча алжирайсан менга!
- Хўш, фолчига борган экансиз, нима деди?
- Болам қоронғи жойда мени кутаётган экан, билдинг.
- Бу гапни тўғри ҳам деб бўлмайди, нотўғри ҳам. Фол – шунчаки мос тушаверадиган тахмин, холос. Қорасувлик аёл ҳам фолга боргани учун эмас, менга ёрдам бергани сабаб қизчасини топди.
- Сенга? Нега бунча ўзингни лаълига солиб, кўз-кўз қиласан? Озроқ камтар бўл!
- У тоза қалб билан истади...
- Қисқаси, мақсадингни айт! Ҳаммамиз ялинишимиз учун келдингми?
- Холамнинг қизисиз, ҳол-аҳвол сўрашга ҳақлиман. Қолаверса, кўнгил ойнасини бекитиб кўйган ғуборларни тозаласангиз, мўъжиза юз бериб, Шабнам билан Самаджоннинг қаёққа кетгани менга маълум бўлиши мумкинлигини ҳам сизга айтмоқчи эдим.
- Камола бармоғини чаккасига нуқиб:
- Жинни, – деди оғзидан туфук сачратиб, – кўнглинг кир, демоқчимисан?
- Салтанат холаваччаси уларнинг гап-сўзларини тинглаётган эди, секин яқинлашди.
- Қандайсан, Раҳим? Сулув холам яхшими? Юр бу ёққа, сенда гапим бор. Камола, сен уйга кириб, дамнингни ол.

— Тошкентда даволанавериб томи кетиб қолган, — тўнгиллади Камола орқаларидан.

Салтанат ялинчоқ оҳангда деди:

— Сенинг гапларингга ишонаман, Раҳим. Илтимос, Камоланинг боласини топиб бер. Шабнам уни қаёққа олиб қочган? Нега ҳеч ким тополмаяпти, ҳеч кимнинг ақли етмаяпти, бўла.

— Қўлимдан келса, илтимоссиз ҳам топиб берардим, — деди Раҳим.

— Кўнглингга етадиган дард билан ялинса, топиб берасанми?

— Гап ялинишда эмас, кўнглим менга бўйсунмай қўйди. Шабнам ҳам, Самаджон ҳам қаерда эканини сезмаяпман. Одамлар бир-бирига меҳр билан ёрдамлашса, мушкулотларни биргаликда енгишини Камола бўламга тушунтиролмадим. Нега мени бунчалик ёмон кўради?

— Хафа бўлма, ҳозир у аламзада. Битта сени эмас, бизни ҳам кўргани кўзи йўқ.

— Менга ёрдам бермоқчимисиз?

— Ҳа, эртага устахонангга борамиз, менда бир фикр туғилди.

Улар хайрлашаётганида, Раҳимнинг ёдига бир нарса тушгандек тўхтади-да, билагидаги соатни ечди.

— Салтанат бўла, — деди соатни узатиб, — манг, Сардорга бериб қўйинг. Эсингизда бўлса, бир вақтлар "Сўнги кўнғироқ"қа тақади, деб сўрагандингиз. Ўшанда қизганим учун кечиринг.

— Э, қўйсанг-чи, Раҳимжон, ўзинг тақавер.

— Мен вақтни соатсиз ҳам аниқлай оладиган бўлганман. Бу соат энди ортиқча безак. Илтимос, олинг.

Чошгоҳ пайти устахона йўлагига бурилган аёлларни кўрган Раҳим туфли тикишдан тўхтади. Келгувчилар Салтанат ва Кенжагул эди.

— Айланай, Раҳимжон, — йиғлаб юборди Кенжагул, — сизни хафа қилиб қўйдик! Касал бўлганингиздан кейин тўйингизни қайтариб, Шабнамни Асрорга узатдик. Бу — бизнинг номардлигимиз. Кечиринг, Раҳимжон! Шабнамни топишда ёрдам беринг, ўтиниб сўрайман! Салтанат сизнинг Камола билан гаплашганингизни айтди, айланай. Қорасувлик қизча кўнглингизга тушганида, осонгина топганингиздан хабардормиз.

Касалдан соғайиб, илоҳий кучларингиз йўқолди, деб юривдик. Лекин кўнглингизнинг эшигини очиш фақат ўзингизга эмас, бошқаларга ҳам боғлиқлигини эшитиб, менда ҳам Салтанатдагидек умид пайдо бўлди. Фарзанддан айрилиш она учун қанчалик азоб эканини тушунасиз. Мен учун... куйиб кулга айланган она учун кўнглингиздан бир ахтариб кўринг. Қизим ҳаётми? Шу ёруғ дунёгинада юрибдими? Жон, укажоним... Қизимни топишда ёрдамлашинг...

Раҳимнинг ҳеч қандай хусумати йўқ эди бу аёлга.

— Сиз "укажон" деб кўз ёш тўкаяпсиз, — деди Раҳим пешбандини ечиб, қўлларини артаркан. — Мен эса сизни "онажон" дейман...

Раҳимнинг тилидан "Онажон" деган сўз учган он ҳаво ғалати тўлқинланди. Илиқ эпкинни, ҳатто, Кенжагул ва Салтанат ҳам сездилар. Шу пайт Раҳимнинг кўнгли эшигини Шабнам тақиллатди. Шўрлик келинчак юпун, афтодаҳол, касалманд эди, Самаджон ҳеч қаерда кўринмасди...

Аммо бу бир лаҳза давом этди. Раҳимнинг ғалати ўзгариш олганидан Кенжагул чексиз умидланиб, ёшли кўзларида умид шуълаланиб, сўради:

— Нима бўлди, Раҳимжон? Кўраяпсизми уни?

— Шабнам ўзининг борлигини билдирди.

— Қизим тирикми ишқилиб, Раҳимжон?

— Ҳа, тирик, лекин қаерда... қайси томонда... қандай аҳволда, билолмаяпман...

— Бизнинг Самаджон-чи? — ҳовлиқиб сўради Салтанат.

— У ҳақда ҳеч нарса... — афсус-ла бош чайқади Раҳим. — ...ҳозирча йўқ.

Салтанат яна бир нарсани ўйлаб қолди-да, лабини қимтиганча лўкиллаб кўчага чопди.

— Сиз ҳам кетаверинг, Шабнамдан дарак сезсам, уйингизга хабар бераман, — деди Раҳим бошини чангаллаб. — Ёрдамингиз керак бўлса, айтаман... Менга ҳозир ёлғизлик керак...

Кенжагул бўсағага етгач, тўхтаб, ортига қарамасдан сўзлади:

— Сизнинг ҳар бир ютуғингиз учун Асрор Шабнамга қандай зугум ўтказганидан хабарингиз борми?

— Бехабарман...

– Асрорнинг районда иккинчи хотини борлигидан-чи?

Раҳим бошини сарак-сарак қиларкан, бекатда жабрдийда аёл Асрорни қандай қарғганини эслади: "Қўшганинг билан кўшмозор бўл!" Ўшанда Раҳим Шабнам ҳам эри билан бирга қарғиш олди, деб ўйлаган эди.

– Биз ҳам Улбўсин опанинг аврашларига учиб, айбни қизимиздан ахтараверибмиз, – кўз ёшларини артди Кенжагул.
– Айбни ўзимиздан... излашимиз керак экан...

Раҳим ёлғиз қолгач, Пирмат чўлоқнинг эски стулига ҳорғин ўтирди-да, кўзларини юмиб, кўнгил уйига кирди. Қоронғиликда бир оз юрганди, тирқишдан тушаётган шуъла кўзини қамаштирди. Бадани жимирлаб, юраги гупиллаб урди. "Эшикни очаману Шабнамни кўраман", дея хаёлидан ўтказди.

Тўсатдан у бийдек даладан чиқиб қолди. Уфққа чўзилган асфальт йўлда машина кўринди. Бир қараса, қоронғилик чўкиб, машина ағдарилиб ётибди. Раҳим қон исини туйди. "Ҳой, ким бор?" – югурди у. Биров қонга беланганча оҳ тортарди. Овози таниш эди. Аммо Шабнам эмасди, Самаджон ҳам. Бир пайт ярадор эркакнинг ёнида каттакон бўри ўралаша бошлади. "Нари кет!" – бақирди Раҳим тезроқ югуриб. Қўлига илинган калтакни боши узра кўтарди. Калтак андавага айланиб қолди. Шунда бўри ялт этиб қаради. У бўри эмас, Пирмат чўлоқ эди.

– Сиз?! – кўзларига ишонмади Раҳим.

Ташқарида гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Устахонага кимлардир яқинлашиб келарди. Раҳим ўрnidан турди, лекин мувозанатини сақлаёлмай деворга суяниб қолди. Эшик шиддатла очилиб, Улбўсин холаси, Камола ва Салтанат кириб келишди.

– Раҳим, яхшимисан? – дағдаға аралаш сўрашди Улбўсин холаси. – Кенжагул кетдими? Нима дединг унга?

– Шабнамдан хабар келди, – Раҳимнинг ўрнига жавоб берди Салтанат.

– Шундайми?

– ...

– Нима бало, ҳолинг йўқми? Рангинг бунча оқариб кетди? Ташқарига чиқасанми? – сабри чидамай саволларни қалаштирди Улбўсин холаси.

Раҳим унга эмас, Камолага тикилди. Холаваччасининг кўзлари филт-филт ёшга тўлганди. Кўзлари тубида қалбнинг шафағи жилолангандек бўлди.

Раҳимнинг қулоғи чиппа битди. Улбўсин холаси оғзи тинмай алланималарни сўзлар, Салтанат холаваччаси онасининг енгидан тортар, кўз ёшларини тиёлмаётган Камола жавдираганча қараб турарди.

Шу пайт Шабнамдан садо келди: "Раҳим ака... Раҳим ака..."

Атрофдагиларни унутиб, устахона остонасини ҳатлаган эди ҳамки, овоз яқиндан, гўёки қулоқлари остида такрорланди: "Раҳим ака, мен..."

— Шабнам шу атрофда... узоқда эмас... — шивирлади Раҳим.

Йўлакдан гандираклаганча ўтиб, кўчага чиққанди, юз қадамлар наридаги ёнғоқ тагида мужда кутиб ўтирган Кенжагул ҳам унга қараб ҳилвираб келаверди. Раҳим атрофга аланглади, кўзлари ҳеч кимни кўрмади. Шунда сездики, Шабнам устахонада. Бутун вужуди оҳанрабодек орқага, устахонага тортаётгани ҳам бежиз эмас. Овоз учинчи марта, бу гал ҳақиқатан ҳам устахона томондан эшитилди: "Бу мен... бу мен... менман, Раҳим ака..."

— Нима бўлди? Тилингни ютиб қўйдингми? — шанғиллади Улбўсин холаси. — Гапир!

— Шабнам қизим... Шабнам қизим... — қадамини илдамлатди Кенжагул.

— 'Бир сония жим бўлсаларингиз-чи! — ёлворди Раҳим. — Шабнам устахонада... Овоз устахонадан келаяпти... Бирорта ҳам изи йуқ... Қийналаяпман топишга...

Ҳамма бараварига устахонага юз бурдилар.

— Астағфурулло, қанақасига?

— Эс-ҳушинг жойидами?

— Самаджон-чи?

Раҳим устахонага кириб таққа тўхтади. Шабнам игна эмаски, бир неча ойдан бери ашқол-дашқол ичида ётса.

— У полнинг тагида, — асбоб-ускуналарга ташланди Раҳим.

Бир ўчи айри болға билан эски тахтанинг миҳларини ғижирлатиб суғурди. Сулувхон дўконга кирган эди. Ўғли ғалати ҳолда кўчага югуриб чиқиб, яна устахонага қайтиб кирганини,

атрофида Улбўсин опаси ва қизлари ўралашаётганини кўриб, ҳаллослаганча етиб келди-да, ҳаммани четга суриб, Раҳимни кучоқлаб олди.

— Жон болам, нега полни бузаяпсан? Нима бўлди сенга? — Сулувхон теграсидагиларга қичқирди: — Йўқол ҳамманг! Тинч кўйинглар боламни!

— Шабнамни устахонаминг ертўласига кўмишган, — тўхтамади Раҳим. — Устахонанинг калити яна кимда бор эди?.. Пирмат язнамда!.. Ҳа, Пирмат язнамда!..

Раҳим унга тахтани кўпориб, пол тагига тушди-да, гугурт чақди. Устахона қурилгандан бери ёруғлик кўрмаган кулранг тупроқ устидаги чириган ёғоч бўлақларини ўргимчак тўри қоплаганди. Раҳим ҳансираганча ўнгу сўлга, кейин орқасига бурилди, яна бир чўпни ёқди. Одам изи кўринмасди. Миясида оғриқ уйғонди.

“Шарманда бўлдим, — йиғлаб юбораёзди у. — Савдойига ўхшаб нега ўз-ўзидан устахона полини буздим? Мен соғ эмасман...”

— Чиқаринглар бу ёққа! — деди Улбўсин холаси. — Язнаси ҳақида нималар деб сандиради?

Сулувхон ўғлини суяб олганди. Раҳим гап-сўзларга қулоқ солмай бошини ҳам қилган кўйи ташқарилади. Ахир, Шабнамнинг овозини эшитди-ку. Кўнгли ҳам устахонага тортди. Наҳотки, авлиёлик йўқолиб, кўнгли алдаётган бўлса?

— Қаерда хато қилдим? — йўлакка тиз чўкди Раҳим.

— Уйга кетайлик, жон болам, — Сулувхон йиғлашга тушди. — Юра қол мени кўрқитмай...

— Топаман, ая... — Раҳим саждага бош кўйгандек энгашиб ерни ҳидлади. — Фақат битта жойда хато қиляпман...

Раҳимни жойидан турғизмоқчи бўлишганида, кўчадан деразасиз сариқ юк автобус ўта бошлади. Шабнам ва Самаджон йўқолган куни ҳам бу автобус келган эди.

— Кўйворинглар! — қаддини кўтарди Раҳим. — Шабнам ертўлада эмас, у... у устахонадаги фотосуратда!.. Фотосурат орқасида дўстимнинг манзили ёзилган! Дўстимнинг уйида юзи ниқоб билан тўсилган соқов хизматкор хотин яшайди. Хизматкор хотиннинг қизалоқлари ҳалок бўлган. Мусибатдан хотин тилдан қолган. Тушунаяпсизларми, Шабнам қаерда?

Раҳим бақир-чақир қилаётганлар орасини ёриб ўтди-да, устахона деворига қадалган фотосурат орқасидаги ёзувни кўрсатди.

— Ая, Шабнам Паркентда, — деди у онасига. — Сурат бежиз тилга кирмади. Шабнам шу сурат орқали мени чақирди. Нарсаларнинг овозларига кулоқ солмаган киши бирор натижага эришолмайди, аввал ҳам айтганман-ку, аяжон! Қорасувлик Маржона деган қизчанинг кўзмунчоғи, ўғри аёлнинг бўш челақлари, шеригининг ғажилган сигарети — бари менга йўл кўрсатган эди. — Улбўсин холасига жилмайди. — Энди ишондингизми, холажон?

Бошқа пайт Улбўсин холаси ва оиласи Раҳимнинг устидан кулган бўларди. Ҳозир ҳаммалари суратга чанг солиб, орқасидаги манзилни ҳижжалаб ўқий бошлашди: "Тошкент вилояти Паркент тумани... Нодир..."

— Эҳ-ҳе, Паркент бу ердан минг километр-ку! — деб юборди содда Салтанат.

— Минг километр бўлса-чи?! — бобиллаб берди Улбўсин.

— Самаджон аниқ ўша ёқдамикан? — йиғламсиради Камола.

— Нега ўғлим ҳақида гапирмаяпсан, Раҳим?

— Ўша ёқдамикан, а? — тажанг тортди Улбўсин Раҳимга ташвишманд тикилиб.

— Аниқлаяпмиз, хола... — Раҳимнинг юзидан қувонч аримасди.

Кенжагул теграсидагиларни туртиб-суриб Раҳимга талпинди.

— Шабнам Паркентда экани аниқми, жон болам? Унинг овозини эшитдингми? Аниқ-тиниқ эшитдингми?

— Сурат... сурат унинг тилидан гапирди... Худо хоҳласа, бугун учрашасиз...

— Майли, уларни топиб бер-да, шулардан қутул! — асаблари таранг тортилган Сулувхон жеркинганнамо қўл силтади. — Кейин бу ишингни ташлайсан, Раҳим! Жўшқинга кўчиб кетамизми, бошқа ергами, йўқолган, ўлган, тирилган — бирортасининг иши билан шуғулланмайсан! Устахонани ҳам ташлайсан! СамДУдаги ўқишингни давом эттириб, домла бўлиб ишга қоласан! Яқинлашмайсан бу ерларга! Қайтса-шуйтсин! Яхши кунингда эш, ёмон кунингда миннат! Зарилми сенга?!

— Менга машина керак, — ҳаяжонланарди Раҳим.

— Паркентга боришгами? Ўзимиз топамиз! — деди Улбўсин холаси. — Ишқилиб, Самаджон ҳам Шабнам билан биргами, Раҳимжон? Нега индамайсан?

— Бўлмаса, қаёқда бўлади?! — қичқириб юборди Камола. — Кўнглимни тинчлантириш ўрнига баттар гулгула соласизлар-а, эна-а!..

— Ҳозирча бир нима деёлмайман, — бошини оҳиста тебратди Раҳим. — Ҳаракат қилаяпман, Камола бўла, ўғлингиздан ҳам садо келиб қолар...

— Самаджон Шабнам билан бирга бўлмай қаерда ҳам бўларди! — Улбўсин холаси қизини юпатди. — Ҳадеб кўзингнинг мойини оқизаверма! Боланг уйдан қочиб кетмаган. Уни кўтариб олиб кетган. Ким олиб кетади? Шабнам! Шунга ҳам ақлинг етмайдими? Шабнам топилса, ўғлинг билан бирга топилади-да.

Раҳим ташқарига чиққанида, кўча охирида турган сариқ автобус яна шубҳа уйғотди. Болакайнинг овози эшитилгандек туюлди, аммо худди бошқалардаги каби бу шунчаки оддий кўнгил сезиш эди.

Милиция ва прокуратура ходимлари, айниқса, Асрорнинг шахсан ўзи автобус эгасини неча кунлаб тергаганди. Ҳайдовчи савдогарларга хизмат қиладиган ювош бир одам эди. Савдогарлар қишлоқлар оралаб олма, узум, майиз, ёнғоқ йиғиб Самарқанд, Жиззах, Тошкент бозорларига сотардилар.

— Асрорни чақириб кел! — буюрди Улбўсин Салтанатга. — Раҳим биз билан кетади. Кенжагуллар ўзлари машина изласин.

— У киши ҳам бирга бориши керак, — деди Раҳим.

— Э-э, қизи топилмоқчи-ю битта машинага қийналадими? — Улбўсин холаси дағал оҳангда рад этди.

Кенжагул ҳозир қудаси билан ади-бади айтишадиган аҳволда эмасди. Уйдан кўра мактаб яқин эди. Эрининг ҳузурига ўқдек учди.

Ҳаял ўтмай Асрор "Жигули"сини ванғиллатиб келди-да, майда тошчаларни сачратиб тормозлади. Раҳимнинг кўлидан суратни олиб, беписандлик-ла кўз ташлади.

— Самаджоннинг расми бутун мамлакат бўйича тарқатилган,

— деди у атрофдагиларга. — Четдан келиб, битта ёш бола билан шунча вақтдан бери Паркентда яшаб юрган Шабнамни милиция эътибордан четда қолдириши мумкинмас. Бўлимга бориб, Паркентга телефон қиламан, ўша далаҳовлини милиция текширади. Аҳмоқ бўлиб шунча узоқ йўлга бориш шартми?

— Телефон қил! Тўғри айтасан! — чапак чалди Улбўсин. — Бу ёғини Асрорга кўйиб берамиз.

— Кутиб туринглар, — машинаси сари юрди Асрор. — Бир соатларда келаман. Келмасам, демак, мен ишда қолган бўламан, Шабнам йўқ, ҳаммаси Раҳимнинг навбатдаги алаҳсираши бўлиб чиқади.

— Кутолмайман, — йиғлади Камола.

— Хўп, хўп, "сельсовет"га кўнғироқ қиламан, — деди Асрор.

Абдуманноп директорнинг "Волга"си тўхтаб, Кенжагул ва Эркин муаллим ҳовлиққанча тушдилар. Асрорнинг қарорини Улбўсиндан эшитган заҳоти Кенжагул лаб-лунжи титраб, деди:

— Тўхта, ҳов Асрор! Хоҳлаганингча телефон қил! Лекин биз кутмаймиз... Раҳимжон, манзилни беринг, мен бир секунд ҳам қараб турмайман.

— Ўтириб-ўтириб, осмондан олиб айтган тахмин бу, ахир! — Асрорнинг оғзи бир томонга қийшайиб, кўзларида ғазаб ўти йилтиллади. — Сизларни билмадиму менинг томим кетмаган! Раҳимнинг хаёлига Тошкентда бирга даволанган паркентлик палатадоши келиб қолади-ю мен ҳам сизларга кўшилиб лўкиллаб чопаманми? Шабнам у ёқдами, йўқми, ҳатто тахмин ҳам соғлом тахмин эмас.

— Сенга ҳеч ким лўкиллаб чоп демаяпти, — Кенжагул ҳам қаҳрини сочди. — Етар қизимнинг шунча қийналгани! Райондан топганинг билан кўша қари!

Улбўсин жим қараб турармиди. Дарров бақир-чақир кўпди. Пирмат чўлоқ қандайдир маъракадан оқсоқланганча чиқиб, уларга яқинлашди. Воқеа тафсилотларини эшитгач, кекириб олди-да, "Асрор ишхонасидан телефон қилаверсин, Кенжагуллар Паркентга кетаверсин, ҳар кимнинг қизиқиши бўлак", деб маслаҳат солган бўлди.

— Божанинг ўгли авлиё, ҳе-ҳе-ҳе... — тишини кавлади у. — Мен ҳам Паркентга бир айланиб келай, дейману узоқ йўлга бўлмайман-да. Айниқса, ўтган йили трассада кечаси қолиб кетганимдан бери...

Пирмат чўлоққа бошқалар эътибор беришмади, аммо Раҳим тикилиб, боягина хаёлида жонланган автоҳалокатни, ҳайдовчининг атрофида айланаётган бўрини, сўнгра у тўсатдан Пирмат язнасига айланиб қолганини эслади. "Нега бундай лавҳани кўрдим? — ўйлади Раҳим. — Пирмат язнам катта йўлдаги автоҳалокат жойида нега кўзимга кўринди? Шабнам билан Самаджоннинг йўқолишига боғлиқми, йўқми?"

Сариқ автобус тутун пуркаб дўкон томон ўрлади. Раҳим ҳаёт чорраҳаларида учраётган далиллар кесишаётганини сезди, қандай далиллар эканини аниқлаёлмай, боши ғувиллади.

Автобус дўкон олдида тўхтагач, Ҳусан магазинчи савдогарлар билан гаплаша бошлади. Пирмат чўлоқ қўлларини орқага қилиб, уларга ғўдайиб яқинлашди ва савдо бобида ақл ўргатди:

— Россияга ёнғоқ олиб бориш керак. Ёнғоқларимиз мазали. Бир ўргатиб олсанглар, ўзлари буюртма берадиган бўлади.

— Бова, ёнғоқни Эрон яхши тортади, деб эшитганман, — эътироз билдирди савдогарларнинг ёшроғи.

Шунда хаёлот дунёсидаги ғилдираклар ишга тушиб, арқон ўралган катта ғалтак ғижирлаб айланди. Ғалтакнинг арқони учига челак боғланган эди. Челак қоронғи уй ўртасидаги чуқур қудуққа тушди. Туби бир вақтлар зиндон бўлганди. Раҳимнинг вужуди оғир хасталиклардан азоб чеккан кезлари руҳи шу зиндонда илм излаб, мўъжизага эришганди.

Ғалтак орқага айланди. Челак юқорига кўтарила бошлади. Раҳимнинг ишончи комил бўлдики, Пирмат язнасининг бирдан бойиб кетишининг сабаби бир касофат иш. Асрорга қараган эди, юз-кўзида безовталиқ сезилди. Демак, Асрор ҳам отасининг жиноятидан хабардор. Отасидан манфаатдорлиги учун миқ этмайди. Ишга кирди, уйланди, машина олди. Аммо-лекин қилмиш олдида жавобгарлик ҳали-ҳанузгача бирор инсонни четлаб ўтмаган, минг йил олдин ҳам шундай эди, минг йилдан кейин ҳам қонун ўзгармайди.

— Машинага чиқамиз, Асрор бўламнинг ишхонасига борамиз, — деди Раҳим. — Паркентдан келадиган қўнғироқ жавобини ўша ерда кутамиз.

Икки машина туман ички ишлар бўлимига жўнади. Роппароса бир соат кутишди. Ниҳоят, Асрор кутгувчиларга норози қиёфада яқинлашди.

— Паркентдаги йигитлар мен айтган манзилга боришди, — деди у. — Далаҳовли сотилиб кетган экан. Далаҳовлини олган одам давлат мулкани ейишда айбланиб, қамалибди. Камомадни тўлаш учун суд далаҳовлини мусодара қилишга қарор қилибди. Ҳозир у ер сотувга қўйилган...

— Барака топгур, далаҳовлингни қўй! — зор қақшади Кенжагул. — Қизим қаерда экан?

Асрор истехзо билан:

— Қизингиз йўқ экан, — деди. — Паркентдан топилмаганига ҳам мен айбдорманми? Ҳув ана, авлиёдан сўранг! Паркентни худди шу авлиё тушида башорат қилган! Мен аниқ далиллар билан иш кўрадиган ходимман! Бирдан оддий бир расм эсига тушиб қолиб, кашфиёт қилгандек дод-вой солмайман!

— Самаджон ҳам йўқ эканми? — изиллаб йиғлади Камола.

— Опа-а, — тутақди Асрор, — кимларга кунингиз қолиб, ишониб юрибсиз? Жиянчам қанақасига Паркентда бўлади? Эс-ҳушингиз жойидами? Паркентда бўлган тақдирда, милициядан қанча вақт ҳам яшириниб юришарди? Қайси пулга, кимникида яшарди? Раҳимни пеш қилиб, унинг касал танишидан бошпана сўраса, бераверармиди? Ким боқади бегона аёл билан бегона болани? Нега бунча лақмасизлар? Жияним топилишини мен хоҳламайманми?! Дуч келган аҳмоқона йўллар билан изламайлик, илтимос!

Раҳим "Волга" эшигини очиб, ерга оёқ тираб ўтирарди. Асрорга қарамади ҳам.

Бироқ гапирмаса бўлмасди.

— Менга айтинг-чи, Асрор бўла... — деди у касалликка чалинмасдан олдинги даврдагидек ўктам товушда.

Асрор сезилар-сезилмас сесканиб, Раҳимга ўтирилди. Раҳим бошини кўтармади.

— Нима?.. — гудранди Асрор.

— Далаҳовлида ҳозир қоровул бормикан? Мусодара қилинган ва сотувга қўйилган мулкни то янги эгаси чиққунча кимдир қўриқлаши керак. Буни милиция ходими сифатида яхши биласиз.

— Бир гунг хотин яшаётган экан. Раҳмдил одамлар ачинарли ўтмишини билгани учун яшаб туришга рухсат беришибди.

— Далаҳовли сотилмасдан аввал кетиб, кейин қайтиб келибдими?

— Ҳа, шунақароқ.

— Қачон қайтиб келибди?

— Қаёқдан билай.

— У ерда гунг хотин эмас, икки қизидан, эридан бир кунда айрилиб, тилдан қолган аёл яшарди. Қулоғи яхши эшитарди. Юзи оловда куйгани учун рўмолдан ҳижоб тутиб юрарди. Далаҳовли ўрнида унинг жонажон уйи бўлган. У ўз уйининг тупроғини ҳидлаш, қизларини эслаш учун далаҳовлида хизматкорлик қилишга ҳам рози онаизор эди.

— Нима фарқи бор менга? — бир қовоғи учди Асрорнинг. — Шабнам ҳам, жияним ҳам йўқ у ерда.

— Тўғри, жиянингиз у ерда йўқ, — Раҳим машинадан тушиб, Кенжагул ва Эркин муаллимни манзират қилди: — Кетдик, Шабнам Паркентда.

— Нега ўғлим йўқ? Топиб бер! Топасан! — Камоланинг кўзларига яна шаддодлик қайтди. — Тўхта! Тўхта, Раҳим!

— Шабнамдан сўраймиз, хоҳласангиз биз билан юринг, — деди Раҳим босиқлик билан.

Икки машина яна йўлга тушди. Биринчи машинада тинчлик ҳукм сурарди. Иккинчисида эса Асрор сўкинар, Камола қичқирар, Улбўсин гоҳ ўғлига, гоҳ қизига бақирар, Шабнамга ҳам ғойибона қарғиш йўлларди.

— Қизим Паркентдаги далаҳовлида эканига нега бунчалик ишонаяпсиз? — сўради Жиззах довонида Кенжагул.

— Хизматкор аёл гапиролмагани учун фикрини қоғозга туширарди, — деди Раҳим. — "Мен яқинда кетаман ва ҳеч қачон қайтиб келмайман. Қизларимни кўнглимдаги тупроқлардан излайман" деб ёзганди. Бу ҳақда Шабнамга ҳам айтганман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Далаҳовлига қайтиб борган соқов хизматкор аслида Шабнам. Ўшандаёқ хизматкор аёлнинг кўзларига қараб, қатъий қарор қилганини, ҳаёт фалсафасини тушунганини англаганман. Шабнам чарчади, у ўзини ўлдиргандан кўра шу йўлни танлади. Ғойиб бўлиб қолиш учун унга йўл чиқди. Хизматкор хотин қиёфасида далаҳовлига бориб, эшикни тақиллатади.

— Улар уйга индамай киргизаверадиларми?

— Ҳа. Авваллари ҳам ота-онаси олиб кетган, бир неча марта қайтиб келган. Атрофдагилар уни яхши танишади, фожиали қисмати эл оғзида дoston бўлган. Далаҳовлининг янги эгалари ҳам раҳм қилиб, ичкарига қўйишган. Шу тариқа Шабнам соқов хизматкор қиёфасида яшаб юрибди. Бўй-баста, юриш-туриши, ҳатто кўзлари ҳам ўша аёлга ўхшайди.

— Унда Камоланинг боласи қаерда?

— Болақайни топишимга, — Раҳим орқадаги машинага ишора қилди, — Камола бўлам ҳам, Улбўсин холам ҳам, Асрор ҳам халақит бераяпти.

— Сизнингча, Шабнам қайнопасининг касал боласини ўғирлаганми, Раҳимжон?

— Йўқ, — деди Раҳим, — боланинг тақдири бошқача кечган. Унинг йўқолишида қишлоққа келадиган сариқ юк автобуси билан боғлиқ воқеани сезаяпман. Супуриб, тозаланган қандайдир омборхонани ҳам.

Машина пастак довонга етганида, Раҳим машинани тўхтатишни буюрди.

— Тепаликка чиқиб, Жиззахни томоша қилгим келаяпти, — деди у.

— Ҳой, нега тўхтадинглар? — Асрорнинг машинасидан бошини чиқариб шанғиллади Улбўсин холаси. — Юрмайсанларми?

Абдуманноп директор Раҳимнинг тоза ҳаводаҥ баҳраманд бўлишни хоҳлаётганини айтган эди, Камола қичқирди:

— Шундай пайтда тоза ҳавода нима бор, Раҳим?! Бир марта ишим тушганда, нархингни бунча оширдинг?

— Илтимос... — шивирлади Раҳим ортига қарамасдан. — Бир дақиқа тинч қўйинглр...

У олисда кўринган қорани кузатаётгандек диққатини жамлади.

— Кетдик, манзилни биламиз-ку, — газни босди Асрор.

Раҳим қир устида ўйга толганча беш-ўн дақиқа ўтиргач, "Волга"га қайтди.

— Жиззах шаҳри чеккасида ёки атрофида... — ўз-ўзига гапирди у.

— Начора... Кетамиз...

— Нима экан у? — орқа ўриндиққа ўтирилди Эркин муаллим.

— Бола.

— Қанақа бола?

— Самаджон шекилли.

— Раҳимжон, — дея муаллим олов олди, — онасининг кўнгли сезмадими, қаҳру ғазабига ўзи қоврилиб жўнавордимми, сизга осон эмас. Шунақа қобилиятингиз борлигини била туриб бунча ҳовлиқади-я! Э, садқаи она кетсин!

Узоқ йўл босишди. Гоҳ Абдуманноп директорнинг "Волгаси", гоҳ Асрорнинг "Жигулиси" ўзиб кетарди.

Паркентдаги далаҳовлига етганларида, Раҳим кўчада турган бир одамдан сўради:

— Нодир билан онкологияда бирга даволангандим. Дўстим ҳаёт эканини кўнглим сезаяпти. Адашмадимми, ака?

— Нодир соғайиб кетган, — жилмайди кўшниси.

— Паркент марказидаги эски уйларига кўчиб кетишдимми?

— Ҳа, шунақа. Ўғлини худо қайтариб берди, лекин дадасининг иши чаппа айланди. Ҳозир ота касбига қайтиб, устачилик қилиб юришибди.

— Паркентдами?

— Йўқ, Жиззахда. Ҳақиқий устага олисдан ҳам талабгор чиқавераркан.

Улбўсин холаси, Камола ва Асрор далаҳовли эшигини гурсиллатиб уришган эди, эшик очилиб кетди. Эркин муаллим ва Кенжагул ҳам "Волга"дан тушиб, шошилдилар. Раҳим ҳовлига кирганида, юзини рўмол билан тўсган хизматкор хотин ёқасини гижимлаганча айвон устунига суяниб беҳол турарди. У дам

дағдаға қилаётган Улбўсинга, дам қучоқ очиб келаётган Кенжагулга қараркан, қаёққа қочишни билмаётган оху каби иложсиз эди.

— Шабнам!.. Болажоним!.. — Кенжагул уни қучгач, Улбўсин ва оиласи бир зум тахтадек қотди-қолди. Наҳотки, шу ўралган-чирмалган алламбало хотин унинг қизи?!

Рўмол сирғалиб тушиб, ҳамманинг кўз ўнгида ҳақиқатан ҳам Шабнам пайдо бўлди.

— Ўҳ! Раҳим! Сен ютдинг! — чапак чалиб юборди Абдуманноп директор. — Тан бердим, ука! Қойил!

— Самаджон қани, ифлос?! — Камола Шабнамга чанг солаётган эди, Раҳим билагидан тутди.

— Тўхтанг, — деди у, — ўғлингиз бу ерда йўқ, Камола бўла. Шабнам ўғирламаган.

Ранги қоғоздек оқарган Шабнам:

— Самаджонми? — деди қалтираб. — Унга нима қилди?

Шабнамнинг айтишича, ўша куни Самаджонни аллалаб ухлатгач, деразадан чиқиб, дашт йўлидан туман марказигача пиёда кетган. Зинҳор-базинҳор совуқда деразани очиқ қолдирмаган. Ўйлаганки, кечки овқатга чақириш учун кимдир киради ва ёлғиз ётган болакайни кўради.

Вокзалда тунагач, тонг-саҳардаги поездда Жиззахгача келган. У ердан автобусда Тошкентга жўнаган. Сўраб-суриштириб Паркентга, далаҳовлига етган. Йўлда хизматкор хотиндек кийинишни унутмаган. Далаҳовлининг янги эгалари аввал-бошда қабул қилишмаган. Шабнам эшик олдида мунғайиб ўтиравергач, қўни-қўшниларнинг аралашуви билан ичкарига қўйишган. Шу вақтгача далаҳовлида яшаб келган.

— У ҳолда менинг болам қаерда? — чинқирди Камола.

— Болангни шунча яхши кўрар экансан, касалга чалингандан онангникига чошиб келиб, келинингга бериб қўйгунча ўзинг қарасанг бўлмасмиди? — койиди Абдунманноп директор. — Бу нима аҳвол? Кўрмаяпсанми, Шабнам ўғирламаган. Ҳатто йўқолганидан шу бугунгача хабари ҳам йўқ экан.

Тўполон бошланди. Мусодара қилинган далаҳовлидаги

жанжал устига участка нозири етиб келди. Асрор ўзи ҳам милиция ходими бўлгани учун гап тегишидан кўрқди шекилли, онаси ва опасини машинасига ўтиргизиб жўнаб қолди.

Нодир ишлаётган қурилиш манзилни олган Раҳим Абдуманноп директорга деди:

– Мени Жиззахга ташлаб ўтасиз, дўстимда гапим бор.

То Жиззахга етгунларича Шабнам бир оғиз гапирмай бошини ҳам қилганча келди. Раҳим машинадан тушаётиб Шабнамга кўз ташлади.

– Деразани ёпаётганингизда қайси томонингизда супурги кўрдингиз? Эслаёласизми?

– Супурги?.. – Шабнам эшитилар-эшитилмас шивирлади. – Чапда... йўлимда... девор тагида...

– Деворга суяб қўйилганмиди, ерда ётганмиди?

– Қўшнининг омборхонаси деворига суяб қўйилганди.

– Раҳмат, – кулимсиради Раҳим. – Жиззахда меҳмон бўлиб қолиб, эртага қишлоққа қайтаман. Аямга айтиб қўйингизлар, хавотир олмасин.

– Бугун қолишингиз шартми, айланай болам? – деди Кенжагул. – Сулувхон опадан балога қоламан-да.

– Буниси охирги ишим, – жавоб берди Раҳим. – Аям айтганидек, энди изқуварлик билан шуғулланмайман. Ўқишимни давом эттираман.

Довондаёқ Раҳимни Жиззахга тортган куч дўсти Нодирми, болакай Самаджонми ё бутунлай бошқа кучми, ўзи ҳам анигини билмасди. Ишни охирига етказмаганинигина тўла-тўқис англарди. Шаҳар марказини кесиб ўтди. Боши оққан томонга кетаётгандек юрди, юраверди. Икки чети ҳовлилардан иборат кўчаларда узоқ тентиради. Шаҳарни ҳам ортда қолдириб, бир маҳаллада тўхтади. Шифер қоқилмаган, том ёғочлари қовурғалардек саналиб ётган уй эшигида тўхтади. Паркентда шу манзилни сўраган бўлса-да, қоғозга бир марта ҳам қарамади.

Уй эгаси чиқди.

– Келинг, меҳмон

— Паркентлик усталар билан кўришмоқчиман, ака, — деди Раҳим.

Чорпояда чой ичаётган усталар баравар ўгирилишди.

— Раҳим! — жойидан сакраб турди Нодир. — Ўзингизмисиз, ошна?

Бу кеча дийдор кечаси бўлди. Ҳар ким ўз бошидан ўтганларни сўзлаб берди. Анча дардлашганларидан кейин Нодирнинг дадаси Пўлат уста деди:

— Қаршига иш билан бораман, деганим эсингиздами, Раҳимжон? Сал кам бир қоп пул, гаров ҳужжатлари билан қайтаётиб, трассада ҳалокатга учрадим. Қонга бўялиб ётганимда, бир оқсоқ одам келгани эсимда. Ёши эллик-олтмишларда. Ичиб олган эди. Кўзимни очсам, пул ҳам, ҳужжатлар ҳам йўқ. Ишимнинг расвоси чиқди. Талончи ҳеч бўлмаса тилхатларни ҳам ташлаб кетмабди. Пуллар орасидан ҳужжатлар чиққач, ашёвий далил қолмасин деб ўт кўйиб юборган бўлса керак. Бора-бора ўша далаҳовлини, сиз меҳмон бўлган ажойиб масканни сотишга мажбур бўлдим. Ўтган ойлар даражасида валлакат валий даражасига етган экансиз, сизга бир илтимос, пуллариму, гаров қоғозларимни ўғирлаб, хонавайрон қилган қароқчи ким эканини аниқлаб бероласизми?

— Албатта, — деди Раҳим, — сизнинг хузурингизга келаётиб аниқлаб кўйганман.

— Йўғ-е! — кўзлари ола-кула бўлди Пўлат устанинг. — Қанақасига?!

— Касби этикдўз, — Раҳимнинг юзидан нур ёғила бошлади. — Менга бегона эмас, язнам бўлади, яъни холамнинг турмуш ўртоғи. Исми Пирмат.

— Ростданми?

— Рост, — бош қимирлатди Раҳим. — Тез орада милиция тергов бошлайди, ҳақиқат қонунан қарор топади. Судда сиз голиб чиқасиз. Кўрган зарарингиз қопланади, Пўлат ака.

— Мўъжиза юз бердимиз, а?! — дея Пўлат уста Раҳимни кучоқлади.

Эртага уларни катта ишлар кутиб турарди. Усталар яхши ниятлар билан ухлагани ётишди.

— Мен ҳам мўъжиза кўрсатайми? — деди Нодир Раҳимга яқинроқ сурилиб. — Сиз сўзлаб берган Самаджон деган икки яшар болакайнинг қисмати аён.

— Сиз ҳам авлиё экансиз-да? — ҳазиллашди Раҳим.

— Аслида сиз ҳам, мен ҳам авлиё эмасмиз, — пичирлади Нодир. — Авлиёликкача кўп бор. Масалан, сиз ақлингиз ва интуициянгизни етарлича ишга сола оласиз. Ютуғингиз шу. Мен эса йўқолган болакай масаласида гувоҳман.

— Узр, мен ҳазил деб ўйлабман, дўстим.

Нодир кўшни ҳовлига кўрсаткич бармоғини ўқталди.

— Анави уйдагиларнинг гапларини беихтиёр эшитиб қолдим. Узоқ тоғ қишлоғида бир жувон яшаркан. На боласига, на эрига меҳрибон экан. Гўдаги ўз онасининг қўлида жуда қийналибди. Кўшни йигит жувонни жинидан ортиқ ёмон кўраркан. У Жиззахда ишлаган кезлари мана шу уйдаги эр-хотин бефарзандлигидан хабардор экан. Бир куни йигитнинг отаси қишлоқдаги олмаларини сотиб, бўшаган омборхонани тозалашни буюрибди. Йигит омборхонани супураётиб, дарчадан кўшни келинни кўриб қолибди. Келин тугунчагини бағрига босиб, деразадан ошиб, қаёққадир жўнабди. Ўша жувон қочоқ келинини ҳам ҳеч тинч қўймас экан. Йигит: "Келининг ҳам сендан қочиб қутулди, мен эса болангдан айириб, кўзингни мошдек очаман", дебди. Ёлғиз қолган болани ўғирлаб чиқибдида, қандайдир юк автобусида биқиниб, туман марказига келибди. Туман марказида Жиззахлик шу оиланинг яқини бўлмиш бир аёл яшаркан. Унга болани топшириб, ўзи зудлик билан қишлоққа қайтибди. "Бола менинг севгилимники, агар Жиззахдаги қариндошингизга олиб бориб бермасангиз, ё меҳрибонлик уйига топшириб юборади, ё кимнингдир уйи эшиги тагига ташлаб қочади", деб алдабди. Эртасига иккиси болани Жиззахга келтирибди.

— Бундан чиқди, Самаджон ҳозир қўшни уйдаи? — деди Раҳим. — Агар Камола бўлам менга озроқ ёрдам берганида эди, Шабнамни эмас, Самаджонни биринчи топар эканман-да?

— Тўғри Паркентга, бизникига ўтиб кетиб яхши қилгансиз, — бош чайқади Нодир.

— Нима учун?

— Эр-хотин гўдак қидирувда эканини билиб қолишди. Бунинг устига хотини, ниҳоят, иккиқат бўлди. Бир куни Паркентдан қайтаётганимда, масжид ёнида юзи чўтир аёл учраб, менга салом берди. У ўзимизнинг соқов хизматкор хотин бўлиб чиқди. Меҳрибонлик уйдан бола ололмаётганини гапириб қолди. Мен унга Самаджонни элтиб бердим. Қўшни уйдаги эр-хотинни зўрға бўлса-да, кўндирдим.

— Нега ундай қилдингиз? Бола ўйинчоқ эмас-ку қўлдан қўлга ўтадиган? Сир очилса, жиной жавобгарликка тортиласиз, дўстим.

— Раҳим, гап-сўзингизга қараганда, холангизнинг қизи фарзанднинг ҳам, оиланинг ҳам, одамзотнинг ҳам қадрига етмайдиган аёл. Сизнинг ҳикоянгизни эшитиб, қилган ишимдан пушаймон эмаслигимни яна бир марта ҳис этдим. Яхшиям, уларни тўғри бу ерга бошлаб келмабсиз.

— Ахир...

— Бир марта авлиёлик қилманг, — ялинди Нодир. — Ҳаётга қайтиб, Самаджонга овуниб қолган бир бечора аёлни иккинчи марта бахтсизликка учратманг, ўтиниб сўрайман сиздан.

Раҳим Жиззахдан ярими оқ, ярими қора кўнгил билан қайтди. "Нима қилсам экан?" — боши қотарди унинг. Эртага Пирмат язнаси қўлга олинади, Асрор ҳам терговга чақирилади, Камоланинг ўғли топилади, бир катта ғавғо-тўполон кўтарилади. Раҳимнинг қўлидан келгани — кимгадир ёмонлик, кимгадир яхшилик бўлиб чиқаркан-да? Отаси қамалиб, бор-будидан айрилгач, Камола раҳмат айтармикан? Хизматкор хотин-чи?

Аммо...

Аммо Раҳим қишлоқда жаноза устидан чиқди. Жиззахдан ўтгач, Асрорнинг машинаси автоҳалокатга учраб, Камола ҳаётдан кўз юмган эди. Асрорнинг қўл-оёғи синган, фақат Улбўсин холасигагина жин ҳам урмаган эди.

Шу-шу Раҳим Самаджоннинг тақдирини ҳаммадан сир сақлашга қарор қилди. Кўп ўтмай суд Пирмат чўлоқни қамоққа ҳукм этди. Зарар эса мол-мулкидан ундириладиган бўлди.

Эркин муаллим уйини сотувга қўйиб, Боймоқдан кўчиб кетишга қарор қилганида, Сулувхон:

— Сен Шабнамга ҳеч қачон уйланмайсан, — деб шарт қўйди Раҳимга. — Тамом, уни унут! Яқинда кўчиб кетади, умрбод қутуламиз шу қиздан!

Афсуски, воқеалар Сулувхон айтгандек бўлмади. Кунларнинг бирида Раҳимни Тошкентга чақиришди. Шифокорлар кўригидан ўтгач, Абдурахмон табиб вафот этганини айтишди.

— Сиз унинг ишини такрорламасликка, ҳеч қандай бузғунчилик қилмасликка тилхат беринг, — деди формали ходим.

— Пешонамга бошқа қисмат ёзилган, — кулимсиради Раҳим. — Абдурахмон аканинг чарм ғилофидаги чизмалар ҳақида ҳам сўрамаяпман-ку.

Раҳим ҳақидаги миш-мишлар Россиядаги бир жиноят жумбоғини ечолмаётган кишининг ҳам қулоғига етган эди. Боймоққа келиб тушунтирдик, Россияда етти йилдан бери ҳеч ким ечолмаётган сирли воқеа кўпчиликнинг бошини қотириб келмоқда.

— Буниси сўнгги ишим, ваъда бераман, ая, — деди Раҳим кетар чоғида.

Айтишларича, Раҳим амалдорнинг саройидаги жумбоқнинг битта тугунини ечган. Иккинчи тугун Хитойда эканини аниқлаган. Шундай қилиб, Пекин сари ҳавога кўтарилган самолёт ўрмонга қулаб, Раҳимдан ҳатто қабр ҳам қолмаган.

— Сирли йигит эди, раҳматли, — дейишди Боймоқ аҳли. — Сирли ўлим топди.

Мусибатдан адойи тамом бўлаёзган Туроб тракторчи ва Сулувхонга Шабнам қиз бўлиб қолди. Бошида Сулувхон Шабнамни қувиб солди, ҳатто тарсаки туширди ҳам. Эркин муаллим қишлоқдан кўчиб кетгач, қўшниларикида ётиб юрган қизга ахийри юраги ачишди шекилли, жой берди.

Эндиликда Туроб тракторчи ва Сулувхоннинг битта-ю битта қизи бор эди.

10. ТҮЙ

Хулласи калом, чекка вилоятдаги тоғлар орасидаги Боймоқ қишлоғига тўйга бориб, Раҳим ва Шабнам тарихини эшитиб, мутаассир бўлдим, ярим кечагача кўзимга уйқу илинмади. Тонг отиб, Сайдулланинг ҳовлисида тантанали суннат тўйга тадориг бошланганида, бизни уйғотишди. Тошкентдан келган меҳмонларга алоҳида хонада дастурхон тузаб, эрталабги нонушта тортилди.

– Қоринни тўқлангизлар, меҳмонлар, – деди Сайдулланинг тоғаси. – Ҳадемай стол-стул тайёр бўлади, артистлар ҳам келади. Бизда ўн йилдан бери тўйлар кундуз ўтказилади. Шуниси маъқул-да. Тошкентда-чи?

– Кечқурун, ресторанда, – жавоб берди Аҳрор.

– Сайдуллага айтаяпман, – яхна гўшти чайнади тоға, – ўқишнинг кечи йўқ. Раҳим раҳматли бир куни "сельсовет" олдида ўқишни бошидан бошлаш кераклигини маслаҳат берганди. Ёш бўлса ҳам ниҳоятда ақлли бола эди-да ўзиям.

– "Оқ ва қора изқувар тарихи"дан кўра "Оқ ва қора одамлар тарихи" десак тўғри бўларкан, – дедим мен.

– Ҳозир Асрорнинг сочлари оппоқ оқариб кетган, – чой хўплади тоға. – Бугун тўйга келади, кўрасиз. Қўлтиқтаёқда юради. Отасининг этикдўзлик устахонасини ишлатади.

– Этикдўзми?

– Ҳа, ота қамоқда, она бекорчи, оилани кимдир боқиши керак-ку.

– Асрор аками? – суҳбатга қўшилди Сайдулла. – Ёмон ноинсоф уста. Қимматфуруш, бунинг устига яхши тиколмайди. Раҳим ака ишлаган пайтлар муаммо йўқ эди.

Боймоқ чоллари ва кампирлари тўйга 10:00 дан бошлаб келаркан.

– Шароп, қўлга сув ол, – хитоб қилди тоға. Сўнг бошқаларга ҳам иш буюра бошлади: – Сочиқни тез-тез қуритиб туринглар. Қурга чойни вақтида етказинглар. Лағмонни еб бўлгандан косаларни йиғиштириб, салат қўйинглар. Ҳов салатчи, туздан

қўшма, суви чиқиб кетади!.. Ҳамма тайёр-а?.. Бола-чақа қозоннинг бошида чувиллашмасин! Тўрттасига битта товоқдан ош солиб беринглар, ҳанови толнинг тагида, сояда есин! Аммо лекин биттасининг ҳам товоғи қолиб кетмасин! Тепалашиб, йиғлаб юрган болани кўрсам, қулоғини кесиб оламан!

— Кўп бидилламанг! — деди кимдир тоғага. — Ўзи бугун кураш бўладими, йўқми, шундан гапиринг!

— Курашсиз суннат тўй ҳам тўйми? — керилди тоға. — Енглар, ичинглар, курашинглар, аммо жанжал қилманглар! Тўйни номардлар бузади, оғайнилар!

Тушдан сўнг тўй янада авж олди. Бир пайт одамлар ўринларидан туриб, қирдан пастга бўй чўзиб қарай бошлашди.

— Раҳим қайтиб келибди, биродарлар! — бақирди кимдир. — Тирик экан! Ҳозир ота-онаси билан дийдорлашиб, бу ёққа — тўйга келаяпти!

— Россия самолёти қуламаганмикан? — сўрашди одамлар бири-биридан.

— Раҳим самолётда эмас экан, — деган овозлар эшитилди. — Хитойдаги жинойтчиларни чалғитиш учун кема билан боришга тўғри келибди. Кема ҳам анча сарсон бўлганга ўхшайди. Ёки бунинг бошқа сабаби бўлса керак. Ўзидан сўрайсизлар-да, мен қаёқдан билай!..

Кеча эшитганим Раҳим ва Шабнам қиссаси таъсиридан бир сония ҳам қутулолмаётгандим. Раҳим ҳамма билан кучоқлашиб кўришгунча тўй тугаши муқаррар эди. Оқсоқол Раҳимни тўйга олиб киришни, ош беришни, сўнгра навбат билан кўришишни буюрди.

Ош ейилгач, кураш тушиладиган жойга бордик. Тумонат одам ичра Раҳимни учратиш айтишгагина осон эди. Бир пайт даврабоши эълон қилди:

— Дунёнинг нариги чеккасидан тирик қайтган Раҳим майдонга тушмоқчи, талабгор борми?

Ўртага чиққан йигит қоп-қора сочли, келишган йигит Раҳим эди. Кўзларида ғалати шуъла йилт этгандек туюлди менга.

— Мен чиқаман, — деди хириллоқ овоз.

— Ия, Асрор-ку! Чўлоқ бўлса ҳам гап билакда!.. Енгиб ташлайди!.. — деди ёнимдаги хунук бир кимса.

— Раҳим соғайиб кетганига қара, Беги! — туртди уни дўппили киши. — Улфатингнинг елкаси ер искайдиган замон келди!

Асрор деганлари юзи офтобда қорайган, чандиқли, бир оёғи оқсоқ, сочлари оқарган, билаги бақувват йигит экан. Раҳим унга рўпара келиб, бир нафас кўз узмай турди.

— А-а-а!.. — бўкирганча ташланди Асрор.

Бироқ Раҳим унинг белидан тутиб, "Ё Оллоҳ!" деди-ю гиламга отиб урди. Халойиқнинг қийқириғи тоғу тошни ларзага келтирди. Мукофот зар чопон эди.

— Совғани меҳмонга беринглар, — деди Раҳим тўсатдан тумонот одам ичидан нигоҳлари ила мени топаркан. — У киши сизлар ҳақингизда китоб ёзади.

Раҳим менга шундай тикилдими, кўзларида яна шуъла йилтиллади. У ҳамма фикримни уққан ва шу асар ёзилишини олдиндан билган эди.

МУНДАРИЖА

1. Никоҳ кечаси воқеасидан сўнг.....	3
2. Шабнамнинг келиши	17
3. Қиз талашган қариндошлар	27
4. Тақдир ҳукми	60
5. Тўй ва аза	80
6. Қорасувдаги сирли жиноят	96
7. Шабнамнинг тўйи.....	128
8. Авлиёнинг қайтиши	154
9. Мунгли хотима.....	183
10. Тўй	220

Азамат ҚОРЖОВОВ

ЕР ОСТИДАГИ АВЛИЁ

(қисса)

Масъул муҳаррир: Ўктамой Холдорова
Муҳаррир: Нурбек Қидиралиев
Тех. муҳар.: Наргиза Қодирова
Дизайнер: Расул Ташматов
Оператор: Нигора Муҳитдинова

Теришга берилди 20.08.2014. Босишга рухсат этилди
10.10.2014. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ
гарнитураси. Шартли босма табағи 14,0.
Нашр босма табағи 14,0. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 47

Нашриёт лицензияси: II №193. 10.05.2011
«Katalak» нашриётида нашрга тайёрланди.
100069. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон Ота кўчаси, 28а-уй.



ISBN 978-9943-4371-9-7



9 789943 437197

KAMALAK